

# ЁШЛУКЗ '96





**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ  
ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!**

Муассислар:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот"  
жамғармаси

Бош муҳаррир:

Собир ЎНАР

Бош муҳаррир муовинлари:

Ғаффор ҲОТАМОВ  
Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Масъул котиб:  
Турсун Бой МУҲАММАД

Таҳрир хайъати:  
Одил ЁҚУБОВ  
Абдул Ғани ЖУМА  
Абдусайд КЎЧИМОВ  
Акбарали МАМАСОЛИЕВ  
Тўхтамурад РУСТАМ  
Алишер ТЕШАБОВЕВ  
Вафо ФАЙЗУЛЛО  
Йўлдош ЭШБЕК  
Муқимжон ҚИРҒИЗБОВЕВ  
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Жамоатчилик кенгаши раиси:  
Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:  
Ҳамрокул АСҚАР  
Муҳаммад ИСМОИЛ  
Жамол КАМОЛ  
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ  
Низомиддин МАҲМУДОВ  
Тўра МИРЗО  
Камол НОРҚОБИЛОВ  
Аҳмад ОТАБОВЕВ  
Бегижон РАҲМОНОВ  
Йўлдош СУЛАЙМОН  
Аҳмад УСМОНОВ  
ШУКРУЛЛО

Ёшларнинг адабий-ижтимоий жўрнали  
1982 йилдан чиқа бошлаган

Ушбу сон "Ёшлик" жўрнали таҳририяти-  
нинг компьютер марказида саҳифаланди.

Саҳифаловчи:  
Саодат ТўЛАГАНОВА

© "Ёшлик" № 3 (150) 1996 й.

Муқоваларда: 1- б е т . Аҳмад ИКРОМЖОНОВ.  
"НИГОҲ" ("Эзгуликнинг ойдин  
йўли" мақоласига қаранг).  
4- б е т . Хонанда Тошпўлат  
МАТКАРИМОВ.  
(Абдул Ғани ЖУМА фотоси)

**МУНДАРИЖА:**

НАСР

Шукур ХОЛМИРЗА. Динозавр. Роман. Давоми.	36
Назар ЭШОНҚУЛ. Лаззат юртида қолган юррак. Ҳикоялар.	17
Сурайё ЗОҲИР. Абртоғ вужуди. Кичик ҳикоялар	14

САҲНА

Абдулла ОРИПОВ. Соҳибқирон. Драма.	3
------------------------------------	---

НАЗМ

Жуманияз ЖАББОРОВ	16
Одил ҲОТАМОВ	23
Ислом ҲАМРО	54

НАФИС МАЖЛИСЛАР

Моҳиғул ЎКТАМ қизи	55
Гулчеҳра ШАҲОБИДДИН қизи	55

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Ғайрат МАЖИДОВ	29
----------------	----

ОЛИС-ЯҚИН ОВОЗЛАР

Содиқ АБДУСАЛОМ	35
-----------------	----

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

Ал-ҒАЗЗОЛИЙ. Дақойиқ ул-ахбор.	60
--------------------------------	----

САҲЪАТ

Норсаид ОЙДИНОВ. Эзгуликнинг ойдин йўли	56
---	----

ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ҲАЗИНАСИДАН

Поль ВЕРЛЕН. Ҳеч қачон, ҳеч кимга, вафо қилмас ёр	27
--	----

ТАРИХНИНГ ЎҚИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ

Мажид ҲАСАНИЙ. Қози қалон ким эди?	58
------------------------------------	----

КЎНГИЛ ДАФТАРИ

Бахтиёр ИСАБЕК. Бир Сўз келди...	25
----------------------------------	----

ҚАЛЬ МАНЗАРЛАРИ

Султонмурод ОЛИМ, Эргаш ОЧИЛ. Шеър ҳам - илм	30
---	----

ИҲЧАМ ТАДКИКОТ

Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ. Олбир ШЕРОШЕВИЧ - Алл Эр Тўнгаевич...	62
--	----

ҒАРОЙИБ ДУНЁ

Наркобизнесчилар учун янги жазо қуроли	63
--	----

Манзилимиз: 700017, Тошкент, Жавоҳарлаъл Перу, 1-уй  
Телефон: 33-40-83. 36-27-52

Босишга 7.05.96 й.да руҳсат берилди. Қоғоз формати 60x84 1/8  
Шартли босма тобоғи 10,2. Наприйёт ҳисоб тобоғи 10,0  
Буюртма 246

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди деб  
изоҳланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" наприйёт-матбаа концернининг  
босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.





Абдулла  
ОРИПОВ



# СОҲИБҚИРОН



Беш пардали шеърӣ драма



## ҚАТНАШУВЧИЛАР :

Амир Темур  
Елдириш Боязид  
Бибихоним  
Улжой Туркон  
Амир Хусайн  
Шайхулислом  
Мир Саид Барака  
Хонзодабегим  
Барлос Баҳодир  
Кайхисрав  
Ибн Арабшоҳ

Муҳаммад Қовчин  
Девонбеги  
Аловиддин  
Ҳофиз Шерозий  
Яссавий - (Дарвеш,  
Хизр)  
Шильтбергер  
Иоан Султоний  
Борчиқ  
Ўрусия вакили  
Хитой элчиси

Буқаламун  
Испания элчиси  
Шаҳруҳ Мирзо  
Мироншоҳ  
Мирзо Улуғбек  
Мирзо Пирмуҳаммад  
Қосимбек  
Амирлар, эшиқбон,  
ясовул, чопарлар,  
сартарош, қария ва  
бошқалар

### I саҳна

(Томоша боиланиши олдидан Амир Темур ҳақидаги шеър ўқиб турилади)

Ҳар қанча фахр этсанг арзийди, ўзбек,  
Балқибсан бир зотнинг юксак шонида.  
Темурбек юлдузи Олтин қозикдек  
Чарақлар буюклар қаҳқашонида.

Во ажаб, ёлғиз бир Занжир саройнинг  
Ўчини Ўрдадан олабилган зот  
Турон деб аталмиш каттакон жойнинг  
Бағрига шунча йил сиғмабди, наҳот?!

Жаҳонни мўғуллар истилосидан  
Қутқариб қололган барлосий ботир-  
Қочолмай тақдирнинг тақозосидан  
Фотиҳ деб ном олмиш ўзи ҳам охир.

Энг улуғ бинолар мужассам бўлмиш  
Оламда тенги йўқ Самарқанд-ку бор:  
Темурбек жанг жадал шавқига тўлмиш,  
Қўлида шамширу тағида тулпор.

Ҳукми олий билан этмиш намоён  
“Куч бу - адолатда”, деган сўзларин.  
Қон тўкмиш Жаҳонгир гоҳо беомон  
Ёвлари тикмасдан қонли кўзларин.

Отани боладан тирик айириб,  
Тожу тахт талоши қизиркан борҳо.  
Султон не зотларнинг қўлин қайириб,  
Маҳташам салтанат айламиш барпо.

Аллоҳим бахш этмиш шунчалар шукуҳ  
Комилу етукдир шажара, зоти,  
Бир ён Бибихоним, бир ёнда Шоҳруҳ,  
Бир ёнда Улуғбек - синмас қаноти.

Не бахтким, туққан юрт бўлганда озод  
Муборак Ватанга қайтиб келмишсиз.  
Қулоқ тутгайми, деб ноаҳил авлод  
Ташаккур, бизларни кўзга илмишсиз.

Ҳамон ер юзида шайтон тугёни,  
Тилларда дуо-ю дилларда зарда.

Кўриб бу ноқису нотинч дунёни  
Қайта босардингиз балки, саркарда.

Саъйи ниятларда руҳингиз сардор,  
Ёвузлик чекингай, ўчгай ёмонлик.  
Дастингиз шамширга бормасин зинҳор,  
Ҳазрат, барчамизга тиланг омонлик!

(Парда очилади, Самарқанд. Темур Саройи. Соҳибқирон соч олдираётган бир манзара)

### САРТАРОШ

Сартарошнинг касби-кори ҳаммага маълум:  
Соч-соқолни қиртишлайман. Тамом вассалом!  
Бирок тангри ҳўб иноят айламиш менга.  
Темурдайн буюк амир менинг мижозим.  
Олампадох, неча йилки, маҳрамингизман.  
Хизмат қилиб келмоқдаман даргоҳингизда.  
Ҳатто ҳазил-ҳузунни ҳам илтифот айлаб  
Қулингиздан аямайсиз.

### ТЕМУР

Кул кўп, сен - ёлғиз!

### САРТАРОШ

Соҳибқирон, бошингизни сал қўйи эгинг,  
Устарамиг тиги ўткир, дами кўп тезкор.

### ТЕМУР

Сартарошга бош эгар, ҳа, жаҳонгирлар ҳам,  
Бошқаларга эгилишдан асрасин худо!  
Бирок сенга оддийгина бир гапни айттай:  
Соҳибининг хоҳишига бўйсунди тиг.  
Зарур бўлса, кесгайдир у ёмон ярани,  
Жаҳолатда узар лекин тилла бошни ҳам.  
Марҳаматинг учун эса ташаккур сенга.  
Ҳар қандайн бандага ҳам керакдир сирдош...  
Сенга кўнгил очсам бўлар...

### САРТАРОШ

Куллуқ, ҳазратим!

### ТЕМУР

Гап юрармиш, гўё Темур табассум қилмас,  
Гўё менга хурсанчилик, шодлик бегона.  
Ҳар қадамда билинтирмай оғу сочгувчи  
Мансабпараст, гаюр, баттол, ўғри фирибгар,  
Хушомадгўй кимсаларни маҳрам санайми?  
Ё уларга ялтоқланиб  
Табассум айлаб



Кунгулларин овлаш учун муком қилайми?  
Мен уларнинг юрагида не кечишини  
Ойнага боққан каби-кўриб тураман.  
Одамларнинг баднафс,  
Юҳо оғизларига  
Тизгин солиб,  
Қамчин билан титрамоқ даркор.  
Шу йўсунда ром этурлар ҳайвонларни ҳам.  
Одамзодни бир дақиқа бежилов қўйсанг  
Ғажиб ташлар, еб битирар бир-бирларини.  
Қўни-қўшни улусларнинг ҳукмдорлари  
Шамширимдан кўрқадилар, шонимдан эмас.  
Сартарошсан, мана сенга бошимни эгдим,  
Бироқ мени авф этгайсан,  
Тиз буқолмайман...

САРТАРОШ

Оёгингиз шикаст топган муҳорабада,  
Шу боисдан авф этади сизни қулингиз

ТЕМУР

Бекор узоқ кечмишимни солдинг ёдимга,  
Мен онамдан шамшир билан тугилмагандим.  
Кеш шахрининг сарҳадида,  
Воҳа бағрида  
Хўжайилгор деган жой бор.

САРТАРОШ

Олам билади!

ТЕМУР

Ўсмир эдим,  
Адирларда яйрардим шодон,  
Баҳор чоғи сел тошқини, турфа чечаклар  
Хўб ғаройиб туйғуларни  
Тухфа этарди.  
Юлдузларга боқиб гоҳо байтлар битардим.  
Шоир аҳли ғазалларин қоғозга ёзса  
Мен шеъримни ўчмас қилиб шамширга ўйдим.  
У битикнинг мазмуни шул:

“Куч - адолатда!”

Ёш бошимдан қисмат менга қилич тутқазди.  
Неча-неча шер юракли барлос йигитлар  
Ёвларига ем бўлганда, боши бирикмай  
Тоғу тошда санғиб юрган эрксеварларни  
Ўз теграмга тўпладим  
Ялов кўтардим.  
Довонларда маскан қурдим,  
Кездим чўлларда.  
Ҳисор тоғин беткайида,  
Йирок-йирокдан  
Ўпқон каби ғор кўринар,  
Кўзинг тушганми?

САРТАРОШ

У - Сизнинг ғор!

ТЕМУР

У жойда мен жон саклаганман.  
Тулпоримнинг тезаклари тўзмаган ҳамон.  
Ёғий мени йўлтўсар деб англатди элга.  
Пистирмалар қўйишарди йўлимга доим.  
Парвардигор марҳамати ғолиб келди-ю  
Қара, омон ўлтирибмиз икков, тиғдошлар  
Ишинг битди, жўна энди, Сенга ташаккур

Эшиқбон кирсин

(Сартарош чиқади).

ЭШИҚБОН

Олампадох,  
Хутталондан ҳоким Кайхисрав  
Бир бандини келтирмишдир.

ТЕМУР

Банди ким у?

ЭШИҚБОН

Амир Хусайн!

ТЕМУР

Амир Хусайн?  
Олиб киришсин!  
Ҳозир бўлсин шайхулислом, амирларим ҳам  
Ва албатта пири комил Саид Барака.

(Эшиқбон чиқади)

Бошланган ҳар ҳикоятнинг охири бўлғай,  
Можарони бошлаган ким?

Мен-ми, Хусайн?

Парвардигор барчасидан воқиф ва огоҳ.  
Қайин оға ҳисобланар менга бу амир,  
Заифамиз Улжой Туркон унинг синглиси.  
Бироқ ерга тўкилар пайт курт тушган мева  
Уни асраб қололмагай соғлом илдииз ҳам.

(Амир Хусайнни аҳли девон қуршовида олиб кирадилар)

Қўл оёгин ечинг, буни!

Марҳабо, амир!

Кишан сендан халос бўлсин.

АМИР ХУСАЙН

Такдирга лаънат!

Тириклайин сен Иблисга рўбарў қилди.

ТЕМУР

(Мир Саид Баракага)

Эшитдингиз, муҳтарам пир Саид Барака,  
Сиз бу билан Балх шаҳрида суҳбатдош бўлиб  
Яшагансиз.

Синагансиз.

Такдир дейди у.

Ахир мен ҳам тобемасми ўша такдирга?

(Амир-Хусайнга)

Умрингда ҳеч китоб кўрмай улғайган эдинг,  
Шу сабабдан гапларингдан мантиқ йўқ, амир.

МИР САИД БАРКА

Одамзодни яратибди Аллоҳ серкарам.

Такдирин ҳам белгиламыш.

Бироқ айни пайт

Одамзодни озод қўймиш синамоқ учун,

Бу синовдан ўтолмагай Амир Хусайн.

АМИР ХУСАЙН

Пирим, Сизга не қилибмен?

Гуноҳим недур?

МИР САИД БАРАКА

Гуноҳингдан биттасини айттайин, амир,

Балх шаҳрида сарой қурдинг кайф-сафо учун.

Масжидларнинг маблағларин сарф этдинг унга.

Яна йиғлаб такдир дейсан...

ТЕМУР

Умр чопагон!

Бизлар минган бедовлардан кўра учқур у.

Ё Хусайн!

Эслайсан-а, бирга ўсгандик.



Сен Қозоғон набираси!  
Мен - барлосзода!

#### АМИР ХУСАЙН

Бир қиблага баб-баробар юзни бурсак ҳам,  
Билиб қўйки, ва унутма  
Мен - Чингизийман!

#### ТЕМУР

Хотирангдан чиқмагандир у ўсмир йиллар  
Иккимизни қўйишганди бир пайт пойгага.  
Мендан ортда қолиб кетдинг, бироқ паст тушмай  
Ўшанда ҳам деган эдинг:

"Мен - Чингизийман!"

Одамларнинг шажараси дарёлар каби  
Бир-бирига қўшилмоғи шубҳасиз, бор гап.  
Сенинг бобонг-Чингиз эмас,

Аслида Ҳасад!

Ҳасад!

Ҳасад!

Билиб қўйгин амир Хусайн.

Оёқ-қўлинг боғлаб келган ўша Ҳасаддир.

Мен буюк бир салтанатни тузмокдаману

Биринг у ён,

Биринг бу ён тортасан, аттанг.

Ўртамизга қўйиб ҳатто Каломуллони

Неча марта қасам ичдинг,

Эсла, Хусайн!

Охирги пайт сени боғлаб келтирай десам

Қочиб қолдинг.

#### АМИР ХУСАЙН

Омад мендан юзин ўгирди.

Йўқса сенинг тожу тахтинг бўларди менда!

Мадрасага бекингандим, аблаҳ Кайхисрав

Таниб қолмиш эгнимдаги зарбоф тўнимдан.

#### ТЕМУР

Кайхисравнинг отасини сен ўлдиргандинг.

Ўша хун деб сени тутиб келтирмишдир у.

Омадсизлик эмасдир, бу - қилмиш-қидирмиш.

Мени эса расман ҳолда Балх қурултойи

Мамлакатнинг амири деб сайлаб қўйибди.

Энди сенинг қимлигингни айтай, Хусайн,

Лашкарини сийламаган сен-хасис амир!

Сирдарёнинг бўйларида жетига қарши

Иккаламиз чиққан эдик ўша машъум кун

Осмон гўё тешилди-ю жамъи булутлар

Сувларини тўжкан эди жанг майдонига.

Уст-боши ҳўл, ҳолдан тойган сенинг лашқаринг

Очу наҳор бўлганичун ортга чекинди.

Лой жангида сен сабабли ночор қолганман.

Ўн минг аскар нобуд бўлди афсус, ўшанда.

#### АМИР ХУСАЙН

Темур, менга тўнкама у мағлубиятни,

Фирибингни кўрсат эди, саркарда бўлсанг!

#### ТЕМУР

Кўрмагансан фирибимнинг мингдан бирин сен,

Атрофимни занжир каби ўраб турса ҳам.

Жетиларни тумгарақай қувдим Ватандан.

Бир жанг чоғи муҳтарам пир Саид Барака

Эгилди-ю ердан сиқим тупроқни олиб,

"Ёғий қочди!" дея нидо қилганларича

Ёв томонга сочди уни.

Ёв-чи, ҳа, қочди!

Бу ҳам фириб, шундоқмасми?

#### МИР САИД БАРАКА

Аввал худодан!

Гар музаффар қилар бўлса, мададин бергай.

#### ШАЙХУЛИСЛОМ

Қиблагоҳнинг унволлари Соҳибқирондир.

Аллоҳимнинг карами-ла саккиз юз йилда

Юлдузларнинг ҳолатлари айрича бўлгай.

Жаъдий буржи кўрингайдир кийик шаклида.

Ўша йили туғилгайдир бир Соҳибқирон.

Энг аввали шоҳ Искандар, ундан сўнг эса

Туғилмишдир Расул Акрам -

Пайғамбаримиз.

Учинчиси ҳазрат Темур

Соҳибқирондир.

Авлиёлар аллақачон башорат қилиб

Айтмишларким, Соҳибқирон дунёни олгай

Саккиз юз йил салтанати тургай барқарор.

Жаҳонгирга абадиян худо ёр бўлгай.

Йлоҳи омин!

*(Қолганлар ҳам "Омин", "Омин" дея юзларига фотиҳа тортадилар)*

#### КАЙХИСРАВ

Аълоҳазрат, изн беринг бир сўз демоққа.

#### ТЕМУР

Сенинг отанг Бадахшоннинг ҳоқими эди.

Юрт талашиб ўлдирганди уни Хусайн.

Ҳа, Кайхисрав тушунаман аҳволингни мен.

#### КАЙХИСРАВ

Урушларда қон тўкилгай, мен ҳам англайман,

Падаримни ўлдирган-ку шу номард, аммо

Неча бора қасам ичди Сизни ҳам алдаб,

Камонининг садоғидан мана бу ўқни

Топиб олдим.

Аълоҳазрат, ёзуви ҳам бор.

Ўқиб кўринг!

*(Кайхисрав камон ўқини Темурга узатади)*

#### ТЕМУР

*(Ёзувени овоз чиқариб ўқийди)*

"Бу Темур учун"

Худди шундоқ шаклдаги пайконлар билан

Сажистонда ёғий мени яралаганди.

Бир оёғим, ҳам бир қўлим ҳануз ногирон.

Ажаб ҳолким, ўшанда сен малҳам қўйгандинг,

Эслайсанми, ўша кунни

Амир Хусайн?

#### АМИР ХУСАЙН

Ушбу ўқим юрагингга аталган аммо.

#### ТЕМУР

Заҳарлидир?

#### АМИР ХУСАЙН

Ҳа, албатта! Терса билардинг.

#### ТЕМУР

Кай бир фозил айтган экан: Туз айниса гар

Уни нима тузатар деб.

Ўҳ, аблаҳ, Олчоқ!

#### БАРЛОС БАҲОДИР

Аълоҳазрат, руҳсат беринг, бу газанданинг



Пайкониини ўз кўксига жойлаб кўяйлик.  
(Орқа эшикдан Улжой Туркон югуриб чиқади)  
**УЛЖОЙ ТУРКОН**

Олампадох,  
Олампадох,  
Бир зум сабр этинг.

**ТЕМУР**

Улжой!

**АМИР ХУСАЙН**

Улжой?!

**ТЕМУР**

Сен қаёқдан пайдо бўлдинг?  
**УЛЖОЙ ТУРКОН**

Хосхонада мен,  
Бош ювмоққа сув тайёрлаб одатгадидек,  
Сартарошнинг кетишини пойлаб тургандим.  
Ва дафъатан бу дахшатли суҳбат говури  
Кулогимга чалинди-ю кетолмай қолдим.  
Авф этгайсиз чўрингизни.

**ТЕМУР**

Сен чўри эмас,  
Амир Темур завжаси сен, маликадурсан.  
**АМИР ХУСАЙН**

Сен - Қозоғон набираси,  
Хусайнга сингил.

**УЛЖОЙ ТУРКОН**

Мен икки ўт орасида жизгинак бўлган,  
Иккисин ҳам аяйдурган Улжой Турконман.  
**ТЕМУР**

Улжой, менинг гапларимга қулоқ тут андак  
Сени гўё губори йўқ сахро гулидай  
Ўз бағрига босгувчини тушунгил дейман.  
Шафқат билмас ҳукмдор деб ўйлама мени.  
Унутмаки, ҳар қандай кас феълдан тонгай.  
Мен акангнинг қилмишларин авф эта-эта  
Оқибатда ботгандурман гуноҳга балки.  
Афсус, аканг шу қадарли очофат, юхо,  
Ўнғай келса, аямаган ҳатто сени ҳам.  
**АМИР ХУСАЙН**

Худодан кўрк,  
Амир Темур, исботингни айт!

**ТЕМУР**

Неча муддат иккалаамиз ит-мушук бўлиб  
Учрашмайин,  
Аразлашиб юрган кезларда  
Маккор мўғул Самарқандни қайта босганди.  
Подшоҳи йўқ мамлакатнинг аҳволи маълум:  
Шундай пайтда бош кўтариб чиқди бир гуруҳ.  
**АМИР ХУСАЙН**

Сарбадорлар!

**ТЕМУР**

Сарбадорлар, ҳа, сарбадорлар.  
Мардонавор кўриқлади улар шаҳарни,  
Улоқтириб ташладилар мўғул кўшинин.  
Сен билан мен тайёр ошга баковул бўлиб  
Салтанатни тортиб олдиқ сарбадорлардан.  
Сен ўзингни амир дединг, мени-чи вазир.  
Сарбадорнинг битта айби - ухувсиязлиги.  
Умрида ҳеч тожу тахтни кўрмаган косиб,

Учта-тўртта муллавачча не иш қиларди?  
Пала-партиш фармонларни чиқариб улар  
Боёнларни ўзларидан тезда бездирди.  
Шул сабабли омадимиз чопди бизларнинг,  
Биз уларни дорга тортдик номига лойик.  
**АМИР ХУСАЙН**

Мен билардим, мойил эдинг сарбадорларга,  
Дордан олиб қолган эдинг улардан бирин,  
Исми унинг Мавлонозода.

**ТЕМУР**

Сен сабаб бўлиб  
Самарқандда норозилик бошланиб кетди.  
Бир оч бўри дафъатанда кўрага кириб,  
Кўзи тўймай дуч келгани бўғизлагандек  
Солиқ солдинг бева демай, бечора демай.  
Солиқ йиғиш балосини менга топширдинг.  
Бухуда қон тўкканларинг бир қарра бўлса,  
Элу юртни талаганинг ўн қарра бўлди.  
Мен бир неча сарбадорни сақлаб қололдим.  
Ватан учун жонин тиккан фидойиларнинг  
Қисматига ачингандим, тахтига эмас.  
Қиш фаслида очилган бир чечақдай улар:  
Ўз-ўзидан ҳалокатга маҳкум эдилар.  
Бироқ сенинг очиқ гўрдек юхо озингни  
Ўша пайтда ёполмасдан армонда қолдим.  
Элга солган солигингнинг катта қисмини  
Улжой билан иккалаамиз қоллаган эдик.  
Ўз синглингга ўзинг ҳади қилган зирақлар  
Ўз кўлингга қайтиб борса, олдинг, ноинсоф.

**УЛЖОЙ ТУРКОН**

Наҳот, ака?!

**АМИР ХУСАЙН**

Зирагингни танимаганман.  
Ўтган ўтди.  
Темур энди валдирайверар.  
Ҳар доимо ҳақ бўлади музаффар одам.

**ТЕМУР**

Темур билан гаплашганда бу ҳикматинг пуч,  
Унутмагил, музаффарман ҳақлигим учун.  
Улуғ бир зот яшаб ўтган бизнинг заминда  
Туркистонлик авлиё у  
Аҳмад Яссавий  
Тингла унинг бир ҳикматин.  
Ғоят ибратли.

“Нафсим мени йўдан уриб хор айлади,  
Термилтириб ҳалойикка зор айлади”.  
Айнан сенга мўлжалланган бир жуфт ўқдир бу.

**УЛЖОЙ ТУРКОН**

Афсуски мен хабардорман бунинг баридан,  
Неча йилдир орангизда қора хусумат.  
Ака, Сизнинг жонингизни Улуғ Амирдан  
Қанча марта сўраб олдим йиғлаб, ёлбориб.

**АМИР ХУСАЙН**

Агар менинг синглим бўлсанг, ёлборма Улжой  
Ахир мен ҳам жангчиман-ку, мен ҳам баҳодир.  
Яхшиси сен кушқинга кет, оромгоҳинга,  
Кечир мени, азиз синглим!

**УЛЖОЙ ТУРКОН**

О, Олампадох,



Хадя қилинг менга ўша камон ўқини,  
У даҳшатли бир тарихдан хотира бўлгай.

ТЕМУР

Модомики, хосхонада бизни тинглабсан,  
Хабардорсан, бу суҳбатнинг тафсилотидан  
Ма, ола қол,  
Ёзувини ўқима фақат.

УЛЖОЙ ТУРКОН

(Камон ўқини олади. Чиқаётиб ўқийди)

“Бу - Темур учун”

Йўқ, бу мен учун.

(Улжой Туркон чиқади)

ТЕМУР

Мен ҳамиша шукур айтдим парвардигорга,  
Қодир Аллоҳ ойдин қилди йўлимни доим.  
Забт айласам қай бир замин,  
Қай мамлакатни  
Худойимнинг хошига таяндим мудом.  
Ҳатто йироқ юлдузларнинг феъли қандоқ деб,  
Тинглаганман қуръачи-ю мунажжимларни.  
Турфа дину эътиқодга ибодат қилган  
Неча-неча қавмларни ҳукминга олдим.  
Муҳаммаднинг яловини кўтардим баланд.  
Бироқ ўзинг бирга ўсган,  
Бирга от сурган,  
Бир масжидга соме бўлган зотдан айрилмоқ-  
Бу ғоятда маъюс қилиб кўяр одамни.  
Сиз не дейсиз,  
Муҳтарам пир Саид Барақа?

МИР САИД БАРАКА

Мусулмоннинг қонин тўкмоқ жоиз бўлмагай.  
Аммо лекин дини Ислому байроғин тутган  
Йўлбошчига панд бермоқлик гуноҳи азим.  
Тавба қилсин,  
Тавба қилсин Амир Хусайн.  
Зеро, шундоқ лутф этмишлар пайғамбаримиз:  
Эрта-ю кеч очик эрур тавба эшиги.

ТЕМУР

Шайхулислом жаноблари, фикрингиз недур?

Шайхулислом

Муборак бир калимани келтириб ўтай,  
У - “Қуръони Карим”дандур!

ТЕМУР

Вужудим кулоқ!

Шайхулислом

“Яфъалуллоҳу мояша ва яяхкуму мо йўрид”  
Яъни, Аллоҳ ниманики хоҳлака агар  
Иродаси билан шуни ҳукм қилгайдир.

ТЕМУР

Иншооллоҳ, Яратганнинг ўзи билгайдир.  
Э, Сиз менинг амирларим, баҳодирларим.  
Қадамидан ўт чакнаган лашкарбошилар.  
Аллоҳ Сизнинг дилингизга не туйғу солмиш?  
Мунтазирман жавобинга, Барлос Баҳодир.

БАРЛОС БАҲОДИР

Мунтазирмиз амрингизга, о, Соҳибкирон,  
Сиз амр этинг - кемиргаймиз Кўҳи Қофни ҳам,  
Сиз амр этинг - симиргаймиз Баҳру уммонни.  
Куч олгаймиз шижоату ҳимматингиздан.

Сизга содик бўлурмиз деб қасам ичганмиз.  
Улуғ Амир, худо шоҳид, жангининг онти  
Ҳар қандайин мартабадан турар баландроқ.  
Сизнинг азиз жонингизга отилган ҳар ўқ  
Энг аввало, келиб теккай бизнинг кўкракка.  
Номард ёвни агарда Сиз кечирсангиз ҳам  
Биз мутлақо кечирмасмиз. Кетгаймиз тарқаб.

(Канизак жон ҳолатда югуриб киради)

КАНИЗАК

Аллоҳазрат,

Аллоҳазрат,

Мудҳиш бир хабар,

Бу хабарни сизга келиб айтгандан кўра

Қани энди шу заҳоти кесилса тилим.

ТЕМУР

Қандай хабар? Довдирамай гапир, Канизак!

КАНИЗАК

Хонасида жонсиз ётар малика Улжой,

У ўзини ҳалок этмиш, манов ўқ билан.

(Канизак қонли камон ўқини Темурга узатади)

ТЕМУР

Эвоҳ!

АМИР ХУСАЙН

Ҳайҳот!

ТЕМУР

Амир Хусайн, орамизни боғлаган занжир

Метин тоғлар силсиласи қадар бўлса ҳам

Шу дақиқа пароканда бўлди, узилди.

(Кайхисравга)

Хусайнни топширдим мен, Кайхисрав, сенга!

(Амир Хусайнни олиб чиқиб кетадилар)

Мана бугун барҳам топди иккита умр,

Иккиси ҳам бир онадан туғилган эди.

Бирининг, бири ака - изма-из кетди.

Бировининг меҳри қанча бепоён бўлса

Иккинчисин ғарази ҳам шунча мўл эди.

Хўш, уларнинг ҳалокати мен туфайлими?

Агар ҳаёт пардасини кўтариб боқсанг

Оркасида икки ҳолат кўрингай рўй-рост:

Бирини Раҳмон қиёфаси,

Унисини - шайтон.

Хусайн-ку, манманликнинг қурбони бўлиб,

Қилмишидан топди.

Аммо Улжой Туркон-чи?

Унинг айби нима эди?

Наҳотки иблис

Оч бўридек бир кўзини албатта егай.

Бу ғалати жараёнда адолат борми?

Яйраб юрар нега шайтон қорандалари?

Нега кўпдир найрангбозу қаззоб кимсалар?

Нега босган ер юзини бунча кўп иллат?

Мен заминни тозалашим керак улардан.

Ажал мудом бекинмачоқ ўйнар биз билан.

Мен ўлимдан кўрқаманми?

Кўп чигал савол...

Бироқ аниқ фаҳм этаман,

Ҳаёт бор жойда

Ўлим отлик сурбет учун асло ўрин йўқ.

Шайхулислом, айтиб қўяй Сизга бир гапни:

Аъёнларга етказингиз, Машваратларда,



Йигинларда,  
Базмларда,  
Токи мен борман,  
Мақтанмасин бирор кимса қон тўққанман деб.  
Юрагимдан Раҳмон меҳри кетмасин зинҳор,  
Парвардигор иродамини суст қилмаса, бас.  
Шайхулислом, тиловат қилинг.

### ШАЙХУЛИСЛОМ

*(Тиловат ўқилаётганда, парда аста-секин ёпилади)*  
“...Иййақа наъбуду ва иййақа настаъин.  
Ихдинас-сиротал мустақим. Сиротал  
Лазина анъамта алайҳим ғойрил маъзуби  
Алайҳим ва лаззолина...”  
*(Мазмуни: “...Фақат сенга ибодат қиламиз ва сендан ёрдам  
сўраймиз. Бизни тўғри йўлга бошлаган. Ҳазабга дучор  
бўлганларнинг, адашганларнинг йўлига эмас...)*

### ПАРДА

#### II-саҳна

*(Амир Темур тахтда. Тахт атрофида ярим ой шаклидаги  
ҳолатда шахзодалар, набиралар... Чап тарафда руҳонийлар,  
ҳакамлар, олимлар, Аъёнлар; Тахт қаршида вазирлар,  
вилоят ҳокимлари; Тахт орқасининг ўнг тарафида баҳодир  
ҳарбийлар; Чап тарафида енгил қўшин қўмондонлари;  
Чодирга кирaverишида Олий Кенгаш кўриқчилари. Ўнг ва  
чапда - арзгўйлар)*

### ТЕМУР

Бирор мушкул муаммони ҳал этар бўлсак  
Кенгаш қилдик аҳли дину вазирлар билан.  
Кенгаш қилдик баҳодирлар, амирлар билан.  
Икки дарё орасидан нари ёқдаги  
Бизга тобе мамлакатлар тўрт улус бўлди.  
Бироқ фармон ягонадир,  
Салтанат битта.  
Ҳарқандайин давлатни ҳам бошқармоқ учун  
Энг аввало йўриқ керак,  
Қоида даркор.  
Чингиз буни Ясо деган,  
Биз тузук дедик.  
Тажрибадан бунёд бўлган хулосаларни  
Тузукотда биз пешма-пеш баён қилгаймиз.  
Савол чиқса токи жавоб ҳар хил бўлмагай.

### БИРИНЧИ АМИР

Аълоҳазрат, не бахтки бу, Сиздек амирнинг -  
Сарқарданинг ўғитидан баҳраманд бўлсак.  
Теграмизда тариқ каби сочилиб ётган,  
Эрта-ю кеч бир-бирин еб,  
Жикқамушт бўлган  
Элатларнинг бошин қўшиб даялат туздингиз.  
Бундай давлат кўрилмаган тарихда зеро.  
Унинг асос таянчлари недур? ҳазратим?

### ТЕМУР

Давлат асло таваккалнинг меваси эмас,  
У раъият,  
Яъни халқнинг гуж иродаси.  
Унинг асос таянчидир ушбу уч жиҳат,  
Ягона шох,  
Мўл хазина,  
Енгилмас лашкар.  
Сиз аскардан аямангиз молу дунёни  
Суюрғамиш беринг унга,

Унвонлар беринг.  
Хасисларнинг қисматларин яхши биламиз.  
Хазинани эса фақат раъият қоплар!

### ИККИНЧИ АМИР

Олампаҳо, ер юзида шохлар ҳам бисёр,  
Одамзодни улар қай тарз идора этгай?

### ТЕМУР

Сиз фалакка назар солинг  
Юлдузлар аро  
Бизнинг учун энг ёрқини шубҳасиз қуёш.  
Назар солинг, ер юзида даррандаларга,  
Энг улуги, мукаммали албатта арслон.  
Турли туман одамларни бошқариш эса  
Подшоларга буюрилган.  
Аллоҳ, ҳукми шу.  
Сурув битта бўлса агар чўпонлар сони  
Қисқаргайдир!  
Бир сурувга бир чўпон басдир!  
Агарда биз забт айласак етти иқлимни,  
Унга энди бошқа шохнинг давъоси ғалат.  
Бизни баъзан айблайдилар боши бузуқлар  
Зўравонлик ва ноўрин шафқатсизликда.  
Фарзандларим бир гапимни асло унутманг:  
Тинчлик билан ҳал бўлса гар бирор муаммо  
Ҳеч кимсага ўзингизча қурол кўтарманг.  
Бирорта шох ўз элига ўтказса зулм  
Адолатнинг қиличини баланд кўтариб,  
Янчинг уни!  
Аллоҳ ўзи мадаккор бўлгай!  
Урушларни даф этишнинг йўли эса бу:  
Копунларга ҳар ким сўзсиз риюя қилгай.  
Ҳамма учун баб-баробар бўлсин Адолат!  
Менинг улуг ва бепоён мамлакатимда  
Қароқчи-ю йўлтўсарнинг дасти қирқилган.  
Гар ўғирлик содир бўлса бирор ўлкада  
Биз дедикки, жавоб берсин юртнинг ҳокими. Ё тинчитсин,  
Ё тўласин ўз ҳамёнидан.  
Магар бирор вилоятга нозир бўлсангиз  
Энг аввало,  
Пешволарга ҳурмат кўргазинг  
Дарахт экинг,  
Гул ўтказинг,  
Иморат қуринг!  
Кимки обод қилай деса ташландик ерни  
Уч йил уни солиқлардан озод қилдик биз.  
Дини Ислому эътиқоди байроқ биз учун,  
Уни таҳқир этганларга дўзах яратинг.  
Ҳар қандайин салтанатнинг обрўси эса  
Тайин бўлгай илм бирлан,  
Маърифат бирлан.  
Машваратга мутакаллиф бўлган зотлардан  
Асли шомлик бир олим Ибн Арабшоҳ  
Гапимизни тасдиқ этса ажаб эмасдир!  
**ИБН АРАБШОҲ**  
Олампаҳо,  
Ёш болалик чоғимда мени  
Самарқандга асир қилиб олиб келганлар.  
Илму урфон Маккасидир бу кун Самарқанд.  
Етти иқлим меъморлари, муҳандислари



Сиз туфайли жам бўлишлар ушбу шаҳарда.  
Аълоҳазрат,  
Сизнинг улуғ марҳамат билан  
Бунёд бўлган қасрлару, сарой, масжидлар  
Шарқу габрда ягонадир!  
Тенги йўқ асло!  
Маърифатга Сиздек ҳомий келмагани рост!

ТЕМУР

Кўп ташаккур икром бўлиб айтган сўзингга,  
Юрагингда бир армон бор лекин Арабшоҳ.

ИБН АРАБШОҲ

Ё, Аллоҳим! Дилимдагин қайдан билурсиз?

ТЕМУР

Уни кўзинг айтиб турар, зеро у кўзгу.

ИБН АРАБШОҲ

Гоҳи-гоҳи хаёлимдан ўтар ёшлигим,  
Саҳроларда сарсон бўлиб юрган кезларим.  
Тушларимга кириб чиқар таққир, хўрликлар.  
Ва ўзимни тутолмасдан, тақдирдан нолиб,  
Кимларнидир қоралайман гоҳ беихтиёр  
Мен восвосга учрагайман.  
Лекин Олимман!

ТЕМУР

Олим одам восвос бўлмас - бу ёмон иллат!

Иншооллоҳ, тузалгайсиз.

Умид килурмиз,

Дард кўзимас рост тарихни ёзаётганда.

ИБН АРАБШОҲ

Кулук, Ҳазрат!

Кулук, Ҳазрат!

ТЕМУР

Илму фан билан

Машғул бўлиш насиб этмас эҳтимол менга.

Салтанатнинг поёни йўқ,

Юмушлари мўл.

Лекин олий иморатлар барпо айламоқ

Боғу роғлар бунёд этмоқ эзгу муроддир.

Самарқандим

Дунёдаги ягона шаҳрим.

Атрофимдаги манзилларга Дамашк, Бағдод деб

Ном берибмен.

Яхши ният ярим давлат-ку.

Ота юртим Кеш шаҳрида бир сарой қурдим.

У - Оқ Сарой!

Ниятимиз каби покиза.

Агар кимки шубҳа қилса шавкатимизга

Оқ саройни бориб кўрсин!

Ушбу гапимни

Пештоқига ёздирдим ҳам.

Замонлар ўтар,

Иморатим маҳобатин кўрган авлодлар

Бузган эмас, қурган десин Темур бобомиз!

ШАЙХУЛИСЛОМ

Аълоҳазрат, умр кўринг дунё тургунча!

Ҳамма

Дунё тургунча! Дунё тургунча!

ШАЙХУЛИСЛОМ

Иншооллоҳ, боқий бўлгай салтанатингиз!

Ҳамма

Боқий бўлгай, боқий бўлгай салтанатингиз.  
Илоҳи омин!

ТЕМУР

Инсон умри елдай ўтар.

Аммо ишлари,

Айтган сўзи: ажаб эмас, абадий қолса.

Туркистонда яшаб ўтган ҳазрати Султон

Хожа Аҳмад Яссавийни яхши билурсиз.

Ҳануз яшар ул ҳазратнинг насиҳатлари, Ҳикматлари,

Битиклари,

Асл туркийча.

Бобомизнинг ул муборак гўрлари узра

Ғоят кўркам, ҳашаматли мақбара қурдик.

Кўп ғалати авлиёдир Аҳмад Яссавий.

Пайғамбарнинг ёшларига етганда ёши

Этак силжиб бу дунёнинг ташвишларига

Ер остига кириб кетмиш.

Буюк бир жумбоқ!

Ўқтин-ўқтин тушларимга кирар бу ҳазрат.

Бизлар эса ер устига масъулмиз кўпроқ.

Тунда гўзал мисраларни кашф этса шоир

Биз-чи ҳарбий ҳийлаларни ўйлаб топамиз.

Ўзимиздан олдин ўтган саркардаларнинг

Хатоларин таҳлил этиб,

Санъат ясаймиз.

Шундоқмасми, Барлос Баҳодир?

БАРЛОС БАҲОДИР

Ҳарб илмининг пойдеворин кўйгайсиз, ҳазрат,

Азал-абад бу истехком кўзғалмас сира.

Кўшинларнинг сафларига Сиз берган тартиб

Шоирларнинг мисрасидан кўра қуймароқ.

Сизнинг санъат туфайли биз, ўн бора ортик

Ёғийни ҳам тирқиратиб, қувиб солганмиз.

Мардлик билан маҳоратдир зафар гарови,

Қора кучдан нима фойда, анқайиб турса.

ТЕМУР

Бизни қизиқтирар, Шаҳзодаларнинг

Ҳарб ишида билимлари қандоқ экани.

Шаҳзодалар Мироншоҳу Шохруҳ мирзолар

Гувоҳ бўлган бизнинг талай муҳорабага.

Улар бу кун улусларни бошқариб турар.

Аллоҳ ўзи раҳмат қилгур баҳодир ўғлим

Жаҳонгирдан қолмиш ёргор Пирмуҳаммад, Сен,

Айтиб бер-чи,

Фил жангида ёғийга қарши

Қандай ҳийла,

Қандай фириб қўлламоқ даркор!

МИРЗО ПИРМУҲАММАД

Олампадох, Сиз айтгандек, ҳайвонот зоти

Ўт-оловдан чўчир фақат.

Яқин келолмас.

Ер мойига пишиб олгач похол-сомонни

Туяларга ўт қўйилса, минг-минглаб туя

Жаҳаннамнинг оловидай ўрнидан кўчгай.

Филлар эса, ўкирганча орқага қочиб,

Оёқ ости қилиб ташлар ўз кўшинини.

ТЕМУР

Магар туя иш бермаса чангалзорларда

Нё қилгайсен, топармисан бунинг ҳам йўлин?



Ўнлаб режа бўлмоғи шарт саркардаларда.

#### УЛУҒБЕК

Олампадох,  
Изн беринг, мен ҳам сўз айтсам,  
Бундай улуғ имтиҳонда қатнашмоқ шараф.

#### ТЕМУР

Набирамиз сен Улуғбек,  
Шоҳруҳнинг ўғли,  
Туғилгандинг жанг маҳали, Эронзаминда.  
Йиллар ўтиб кетибди-я...  
Ёдимда ҳамон  
Таваллудинг шарафига рақибларимни  
Авф этгандим, берган эдим элга омонлик.  
Падаримнинг хотирасин муборак этиб  
Мен исмингни Тарағай деб атаган эдим.  
Тарағай деб чақиришдан ийманишдилар.  
Улуғбек деб атадилар.  
Улуғбек бўлдинг  
Сени тийрак дейишади.  
Шоён бу хислат.  
Хўш, не дейсан филга қарши жанг хусусида?

#### УЛУҒБЕК

Олампадох, Хиндистонни забт этганда Сиз  
Учбурчакли темир тикан ясаттиргансиз.  
Қар қандайин ҳолатда ҳам бундай тиканнинг  
Битта учи тикка бўлиб тураберилади.  
Юзлаб, минглаб темир тикан сочилган жойдан  
Фил ўтолмас, қанот боғлаб учмаса агар.

#### ТЕМУР

Баракалла,  
Қанот боғлаб учса фил агар.  
Иккаламиз топажакмиз бунга ҳам чора.  
Болаларим унутмангки,  
Давлат ишида  
Қар қандайин юмушнинг ҳам ўз ўрни бордир.  
Минглаб хуфя хизмат қилар бизга, масалан.  
Аммо улар танишмагай бир-бирларини.  
Хабарларни шошилмасдан тинглаб, ўрганиб  
Барчасидан чиқаргаймиз зарур ҳулоса.  
Юриш қилиш лозим бўлса йироқ элларга  
Тадоригин кўрмоқ керак уч тўрт йил аввал.  
Сиз, чунончи, сарҳадларда яйлов тайёрланг.  
Йилқиларни кўпайтиринг ўша жойларда.  
Токи сизнинг ҳорғин отлар етиб борган пайт  
Тулпор бўлиб, кицнаб турсин минглаб тойчоқлар.  
Ёв қўшинин таҳликага солмоқлик учун  
Тунда унинг атрофида гулханлар ёқинг.  
Неча юзлаб милтиллаган чўғларни кўргач  
Ёғий сизнинг лашкарларни кўп деб ўйлагай.  
Шабхун дея аталади тунги ҳужумлар.  
Тўртта отнинг биқинига шох-шаббалардан  
Оддийгина супургини боғлаб қўйсангиз -  
Чунон тузон кўтарилгай  
Дейсиз киёмат!  
Ўрни келса тўрт суровий тўрт минг отлиқнинг  
Ваҳимасин яратади қийқириқ билан.  
Байроғингиз эгилмасин майдонда сира,  
Жангда ёлғиз қолсангиз ҳам байроқ тик бўлсин  
Хужум қилиш арафаси "Аллоҳ акбар" деб

Нидо айланг.

Парвардигор куч ато этгай.  
"Суринг" деган наъра эса боскинга даъват.  
Бизнинг оддий "Ур хо ур"дан ёв жуда кўрқар.  
Энди жаҳон яхши билар қудратимизни  
Пинҳон жойи қолмагандир ҳайлаларнинг ҳам,  
Бироқ Темур фирибларин адоғи йўқдир!  
Энди руҳсат,  
Машваратнинг меҳмонларига,  
(Бир қисм иштирокчилар чиқиб кетадилар)  
Шаҳзодалар, вазирлару амирлар қолсин.  
Қани, айтинг вазиримиз Муҳаммад Қовчин,  
Не гаплар бор салтанатнинг сарҳадларида?

#### МУҲАММАД ҚОВЧИН

Аълоҳазрат, салтанатда катта-ю кичик  
Дориломон,  
Дуонингиз қилмоқ билан шод.  
Хуш хабарлар келиб турар шаҳзодалардан.  
Ўлпон, тўлов бари-бари назоратдадир.  
Фақат Румо ҳукмдори Султон-Боязид  
Саркашлигин қўймаётир.

#### ТЕМУР

Яна Боязид!  
Яссаурий -  
Самарқанднинг вилоятдан,  
Хуталонда Кайхисраву Балхда Хусайн  
Жалойирбек -  
Қадим Хўжанд мулкин ҳокими  
Бизга қарши бош кўтариб нима бўлишди?  
Бир пайтлари Хоразмда Сўфий инвонли  
Хусайн ва Юсуф деган ҳукмдорлар ҳам  
Чигатоийи улусини эътироф этмай  
Енгилгунча дабудрустдан ўйин кўрсатди.  
Оқибатда хароб бўлди афсус, Хоразм.  
Дини Ислому,  
Шаристнинг манфаати деб  
Хиндистоннинг пойтахтин ҳам фатҳ айлагандик.  
Инчунун, бир Занжир Сарой ўчин олай деб  
Тўхтамишнинг Ўрдасини чилпарчин қилдик.  
Биз ҳам ёқиб юборганмиз Сарой Беркани.  
Боязидга лекин атай тегмадик, валлох,  
Ғайридинлар устимиздан кулмасин дедик.  
Икки тилдош,  
Икки диндош битта турк қавми  
Олишсалар  
Талашсалар номус эмасми?  
Оёқ қўйиб дини ислом юзига Султон  
Никоҳига олган эмиш насорон қизни.

#### ШАЙХУЛИСЛОМ

Астағфурилло!  
Еру кўкка сиғмаяжак бунинг синоди,  
Алалхусус, Соҳибқирон замонасида.

#### ТЕМУР

Неча йилки, қачиб юрган таъқибимиздан  
Султон Аҳмад Жалойир ва Қора Юсуфлар  
Боязиднинг саройидан топмишлар паноҳ.  
Бизнинг манфур душманларга ҳомий Боязид.

#### БАРЛОС БАХОДИР

Аълоҳазрат,



Боязидни кечириб бўлмас.

АМИРЛАР

Аълоҳазрат,  
Сабрнинг ҳам бор чегараси.

ТЕМУР

Боязидга яна мактуб йўлаган эдик,  
Яна имкон берган эдик ўйлаб кўришга.  
Бирок, ҳануз жавоб йўқдир.

МУҲАММАД ҚОВЧИН

Балки Боязид  
Тавба қилиб ўтиргандир, журъати сўниб.  
Кўз олдига келар балки минглаб калладан  
Ясалажак миноралар, селдек оққон қон...

ТЕМУР

(газаб билан)

Нима дединг, ҳой вазирим Муҳаммад Қовчин?  
Бизнинг жиҳод йўлидаги узган каллалар  
Кўзларингга минорадек кўринмоқдами?  
Ё адолат жабҳасида биз тўккан қонлар  
Назарингда, сел мисоли кўпирмоқдами?  
Балки дийдор кўришсангиз киёмат чоғи  
Султон билан биргаликда тавба қилгайсиз?  
Бу гапингни Амир Темур вазири эмас  
Боязиднинг ўзи айтса жўяли эди.  
Бундан буён қилар ишинг билиб ол, Қовчин,  
Жангтоҳларда отбоқарнинг тўрвасин олиб  
Сен узилган каллаларни йиғиб юргайсан.  
Отбоқарни чорланг менга.

МУҲАММАД ҚОВЧИН

Аълоҳазрат,  
Аълоҳазрат!

ТЕМУР

Мен Ҳазрат эмас,  
Мен ҳам Темур деб аталмиш оддий бир банда.  
Мумкин эди аллақачон ўлиб кетишим  
Илон чақиб ё бўлмасам отдан йиқилиб.  
Мен ўлмадим!  
Мени мана кўриб турибсиз.  
Боз устига фотиҳ дея ном олган Зотман.  
Одам қавми ўз қисматин саҳроларида  
Ташналикдан лаби қақраб тентираган чоғ  
Қулгум сувдек керак бўлдим шекилли унга.  
Чексиз чўлда Инсоният қарвони тарқаб  
Бир-бирин тепиб,  
Суриб, гўжгон бўлган пайт.  
Мен уларни ипга тиздим бир сарбон бўлиб.  
Кўҳна тарих олдидаги хизматим шулдир.  
Сен кабилар бу қарвондан адашган туя.  
(От боқарни олиб қирадилар)

(Темур Муҳаммад Қовчинга)

Отбоқарнинг жомакорин қиясан, Қовчин,  
Сенинг зарбоф тўнинг эса отбоқарники.

МУҲАММАД ҚОВЧИН

Аълоҳазрат, Аълоҳазрат!

ТЕМУР

Энди кетавер,  
Иродасиз арбобларнинг жазоси шулдир.  
(Эшиқбонга)

Хабар йўқми?

Чопар йўқми Рум тарафлардан?

ЭШИҚБОН

Олампаноҳ, кутиб турар иккита чопар.

ТЕМУР

Кирсин улар!

(Иккита чопар олдинма-кейин киришадилар Темур биринчи чопарга)

Қайдан келдинг? Исмнинг надур?

БИРИНЧИ ЧОПАР

Сарандипдан, Исмим Борчиқ.

ТЕМУР

Борчиқ?

БИРИНЧИ ЧОПАР

Ҳа, Борчиқ!

ТЕМУР

Биринчи бор эшитишим бундай исми,  
Маъноси не?

БИРИНЧИ ЧОПАР

Мен билмайман, ўйлаб кўрмабман.

ТЕМУР

Ўз исмининг маъносини билмаган сендек  
Элчи билан гаплашмайман.  
Кутиб тур, бор, чиқ!  
Бирон юртга чопарини юбормоқ бўлса  
Аввал уни танлашни ҳам билсин подшоҳлар.

ИККИНЧИ ЧОПАР

Аълоҳазрат, мен Румодан етиб келмишман,  
Қайсаримиз Боязиднинг элчисидурман.  
Султон Шабли эрур менинг исми шарифим.

ТЕМУР

Кўпдан сени кутмоқдаман, хабар бер, элчи,  
Ўз-ўзига қандай ҳукм чиқармиш султон?  
(Чопар мактубни узатади. Темур уни ўқий бошлади)  
“Уруш билан ҳал бўлажак бу можаролар”.  
“Агарда сен биз томонга келмасанг, Темур,  
Билиб қўйки, хотинларинг уч талоқ бўлмай.  
Агар сени енга олмай чекинсам ортга  
Унда менинг хотинларим бўлсин уч талоқ”.  
Ўҳ, Боязид мақсадингни айтибсан, аммо  
Шарт эдими хотинларни қиморга тикмоқ.  
Ўз исмини ёзмиш Султон олтин ҳал билан,  
Бизнинг исм куйирокда, оддий сиёҳда...  
Тағин Султон эмиш бу зот.  
Бачкана қилиқ.  
Амир Темур иродамиз,  
Фармон шул эрур:  
Рум Султони чорлабдими жанг майдонига  
Боражакмиз!  
Бу шум оёқ чопарни эса  
Эсон-омон кузатингиз келган йўлига.  
Барчангизга рухсат.  
Мени ёлғиз қолдилинг.

(Ҳамма чиқиб кетади. Темур орқадаги парда тарафга қараб мурожаат қилади)

Буқаламун, сен қайдасан, бу ёққа келчи.

(Парда ортидан ногаҳонда Буқаламун - Темурнинг хуфяси чиқиб келади)

БУҚАЛАМУН



Олампадох, ҳозир бўлдим, не буюргайсиз?

ТЕМУР

Яна юмуш топшираман сенга ишониб,  
Зеро, ҳар не мушкулни ҳам эплаб келгансан.  
Хуфяларим орасида эпчили ўзинг.  
Хоҳласанг гар ўзгаради буткул киёфанг.  
Ўзгаради ва ҳаттоки кўзингинг ранги.  
Сен билмаган тиллар ҳам йўқ етти иқлимда.

БУКАЛАМУН

Олампадох,

Шу сабабдан лақабимни ҳам  
Жуда топиб қўйгандингиз, Буқаламун деб  
Асл исмим бир замонлар Итолмас бўлган.

ТЕМУР

Энди мағриб кишисига айлангайдирсан.  
Мутақаббир ва ҳийлакор фарангийларни  
Ўргангайсан, оғизларин ҳидлаб кўргайсан.  
Шоҳларининг мақсадларин обдон англагач  
Элчиларин чодиримга бошлаб келгайсан.

БУКАЛАМУН

Самарқандга, шу ергами?

ТЕМУР

Йўқ, Буқаламун!

Насиб этса Ангоранинг атрофларида  
Олис Румо мамлакатин қоқ юрагида  
Туғ кўтариб, голибона чодир тиккайман.

БУКАЛАМУН

Олампадох, шу дақиқа, шу сониядан  
Мени фаранг деб ҳисобланг!

ТЕМУР

Жавобинг тузук.

*(Буқаламун гойиб бўлади. Темур эшикбонни қарс уриб чорлайди)*

Таклиф этинг маликани - Бибихонимни.

Бибихоним,

Агарда у бўлмаса эди

Курашларнинг ва жангларнинг долғаларида  
Қайроқ тошга айланарди балки бу юрак.  
Игво, фитна, ғараз тўла ёлғон дунёда  
Сабрим тугаб, гоҳо-гоҳо ўйлаб қоламан:  
Зарурмикан барчага тенг яхшилик қилмоқ?!  
Меҳр билан бирортасин бошин силасанг,  
Ғаюр итдек қўлинг тишлар, талаб ташлайди.  
Худпарастдир қулдан тортиб шоҳларга қадар.  
Бундай ҳолнинг боиси не?

Сабаби нима?

Мен билдимки, бу қурама Инсон зурёди

Тахт талашиб,

Шон талашиб,

Бойлик талашиб

Аллоҳ берган дил гавҳарин унутиб қўйган.

Тингламаса, қамчин билан уриб ва ҳайдаб

Инсоф томон қайтармоқлик керак уларни.

Жондан тўйиб нокасларнинг кирдикоридан

Дарвиш бўлиб, кетар экан гоҳо донолар.

Хўш, менчи, мен?

Ахир мен ҳам асли ёлғизман.

Бугундану келажакдан маломат билан

Минглаб кўзлар тикилади битта ўзимга.

Чунки менинг қисматимга жанглар ёзилган.

Фақатгина Бибихоним тўлин ой каби

Ёритади тунд, қоронғи кечаларимни.

*(Бибихоним киради)*

БИБИХОНИМ

Чорламишсиз, олампадох...

ТЕМУР

Бибихон, биби...

Кенгаш билан банд бўлибман.

БИБИХОНИМ

Мен ҳам банд эдим.

Ҳозиргина набирангиз Мирзо Улўбек

Аловиддин жанобларин шатранжда енгмиш.

Бувижон, - деб келмиш менга суюнчи сўраб,

Кўз тегмасин,

Ғоят зукко кичкинтой Мирзо.

ТЕМУР

Осон эмас мот қилмоқлик Аловиддинни.

Аловиддин шатранж илмин жаҳонгири-ку.

Ҳа, бугунги машваратда - кенгаш чоғида

Зукколигин аён этди ўспирин Мирзо.

Иншооллоҳ,

Авлодларим улғайиб бир кун

Ер юзини забт этарлар илму фанда ҳам.

Менинг эса пешонамга суронли жанглар,

От устида кун ўтказиш ёзилган экан.

БИБИХОНИМ

Олампадох, яна юриш, яна сафарми?

ТЕМУР

Ҳисоблашмас қисмат бизнинг истақлар билан,

Бамисоли қуёш ботгач,

Ой чиққанидек

Ҳодисалар силсиласи оқар бардавом.

Биз бир куни хонадонга меҳмон чорласак

Бошқа куни чақришар қўноққа бизни.

Туркийлардан чўчиб фаранг мамлакатлари

Румо билан иккимизни гиж-гижлаб қўйди.

Бу найрангни тушунмайди, афсус, Боязид,

Боз устига кимки қочса бизнинг қазабдан,

Боязиднинг саройидан топмоқда паноҳ.

БИБИХОНИМ

Унинг асл мақсади не?

Муроди нима?

ТЕМУР

Султон бизнинг Салтанатга беписанд боқиб,

Ҳасадини билдирмоқда ёш бола каби.

Мен сабр этиб, тотувликка уни чақирсам

У муттасил жавоб берар ҳақорат билан.

Энди жангта чорлабди у ошқора, очик.

Мен - Темурман!

Орият ҳам бор-ку дунёда.

Етар, энди!

Кунўғлонга эгар ургайман,

Рум тарафга юзланади тулпорим жадал.

БИБИХОНИМ

Қайси она фарзандини урушга йўллаб,

Қайси аёл орзу қилгай жангу жадални.

Сизга зафар тиламоқдан бошқа чорам йўқ.

Балки мен ҳам ёнингизда бўлай, амирим.

*(Давоми келгуси сонда)*





## Сурайё ЗОҲИР

## АБРТОҒ ВУЖУДИ

Кичик ҳикоялар



## Араз

Тавба қилдим!

Сал кам бир йил Ундан аразлаб юрдим. Эркалигимни ким ҳам кўтарар эди. Бир йил ҳам ўлчов бўлибдими?! Мен ҳамма нарсдан қочдим:

1. Шеър ўқишу эшитишдан қўрқдим. Шеър ўқисам ёки эшитсам димоғимга куйик ҳиди урилади. Тутаб ҳам кетаман. Фақат ёнмайман, холос.

2. Ҳовлимиздаги кекса зардоли шохларида оқшомлар икки мусича ўпишмай қўйди. Эшитишимча, уларнинг лаблари ўғирлаб кетилган эмиш.

3. Қаҳратонда юртимга қарғаларни киритмадим. Ариқларнинг рошидан юзимни тескари ўғириб ўтдим. Кўзларидан сесканасан киши. Қарғалар ариқнинг никоҳида.

4. Сизга кимнингдир суҳбати ёкса, Менга кимнингдир гийбати маъқул. Ҳамма нарса билан суҳбат қуриб бўлмаса-да, ҳамма нарсани гийбат қилиш мумкин, ахир.

5. Юлдузларнинг исмини бекитиб қўйдим: Фанорўзи, Тангрисевар, Висола, Навойи, Зоҳира, Дўстим, Ифргул...

6. Мен ўлим учун яшадим... (нукта қабр) Қабр-қабок.

7. Сонсиз-саноксиз қалбга лаб теккиздим. Бирам аччиқки, бирам аччиқки... Онамнинг қалбини таътиб кўролмадим, еёлмадим. Энг яхшиси ва энг ёмони - араз давомида онамга бир сўз демабман-а!

8. Жиянимни яхши кўраман. У мени севади. Киприкларини битта-битталаб юлиб, санаб чиқдим. Миқ этмайди Ҳаяжон. Қорачўғларига лаблари йўқ мусичалар ин қуриб олибди. Киприкларини юлиб, инини бузиб ташладим.

9. Биласизми, ярм кеча туриб тилимдан нимапидир сиқиб чиқариб ташлаб эдим. Мақр мамлақати: Ах-ий-и-р (бақиряпман) Осмоннинг ҳам боши айланиб қолган-ку, ялпизнинг бўйига...

10. Мусиқани соғинмадим, мусиқани сиғинмадим, мусиқани унутдим.

11. Малҳам керак, малҳам керак, малҳам нокерак.

12. Юлдузларга гувоҳнома берилсин.

Ўн икки бурж-ўн икки умрим давомида араз қилдим. Тавба қилдим!

Абртоғ  
ВУЖУДИ

Кечга бориб миямда бир нима потирлаб, зум ўтмай катталашди. Яқин кунлар ичида ёзишим керак бўлган нарсалар бир-бир юзага чиқа бошлади. Мен уни туш деб қабул қилдим ва яқин кишиларимдан бирига ғалати туш кўрдим дея айтиб бердим.

Яқин кишим гарчи, юраксиз бўлса-да, оддий қоғоз эди. Мен исмсизликдан нафас оламан. Ҳавоси нотоза жойга тушиб қолгандек азоб чекиб-чекиб.

Умримнинг иккита уфқи бор. Кундузги ва кечки. Кундуз кунда дуч келганим жамики нарсаларнинг исмини биламан. Бир нарсани иккита ном билан атасам-да. Тунги учрашувларимни эса, нима деб аташни билмайман.

Тоғни тоғ дейдилар. Абрни абр.

Кетаётган жойим чўққилардан иборат тоғ. Лекин оёғим ботгани-ботган. Демак, Абртоғ экан-да. Бу - биринчи нафасим. (Одам эркин нафас олганда қанақа товуш чиқаради?!)

Абртоғ атрофида турфа хил рангдаги гулларни учратиш мумкин эди. Дастлаб алвон, фируза ва баргикарам рангидаги гулларга дуч келдим.

Олдинда баҳраулмони далалари, сиё(х)зор ва маҳсар кенгликлари кўринди. Фалфоний ва сандарус рангидаги гулларни узишга кўрқиб-кўрқиб ўтдим. Қўлимга ололганим данифаранг гул ва баҳроми япроқ бўлди.

Абртоғ этакларидаги билиш каби чексиз ерларда юракка ўхшаган қанақадир ўсимлик ўсибми, қизарибми ётибди. (Кундузги учрашувда уни ноилож "қизғалдоқзор" деб аташ мумкин). Аслида эса - юракзор. (Юрак зор эмас.)

Юракзор нафас олаётганда Абртоғ билинар-билинамас силкинар, мен эса ботиб-ботиб кетаман. Тоғдаги тошларнинг ҳаммаси майда. Катталиги хўздеқ келади. Қорачиқларида баркашпанг сув чиқиб турар эди. Тўйиб-тўйиб ичдим, жисмига ҳеч нарса юқмади.



Тонг ҳавосини пуркаётганда, тонг Абртоққа ҳавас суркаётганда тупроқнинг сочлари оқариб кетди.

Манзил атрофидаги сувликдан кечиб ўтиш ваҳимаси боса бошлади.

Осмоннинг ярми куйиб кетган жойда, сувлик билан манзил ўртасида бир табоқнингми, қабоқнингми кўприк бўлиб турганига кўзим тушди.

Сувликдан чикқаннимда қаршимда шунақа сарик, шунақа садаф аёл пайдо бўлдики, кўркувнинг минг карра каттасига дуч келдим. Даҳшат бўладими энди.

Аёл мени ўпаётганда, мен ҳам қараб турмадим. Кучоклаганимда кўлларим ботиб кетар, ўпмоқчи бўлсам лабларим, тишларим ботарди. "Нега мени гўштимни емаяпсан" - деганида аёл, мен даҳшатнинг миллион карра каттасига дуч келдим. (Бу нима бўлади энди)

Бу ҳолатда ҳудуд йўқ, чегара йўқ эди.

Кундузни кечирришим мумкин, тунни ҳам кечирришим мумкин. Улимни удда қилолмадим.

Қорақулларимда ҳеч ким изғимай қўйди.  
Мен яна битта хато қилдим. Жудаям катта хато.  
Совчиларга розилик бериб бекор қилибман.  
Рухиддинимдан айрилиб қолдим...

Осмоним йўқ менинг, осмоним ерим бор кафтимнинг кафтича  
Кўксимга бир дарахт қулади  
Янроғи тупроқдан оқ пича...

Мен туғилганимда кўзларим мовий бўлган экан...  
туғилганимда кўзларим мовий бўлган экан...  
кўзларим мовий бўлган экан...  
мовий бўлган экан...  
бўлган экан...  
экан...  
н...  
НИГОҲ...

## МОВИЙЛИК

Уч кундирки уйимга совчи келади.

Кичиклари қолиб, катта ўғлим Рухимжон чирқиллаб йиғлапти. Сабриддиним кўчада ўйнаб юрибди. Қўлга ўргатилган қарғаси билан. Кичик қизим Покиза мусиқадан машғулотга кетган. Ҳайронман, Рухиддин нега йиғлайди. Бўйи бўйим билан, акли ақлим билан тенг бўлмаса.

Сиз фарзандларимни яхши билмайсиз. Мен ўзим ҳали боламан. Улар нигоҳимнинг фарзанди. Рухимжон ўзимдан ҳам ақли чикди. Кўзлари ўзимникига ўхшаган мовий. Уғли боланинг кўзи шунақа бўлса, роса гўзал бўларкан. Кўзларим мовий. Бинафшанинг барглари эсангиз менинг кўзларимни рангига ўхшаш сув чиқади. Рухимжан нега чирқиллаётганини энди тушундим. Уйимизга совчилар насиба талашаётган иккита қаргадан келишяпти. Қаргаларнинг ёши анча улуг мендан, юз ёш катта (Нигоҳининг яхшисини қарга чўқийди) Сиз яна бир нарсани билмайсиз. Мен ҳали кичикман. Совчилар қорачўғларимга келяпти. Мен розиман қорачўғларимни қаргаларга никоҳлаб беришга. Ўғлим норози. Шунинг учун (унинг устига гапиришни билмайди) чирқираб йиғлапти. Ахир ким қачон онасини сотганини, ўзгага никоҳлаб берганини кўргансиз ё эшитгансиз? Нигоҳларим унга она-ку!

Мен ҳам розилик билдирмоқчи эмас эдим. Уч кундан бери кўраётган ноҳуш тушим туфайли рози бўлдим. Нима қилай, эзилиб кетдим. Кўзларимни юсам қорачўғларимда кимдир изғиб юради, кўзларимни очсам ҳам изғийди, ҳеч нарсани кўра олмапман. Юзимни ҳеч ким йўқ томонга ўтириб олармишман.

Садақа ҳам қилиш керак-да. Ахийри шунақа қарорга келдим: нигоҳларимни садақа қиламан кўп нарсани биладиган қаргаларга.

10 феврал. Ташқарида ёмғир куйиб ёғмоқда. Бунақаси ҳали бўлмаган. Ёмғирдан қонни ҳиди келяпти. Ёмон кўрганним ёмғир эди. Ҳозир жуда ҳам яхши кўряпман. Ёмғир куйиляпти қорачўғларимнинг бўш қолган ўринларига намхуш қул ҳиди.

Қорачўғларимни бериб юбордим.

Ўрнида қорақул қолди.

## ҚУЁШГАЧА ЙИРОҚ

Ҳар оқшом қуёш ботаётганда томоғимга нимадир тикилади. Тилдан қоламан. Қуёш ҳам осонликча ботиб қўя қолмайди-да. Унда ўлим кечади. Тонгда эса тугилиш бўлади.

Қуёш ботаётганда ер ҳам, осмон ҳам қуяди. Қуёш кириб кетаётган жойни топдим. Томсам-да, ҳали етиб келмадим. Ҳеч нарса ҳеч нарсага етиб келмаган. Дўстлик йўқ дейдилар. Йўқ деган киши дўстликча етиб келмаган муносабатни кўрган. Севги йўқ, дейдилар. Севгини танимаган, унинг чегарасига етиб келмаган одам айтади. Ҳақиқат йўқ дейдилар. Ҳақиқатга етиб бўлмайди, ахир.

Қуёш ҳар кун бу ерга етиб келади. Қуёш ботаётган жойда ҳамма нарса кизил, чўғ. Мен ҳам кип-кизил чўққа айландим. Кўзимнинг ранги уч кунгача ўз рангини сақлаб қолди. Аста-секин у ҳам қизариб, қорачўғлар кизилчўққа, мовийлиги қонликка айланди. Қонлилар фуқароси бўлди. Ҳамма нарса бир хил рангда бўлганлиги учун бир-бирдан ажратишга қийналасиз.

Дарахтлари одамга ўхшайди. Бирорта дарахтнинг кафтида ухларман бу кеч. Агар гижимлаб ташламаса. Тиззалари букилганда эди, кафтига ҳам чикмасдан ўша ерда ётаверардим. Кийимларим лавадай эриб, этимга ёпишиб қолган. Дарахтлардан уяласан ҳам. Танага чиқаётиб, ҳозир шу дарахтнинг суякларини синиб кетади-ёв, деб ўйлайсан.

... Қуёш ботадиған жойда на дара бор, на жарлик. У қандай жой экан?! Қуёш ҳеч қаерга кирмаслигини кўрдим. У тупроққа тўкила бошлади, сўнг эриди. Эриб биттунича бирам қийналди-ей. Ахийри тупроққа синиб кетди. Аввалига ер кип-қизариб, сўнг қорая бошлади. Ҳаммасини дарахтнинг кафтида туриб кўрдим.

Қуёш келишини кутаман шу ерда.

Дарахт мени гижимламади. Яхши зот экан, дўстлашдик. Тўсатдан ёнгинамда чексизликка чўзилган тупроқ гимирлади. Кейин оқара бошлади. Арпа билан бугдойни ажаратадиган оқликни кўрдим.

Қуёшга етиш мумкин.








Жуманиёз  
ЖАББОРОВ

## ... КЎЗЛАРИМГА ЁРИШИБ КЕТСИН ЖАҲОН



### РАНГЛАР РАҚСИ

Гар яшил кийсанг, гўзал, олам яшилга чўлганур,  
Қирмизий куйлақда чиксанг, лолазорлар чўлганур.

Бунча мовийлик само кўксин сафобахш айламиш,  
Сен, демак, мовий либосда - осмон гўёки суқланур.

Пушти ранг шоҳи либосда гар келарсан товланиб,  
Олмазор оламини қоплаб, нур билан ёллулганур.

Тутди ногоҳ коинотни турфа ранг оқ шуълалар,  
Оқ ҳариру хулла кийдингму, жоним, момулганур?

Зафароний куйлагинг сафсар гулин япроғидан,  
Боғаро кирсанг, бу гулшан юксалур, доврулганур.

Етти ранг ким, етти хил, аммо ярашгай эгнингга,  
Қай бирин кийсанг, ўшал ранг яшнагай, қуллулганур.

Ҳар либосда сен гўзаллик оламин султонисан,  
Мен каби бир ошигинг минглар ичинда йўкланур.

### БИР ЧИРОЙЛИ СЎЗ

Бир чиройли сўз дегил, бир дунё хордиқ айлайин,  
Ҳам бу сўзни бир умр умримга Ёрлик айлайин.

Сен менга ул лаъли лабдин бир табассум ҳада эт,  
Мен сенга олам гулистонини тортиқ айлайин.

Бир сўз айтки, кўзларимга ёришиб кетсин жаҳон,  
Мен уни айлаб тумор - жонимдан ортиқ айлайин.

Бир меҳр кўргиз - самодек сарбаланд бўлсин дилим,  
Мен уни жонимга жойлаб, меҳри борлиқ айлайин.

Бир келишга ваъда айлаб, кўнглима тўлдир сафо,  
Мен кутиб ҳар лаҳза-лаҳза сенга зорлик айлайин.

### СЕНСИЗ ҚОЛИБ

(Отабек сўзи)

Неча кунким дилда зор, сенсиз қолиб,  
Бу жаҳон кўзларга тор сенсиз қолиб.

Лаҳзалар йилга баробар бўлдилар,  
Қаҳратондир навбаҳор сенсиз қолиб.

Дилдаги орзуларим бўлмиш сароб,  
Кетмиш ороми қарор, сенсиз қолиб.



Кўзгудек оламини кўрсатган олам ҳаёл,  
Бўлди-ку гарду гўбор, сенсиз қолиб.

Дер эдим сенсиз ҳаётим йўқ менинг,  
Йўқ саботу ихтиёр, сенсиз қолиб.

Кечалар ёдинг билан мен бор эдим,  
Беҳаловат ҳар наҳор, сенсиз қолиб.

Жоним ичра бахт таманноси эдинг,  
Бу жаҳон кўзларга тор, сенсиз қолиб.

### ҚАЙРИЛИБ БОҚМАСАНГ

Сим-симгина ёғар ёмғир,  
Жим-жимгина тушар қор.  
Менинг эса дилим оғрир,  
Юрагимда зил дард бор.  
Бу дард сўнгсиз, бу дард оғир,  
Сўз билан бўлмас изҳор,  
Дунё бўлиб қолар охир,  
Қайрилиб боқмасанг, ёр.

Йил бўлибдир ҳар соатим,  
Изтироб солиб жонга.  
Қолмади сабру тоқатим  
Бу аёвсиз ҳижронга.  
Сени кўрмоқ - саодатим,  
Бахтим айтай жаҳонга.  
Сен Зухра, мен бўлиб Тоҳир  
Бир қайрилиб боқдил, ёр.

Баҳор келди яйраб яна,  
Борлиқ бўлди ям-яшил,  
Водийларда нур, тантана,  
Самода чақнар яшин.  
Дўстлар кўринг қалбим мана,  
Атиргулдай яшнашин.  
Меҳр-шафқат айлаб зоҳир  
Сен қайрилиб боқдинг, ёр.




Жуманиёз ЖАББОРОВ 50 йиллар охирларида собиқ  
Иттифоқда эсган эркинлик шаббодалари туфайли  
адабиётимизда юз кўрсатган истеъдод соҳибларидан бири.  
Ўтган даврда шоир йиғирмадан ортиқ китоблар, Фирдавсийдан  
қилган таржималарни ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилиб, шеърга  
ошино кўнгулларни мусавффо ҳайрат ва завққа ундаб келди.  
Унинг ижодидан берилаётган янги намуналарда мумтоз  
шеъриятимизнинг энг қадрли қасри газалнинг бугунги буйи ва  
анвойи жиллоларини зукко шеърхонларимиз туйиши иғубҳасиз.





Назар ЭШОНҚУЛ



## Ўпак мавсум

Биз ўқитувчимизни жуда севардик. Унга бўлган муҳаббатимиз бегараз ва пок эканлигига сира шубҳа қилмасдик. Унинг овозини эшитиш ва сўзлари чангалида яна бир бор эзгиланиш, тафаккур ва ҳаёлот гумбазлари қад қериб турган салтанатларини сайр этиш учун эрталаблари дафтарларимизни қўлтиқлаб, нонушта ҳам қилмасдан сабоққа югурар; адашган ва толиққан қарвонни олислардан келаётган сахро узра жаранглаган бонг садолари ўзига чорлагани каби бу муҳаббат ҳам бизни тинмай чорлар, ўқитувчимиз билан бизни кўринмас, аммо мустаҳкам ришталар билан боғлаб ташлаган, биз ҳар куни мана шу ришталарга қалбимиз ва шууримизни осганча гўё узоқ кўришмаган ошиқ-маъшуклар янглиг ўқитувчимиз дийдорига тўйиш, сўнг у билан икки ёки тўрт соат мобайнида тириклик ва абадиятнинг азоб-уқубат тўла улкан кўнғироғини чалиш, инсониятта ҳаёлдан келажак сари халоскорлик кемалари ясаб бериш учун бирин-кетин, бироқ бир пайтнинг ўзида сабоқхонага йиғилардик. Мен ҳеч қачон биронтамиз ҳам вақт масаласида адашмаслигимизни билардим ва шунингдек дарс бошлангандан сўнг бирор талабанинг сабоқхонага кечкиб кириб келганини ҳам эслай олмайман. Биз бирон ноҳўя қилигимиз ёки ҳатти-ҳаракатимиз билан ўқитувчимиз гашига тегишдан, тўғри-роғи, уни безовта қилишдан жуда чўчир, шу сабабли сабоқ пайти ҳар бир фикрни тафаккуримиз ва хотирамиз минораларига оғир жангдан сўнг эришилган зафар яловлари каби бир-бир илиб қўйишга ҳаракат қилардик, зеро, бизнинг сабоқхона улуг ҳамда қудратли саркарданинг бир ҳамласидаёқ, тор-мор бўлган ва сукунатга чўмган майдонни эслатарди. Ўқитувчимиз чиндан ҳам ғолиб саркардага ўхшаб сўзларди. У ҳеч нарса ҳақида ҳеч нарсасиз гапирётгандай таассурот қолдирар, аслида ҳам унинг гаплари қанақадир ҳаёлот ва рўёдан иборатдай эди. Озгин ва қилтириклигидан уни ҳозир йиқилиб тушади деб ўйлардик, аммо у ҳеч қачон йиқилиб тушмас, бизни ҳайратга солувчи чакқонлиги билан бир дафъадан сўнг тўкилиб тушади деб ўйлайдиган ҳолатдан тик ва қахрли алфозга қайтарди: у гапирар экан, биз мана шу тушуниксиз ва узун жумлалар ортида унинг ҳаётини, фақат униқини эмас, ўзимизнинг ҳайрат ва умидга тўла ҳаётимизни ҳам суғориб турадиган қудрат қад қериб тургандай туюлар, бизга унинг гаплари, ихрашлари, маърузаларини таъсирли қилиш учун атайлаб қилинадиган сукутлари, қиротлари, ташбеҳ ва тимсолларигина эмас, хароба уйнинг вай-

ДАЗЗАТ ЮРТИДА ҚОЛГАН

ЮРАК...

ҳикоялар



рон ва пугурдан кетган дерзасига ёкиб қўйилган хира шам янглиг пирпираб турувчи кўзлари ва ҳатто бугун вужуди ҳам қандайдир чексиз, бизнинг ақлимиз бовар қилмас қудратдан иборатдай туюларди. Балки бунчалик эмасдир, балки ундан анқиб турувчи бўғиқ ва бадбўй ҳид ҳам қудрат ва илоҳият даракчиси эмасдир, бироқ шундай сирли ва салобатли туйғу эдики, биз бу туйғуни ҳар сония ҳис қилиб турардик. Буларнинг барчаси унга бўлган муҳаббатимизни яна ҳам оширар, уни кўз олдимизда буюкликнинг энг олий ва мукаррам чўққисига олиб чиқар, шубҳасиз, у бетакрор буюклик ва қарам соҳиби эди.

Биз кунлар ўтган сайин бошқа курслар, бошқа талабалар ёвазига ҳам сафимиз кенгайиб бораётганини сезиб қолардик. Мабодо кимнинг дарсига кўп талаба иштирок этади, кимнинг шогирдлари кўп деган савол пайдо бўлган тақдирда ҳам бошқа ўқитувчилар ҳеч мунозарасиз ҳасад ва алам билан уни эслашларига ишончимиз комил эди, зеро, ҳеч қайси ўқитувчига бунчалик талабаларнинг оммавий садоқати ато этмаган десак ҳеч хато қилмаслигимизни билардик. Бошқа ўқитувчилар дарсга кирганда эснаб ўтирган икки-уч талабадан ўзга бирон талабани учрата олмаган ҳолда унинг маърузасини эшитиш учун қўшни, ҳатто ихтисосликлари тўғри келмайдиган талабалар ҳам йиғилиб келар, курси ёки бирон суяниб турса бўладиган жой излаб талабалар даҳлизда зир югуриб юришарди: унинг маърузаси арафасида даҳлизлар, хоналар нақ тўполон ичда қолар, талабаларни тартибга чақириш учун ўқитувчилар ўша кунлари тинимсиз навбатчилик қилишарди. Мен бу кунлар улар учун ниҳоятда машаққатли бўлишни аниқлардим; талабалар дээрли уларни тинглашмас, эътибор бермас, бақириб-чақириб, ҳозир бошланадиган маърузани муҳокама қилишарди. Маъруза бошлангач, бирдан сукут чўқар, ҳамма сеvimли ўқитувчиларининг оғзидан чиқаётган гапларни қорозга туширишга шояр, сўнг бўш вақтларида баъзилар бу узун маърузаларни ёдлаб ҳам юрарди.

Курсилар, столлар синиб қолавергач, раҳбарлар ўқитувчимизнинг маърузаси учун чеккадаги, фақат байрамлар ва тантаналарда очиладиган залини бўшатиб бердиларди, доимий тўс-тўполон, шовқин-сурон ва талабалар бебошликларидан қутулдилар. Бу зал ҳам кейинги пайтларда торлик қилиб қолаётган бўлса ҳам бемалол ўтириб, маърузани кўчириб олишга имкон бор эди. Ўқитувчимизнинг кундан-кун шухрати ошиб борар, биз сабоққа кирганда янги-янги бегона талабаларга дуч келардик. Сабоқдошларимиздан бири ҳазил аралаш: "Яқинда ўқитувчимиз бугун шаҳарни бошқаради", дерди. Аслида бу ҳазилда ҳеч бир муболага йўқ эди. Устозни ҳар кўрганда ёки унинг маърузаларини лолухайрон ва ошуфта бўлиб тинглаб ўтирган лаҳзаларда нафақат шаҳар, балки қалбимиз ҳам аллақачон забт этилганини ҳис этардик. Ўқитувчимиз назаримизда, қўл етмас юксакликда турар, уни забт этиш ва майда, баъзан ҳаддан ортиқ бачкана ташвишларга ўралашиб яшаётган бизнинг икир-чикирларга, гийбату фикс-фосодларга, жўн, ўткинчи умидларга ўралашиб яшаш мумкин эмасдай туюлар эди; у ўзи турган юксакликдан биз томонга боқмас, фақат унинг киёфасида балқиган ҳидоят ва шамс нурлари музлаб ётган ва неча йиллардан буён офтоб тегмаган кўнглимиз қирларини илитар экан, бу шамс бизга ҳаёт тафтини худди афсонавий Ҳотам бойликларини қашшоғу муҳтожларга бир-бир улашгандай шунчаки садақа қилиб кетар ва у олий ҳиммат, бетакрор саҳоват хожаси эди. Биз вайрон бўлган ва залолатга юз тутган дилларимизни бу офтобга тутиб илитар эканмиз, ҳар биримиз бу офтобни кутиб жон беришга тайёр ва муштоқ эдик. У ўзининг ҳиммати ва саҳовати билан несту забун қилиб бўлгач, бизни зориқтириш ва ўрташ учун яна ўша юксакликка қайтиб кетарди. Биз сезиб-сездирмай гапиришда, сўзлашда, кийинишда ўқитувчимизга тақлид қилаётганимизни англаб қолардик, ҳатто гапираётганда қаламини қўл учидан ўйнатишгача ўқитувчимизники эди. Сочни узун қилиб ўстиришни қўйиб турайлик, кўзимизни ҳам ўқитувчимизники каби пирпиратишга интилардик. Мен сабоқдошларимизнинг тушларини ҳам ўқитувчимизга ажратишгача шубҳа қилмасдим, зеро мен ҳам бу ёлғиз ўзим подшоҳ бўлган мамлакатни ўқитувчимиз ихтиёрига топширганимга анча

бўлганди. Биз гўё жодуланган ва афсун қилинганларга ўхшардик. Ўқитувчимизнинг бизни ўзига тортадиган даражада истараси иссиқ ҳам эмасди, аксинча, биологик хоналарда кўргазмага қўйилган устихон каби ҳоқ суякдан иборат, агар устида эгни боши бўлмаса унинг ўша устихонлардан фарқи йўқ, соҳига ҳеч қачон тарақ тегмаган, патила ва аъзо-баданидан қандайдир заифгина қўланса ҳид анқир, овози қабрдан чиқаётган ва олислардан келаётган ўтмиш садаларидек қаримсиқ ва зардали эди. Биз кўпинча шундай кўримсиз ва ҳатто вампирлардек бадбашара одамга бунчалар ошуфта бўлиб қолганимизга ҳайрон қолардик. Унинг ўзини туғиши, қадди-қомати ва қуриб қолган қулдек кўзлари жоҳишлик ва кибр акс этган юзи Эрликхоннинг\* баджаҳл ҳайкалинини эслатар, биз эса ана шу ақл ва фикр машъали билан бизни нодонлик саҳросидан тафаккур кўргонининг юксак ва машаққатли сўқмоғига олиб кирувчи, зидан мафтун ва шайдо, жоду ва сеҳр этарак эргаштириб борувчи, ҳар кун тонг саҳарда қуёшдан ҳам олдин аввало устозга эҳтиром ва муҳаббат уйғотувчи, пешвомиз ва халоскоримиз, ақлу идрокнинг бетакрор тимсоли ваҳмили ва қаҳрли маъбуднинг сиғинди ва аржумандлари эдик; унинг шуури бизнинг шуур, унинг ҳаёли бизнинг ҳаёл, унинг дарди бизнинг дард, унинг шиддати бизнинг шиддат эди ва биз фақат мафтункорлари эмас, унинг қудрат ва қарам акс этиб турган танасининг бир қисми эдик, у биз эди, биз эса у эдик.

Бизнинг ўзаро баҳсларимиз унинг маърузаларига бир тақлид эди, холос. Бир марта биз сабоқдошларимиз билан гоё ва инсон ҳақида баҳслашиб қолдик. Мен гоё ўткинчи, инсон абадий деган анчайин жўн фикримда туриб олдим. Биз баҳсимизни ўзаро ҳал қилолмагач, устозга мурожаат қилдик. У маърузаларини худди кўксингизга туйқусдан ханжар ургандек, тўсатдан биз кутмаган, сезмаган фикр билан бошлар ва изидан қўйилиб келаётган, бизнинг ақлимиз бовар қилмас ваҳмили ва зарбали мантикларини бизнинг лолу ҳайрон қолган тасаввур даштимизга улоқтираверарди. У фикримизни эшитиб, кибрли жилмайиб қўйди ва қисқагина қилиб: "гоё ўлмайди", деди. Мен эса ўз фикримда туриб олдим. "Гоёлар қуролга ўхшайди, ишлатиб бўлингач отиб юборилади", дедим.

- Йўқ, - деди ўқитувчимиз бироз писандалди оҳангда; у ҳар биримизнинг қалбимизга ўзининг ҳайкалинини ясаб улгурган киёфасига заҳарханда тус берди. - Тана ўлиб кетаверади. Гоё янги авлод билан бирга янгидан тўғилаверади. Уни кўмиб бўлмайди - уни кўмишган тақдирда ҳам у қабрдан чиқиб яна дунёни бошқараверади. - У шундай деб сирли тиржайди. Менга у ўз хулосаларидан завқ олаётгандай туюлди. - Яқинда Т. ўлди, - деди у бир зумдан сўнг фикрини давом эттирди. - Буни ҳаммаларинг биласизлар. Унинг ар-боблик фаолияти дээрли шармисор қилинди, уни ватан хонини деб аташгача боришди. Лекин янгилар ҳам унинг гоёси билан бошқаришга ўтишди. Гоёни ўлдириб бўлмайди, у янги авлод билан бирга янги мазмун кашф этиб тўғилаверади.

Шундай деб у шакл ва мазмун ҳақида гапира бошлади. Тан олиш керакки, бизни унга билдирадиган эътирозимиз ниҳоятда зиёф эди, шу сабабли биз одатдагидай бу мунозарада ҳам енгилганимизни тан олдик. Ўқитувчимиз голибона жилмайди. У ҳаммаша бизнинг тушунчаларимизни тор-мор қилгач, яна бир оғир жангда зафар қозонгандай мағрур жилмайиб кўярди, гарчи жумлалари узун, танбеҳу ишоралар кўп бўлган бўлса ҳам, у фикрларни худди ўқиб бераётгандай равон ифодалар, у ростдан ҳам бир нуқтага-бизнинг устимиздаги бўшлиққа қараб гапирар, гўё у ерда қандайдир сирли китоб очиб тургандай эди; Устознинг барча ҳаракатлари зўракидай туюлар, қўллари қалтираб, ҳозир нимасидир фош бўлиб қолишдан хавотирланиб турар, бизнинг муҳаббатимизни қозонганига ҳам ишонмагандай, шу сабабли ҳаммаша жоҳил, кибрли, ёлғиз бўлиб туюларди. Уни доим мен касалманд ва васваса бўлса керак, шу сабабли ҳам ҳеч кимга ўхшамайди, барча даҳолар каби у улуг ва бетакрор васвасага йўлиққан дея ўйлардим, шунда мен ўқитувчимизнинг аъзо баданига ўрнашиб қолган ҳидининг нима эканлигини ғира-шира англагандай бўлардим; бу нам тупроқ хиди эди. Аммо бу туйғуни ошкор қилиб, ўқитувчимизга ошиқу шайдо бўлганларнинг танбеҳига дош беролмаслигимни



ўйлаб, бу ҳидни унутишга ҳаракат қилгандим. Устозимизга бўлган оммавий шайдолик, сабоқхоналарда курси топиб ўтириш муоммасы ва бешафқат вақт ҳаммасини унутишга мажбур қилди ва мен ҳам эртага устознинг маърузасини олдинги қаторларда ўтириб эшитиш учун қандоқ қилиб сабоққа эртароқ боришим кераклигини ўйлаб тонг оттирадиган бўлдим.

Ўқитувчимизнинг маърузалари тобора қизиқ тус олаётганди. Унинг шоғирдлари сафи кенгаётганидан унинг ўзидан кўра биз кўпроқ қувонар, устозимизни еру кўкка ишонмасдик. Охир-оқибат устозимиз барча соҳада ғалаба қилди. Уни ёқтирмайдиган факультет бошлиғиyo ўқитувчилар ҳам талабаларни тартибга чақириб унунга муражоат қиладиган бўлишди. Бебош талабалар устозни кўриб, худди афсун билан сели қайтган дарёдай жимиб қолишарди. Шундай пайтлари у бу дунёга янги тартиб, янги ҳақиқат, янги мантиқ ва янги ҳидоят ёйувчи, инсонларга хос барча майда ва жўн кечинма, муносабатлардан холи, тириклар ета олмас даражада фориғланган, покланган, мусибат ва азоб узра юксак кўтарилган хилқат бўлиб туюлар эди. Сабоқдошларим устозимизга бағишлаб шеър битиб юришини билардим. Менинг шеър ёзишга унча ўқувим бўлмаса-да, устоз ҳақида соатлаб гаплашишга, баҳслашишга тайёр эдим. Биз ҳаммамиз устозимизга бўлган эҳтиромимиз телбалик даражасида эканлигини сезар ва мана шу телбаликнинг ўзиёқ қалбимизни гурур ва сурурга тўлдирарди. Унинг нуқтада кишини жазава ва васвасага туширувчи, жунунини кўзговчи нимадир бор эди; у гапирар экан, ҳеч биримиз у гапирётган нарсга ҳақида ўйламас, хаёлимизга Малмстининг "Йиғи" мусикаси каби олис шовқин аралаш мубҳам жилвалар келар, у ҳаёт ҳақида гапирар экан, ўз-ўзидан биз ўлимнинг улуглиги ва қудрати ҳақида ўйлардик; биз хаёл ва фикрларимизни бир жойга тўплашга қанчалик ҳаракат қилмайлик, устозимиз маърузалари бизни барибир ўша ақл-идроқдан холи олисликка етаклаб чиқиб кетаверар, гўё жами инсоният интилиб келган нарсга мана шу маънисиз, мазмунсиз ва шаклсиз олисликда деб таъкидлаётгандай эди. Тўғрироғи, буни устоз сўйламас, унинг сўзлари бизни масту мустар қиларди. Биз хулоса ва ҳукмнинг бунчалар бешафқатлигидан, бунчалар озурдалигидан маст бўлардик, устоз бизнинг гурур ва шанимизга тегиб, қалбимизни укубат селида окизиб маст қиларди. Биз ўз муҳаббатимизни бошқаларга тез ва осон юқтира олардик. Бунинг учун устозни зўр бериб мақташ бизга ҳеч шарт эмас, биз муҳаббат ва ҳайрат ёйиш учун устознинг икки-уч фикрини келтирар ва бу фикрлардаги адасизлик ва худудсизликдан суҳбатдошимиз бир сония ичида худди уятли жойи очилиб турганига бирдан кўзи тушиб қолгандай аввал лол қолар, сўнг устозимизнинг ғойибона муҳлиси ва муҳибига айланарди. Ушанда муҳаббат ҳам юкумли касалик каби тез ва хавфли тарзда ёйилишининг гувоҳи бўлардик. Биз қанчадан-қанча дилларга, ақлларга бу юкумли касални юқтирмадик, қанчадан-қанча қалбларга ҳайрат ва улугликдан лол қолиш чироғини ёқмадик: гўё биз шаҳар ва одамлар оралаб юкумли касал ташувчиларига ўхшар, қаерга борсак, ўша ерни ўзимизнинг танимизни ва шууримизни қақшатиб ётган касалик билан заҳарлаб чиқардик. Бир марта сабоқдошларимизнинг бирининг олис қишлоқдан келган отаси устозга бўлган эҳтиромимизни кўриб, хўнграб йиғлиб юборганди - устоз бизнинг шаън-шавкатимиз ва ҳалоскоримиз эди; худди баҳор офтоби янгли онгимизнинг рутубатли ва чарчоқ қирларини иситар, биз шу офтобни бошимиз ва шууримизга тож қилиб, фасллар ялқовлик ва ҳорғинлик билан алмашадиган талабалик тунларимизни шуўлага тўлдирар, ўзларини устознинг энг садоқатли шоғирдлари деб ҳисобловчилар йиғилиб қолганимизда фақат устоз ҳақида гаплашар ва унинг жумлаларига яширинган мантиқни қақшини, қирқ чиммат ичидан юзини бир-бир очган гўзал янглиг бу фикрга шайдо бўлиб, соталаб муҳокама этишни яхши кўрардик. Биз шоғирдлар турли ёшдаги ва тақдиримиз бир-биримизникига сира ўхшамайдиган турли қарашга мансуб йиғитлар эдик, аммо ҳаммамизни устозга бўлган эҳтиром бирлаштириб турар ва ҳафтанинг маълум кунинда йиғилиб исқирт қаҳвахона бурчагида фақат талабаларгагина хос бўлган қизгин ва ҳаёсиз суҳбатлар қурур, ҳар

биримиз ўзимизча устоз ўғитларини шарҳлар ва шаҳар тун чопонини кийиб, секин мудрай бошлаганда эртага тонгда устозни яна бир бор кўриш бахти мавжудлигидан масрур бўлиб, бир фикрга келолмай тарқалишардик. Қанчалик бақириб-чақирмайлик ва бир-биримизга фикримизни уқтиришга ҳаракат қилмайлик, барибир ҳар ким ўз фикрида қоларди. Биз кейинги ойлари ичида қаҳвахонадаги сараланган улфатлар суҳбати фақат устоз ҳақида бошланиб, у билан туғар, баъзида сараланган шоғирдлар суҳбатига шу атрофда яшайдиган ва пиво олишга қалам ҳақи етмаганидан бизнинг эрмагимизга айланган тузиккина ном чиқарган шоир ҳам келиб қўшилар ва биз олиб берган пиво ҳақида у ҳам устозимизни улуглай бошларди. У умрида кўрмаган бўлса-да, бир куни бизга устоз ҳақидаги шеърини ўқиб берди. Шеър чинаккам самимият билан ёзилган, устозни сал бўлмаса миллат тарбиячисига айлантириб қўйганди: шеърдаги устозимизга эҳтиром бизга азбаройи хуш ёққанидан шоир пайдо бўлиш билан олдига пиво кўяр ва ўша шеърни ўқиб беришни талаб қилардик. Бутун ҳаётдан ва ёзган шеърдан тополмаган маънини шоир ана шу исқирт қаҳвахонага келиб турувчи алмойи-алжойи талабалар ичидан топгандай, шеърни бор овозда ўқир, баъзан биз ҳам унга жўр бўлиб кўярдик.

Шоир шеърни ўқиб бўлгач, ютоқиб пиво симирар ва яқин кунларда устоз ҳақида достон ёзажагини билдирар ва яна пиво симириб, кечгача бизнинг даврамизни ўзи каби тушкун ва афтода ҳол шеърлари билан тўлдириб ўтирарди.

Эндигина бошланган ёз тафтидан қочиб қаҳвахонага бекиниб олган кунларимизнинг бирида бизда ўқишлар туғаб, таътил бошлангач (таътил яқин эди) устознинг ўзини шу даврага олиб келиб, у билан яқинроқ танишиб олсак-чи, деган фикр пайдо бўлди. Устозни тақлиф қилиш бизнинг баҳсларга яқун ясади. Шу сабабли бунга ҳамма рози бўлди. Шоир ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлади: у шу баҳонада зарур нарсаларни йиғиб олмоқчи ҳамда "ул улуг устоз" билан яқиндан танишмоқчи эди. Тезин пиво сабабми ёки бизнинг суҳбатлардаги устозга бўлган эҳтиромми у ҳам ўқитувчимизни устоз деб атай бошлаган эди.

Таътил бошлангач, талабаларга хос эпчиллик билан тайёргарлик бошланди; қаҳвахонанинг бурчагидаги курси биттага кўпайтирилди, қаҳвахонадагиларнинг розилиги олинди. Барча зарур нарсалар ҳозирлаб қўйилди; биз устозни хурматига яраша бироз ҳашам билан кутиб олмоқчи эдик. Устозни топиб келиш менга топширилди; биз устознинг уйини билмаслигимизни ва бу билан ҳеч қачон қизиқмаганимизни шунда сезиб қолдик. Таътил бўлгани учун устозни уйдан бошқа жойдан топиб бўлмасди. Биз факультет бошлиғи, ўқитувчилардан бир-бир устознинг яшаш жойини сўраб чиқдик. Улар бу билан ҳеч қачон қизиқишмаганини ва устоз улар билан ҳеч қачон ҳақсуҳбат бўлмаганини айтишди; биз бу ҳолни ўзимизча "у ёлғиз ва мағрур яшайди" деб изоҳладик. Ниҳоят, девонхонадаги титилиб кетган ҳужжатлар ичидан устоз яшайдиган кўча ва уйининг манзилини топдик; ҳужжат ҳали шаҳар янгида қурилмасдан олдин тўлдирилган ва бирон марта қайта янгиланмаган эди. У шаҳарнинг шарқий қисмида эски кўчалардан бирида яшарди. Мен кўчада деярли ҳеч кимни учратмадим. У ташландик каби кимсасиз ва бироз ваҳмли эди. Уйларининг томлари, деворлари қулаб ётар, кўчани қанчалик рангдор қилиб безаган бўлишмасин, гўё ҳашамдор сурат четига бехосдан ранг чапланиб кетгани каби мен бораётган хароба кўчанинг икки четини деярли вайрон қилинган уйлар қуршаб олганди. Бу кўчада кўпдан буён бирор жонзот яшамагани шундоқ кўриниб турарди. Устознинг уй рақамини излаб кўчанинг охирига бориб қолдим. Уйлар туған жойдан бироз ваҳмли, эски, ҳар қандай ташриф бўлса қабул қила оладиган улкан қабристон бошланар ва у кўз илгамас масофага чўзилиб кетган эди. Мен яна қайтадан кўчани бошидан охир ахтариб чиқдим. Ва ҳар сафар кўча мени қабристонга бошлаб чиқарди. Мен яна бир марта кўчани текшириб чиқмоқчи бўлдим, бироқ шунда қабристон тепасидаги рақамга бирдан кўзим тушиб қолди ва ичимни бир кўрқинчли туйғу қуйдириб ўтди; Қабристон тепасидаги рақам устоз уйи кўрсатилган рақам эди. Авваллига мен ҳеч нарсани тушунмадим; сўнг устознинг устихондан иборат қадди, баданидан анқиб турув-



чи зах, киёфасида акс этиб турадиган ҳасад аралаш кибр ва фақат марҳумларга хос совуқ кўзларини эслагач, нимадир бутун шууримни ёриштириб юборди ва англаган нарсамини ўзим салдан сўнг кўтаролмай қолишим мумкинлигини сезгач, худди зулмат оралаб югураётгандай қулаган деворлар, хараба уйлар оралаб жон ҳолатда изимга угурдим.

\* \* \*

Эртасига эрталаб олдимга сабоқдошларим келди. Менинг кечадан буён ўрнимдан турмаганимни, алаҳсираб чиққанимни хонадошимдан эшитишган чоғи, менинг қизарган кўзларимни, бир кечада ажин босган юзимга қарашиб, қаттиқ шамоллаган деб ўйлашди, афтидан, меҳрибонлик қила бошлашди. Мен эса кечадан буён юрагимни эзгилаб ётган кўрқув ва саволларни ортиқ ушлаб туролмадим ва гапирар эканман, товушим худди ўқитувчимизнинг товушига ўхшаб кетганини сезиб, чўчиб тушдим;

- Бизга ўлик устозлик қилибди. Биз ўликка муҳаббат қўйибмиз...

## Оғриқ лаззати

Дўстим билан шаҳар ўртасидаги майдонга кириб борганимизда, улар қатор тизилиб ўтиришарди. Таналари яра-чақадан гезарган, азборойи оғриқ ва азобдан дерлиги шилиниб тушган елкаларидаги яғирга қўёш шуъалари тушганда ялтираб кетар, оёқларини олдинга чўзганча туришга ҳам мадорлари келмай несту забун бўлиб ўтиришарди. Текин томоша кўришни истовчи эртаю кеч майдондан кетмай уларнинг фарёд ва фиғонга тўла ҳолатини зериккунча тамоша қилишар, ҳатто тунлари ҳам бу ерда хоҳлаганча томошабин топилар эди. Азобга маҳқумлар искирт ва увода кийимларига ўралганча бир муддат мизғиб олишар, сўнг яна уқубатли хунарларини бошлашарди. Фиғонлар қанчалик мудиш, ҳасратомуз чиқмасин, бунга ҳеч ким эътибор ҳам бермас, аксинча, бир неча фиғон ичидан ким кўпроқ оҳ-воҳ қилаётди, кимнинг товуши баланд, кимники зўраки-ю кимники самимий дея баҳслашардилар. Мабодо биронтаси фиғон қилишдан тўхтаб қолса, худди айбдордек, яралар беҳад азоб бераётган шерикларига ҳасад аралаш кўз ташлар ва назоратчиларни имларди; назоратчи қўлида қамчи билан этиб келар ва кўкара бошлаган яралар устидан савалашга тушарди. Агар бу ҳам кор қилмаса, қатта нағалии этиги билан тананинг тўғри келган ерини топтай бошларди. Назоратчилар азоб беришнинг хилма-хил усулларини қўллар эдилар; улар ўз ишларининг айтиш мумкинки, устаси фарангларни эди. Аммо назоратчиларнинг оғриқ кўзгатишдаги тажрибалари қанчалик ошаётган бўлса, майдондагиларнинг қоникмасликлари ҳам шунчалик кучайиб борарди. Айримлар бош назоратчи келганда усулларнинг тез эскириб, танага кор қилмай қолаётганидан шикоят қилишарди. Бошлиқдан танбеҳ эшитган назоратчилар бироз кенгашиб олгач, важоҳатли киёфада яна маҳқумлар олдида пайдо бўлишар ва аввал оёқларининг, сўнг қўлларининг бармоқларини бирма-бир, бўғинма-бўғин синдира бошлашарди: оғриқ кўзгатиш мумкин бўлган барча усулларни қўллашга руҳсат берилганди; назоратчилар аввал маҳқумларни этлари шилингунча савалаб чиқишар, кейин яралар устига туз сепишарди. Бу фақат бошланғич босқич эди. Бора-бора туз ҳам танада оғриқ кўзгатишга қўярди, шундан сўнггина назоратчилар бошқа аъзоларга оғриқ кўзгатиш тарадудига тушардилар. Бармоғи синган маҳқум ўқириб юборар, юзида азобли ифода пайдо бўлиб, кўзидан ёш чиқиб кетарди, аммо қисиб олган лабларига баайни зулмат ичида ёниб турган шамдек бир заиф табассум қалқиб чиқарди, оғриқ кучайган сайин бу табассум бутун юзни эгаллаб оларди. Кимнинг юзида азоб ўрнида тўлиқ табассум пайдо бўлса, томошабинлар ўшани кўрсатиб, қийқиришарди. Бу уларнинг олқиши эди. Маҳқумларнинг юзига булутлар остидан чиқиб келаётган қўёш каби табассум ёйила борар, бундан завқланган назоратчилар уларнинг бармоқларини шарт-шурт синдира бошлашар эди. Гарчи оломон қийқириб турган бўлса ҳамки, бармоқларнинг синиши бутун майдонга эшитилар эди. Юзида табассум балқиган маҳқум шу ҳолда кўзини юмганча узоқ жилмайиб ётарди - аини шу сония унинг масту мустарлик палласи эди.

Унга ҳеч нарса оғриқ лаззатчилик фароғат бахш эта олмасди; ёйилиб кетган лабларини, милкларидан оқиб тушаётган ёшларни, искирт, ювиқсиз ва қаровсиз юзига истара бахш этган табассумини ва унинг жонига қўлиб, ухлаб ётган қадим паҳлавондек бахтиёр киёфасини кўриб у айнан шу лаҳзани ҳеч қайси жаннатга алмаштирмайди, уни ҳеч қайси пайғамбар, ҳеч қайси муҳаддас китоб бу лаззатдан маҳқум этолмайди деб ўйлардингиз, зеро, унинг аини шу лаҳзадаги саодатманд киёфасини ҳеч нарса билан ифодалаб ҳам бўлмасди. Шу сабабли улар атрофида ҳаминша томошабинлар қийқириб туришар, маҳқумлар эса, бир-биридан ўтказиб ўз санъатларини намойиш этиш учун назоратчиларни ўзларига кўпроқ азоб беришга чорлашарди. Назоратчи энди унинг тиззаси устида сақрар ва юзи аралаш қамчи туширарди. Суяқ қарсиллаб кетарди; маҳқум эса саодатнавиш жилмаяр, ёрилиб кетган лаб ва бурундан оқаётган қон унинг табассумига заррача бўлсин гард юқтира олмас, аксинча, маҳқум азобу оғриқдан фароғатланиб турган шу сонияда яна ҳам салобатли ва илоҳий туюларди.

- Санъат, бу санъат, - деб бақирарди оломон маҳқумнинг юзини кўрсатиб.

- Қойил қилишаяпти, - чийилларди орқадагилар ҳам. - Бу нақаси камдан-кам учрайди.

Оғриқ санъати ҳам санъатга хос барча сифатларга эга эди, ҳатто улардан мукамалроқ ҳам эди; унинг ҳар бир ҳаракати, ҳолати, овози, ижроси, манзараси шундай изчил тартибга эга эдики, бири иккинчисиз содир бўлмасди ва энг улкан рассомлар ҳам энг улуғ асари устида маҳқумлар каби завқланган, лаззатланган эмас ва улар ҳам бу манзарани чиқишга ожиз қолардилар. Оғриқ ва оғриқ пайдо қилишнинг тури, усуллари шунчалик хилма-хил эдики, бу соҳада ҳар қандай санъат тури билан баҳс бойлаша оларди, бинобарин, бу санъатдан ҳам бошқа санъат турлари каби маҳқумлик мавжуд ва бунинг ҳам ўз томошабинлари бор эди. "Оғриқ лаззати - энг олий лаззат, - деб ёзишарди газеталар маҳқумлар билан қилган суҳбатларда, - бу лаззатни фақат оғриқка маҳқум бўлгач сезиш мумкин". Бу санъатнинг бошқа санъатлардан фарқи шуки, унга маҳқум этилган умр бўйи унинг шайдоси бўлиб қолар, ундан ҳеч қачон қутилиб кета олмасди. Ташлаб кетганлар салдан сўнг яна қайтиб келишарди. Чунки оғриқ лаззатидан таътиган, кўчасидан бир марта ўтган киши усиз яшай олмаслигини англади. Оғриқ маҳқумлар учун саодат эди. Маҳқумлар қанчалик азоб чекишса, шунчалик завқланишар ва оғриқ лаззатига ҳар маҳал ташна туришар, оғриқ ҳумор қилиб, таналарини ўзлари ҳам юлиб-ялқаб ташлашарди. Улар оғриқ учун туғилган, оғриқ ва азобнинг олий мақомига етишган эдилар - уларни оғриқ ва азобдан бошқа ҳолатда тасаввур қилиб бўлмасди. Азоб санъат асари яратишнинг энг қулай воситаси эканлигини маҳқумлар ҳам, назоратчилар ҳам ҳис қилишар, шу сабабли назоратчилар оғриқ ва азоб беришни ўзларининг бурчлари дея ҳисоблардилар.

Газеталар ҳар куни маҳқумларнинг янги-янги муваффақиятлар тўғрисида саҳифа-саҳифа мақола, ҳабарлар беришар, томошабинлар эса эртага маҳқумлар билан бўладиган янги томошани орзиқиб қутганча тонг оттиришар, сал бўш вақт топилса, майдонга қараб чопишарди. Улар санъат шайдоларига, санъатдан завқ олишнинг хуморпарастларига айлангандилар. Санъат ва санъаткорларга бундай садоқатли ихлосмандликни бошқа жойдан топиш мушкул эди. Шу сабабли назоратчилар ҳам майдондагиларни ўз мухлислари билан беҳад фахрланишар, майдонда одам қанча кўп бўлса, уларнинг ҳаракатлари ҳам, нағмалари ҳам шунча санъаткорона тус оларди. Оғриқ туфайли келадиган лаззатдан ўзга олийроқ фароғат йўқ эди; яра-чақа тошган таналар, искирт ва увода кийимлар ҳам бу манзарани хиралаштиролмас, азоб-уқубат чекавериб, мурданики каби қонсиз ва ифодасиз юзлар наҳ хулё офтоби ёритиб турган, фақат тахақулгина яратиш мумкин бўлган ҳаёлий киёфаларга ўхшаб кетарди. Фақат санъат асари яратаётгандагина юз шундай улуғвор ҳолатга кириши мумкин.

Биз шаҳарнинг қайси бурчагига бормаилик, мўжизавий санъаткорликка ва уни олқишлаётган мухлислар оломонига дуч келардик. Айрим мухлислар ўзларининг санъ-



ат фидойиси эканлигини кўрсатиш учун назоратчилар сафи-га келиб қўшиллар ва улуг санъат намунаси яратишда ўз ҳис-саларини қўшишни исташарди; улар санъатта фидойиликлар-и туфайли ҳам маҳкумларни кўпроқ азоблаш керак, шунда улар яна улугроқ асарлар яратадилар дейишар ва назоратчи сифатида маҳкумга ташланиб, уни бир пасда оғиз-бурнини конга бўяр, тузни шусиз ҳам ҳилвираб қолган яралар устига сепарди. Фидойилар газетларда бу санъатнинг равнақ топи-ши ҳақида баҳс, мунозаралар уюштиришарди. "Инсонни хўрлаш мумкин эмас, - деб ёзишарди улар мунозараларда, - инсон фақат улуглиниши керак. Чунки у улуг нарсалар яра-тишга қодирдир". Кейинги ойларида оғриқ санъати билан шуғулланувчи тадқиқотчилар ҳам пайдо бўлганди. Улар бу санъат инсон яратган энг улуг санъатлардан бири эканлигини эътироф этишар, аммо бу санъат тафаккур маҳсулими ёки тана деган масала юзасидан ҳеч келиша олмадилар. Ҳар бирининг ўзига хос далил ва исботлари бор эди. Бу муно-зарага шаҳар аҳли ҳам қўшилгач, тарафлар жанжали яна ҳам авж олди. "Бу тафаккур маҳсули, йўқса, улар тананинг бу қадар азобига дош беролмасди. Фақат тафаккур шундай улуг санъат ярата олади", - дея баҳслашардилар тафаккурчи-лар. "Йўқ, бу санъат фақат тананики. Унинг янгилиги ҳам шунда. Инсоннинг жисмоний имконияти чексиздир", деб уларнинг фикрини рад қиларди бошқалари. Баҳс-мунозаралар шунчалик авж олдиди, оқибат сал бўлмаса, икки ўртада жанжал чиқиб кетаёзди. Шаҳар раҳбарлари аралашуви билан икки томон ярашди ва энди улар "Бу инсондаги жис-моний ва тафаккур қувватининг маҳсули", деган яқдил тўхтамга келдилар. Шундай кунларда газеталарда Тўртинчи маҳкум ҳақида шов-шув бошланди. Унинг азоб-уқубатга бе-ниҳоя қобилиятли эканлиги, санъати ҳам ўзининг нафис ва гўзаллиги билан ажралиб туриши ҳақида ёзишарди, дарвоқе, уни нафосат оламининг сўнмас гулига қиёслашар эди. Тўртинчи маҳкум - у марказий майдондаги маҳкумлар ичида эди - қотмадан келган, узунбўй, қилтириқ ва юзида доим табассум балқиб турадиган йигит эди. У маҳкумлар ичида ўзининг дардга чидамчилиги билан ажралиб турар, бармоқ-лари синдирилаётганда ёки оғриқ бутун танасини қалтирати-б юборганда у худди машуқасига табассум қилаётгандай жилмайиб кўяр, сўнг яна ҳам назокатлироқ қилиб назорат-чига миннаддорона бош иргарди. Назоратчилар ҳам унга шундай муносабатда бўлишга интилишар, учи ўтқир, маҳсус санчаксини гўё тош йўнаётган ҳайкалгарошдай танага иштиёқ билан санчар, сўнг ўша тошга бу гўзал санъатнинг намунаси бўлган ўзига хос нақш солиб чиқишарди. Назо-ратчиларнинг тўртинчига эътибор ва ҳурмати зўрлигидан ҳафсала билан азоб беришайтгани кўриниб турарди. Ваҳоланки, уларга оғриқ кўзгатиш учун хоҳлаганча кўполлик қилиш ҳуқуқи берилганди. Тўртинчи оёқларининг суяги синдирилаётганда ҳам табассум қилишни тарк этмади: гўё у бу оғриқларни назарига илмайётгандай эди; оғриқ юзи-ни бир зум кўқартириб юборса ҳам у бир неча сонияда ўзини тугиб олар ва ҳумор қилиб тамаки тутатаётгандай оғриқнинг танасига сингаётганидан лаззатланиб, лабининг бир четиди жилмайганча мағрур ва шарафли алфозда турар-ди. Унинг шу туришиёқ ўзи бир санъат асари эди; унинг юзида беҳад азоб-уқубат акс этган, киёфаси яқинда киргин-барот тутаган ва ҳамма нарса вайрон қилинган майдонни эслатарди. Бу юзида ҳақорат ва хўрликдан, мусибат ва аламдан асар ҳам йўқ, лабининг четиди табассум эса, ҳаётининг қоронгу кўчаларида қолиб кетган, ўша олис до-риламон кунларнинг бир синик парчаси, ўзини томоша қилаётган, олқишлаётган оламон олдига кийиб чиққан ниқоби эди, ана шу табассумгина уни майдондагилар ичида улугвор ва мағрур кўрсатиб турарди.

У ўзининг озурдалиги билан менга жуда ёқиб қолганди, дарвоқе, биз майдонма-майдон югуришни бас қилиб, энди фақат тўртинчи турган майдонга борар, кечгача ўша ерда қолиб кетардик; тўртинчининг худди май тўлатил-ган қадах каби оғриқ тўла юзини кўрганда кунлар қандай кеч бўлганини ҳам билмай қолардик. Тўртинчи ғаройиб сабр-тоқати ва назокати билан ҳаммани ҳайратга солган эди. Унинг голиб табассумини кўрганда азбаройи завқланганимиздан уни ғажиб ташлагудек қудрат сезардик

ўзимизда. Уни ғажиганда ҳам шундай ғажиган керакки, у тил-ка-пора этилаётгандаги оғриқдан яна ҳам буюкларсин ва бу буюк оғриқ инсониятнинг абадул-абад турадиган санъат аса-рига айлансин, зеро, тўртинчи абадийлик қадар буюк асар яратишга қодирдир, дердим дўстимга. Мен айнан шу тўртин-чи маҳкум туфайли дўстим билан қаттиқ тортишиб қолгандим.

- У бир олифта, - дерди у, - ўзи ҳозир тўкилиб тушман депидио дадгасини қаранг, нуқул мадорсиз коматини тутаман деб чиранади. Ундан кўра менга нариги майдондаги бурнига ҳалқа ўрнатилгани кўпроқ ёқали. Ҳалқага кўшиб бурнини қанча бурасанг ҳам жилмайиб тураверади.

Мен тўртинчинини қанчалик мактамайин дўстим ўз сўзида туриб олди. Биз гарчи ўзимизни фодойи деб ҳисобла-масак ҳам талабалик давримизда кўпроқ нарсаларни кўриб қолайлик деб, майдонга ҳар кунни келардик ва уларнинг маҳ-орати кўриб биз ҳам оломон ичида туриб олқишлардик. Кейинги кунларда синов бошланиб, биз майдонга боролмай қолган бўлсак-да, дўстим билан бутун синов муддати туга-гунча - уч ҳафтага тўртинчи ҳақида тортишиб юрдик. Биз тўғри келган ерда - хоҳ даҳлиз, хоҳ хонада бўлсин баҳсга киришиб кетардик.

- Унинг ичкариси мустаҳкам, - дердим мен, - гап танада эмас, у ўзини мустаҳкам ушлаб туришга қудратни ўша ичка-ридан олапти.


Дўстим уни нуқул олифта дерди. Унга тўртинчининг табассуми ёқмасди. - Ҳаммаси зўраки, - дерди у, - кулуси масхара қилаётганга ўхшаб чиқади.

Бир фикрга келолмасак ҳам биз синов тугаши билан майдонга қараб югурдик. У ерда оломон яна ҳам гавжум-лашганди. Санъат асарига шунчалик ихлосманд одамлар кўплигидан биз фахрланиб кўярдик. Дўстим санъатни севган халқ - буюк халқ деб исботлашга ҳаракат қиларди ва шу сабабли майдондаги мухлисларни кўрганда беҳад қувониб кетарди.

Шаҳар тўртинчининг янги мўъжизаларини ҳам қилиб улгурмасди. У кейинги кунларнинг шубҳасиз, ягона қаҳрамонига айланди. Майдонга борганимизда биз яна бир янги гап эштардик: тўртинчи ўзининг юрагини суғуриб олиш-га рухсат берибди. Бундай ғаройиб томоша ҳали маҳкумлар ичида содир бўлмаганди. Мен бироз енгил тортидим. Дўстим билан баҳсимиз шу билан ниҳоясига етганди. Бу гапни эшитгач, дўстим бироз ишонқирамай турдию, сўнг индамай кўя қолди. Сукути менинг ғалабамдан дарак берарди. Шу сабабли биз тўртинчининг янги-янги мўъжизаларини кўриш учун майдонга қараб йўл олардик. Тўртинчининг юраги кес-иб олинган кун майдон томошабинларга тўлиб кетди. Улар тўртинчига ўз муҳаббатларини изҳор қилгани келган-дилар. Уртада синган оёқлари ва бармоқлари шишиб кетган тўртинчи ўша алфозда - мағрур ва масрур ўтирарди. Энди унинг юзи ҳам гезара бошлаган, оғриқ силласини қуритган эди, аммо у ҳали ўзини тетик ва бардам тугиб турар, оғриқ ҳали уни буткул енголмаганди. Танадаги яраларига ёпишиб қолавергач, унинг уст-бошини ечиб ташлаган, ялонғоч пайти у яна ҳам озгин бўлиб кўринарди. Мухлислар уни тинмай олқишлашарди - улар ҳозир энг улуг санъатта воқиф бўлажакларидан ҳаяжонга тушгандилар; уларнинг кўпчилиги ўзлари билан шиорлар ёзилган лавҳалар, эндигина узилган гуллар кўтариб олишган, лавҳаларда "Биз сен билан фахрла-намиз", "Сенга омад тилаймиз" деган ёзувлар кўзга ташла-нарди; гуллар эса бир-бирдан чиройли эди - майдонда тур-фа рангдаги қўлбола гулзор пайдо бўлганди.

Майдонга тўртта назоратчи кириб келгач, газетчилар шақирлатиб суратга тушира бошлашди. Назоратчилар томо-шабинлар ҳайқирғи остида ишга киришдилар: улар маҳ-кумининг юзи майдонга яхшироқ кўриниб туриши учун юрак-ни орқа томондан чиқариб олишга қарор қилдилар. Биттаси маҳкумининг кўлидан ушлаб тургизди ва уни томошабинларга қаратди. Қолган иккитаси умуртқа суякни аралай бошлаш-ди. Маҳкум ғоз қотиб ўтирар, арра суякларини кесиб ўтаёт-гандагина кўзларини юмиб олар, юзи қоп-қора тер аралаш буришиб кетар, бироқ тезда кўзини очар ва ўша синик та-бассум билан оломонга қараб жилмайиб кўярди. У худди шу лаҳзада оғриқдан беҳад лаззатланаётганлиги кўриниб турар-





ди - кўзлари хушнудликдан йилтиллаб кетганди. Оғриқ уни ниҳоят лаззатнинг олий мақомига олиб чиққанди - назоратчилар юракка тугаш томирларини қайчилашар экан, маҳкумнинг юзидаги табассум яна ҳам улуғворлашди - шу сониядаги лаззатни у қачондан бери қутган, муштоқ бўлган эди. У фароғатнинг олий чўққисиди туриб ўзини томоша қилаётганларни беписанд кузатиб турар, ўзи эса ҳамон лаззат дидарида парвоз қиларди. Бошқа маҳкумлар ҳам оҳ-воҳ қилишни бас қилиб, унга хасад билан боқиб туришар, томошабинлар эса "Офарин", "Қойил", "Жуда боплаяпти", дея ҳайқаришар, газетчилар маҳкумнинг юзиди пайдо бўлган лаззат ифодасини тезроқ суратга олиш учун бир-бирига бир нималар деб бақиришарди. Орқада турган назоратчилардан биттаси булкиллаб турган юракни кўлига олиб, майдондагиларга кўрсатганда оломон гузурлаб юборди. Энг сўнгги нафасгача маҳкумнинг юзидаги табассум йўқолмади, у қалтираётган, юраксиз танасини тик тутганча ҳамон табассум қилиб турар-

ди, тўғрироғи, унинг жонсиз юзиди табассум қотиб қолган эди - у фароғат қучоғиди ҳамон парвоз қилар, ўз санъатининг ақл бовар қилмас улуғворлигини кўрсатиш учун учишга чоғланган бургутдек шиддатли киёфага кирганди. Унинг табассуми секин-аста сўна бошлади. Табассум сўниши билан тана ҳам гупилаб ерга қулади. Бир дам сукут чўқди. Сўнг бирдан мухлислар тана устига яшнаб турган гулларини иргитдилар ва улуғ санъатга гувоҳ бўлганларидан қувончлари ичига сиғмай бир-бирини қучоқлаб кетдилар. Мен ҳам ғолиб алфозда дўстимни қучиб олдим. Тана гуллар ичида кўринмай қолди. Кўлида юрак булкиллаётган назоратчи бу улуғ санъаткор олдида аввал тиз чўқди, сўнг юракни оҳиста унинг кўкрағи устига қўйди. Шундагина биз оғриқ-фароғатидан сўнг ҳам, ўзимиз турган заминга тушмаганини англадик - у нариги ёқда, лаззат юртида қолган эди - унинг жонсиз танаси ҳам санъат асарига айланган ва яшноқ гулларга кўмилиб ётарди.







Одил ҲОТАМОВ



Нурга ташна бир тўп  
қизғалдоқ...

Шоирлик имконсизликда ҳам имконият. Овлоқ бир жойда ҳам чин туйгулар, гўзал, мусаффо сатрлар юракни галаёнга келтиради. Уни ҳаёт сари бошлайди. Ва ҳеч қачон кўҳли ва тўғри СЎЗ жамиб, йўқ бўлиб кетмаслигини исботлаб беради. Ҳатто шеър соҳиби ўзига nasib қилган жайдари бир тақдир ила шахс, кўнгил ҳудудларини кенгайтиради. Карманали шоир Одил ҲОТАМОВнинг жумҳурият вақтли нашрларида ижодидан кам намуналар берилган. Бор-йўғи биргина “Кечки майсалар” (у ҳам жамоа тўпламида) китоби ёруғлик кўрган. Бироқ, 20-25 йилдан буён ёзган энг сара шеърлари ўз ўқувчисини топишига, шеъриятимизнинг ўзига хос намуналари сифатида баҳоланишига ишонамиз.

Шоирнинг айни саратонда кўнглингизда тақдим этилган ушбу гулдастаси руҳингизга янада ёنىқлик, кайфиятингизга тўқинлик олиб кирсин.

Шеърят бўлими.

МАКТУБ

Совукдан кўкариб кўнишган елни  
Аслига қайтарар шафақ гулхани.  
Ва бўрон тутади кўр, соғу сўлни  
Эритиб юборар бемор кўлкани.

Аслин унутмаган асли нима бор,  
Нима бор аслига бир кун қайтмаган?!  
Келмоғу кетмоқлик аро ҳукмдор -  
Қайтиш бу - ижобат, ўтли байт, қасам...

Қайтиш бу - узлатдан чиққан банданинг  
Тиланган паноҳи, сўнгги манзили.  
Ниҳоят тундикни йиққан ханданинг  
Куйлай деб булбулга алмашган тили.

Қайтиш бу - ҳакамлар ҳулосасидир  
Тақдир азалга олтин остона.  
Карвон кўнғироғин гул нафасидир  
Буюк ипак йўли каби афсона.

...Яшамоқ аслига қайтмоқлик сирин  
Пардасин тортишга берилган имкон.  
Ҳаётнинг ҳар они кўёш кўз қирин  
Салмоғлаб борувчи тарози, эҳсон.

Не-не умрлар бор сабаб бесабаб  
Аслига қайтишга улгуролмаган.  
Улар бир тарафдир, дунё бир тараф  
Сабр косасини тўлдиролмаган.

Аросат ойлар бор, аросат йиллар,  
Ҳатто асрлар бор у ён, на бу ён.  
Гоҳ тарих ҳукмини тан олмас гуллар,  
Шер деб ўйлаганинг чиқади қуён.

Буюк Навоийнинг ўзи ҳам ҳайрон,  
Бошида не замон, қасрга, тушлар.  
Ҳамон водийларда дарбадар, сарсон  
Ҳаққа етмоқликни истаган қушлар.



Тупроққа қайтиш бу аслига қайтиш  
Илмининг мукамал дарслиги эмас.  
Рухнинг улуглиги, баркамол олқиш  
Фақат корин-томоқ ғамини емас.

Олис аждодларим, улкан тоғларим,  
Ҳаққа-ҳақиқатга етмиш безавол.  
Мевалари ларзон тарих боғлари  
Аро синагайдир мени ҳам Савол.

Мен ҳам водийларга бурдим йўлимни  
Шафақ гулханлари гурлаган фасли.  
Сенга мактуб битган томас кўлимни  
Қанотга алмашдим, эй, менинг аслим.

ҚИЗҒАЛДОҚ

Жияним Баҳодир хотирасига

Шамол ўғай овлоқ бир жойда,  
Мунғаяди бир тўп қизғалдоқ.  
Гулламоққа ҳавасман жийда,  
Ой нуридан излайди ардоқ.

Саволми ё мунг-ботиқ излар -  
Ҳаёт зайлин сўнгги сарҳади.  
Савобгами, гуноҳга тизлар  
Чукур ботмиш йўқдай адади.

Вужуд сингар замин бағрига  
Ҳеч тинмаган юраклар ухлар.  
Хотиротнинг-яшил қаърида  
Исми билан яшайди руҳлар.

...Мангуликка ўзни чоғлаган  
Барин кўриб қилмаган умид.  
Асрлардан белбоғ боғлаган  
Авлиёлар қудрати-Учтут...

... Гулламоққа ҳавасман жийда  
Шуълалардан кўради ардоқ.





Интиқ яшар овлоқ бир жойда  
Нурга ташна бир тўп кизгалдоқ.

### ҚАРЗ

Бир сўз бор...  
Рауф Парфи



Сендан бир сўз қарз олдим, халқим,  
Унга берай мерос қонимни.  
Ой каби ё қуёшдай балқиб,  
Бахш этайин қайсар жонимни.

Одам Ато, Момо Ҳаводан  
Қолган эзгу неки бор барин.  
Қилқаламни олиб сабодан  
Бўяб чиқсин шу сўз ранглари.

Дуо кетган дуоғўй халқнинг  
Бирлашмаган уч шоҳин, хонин,  
Ўша сўздан бир бора қалқиб  
Кечмишларла тугашсин жони.

Унга сингсин армони, воҳи  
Ҳилол чўккан қудуқ тубининг.  
Отабекнинг ўтли нигоҳи,  
Сўнгги оҳи Қумушбибининг.

Унинг бағрин ёритсин толган  
Юракдаги Ватан туйғуси.  
Кетаётган амирдан қолган  
Олтинларнинг хира ёғдуси.

Унга томсин Усмон Носирнинг  
Кипригида музлаган кўзёш.  
Чангалзордай бағрига сирнинг  
Чўкиб кетсин майлига қуёш.

Жимир-жимир қон дарёсида  
Сузар ойнинг ўткир ўроғи.  
Келажакдан берар акс-садо  
Ғалабанинг оғир сўроғи.

Толикмайман неча бор қайтиб  
Яратгандан тилайман ҳар гал,  
Тилагим шу - шу сўзни айтиб  
Маълум бўлсин Номмаълум аскар.

Минораи Калон устидан  
Қул сўз кўркмай ўзини отар.  
Қатлам-қатлам қуллар остида  
Кармананинг тарихи ётар.

Бир фақирнинг бўлса бир йўла  
Чироғига, кўнглига пилик,  
“Девони луғатит турк” ила  
Яралгайдир “Қутатғу билик”.

Навойнинг юрак ғалвири  
Сўз тупроғин элаб кетгандир.  
Кўнгишларнинг бешикларига  
Ғазалларни белаб кетгандир.

Ёш Бобурни чорлаган юлдуз  
Ҳиндистонга - мангу баҳорга.  
Балки бахтсиз ё бахтли шу сўз  
Олиб борган Машрабни дорга.

Рауф Парфи, Абдулла Ориф  
Шу сўз лойин қораёттирлар.  
Ним табассум, кўзда ёш, ҳориб  
Мангуликка бораёттирлар.



Тўнтаришлар, парвозлар асри  
Умрларни емирар сим-сим.  
Элга тегса нокаслар қасри  
Шу сўз билан поклана олсин.

Қайралади вақт қайроғи,  
Ранжитмайман эзмалик қилиб.  
...Ортиқчадир энди... Бу ёғи...  
Тўхтаб қолдим шу жойга келиб...

Билдим: қарзни ҳаётим яшаб  
Тўлаш мумкин ўлимдан кейин.  
Китобларим қайтаролмаса  
Фарзандларим қайтарар бир қуп.

### БИР ОДАМ

Янги аср остонасида  
Ўйлаб кўрсанг - бари бир пулдир.  
Ҳафсаланг пир бўлар, аслида -  
Одам ҳамон олтинга қулдир.

... Унда нажот тиламас дарё,  
Дарахтлар ҳам кутмагай эҳсон.  
Салқинлайди бошида рўё  
Юрагида уйилар ўпқон.

Бегонадир барига, кўпроқ  
Пеш қилади ҳарифлигини.  
Шайтон йўлдан урганда мутлоқ  
Унутади орифлигини.

Ёш бўлса ҳам тишлари ўткир  
Оталарин итдай қопарлар.  
Вужуд покдир, кўнгишлари кир  
Келар янги олтин топарлар.

Жанглар... Қонлар... Тахтлар... Адоват...  
Ўйлаб кўрсанг - бари бир пулдир.  
Сочлари оқ мунглиг Адолат  
Миллион бора бедордир, тулдир.

Олтин олма, дуо ол дея  
Ҳазрат ҳамон бизга бўзлайди.  
Авлодларчи, дуо ўрнига  
Бир-бирдан олтин излайди.

Излашади ердан, осмондан,  
Сотилади қанча иймонлар.  
У афзалдир бир қошиқ қондан  
Беҳудадир энг азиз жонлар.

Аччиқ сўзни айтган жон дўстин  
Суя билмай келмоқдадир у.  
Ўз қадрини олтиндан устун  
Кўя билмай елмоқдадир у.

Нафси бунча ўпқондир, аччиқ  
Унга ибрат бўлмагай магар  
Бу дунёдан қўллари очик  
Кетса ҳамки мингта Искандар.

Покланасан қачон сен айтгил  
Чекингайдир қачон ул вобо.  
Кутмоқдадир Яссавий вазмин,  
Навой ҳам, Шекспир бобо.

...Юзи одам сиеғидадир  
Келар янги асрга томон.  
Олтин кишан оёғидадир  
Тилло занжир бўйнида ҳамон...







Бахтиёр ИСАБЕК



БИР СЎЗ КЕЛДИ...

Тилда шундай сўзлар борки, унинг маъносини уққан сайин киши ҳайратдан ёқа ушлайди. Ростдан ҳам, бу дунёда қанча инсон бўлса, ҳаммаси: подшо ҳам ўзини “мен” дейишдан, девона ҳам “мен”лашдан ажабланмайди. Ёки менинг сифатимни ўзлаштириш деб зулм қила олмайди. Демак, барча инсон ўзини “мен” дейиши назаримда инсоний эмас, илоҳийдир. Зотан, илоҳийни инсон иродаси билан ўзгартирилганлигини билмаймиз. “Мен” ўз маъносига кўра нейтрал бўлиб, кишиларнинг жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, диний, ёш каби фарқли хусусиятлари унга таъсир эта олмайди. Ушбулардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, “мен” Инсоннинг, Инсон Рухининг тажаллисидир. Инсон Рухининг яшаш шакли “мен”дадир. Яхлит бўлган Инсон Рухи алоҳида “мен”ларда акс этади. Бу умумийлик ва алоҳидалик қонуниятига мосдир. “Мен” - Инсон Рухининг шакли экан, ўша Рухга дохл ҳар қандай зот ўзини “мен” дейишга ҳақли, ҳатто бурчлидир. Аммо Инсон борликдаги барча жонли-жонсиз нарсалардан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам биз “маълум даражада” иборасини ишлатдик. Чунки, “китоб”нинг кўплиги “китоблар”, “тоғ”нинг кўплиги “тоғлар” бўла оладию, аммо “мен”нинг кўплиги “менлар” бўла олмайди. “Менлар” бўла олмас экан, демак, “мен” фақат кишилар жамиятидагина мавжуд бўла олади. Жамиятдаги нормал шахс - “мен”дир. У жамиятнинг бир қисмидир. “Биз” аввал, кейин, “мен” бор. “Биз” бўлмаса, “мен” бўла олмайди. Бироқ, “мен”сиз ҳам “биз” бордир. Инсон Рухи “биз”. Шунинг учун ҳам “биз”, гарчи “мен”нинг кўплиги ҳисобланса ҳам, мантиқан ундай эмаслиги равшандир. “Биз”=мен+мен+мен эмас (аммо “китоб”лар=китоб+китоб+китоб дир). “Биз”=мен+сен+у...дир Буларнинг ҳаммаси инсон фақат жамиятдагина мавжудлигини, Инсон Рухи “мен”да мавжуд бўлиши билан бирга “мен”га боғлиқ эмаслигини тил ҳодисасида намоён бўлишидир.

Хазрат Ясавий ҳикматларида “мен” ва “ман”ликка жуда катта эътибор берилганлигининг боиси ҳам юқоридаги юқори инсоний муносабатлардан келиб чиқади. Инсон тобора жисман ва ақлан ўсиб бориб, “биз” таркибида “мен”ни шакллантирар экан бу табиий ёки илоҳий бир жараён ва нормал “мен”дир. Қачонки, шахс “мен”ни “Биз”га - жамиятга зид кўяр экан, у билан уйғунликдан, унга мослашувдан воз кечар экан, “мен”ни улутлаб, уни ўз Яратувчисидан, ўз асос-моҳиятидан узиб олишга интилишидан “манлик” тугилади. “Манлик” гарчи “менлик”дан яратилган бўлса-да, унинг асоси “менлик” асосига - Бизга зиддир. Манлик “ҳамма нарсаси мен учун”шиоридан озикланади. Натижада “манлик” ҳисси бу дунё лаззатларини Биздан ажралган ҳолда “мен”га бағишлашга интилади:

*Кўнгул мулкин тутмиши,  
дўстлар, зулмат тунни,  
Манлик ичра пайдо бўлур  
моумани.*

“Манлик” бу дунёнинг - молу мулкнинг хизматига кириб, “мен”нинг ўз моҳиятидан узоқлашувига йўл очади. Яратганнинг “Ер юзидаги барча неъматларни Инсон учун яратдим” буйруғини “Ер юзидаги барча неъматлар Мен учун яратилган” тарзида ўз кўнглида ўзгартириб олади. Ушбу йўлга тушган киши Худони унута бошлайди, бошқа инсонлар манфаатидан кўз юмади:

*Саҳарларда эрта кўпуб  
тўкмадим йош  
Бу дунё сенинг эрмиш менинг  
сандин.*

*Эрман тею ўғунубон, олтун-  
қумуш йигинибон  
Отга тўнга тикишибон югурук  
миниб елмадим.*

Киши “мен” дейиши, менни Бизга - бошқаларга қарши кўйиши фақат мол-дунёга ҳирсни ҳосил қилиб, нафс йўлини равон очибгина қолмай, у бора-бора “менлик” гурури

ҳам ҳосил қилади. Менлик гурури эса манликни келтириб чиқаради. Бундай хавфдан ҳатто пайгамбарлар ҳам ҳоли эмас:

*Қирқ жамоза кўтарур эрди  
Таврот илмин  
Ани очиб ўқур эрди Мусо Калим  
Дунёда борму, тею, мендин  
олим  
Ногаҳон Мусо тили тойди  
кўрунг.*

Манлик, манманлик сабаби ушбу тўртликдан кўринишича, фақат бойлик бўлиб қолмай, ҳатто илм каби энг савобли иш ҳам бўлиши мумкин экан. Бу ўринда Ясавий “бойлик” деганда, молу мулкнинггина эмас, балки илму фанни кенг эгаллашни ҳам тушунганлигини ҳисобга олсак, мусо пайгамбарнинг тўртинчи осмонда қолишига сабаб бўлган илмий манманлик эканлигини англаш қийин эмас.

Мазкур ҳикматдаги Ҳизр алайҳиссалом билан Мусо пайгамбар учрашуви ва улар орасидаги суҳбат Ясавиянинг яқка инсон илми ва инсоният (Инсон руҳи)га Ўзи берган илми ҳақидаги тушунчасини ойдинлаштиришга ёрдам беради деган фикрдамиз. Ҳизр-Ясавияда Инсон Рухидир (айни пайтда Муҳаммад руҳи ҳам Инсон Рухи тимсолидир). Инсон Рухида Ўзи инсониятга ато қилган илм жам ҳолда мавжуд дейиш мумкин. Ҳар бир кишига ҳар қанча ўрганганда ҳам ўша илм денгизидан бир томчисигина насиб этиши, айна пайтда инсоннинг, инсониятнинг тафаккури, мушоҳадаси, қобилияти чексиз имкониятга эга бўлиб, тобора ўша бепойн илм денгизидан янги-янги томчиларни ўзлаштиришга интилишини билдиради (бизнинг ҳозирги тушунчамизда инсон тафаккури имкони чексизлиги):

*Билдингму, Мусо, ул Қуш нега  
келди?  
Тумшук ичра сувча илм сенга  
берди!  
Ўгон Изим ладун илмин менга  
берди.  
Ани Эшитиб Мусо мурид бўлди*



кўрунг.

Ладун илми-гойиб илми, Гойиб илми, Гойиб илми - зоҳир илмидан фарқ қилувчи борлиқдаги Нарса ва Ҳодисаларнинг ички боғланиши илмидир. Ладун илми бундай хусусиятга эга эканлигини айрим буюк инсонларга ҳам ушбу илм ато қилинганидан билса бўлади (Ладун илми берилган, шайхим Аҳмад Яссавий). Аини пайтда Яссавия ладун илми - олам ҳодисалари яхлитлиги ва ички боғланиши қонуниятлари - ўрганиш натижаси эмас, Яратганнинг ўзи марҳамати деб билади. Ладун илми Лавҳул маҳфузда дейдилар. Шунинг учун ҳам унга инсон зоти дохил бўлишига шубҳа қилувчилар ҳам бор. Аммо Яссавия Лавҳул маҳфузни инсон тафаккури дохил бўла оладиган манзил сифатида тушунади, чунки у ломаконда эмас, балки макондадир:

*Нафс жисмоний, тан зулмоний,  
жон нуруний,  
Илм раббоний, лавҳ маконий,  
дин султоний.*

“Ҳикмат”да “мен” фоний дунёда Инсон Рухи ҳаётига нисбатан бир лаҳзалик бўлмиш шахсий ҳаётнинг номланиши бўлиб, ўлим натижасида яна “мен” йўқолиб, асл моҳият - Бизга-Инсон Рухига қайтиш жуда равшан ўз ифодасини топган ўринлар ҳам кўп:

Кул Сулаймон бир сўз келди,  
ўлик жоним ҳам тирилди

Сен мен темак биздин қолди,  
то булғайсан дарвешларни.

“Сен мен темак биздин қолди”, яъни “сен” ва “мен” “Биз”га - Инсон Рухига ёт. Инсон Рухи Биздир. Минглаб йиллар давомида ўша Бизнинг тажаллиси “мен”лардир. Ана шунинг учун ҳам бу дунёдаёқ “мен”дан қутулишга ҳаракат бошламоқ даркор. Зотан, “мен” учун меърирдан ортиқ ҳар қандай ҳаракат гуноҳ ишларга олиб боради. “Мен” моҳиятан шакл экан, ҳеч қачон идеал ҳам, кўзловчи мақсад ҳам бўла олмайди. Шакл йўлида восита бўлиши мумкин. Идеал мақсад ўрнига Воситани қабул қилиш янглишидир. Бу янглишиш ман+ман тарзида тилимизда ҳам акс этган. Инсонда “мен”га ружуъ қўйиш бошланар экан, у жисмоний нафс доирасидан бошланиб, руҳий нафс доирасига ўтади ва “манман”дан манлик “манманлик” келтириб чиқаради:

*Билмас подон зикрин айтур  
зоҳир тилда*

*Манман деган шайхи замон оби  
гилда.*

Мана шу “манман” деган “шахслар нафси (жисмоний ва руҳий) инсоний хусусиятларни йўқотишга олиб келиб, унда гурур-манликни пайдо қилиши қандай ифода этилганига эътибор беринг:

*Суфилик маънисини йитурдилар  
Даъво бирла манлик бошин  
кўтурдилар.*

Ҳа, манлик, манманлик инсон ўз “маънисини” йўқотиши натижасидир. Инсон “маънисини” йўқотган кишиларда фақат манманликнигина эмас, бошқа гайринсоний иллатлар урчиши ҳам тез кечади.

Аҳмад Яссавий манлик, манманлик манбаини кўрсатиб, ундан нафратланиш билан тўхтаб қолмайди. Балки ўша иллатта дучор бўлганларга ундан қутулиш воситаларини ҳам кўрсатади. Соддароқ айтганда, касалининг келиб чиқиши ва ташхиси аниқланиши бир муаммо бўлса, уни даволаш иккинчи муаммодир. Манманлик ҳам инсонларга хос касалиқдир. “Ўқуб укмай дунё молин қўлга олиб, манманликда азиз умрин зойе” қилганлар, “Андин сўнгра мужоҳада тўнун кийиб манманликдин ўтуб (кечиб) ўзни содиқ қил” сағина бу дарддан халос бўлишлари мумкин. Аммо бу йўлга кириш осон эмас, бу йўлга шахд қилган инсон олим, том маънодаги олим, маъни уққан олим бўлсагина мақсадга эришмоги мумкин, акс ҳолда у дарддан халос бўла олмайди:

*Олимман дер китоб ўқур маъни  
билмас,  
Кўп оятнинг маъносини асло  
билмас,  
Такаббур манманликни ҳаргиз  
қўйма,  
Андог олим жоҳил турур,  
дўстларимо.*

Манманликдан қутулиш йўли ҳам, манманликни ҳосил қилувчи сир қандай бўлса, кетма-кет айнан шу йўлдан унга зид интилиш билан амалга оширилади:

*Жондан кечмай Ҳақ сиринин  
туйса бўлмас  
Нафсдан кечмай манманликни  
қўйса бўлмас.*

Бинобарин аввал нафс қўлга олинадди, сўнгра чаламулликка барҳам берилади: маъни шаклдан устун бўлишига эришилади.

Яссавий ҳикматларини ўқиб диққат қилган ўқувчи бир нарсани пайқамаслиги мумкин эмас. Яъни

“манлик-манманлик” авом-қора халққа эмас, асосан, жамиятнинг юқори қатламига хос бўлар экан. Аслида ҳам, қора халқ манманлик қилишга вақти ҳам топилмаса керак. Шунинг учун ҳам қандай буюк халқнинг асоси, унинг ҳал қилувчи, ҳаракатга келтирувчи кучи, таъбир жоиз бўлса, ўз манманларининг манманлигини кўтарувчи ҳам ўша авомдир, ўша қора халқдир.

Бошқа барча иллатлар каби “манлик” “манманлик” тафаккур, мушоҳада, мулоҳаза билан чиқиши олмайди. Шунинг учун ҳам Яратганнинг Ўзи Қуръоннинг ҳар бир саҳифасида бандаларини фикрлашга чорлаган. Қуръон маънисига таянган ҳикматлар ҳам буни тақрорлайди:

*Мўмин деган бўлур доим  
тафаккурда  
Бўлмас манлик бир зарра  
вужудинда*

Аммо Яссавия Инсонни бахтта элтувчи асосий омил Илоҳий Ишқ деб билади. Бу незъматга эга бўлган кул эса, ўзга нуқсонлар билан бир қаторда манманликдан ҳам тозаланади. Ишқ барча иллатлар қушандаларидир:

*Манманлик қаттиқ тошдин  
қўяр сени Ҳақ Эшдин  
Ишқ билан манманликни тош-  
тек ушотқондадир.*

Туркистон пирининг инсонийликни емирувчи омиллардан бири бўлмиш манлик ва манманликка жуда катта эътибор берганлиги бежиз эмас. Манлик, манманлик шахснинг ўзини инқирозга етаклаб, унинг нариги дунёсини куйдириш билан чегараланиб қолмай, бу дунёда ҳам жамиятга оғир касофатлар келтиради. Ўзига бино қўйган киши, ўз жисмоний нафсидан ўзга нияти бўлмаган шахс, Яратган инъом этган Олий Рухни пажмурда танасига хизмат қилдирган нокас жамиятда қарахтлик, лоқайдлик кайфиятини тугдиради. Атрофида, мамлакатда, дунёда бўлаётган воқеаларга муносабат билдирмайдигина эмас, балки бошқаларни ҳам фаол бўлишга тўсқинлик қилади. Ижтимоий инсоний фаолликни: “мен”дан - “Биз”га қизиқиш”ни қоралайди, бошқаларни ҳам ўз қобилигига ўралашиб қилишини истайди. Бундай кишилар кўпроқ пулдор ва амалдор бўлсалар янада таъсир доиралари хатарли даражада кенгайиши мумкин. “Ҳикмат” ўқиб, ушбу иллатга “Биз” назаридан боқиб қарши курашишда бизга Туркистон пирини Рухи мададкор бўлғай!





Поль ВЕРЛЕН

Шеър кимга, ҳеч қачон, вафо қилмас ёр...

Шеърят қисмат. Тақдир ёзигидан қутилиб ҳам, уни ўзгартириб ҳам бўлмайди. Аксига олиб дунёни англаш нотугал, паёнсиз ҳодисалар сирлигича қолиб кетаверади. Беҳштиёр, беқарор йиғлагингиз келади. Кимдир шунда шеър қоралайди. Шеър-бедаво хасталик, қайта-қайта ҳужуж қилади. Ҳислар асабларни ўйнайди, хусисиз, бадфелъ бир девона оламда судралиб юради... Унинг қонидан тузилган сўзли хиргойи эса тиниқдан-тиниқ, ёниқдан-ёниқ эзилиб севинади, энг мушфиқ Ҳизрнинг набираси отлиқ Қиёматгача бегубор лақиллайди...

Бунга мисоллар мозийда истаганингизча топилади. Қуйида шеърлари арвоҳининг арвоҳи (таржималар) ўрин олган фаранг шоири Поль Верлен (1844-1896) тақдири ҳам бундан мустасно эмас. Верлен ҳаёти уч кесишувчан чизиқларда жам ва барбод. Бахт - Тирикчилик - Шеър учбурчаги бу. У тирикчилигини юргизиши учун нима ишлар қилмади дейсиз: кичик қорхонада ходим, шаҳар думасида амалдор, зобит бўлди, ўқитувчилик қилди. Бир-биридан тамоман узоқ касблар фермерлик, газетчилик билан итуғулланди. Начора... Лекин бирон-бир касбкорда қўним тополмади, тирикчилигини ҳам яхшилаётгани олмади.

Оила, дўст-ёрларидан тухфа этилган "мукофотлар" эса бошига шундоқ бир гаврон билан урдик, бундан дилининг маматалоқ бўлмаган жойи қолмади. Яратган унинг кўргуликларини ҳеч кимсанинг бошига солмасин. Улар шахсийдан-шахсий истироблар. Верлен қиёматли дўсти А. Рембо билан урушиб, бир қамалди. Ўз волидаси билан жанжаллашиб, иккинчи бор "ўтириб чиқди". Панжара ортидаги ҳаёт яна такрорланиши мумкин эди. Бу сафар у жабрдийда дўст билан бирга жуфтани ростлади, изини чалкаштирди. Бу гавголлар оилавий нотинчликни баттар кучайтирди. Севиб уйланган ёри ҳам кўп ўтмай уни ташлиб кетди. Натижада у оталик бахтидан ҳам жудо бўлиб, ёлғиз ўғлини бир кўришига зор йиғлаётгани ўтди.

Охири у сиқтади. Барибир ёр қайтмади. Кейин баттар сиқтади, барибир онаизор кечирмади, кейин баттар сиқтади, барибир дўст ағёрлигича қолаверди... Фақат ҳаммасининг меҳрли, шиқли руҳи - шеърлар уни қуриш, суяб юрди. Бироқ, П.Верлен шеърятини у тортган гам-зуссаларнинг хира бир сураги эмас. Улар иффори хушбўй, ихори рангдор, ҳалжони шаффоф, гўзал мўъжизалар сифатида жаранглади. Ва кўп ўтмай француз шеърятининг энг мушфоз намуналаридан бири бўлиб қолди. Бунинг устига унинг шеърятини ўша пайтдаги янги адабий оқимлар - символизм ва декадентчиликнинг мукамал мевалари бўлиб майдонга чиқди ва ортидан қанча-қанча истеъдодларни эргаштирди.

Таржимон.

АЗАЛИЙ ХОМХАЁЛ

Кўзим денгизда ул нурли кема -  
Гоҳ қалқиб чиқади бедараккина.  
Ҳар чоғ ўзгача лугф, ўзга лағофат  
Зорикқан жонимга меҳрибон офат.

У ҳам мени излар, мутлақо севар,  
Кўнглим маржонлари тушларин безар.  
Йўғей, мўлтонининг қарташги бўлсам,  
Тупсиз жарликларим кўринар кулсам.

Хоним-оппоқкина, буғдойранг, зарган?  
Исми на, тўпи қай? - Асло билмасман.  
Васл шабгоҳида айтар-да сатган.

Тилсим манзилидан шаффоф овози,  
Бадхулқ атиргулдан узилган нози,  
Эй бир тиниқ дилдор, савдонси зор...

\*\*\*

Шикаст етказдинг ишқимга, ё Аллоҳим,  
Ярадан хун оқар ҳамон-ўсал оҳим!  
Шикаст етказдинг ишқимга, ё Аллоҳим.

Ё Раббано, мусибат водийси аро,  
Куйингизон чоғлангани радди бало!  
Ё Раббано, мусибат водийси аро.

Ё Ҳақобло, англаганим бари сароб,  
Хамду сано сенга, мен бир телба рубоб!  
Ё Ҳақобло, англаганим бари сароб.

На-да дерман, Кирдикоринг кечган руҳим,  
Расвоси мен, май сақланган сен эса хум!  
На-да дерман, Кирдикоринг кечган руҳим.

Мана хуним, тўкилмаган гўр дақойик,  
Пўла жисмим яна гамга эмас лойик!  
Мана хуним, тўкилмаган гўр дақойик.

Шўр пешонам, шўришлардан ҳар чоқ қашқа,  
Назаркарда оёғингни кўрсам бошда!  
Шўр пешонам, шўришлардан ҳар чоқ қашқа.

Эҳей илгим-қишқи кесак, шол, беамал,  
На қуврайди, на гуллайди, тилла танбал!  
Эҳей илгим-қишқи кесак, шол, беамал



Айю юрак, нокерагу урар бекор,  
Ҳеч бўлмаса Тамуқ олди йиғласин зор!  
Айю юрак, нокерагу урар бекор.

Ана бир кеч, беҳуда чанг ўрлаган роҳ,  
Ҳовлиқади, ҳалиқади сенга Йлоҳ!  
Ана бир кеч, беҳуда чанг ўрлаган роҳ.

Ҳайло нидонг, ёлғон-яшшиқ товушлари,  
Аччиқ ҳаёт, танги такдир равишлари!  
Ҳайло нидонг, ёлғон-яшшиқ товушлари.

Ҳиййа огоҳ, гумроҳликка юзин бурган,  
Кўз ёшлардан чароғини басир кўрган!  
Ҳиййа огоҳ, гумроҳликка юзин бурган.

Ё Қаҳҳорим, ё Гаффорим, ё Жабборим,  
Сендан бўлак ким ҳам тинлар менинг зорим!  
Ё Қаҳҳорим, ё Гаффорим, ё Жабборим.

Ё Облойим, гоҳ бекарам, гоҳ бокарам,  
Сўнгсиз гуноҳлари ювган тиниқ Зам-зам!  
Ё Облойим, гоҳ бекарам, гоҳ бокарам.

Ё Каримим, хуррам-хотиржам амирим,  
Менга даҳшат, менга азоб мудроқ умрим!  
Ё Каримим, хуррам-хотиржам амирим.

Ҳаммасидан бохаборсан, бохаборсан,  
Ҳаммасидан беҳабарман, дарбадарман!  
Ҳаммасидан бохаборсан, бохаборсан.

Мен бир ожиз, сен бир сўнгсиз!

### ПЬЕРРО\*

Деманг Пьерро, заволсиз дунё,  
Деманг Пьерро, ишқ фақат раво,  
Аммо Пьерро, уҳ Пьерро, Пьерро!  
Қари гўдак, номардга мард йўл,  
Фожиада гулиқаҳқаҳ ул.  
Пьерро, Пьерро, анақа... Пьерро!

Буйи басти бир қарич бақай,  
Заб боши денг, шамол тебраттай,  
Фақат кўзи - тутунсиз олов!  
Ўч учқуни ҳар ён тўзғийди,  
Шўх, тўпори баҳши изғийди,  
Ғаму ғусса минмаган бедов!

Лаблар шафак, май боши кирда,  
Фаҳш инидан қўл ювган эрта,  
Оқ панжара - тишлар марварид!  
Чеҳра минг йил олдинги девкор,  
Ориятсиз баччаларга дор,  
Юзингизга аслингиз айтиб!

Сумбат нозик, деб бўлмас нимжон  
Қиздай саси гупиртирар қон,  
Бир қараса бу ҳаёлар хас!  
Тили тегак, бош ўйнар қилич,  
Май ичгандек қон ичади тинч,  
Кўп истаги учун маст-аласт.  
Нуроний дўст, меҳри аломат  
Соҳир ҳабиб, соҳиб қаромат,  
Бори орзу ва яна Париж!  
Очиғику, тилсимданган ғор,  
На худбину на бўлса яхкор,  
Юриш қилар тушларга юриш!

Бу оламдан мутлоқ озода,  
Тентак, маъюс, тилла шаҳзода,

Сени мендан уч ҳисса шодон!  
Балки мангу турар, айнимас  
Ниқобини суриш зайлимас,  
Бизга изҳор ва оҳор майдон!

\* \* \*

Малойика хўрсинар алвидо чоғи,  
Шайтони лаиннинг қора байроғи,  
О севги, о севги, юрак ўйноғи!

Налоси устивор парилар расми,  
Паймонаси ярим Дажжоллар хасми,  
Ишқи расволарга шармсиз васли!

Ноқобил, дилсабил, ёҳо ғилдирак,  
Дилқонин сўради галалар лак-лак,  
Охири кишанда жалолӣ эрмак!

Ҳаққи йўқ, ўтриқлар кўприги расул,  
Таъма кўнгирағи муроди восил,  
Жунун зор ечилиб макқор ғар асл!

Бепардоз маймунбоз, пес чархи даввор,  
Нозу фиғоғида латиға ҳумор -  
Ҳеч кимга, ҳеч қачон, вафо қилмас ёр!

Исҳори ўлмаган мангу ширин хоб,  
Кўз ёши шаробу, севинчи туроб,  
Эй севги, эй севги кечмиши хароб!!!

\* \* \*

Аксар гуллар арази қирмиз,  
Чирмовиқойи сиеҳдил, тилсиз.

Телба кезик юрганнинг жоду,  
Ғуссам ғусул қилмаган боди.

Кўк жонимдан ортиқ ложувард,  
Шаффоф борки, ҳайдалмоғи шарт.

Билганим шу: - Таянчсиз хароб,  
Кечадириган дарём изтироб.

Пардозлари дуруст бегойим,  
Сизга асло йўқ менинг роғим.

Лойиғингиз келишган, бошқа,  
Мен бошқаман, кўнглимда бошқа.

### МУТААССИР ГУРИНГ

Овлоқ боғ кўчада изғир тийрамоҳ,  
Овлоқ боғ кўчада кўш соя,кўш оҳ?

Лаблар ёриг,доғ-дуг,қароғлар ботқоқ,  
Ненидир гўлдирашар, сўзлари ингрок.

Овлоқ боғ кўчада изғир тийрамоҳ,  
Соғлар кечмиш сари соладилар роҳ.

- Сен-да эслайсанми дилбар кунларни?  
- Мен нечун хотирлашим керак уларни.

- Умрда бир мартага ярқ этган баҳор,  
Наҳот бариси рост саодатманд ёр.

- Жавобингга илҳақ титраб турганим,  
Гўзал ҳаёл билан сени кўрганим.

- Бир покдамон эдик, гул орзулар хуш.  
- Энди умид адо, кўнгилилар бўм-бўш.



\* Мутахассисларнинг фикрига кўра А. Рембо назарда тутилган.



Икки туп боғдой янглиғ шундоқ кезилди,  
Фақат дардларин тун тинглаб эзилди.

### ПАНТАМИМО

Пьерро\* “хаш-паш”ламай шиша юмалатди,  
Парвона куймасдан учди дастурхон.  
Энди нима унга тўнка Клитандир!\*\*\*

Дебдирок хиёбонда қайинлар пичири,  
Эссиз кўзичокнинг маъраши қоришиқ,  
Сас артар рўмолчада беҳуш Кассандр!\*\*\*

Арликинда\*\* шунда чўнг гоё елди:  
Ўзининг Каломбинасини\*\* ўғирлаб минса,  
Шаталоқ отиб-отиб, овлоқда тинса...

Бироқ ҳайрон-вайрон, авроқ-бижилдоқ  
Қайнар ёнгинада севги гузари,  
Юрак кулиб еяр ишқли шилпилдоқ.

\* Янги замон дарёеши.

\*\* Антик дунё баҳодирлари исми.

### УНИТИЛГАН ҲАЛЛАР

Йиғлар осмон, йиғлар осмон,  
Йиғлоқи юрагим ҳам.  
Боқсам қаён, наҳот аён?  
Ёпирилган поёнсиз ғам.

Бу оламда нимаки бор  
Тотли ёмғир кўйнида.  
Маъюс, маъсум юрак хунхор  
Айшли ёмғир кўйнида.

Қайлардансан намгарчилик?  
Ҳеч сабабсиз юрак ғамгин.  
Ўзгарса ҳам бахт, бахтсизлик  
Ҳеч сабабсиз юрак ғамгин.

Гўё ҳаддан хаста осмон  
Йиғлар сим-сим, туфлайди хун.  
Йиғлар ҳамон, йиғлар ҳамон  
Йиғлар билмас нима учун?

### ДАРАДА

Чобуксуворим!  
Севдим кўзингни яллама ёрим,  
Ситора бекор чашми ситорим,  
Жайдари, чакка номуси орим!

Чобуксуворим!  
Юрак чавганга беназир ипли,  
Тақдирнинг қайда чувалган ипи,  
Ним табассуми ўн ботмон сепи!

Чобуксуворим!  
Васлимиз мана: шабнами гина,  
Алвон лаблари дардима хина,  
Қаҳри қадрдон мен учун яна!

Чобуксуворим!  
Унутма асло, унумам ёрим,  
Аввали-охир бўйнима дорим,  
Шу пайтгача чин наҳотки борим!

Чобуксуворим!

Рус тилидан Вафо ФАЙЗУЛЛО таржималари.



## БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Ғайрат МАЖИДОВ

*Тўлғоқ - тўлғоқ  
тебраса кўнгли...*

\*\*\*

Меҳрларинг асраб турар дунёни,  
Ишқим кўнглимдаги мустаҳкам қоя.  
Ўзимни ўзимдан англадинг ортиқ,  
Сен қунсан,  
Қунларга тушмайди соя.

Мағрурсан.  
Қарамок, ихтиёр сенда,  
Ўйларинг кўнглимга соғинч тўшасин.  
Сен гулсан,  
Гулларга ялинма, жоним.  
Гуллар келиб сенда,  
Сенда яшасин.

\*\*\*

Бир кун гуноҳларим ўлдирар мени,  
Ҳатога айланди саодатим ҳам.  
Лавҳул маҳфуздаги ёзилгани не,  
Ё куйиб кетдим охиратим ҳам.

Ўзинг саховатсан, ўзинг шафқатсан,  
Етти кўк ларзада қироатимдан.  
Сенинг тафтинг мавжуд, менинг тафтимда,  
Нигоҳлар куймоқда ҳароратимдан.

Менинг уним билан кўқарган дунё  
Ғариб юрагимга йўғриनावергум.  
Қунгинам, етишмоқ даврони бордир,  
Рухафзо қунларни соғинавергум...

\*\*\*

Ҳавас қилса арзир, саккиз беҳишт ҳам,  
Энг гўзал маъво бор Хўжа Илм Конда.  
Қунларни куйдирар чеҳра бор, айтсам,  
Менинг кўзларимни тортган томонда.

“Яйрадим” сўзини ёза олмадим,  
Кўнгли қононамнинг равоқларига.  
Маҳзуна кўшилдим, ички дард билан,  
Наврўз қушчаларин сайроқларига.

Ялпизлар дардимни сочди ҳар томон,  
Қирларда қизғалдоқ бўлди юрагим.  
Ўғил бўлоқдимми сизга онажон,  
Ўғил бўлоқдимми сенга қишлоғим.

Айтарман, қишлоғим, кўзимга суртиб,  
Бир сиқим тўпроғинг-Бир дунё Бахтдир.  
Мен кутавераман интиқ энтиқиб,  
Гўзал санамчалар қулуси тахтим.

Мен илҳом тиладим, Хўжа Илм Коннинг  
Оловли-оловли нигоҳларидан.  
Юрагим безовта, энди кўнглимнинг  
Ҳайқирик сачрайди авроқларидан...

Ғайрат Мажидов 1976 йилда Қашқадарё вилояти,  
Китоб туманидаги Хўжаилмон қишлоғида туғилган. Ҳозир  
ТошДД журналистика куллиёти 3-босқич толиби. Шеърлари  
“Ёшлик”да илк бор чиқши.







## ШЕЪР ҲАМ - ИЛМ

Султонмурод ОЛИМ, Эргаш ОЧИЛ гурунги



От айлаиб қозигини топади. Буни маънавий ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларида кўриб турибмиз. Йиллар давомида нимаки камситилган, ерга урилган бўлса, бугун - бақадр.

Хўш, минг йиллик шеърятимизнинг вазни бўлмиш аруз-чи?

Арузга бугунги муносабатимиз қандай?

Ҳозир арузнинг шеърятимиздаги мавқеи қай даражада?

Бугунги арузимизнинг муаммолари нималардан иборат?

Бу муаммоларни ҳал этиш учун нима қилиш керак?

Тахририятимиз ташаббуси билан уюштирилган адабиётшунослар, филология фанлари номзодлари - Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти соҳиби Султонмурод Олим билан Эргаш Очил сўхбатида ана шу масалалар устида сўз боради.

Қуйида шу сўхбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.



**ЭРГАШ ОЧИЛ:** Қадимий миллий қадриятларимиз тикланыпти. Мумтоз адабиётимизга қизиқиш ҳам кучайди. Бу шеърятимиз вакилларининг аруз вазига яна кўпроқ қўл ураётганида ҳам кўринади. Айни жиҳат, хусусан, ёшлар ижодида аниқроқ намоён бўлаёттир.

Аслида-ку, ҳар қанча ҳужумлар қилинмасин, шўролар замонида ҳам аруз истеъмолдан чиқиб қолгани йўқ эди. XX аср етакчи ўзбек шоирларининг аксари арузда ҳам шеър битган. Айниқса, Э. Воҳидовнинг “Ёшлик девони” катта шов-шувга сабаб бўлган эди. Шоирнинг арузда битилган “Ўзбегим” қасидасини жуда кўп муҳлис-лар ёд олган.

**СУЛТОНМУРОД ОЛИМ:** Халқимизнинг арузга меҳри сўнмаган, демоқчисиз-да.

**Э.О.:** “Ёшлик девони” шуни исботлади. Ўшангача аруз - бир гуруҳ “ғазалхон шоирлар”ниқигина, деб қаралар эди. Э. Воҳидов ана шу эски қарашни синдириди. Кейин Ж.Камол отилиб чиқди ҳассос ғазаллари билан. А. Орипов ҳам ғазалнинг мумтоз намуналарини яратди. Ҳозир У.Кўчқор, М.Абдулҳаким, Т. Қаҳҳор, Ю. Жумаев, И. Субҳон, М. Кенжабек, Н. Муҳаммад, И. Тўхтамишев, М. Олимов каби шоирлар тез-тез арузга майл кўрсатяптилар.

Бунинг сабаблари нимада экан?

**С.О.:** Баъзи бировларга оғирроқ ботса ҳам, бир гапни айтишга тўғри келади. Ўзбек совет қаламкашларининг Ф. Ғуломларгача бўлган авлоди учун минг йиллик сўз санъатимиз - бир бутун ўзбек адабиёти ажиб маҳорат мактаби эди. Улар ҳар қанча Европа, аниқроғи, рус адабиётига интилган бўлсалар ҳам, ўзларини ана шу кўп асрлик адабиётнинг давомчилари янглиғ ҳис эта олар эдилар. Ф. Ғуломлардан кейинги то Э. Воҳидов, А. Ориповларгача бўлган оралиқ авлод вакиллари ижодда мумтоз меросимиздан кўп йироқ тушдилар, янги замон асарлари улар учун ҳақиқий ўзбек адабиёти бўлиб кўринди ва ўзларини ич-ичдан минг йиллик адабиётимизнинг эмас, балки, қисқа даврда шаклланган ана шу ўзбек совет сўз санъатининг давомчиларигина деб билдилар. Э. Воҳидову А. Ориповлар ижоди бу хатони тузатди, дейиш мумкин. Булар тушунди-ларки ўзбек адабиёти минг йилдан бери яшнаб турган бир ахлит дарахт. Бу тилда ижод этаётган ҳар бир қаламкаш мероси шу дарахтнинг қайсидир шохи, новдаси ё барги

бўлиши керак. Сиз тилга олган нисбатан ёшроқ шоирлар орасида арузга қизиқишнинг кучайиб бораётгани ана шу ҳақиқатнинг теранроқ англай бошлашнинг, миллий сўз санъатимизнинг туб илдишларини билиш, унинг руҳини ҳис этишга бўлган ўта табиий ижодий эҳтиёжнинг маҳсули, дейиш мумкин.

Абдулла аканинг (А. Ориповнинг, дейилмоқчи. - тахр.) бир яхши гаплари бор: “Шарққа шеърятни ўргатиб бўлмайди!” Бу ерда Шарқ деб мусулмон олами айтиляпти, албатта. Ислоҳ дунёсида эса уч машҳур шеърят бор: арабий, форсий ва туркий. Форсий шеърят эришган юксак чўкки ҳали аср-асрлар кўп-кўп халқлар учун орзу бўлиб қолади. Навоий мисолида туркийларгина, демакки, ўзбеклар сўз санъати ана шу баланд поғоналарга етди. Лоф деб тушунманг: бу - бутун башарият шеър бобида қўлга киритган энг буюк мартабалардан ҳисобланади. Демак, модомики, кимда-ким ана шу Навоий тилида шеър битишга бел боғлар экан, энди унга:

“Эмас осон бу майдон ичра турмоқ...”

Ахир, ҳар қандай дадил чавандоз ҳам қайси майдонда от сураётганини билиши керак-ку. Лекин бир нарсани унутмайлик: арузда шеър битиш мумтоз адабиётимиздан ўрганишга интилишнинг биргина кўриниши, холос. Ҳатто, ўша ўтмиш сўз санъатидан йироқроқ руҳ билан адабиётга кириб келганлардан ҳам кўпчилик кейинчалик ўтмиш меросга мурожаат қилди: кимдир тарихий мавзуларда қалам суриш баҳонасида, яна биров бевосита мумтоз шоирларимиз ҳақида роман ёзиш илинжида...

**Э.О.:** Бу мулоҳазаларингиздан: “Ўзбек шеърятини арузга қайтиши керак”, - деган талаб келиб чиқмайдими?

**С.О.:** Ҳамма яхши биладики, адабиёт ҳеч қачон кимнингдир кўнгли - талаби билангина йўлини ўзгартира-вермайди. Тарих ҳам ҳеч бир замонда айнан такрорланган эмас. Арузнинг шеърятимиздаги бундан кейинги мавқеи қай даражада бўлишини аниқ айтиш жуда қийин. Бир нарсга равшанки, миллий маданият ўз ихтиёрича тараққий этиш ҳуқуқини қўлга киритган ҳозирги жараёнда умум маънавий жабҳадаги меросга айрича меҳр, қадим қадриятларни эъзозлаш тамойили кучли эканми, арузга мурожаат ҳам жонланиб бораверади. Замона шоирлари бой ва жозиб ўтмиш шеърятимизнинг туби йўқ уммониға шўнгианлари



сари у ердан, шубҳасизки, ўқувчилар тутул, ҳатто, олдин ўзларининг ҳам ҳаёлларига келмаган инжулару дурлару марваридлар топиб чиқаверадилар. Натижада, қайси вазнда битилгандан қатъий назар, мумтоз меросимиз ҳидини туйган шоиримиз яратган асарларда энди бошқачароқ ифдор пайдо бўлади. Европа илми тили билан айтилганда, ажиб бир с и н т е з юз беради.

Айнан шу синтез туфайли ўзбек адабиёти ХХ асрда қай даражада камолга етганини кўриб-билиб турибмиз. Лекин бунда Европа сўз санъати билан уйғунлашиш ҳодисаси содир бўлган эди. Назаримда, энди сўз санъатимиз, хусусан, шеърятимизда ислом Шарқи, шубҳасизки, биринчи навбатда ўзбек мумтоз сўз санъати билан уйғунлашув бошланса, ажаб эмас.

Бироқ бир асосий муаммо бор.

Э.О.: Шундан гапиринг-да Султонмурод ака?

С.О.: Бу арузда шеър битишни эплай олмаслик муаммоси: агар кимдир бинойигина чопонни кифтини келтириб кия олмаса, бунда асло чопон айбдор эмас-ку. Ўзбек совет арузининг энг асосий камчилиги шу эдики, у бу вазнининг ҳақиқий, кўп ўринларда, ҳатто, ифтидоий талабларига жавоб бера олмади.

Бармоқ, аслан, оғзаки адабиётимизнинггина вази эди. Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону лугатит турк" асарида келтирилган бармоқда тўқилган халқ оғзаки шеърятини намуналаридан то туркий адабиётнинг жаҳон кўз-кўз қилгулик энг буюк намунаси - ҳазрат Навоийнинг "Ҳамса"сига-ча сўз санъатимиз юкляклик лиллапоялари бўйлаб қанчалар юқорилаб кетганини ўйласак, ХХ асрга келиб осонгина бармоқда ўтиб кўя қолингани моҳиятан халқни ўз ўзларидан йироқлатишнинг воситаларидан бири бўлмадимикин, деган ҳаёлга борамиз. Баҳона тап-тайёр эди: аруз бизники эмас, арабларники! Нима қиламиз "босқинчилар" зўрлаб киритган "бегона" вазнда ёзиб!

Шеърят-халқнинг руҳи экани рост бўлса, ундан ўн икки аср бурунги "босқинчи"нинг таъсирини сидириб ташлаб, ўз вазнимизни қайтариш баҳонасида, биринчидан, бирваракайга ана шу минг йиллик анъаналаримиздан батамом узоклаштириш, иккинчидан, янги-хх аср босқинчисининг таъсири устивор бўлиши учун қулай имконият яратиш илинжи йўқ эдимиз, дейсиз?

Э.О.: Шу ўринда мозийда арузнинг камолати ҳақида қисқача тўхталмасангиз бўлмайди.

С.О.: То Навоийгача туркий тилни арузга мослаш жараёни, бошқача айтганда, туркий арузнинг шаклланиш босқичи кечди. Навоий ижоди-арузда ҳам мукамаллик палласи эди.

Афсус, адабиёт бу даражани узок саклаб қоламади. Бобурдан кейин то Машрабгача, Машрабдан токи XIX аср Кўқон ва Хоразм адабий муҳитининг айрим вакилларигача ўзбек шеърятини Навоий эришган баландликка мос овозлар жарангламади...

Асримиз бошидаги адабиётимизнинг савиясию бадийлик даражаси ҳам ўзингизга маълум. Шеърятнинг умум аҳволи, Навоийлар мезони билан қараганда, жуда но-чор аҳволда бўлса, энди қандай қилиб арузий саводхонликни юқори кўтариш ҳақида гап бориши мумкин бўлар эди...

Шунинг учун ҳам ХХ аср арузнавислари ўзбек тилини арузга мослашнинг минг йиллик тажрибаларига таяниш ўрнига, яна қайтадан Юсуф Хос Ҳожиб, Қутб Хоразмий, Сайфи Сароий каби бу борада тетапоя йўллардан юра бошладилар. Натижада арузда ўзбек шеърятининг Навоийгача бўлган даврида йўл қўйилган деярли барча хатолар яна қайтадан тақрорлана бошлади. Афсуски, ўзбек арузининг минг йилдан кейин бошланган иккинчи "тетапоя" босқичи ҳамон давом этапти.

Бир хулосани дадил айтиш мумкинки, совет даврида ва ҳозиргача ҳам бирор ўзбек шоири арузда бу вазнининг талабларига товушлар мезони жиҳатидан мос келадиган асарлар яратмади. Яъни ХХ асрда сакталikka йўл қўймайдиган бирор ўзбек шоири чикмади.

Э.О.: Бунинг ҳаммаси арузга иккинчи даражали вазн деб қараздан, бармоқнинг устиворлигидан бўлса керак-да?

С.О.: Ялпи адабиёт учун муайян вазн биринчи, иккинчи ё учинчи даражали бўлиши мумкин. Лекин шоир асар ёзиш учун бирор вазнни танладими, энди унинг учун биринчи даражали вазн - шу.

Э.О.: Шундай-ку, лекин амалда айнан бармоқнинг устиворлиги арузнинг зиёнига ишлаётгани ҳам рост-да. Асрлар мобайнида арузда сайқал топиб келган айрим жанрлар бармоққа ҳам ўтди. Шаклан ғазалнамо, рубойнамо, аслида эса бармоқ вазнида ёзилган асарлар пайдо бўлди. Ю.Шомансур, М.Бобоев, шунингдек, М.Абдулҳаким ё И.Субҳоннинг баъзи ғазаллари, Ш.Шомухамедовнинг рубойлари бунга мисол бўла олади. Арузнинг бирмунча четта сурилиб, бармоқнинг етакчи макъъ олиши таржимада ҳам иш кўрсатди. Айтайлик йигирмадан ортиқ форсий шоирнинг уч мингта яқин рубойиси бармоққа солиб ўгирилди. Одатан ғазаллар арузда таржима қилинади. Бироқ М.Абдулҳакимнинг Бедилдан ўгирган ғазалларида азбаройи сакталликлар кўплигидан Б.Эшпўлат "Туркистон" газетасида уларни "бармоқдаги ғазаллар" деб атади.

С.О.: Ҳамма бало шундаки, шоирларимиз арузда ҳам бўғинларни бармоқ билан санаб қалам сурадиган бўлиб қолганлар. Қолбуки, арузнинг бармоқдагига ўхшамайдиган ўз мезонлари - бўлак тошу тарозуси бор! Бармоқ - бармоқ, аруз - аруз қонун-қоидалари билан битилади. Ҳамма гап шоирларимизнинг ана шу қонун-қоидаларни етарли даражада ўрганмаганликларида. Қолбуки, касбининг сиру саноатини яхши эғалламаган табибни айблашга жуда устамиз-у, бироқ арузни тўла билмай ғазал ёзадиганлар билан ишимиз йўқ.

Э.О.: Демак, бунда адабий танқиднинг, адабиётшунослик, аниқроғи, арузшуносликнинг айби ҳам оз эмас дедимиз.

С.О.: Адабий танқидда аруз ҳақида ёзиш "мода"га айланган даврлар ҳам бўлди. Лекин ўшанда ҳам аруз керакми-йўқми деган масала юзасидангина баҳс юритилди. Бу аруз ҳақидаги эмас, унинг т е в а р а г и д а г и баҳс-мунозара эди. Афсуски, деярли ҳеч ким арузнинг ўз масалалари, шоирларимизнинг бу вазннинг эски қонуниятларига қай даражада амал қилиб-қилмаётганликлари хусусида гапирмади. Қолбуки, эскидан ҳам аруз танқидчилиги бўлган. Бир неча шоир бирдай адашадиган нуқталар, яъни типик хатолар аниқланган, шулар сакта эканлиги илман иботлаб берилган ва шу тариха шоирларни танқид бунақа ҳолатларда эҳтиёт бўлишга ундаган, хатодан қутилиш йўлини кўрсатиб борган.

Шу анъана давом эттирилганда арузимиз бугунгидан кўра мукамалроқ бўлиши таъйин эди. Бетоб кишига: "Сиз сакалсиз", - дейишнинг нима кераги бор? Лекин табиб унинг дарди айнан қаерида эканини аниқлаб берса, бошқа гап. Энди уни даволаш мумкин. Шу маънода аруз камоли учун илм-амалиётга ёрдамга келиши шарт. Қадимдан шундай бўлган.

Э.О.: Сухбатимизнинг бу ёғида ана шу муайян типик хатоликлар ва улардан қандай қилиб қутилиш ҳақида гапирилса...

С.О.: Мумтоз арузшунослигимизда бундай хатоликлар "сакта" ё "айб" дейилган. Бу сакталликларнинг ҳамма-ҳаммаси аруз билан бармоқнинг туб фарқларини яхши билмасликдан келиб чиқади. Шоирларни адаштирадиган ва бу икки вазннинг бир-бирига ўхшайдиган бир жиҳати бор: арузда ҳам, бармоқда ҳам мисраълар вазнан ўзаро тенг бўлади. Бармоқда тоқ мисраълар етти (ё саккиз), жуфт мисраълар беш (ё етти) бўлиши мумкин. Лекин тоқлар - тоқлар билан, жуфтлар-жуфтлар билан тенг келади-да. Бу ҳодиса арузда ҳам бор: музтазотнинг ҳар мисраъга "дум" бўлиб келадиган "қўшимча" икки рукни ҳам шундай-ку.

Э.О.: Асосий хатолик қаердан келиб чиқяпти унда?

С.О.: Асосий адабиёт-вазний ўлчов бирликларида!

Мисраъ миқёсида оладиган бўлса, арузда ҳам иккита ўлчов бирлиги бор - рукн ва ҳижо. Бармоқ ҳам худди шунга ўхшаб кетадиган икки ўлчов бирлигига эга - турок ва бўғин. Лекин рукн - турокқа, ҳижо - бўғинга шаклангина ўхшайди, холос. Моҳиятан эса рукн билан турок ва ҳижо билан бўғин ўртасида жуда кескин, баъзан, ҳатто, ер



билан осмонча фарқ бор.

Арузимиздаги барча хатоликлар ана шу шаклий монандликка учиб, орадаги нозик, аслида, вазни вази келиб турадиган тафовулларни билмаслигимиздан келиб чиқяпти. Худди шунинг учун ҳам шоирлар арузда битдим деб ёзгани кўп шеърлар аруз бўлиб аруз эмас, бармоқ бўлиб - бармоқ.

Бунинг қанчалар кўпол ҳодиса эканини ҳис қилиш учун бир соддароқ мисол келтирай. Вазн - ўлчов дегани. Ҳатто, бирон нарсанинг оғирлиги ҳақида гап кетса ҳам, "вазни" деймиз. Аруздаги вазилар - ўлчов бирлиги. Биламизки, ўлчов бирлиги муайян, ўта аниқ қийматга эга бўлиши шарт. Акс ҳолда, у ўлчов бирлиги бўлолмай қолади. Айтайлик, бир килограмм ҳамма жойда ҳам минг граммга тенг. Энди бошқа бир мамлакатдан келган савдогар: "Йўқ, бизда бир килограмм етти юз граммга тенг, маҳсулотимни хоҳласам - етти юз граммлик тош билан, истасам минг граммлик тош билан ўлчаб сотавераман", - дейлмайди-ку!

Афсуски, бир суҳбатда барча хатоликлар ва уларни келтириб чиқараётган сабабаларини очиб бериш имконияти йўқ.

Э.О.: Келинг, ҳеч бўлмаса айрим жиҳатларгагина тўхтаб ўтайлик. Масалан, бармоқдаги туроқ билан бўғин ва аруздаги рух билан ҳижо ўртасидаги ўхшашу фарқли тарафлар хусусидаги баҳсимиз чала қолмасин...

С.О.: Бармоқда мисраълардаги бўғинлар ўзаро тенг келиши керак. Лекин ҳар бир мисраъ (бир мисраъ бир туроқ тарзида келадиган энг қисқа сатрлар бундан мустасно) яна ички бўлақларга бўлинади. Ана шу бўлинишининг чегараси эса бирор сўзнинг тугашига тўғри келиши шарт. Масалан, Х. Олимжоннинг:

*Водийларни яёв кезганда*

*Бир ажиб ҳис бор эди менда,-*

мисраълари 9 бўғинли. Лекин ана шу 9 бўғин яна иккига - биринчиси 4 ("водийларни" ва "бир ажиб ҳис") ҳамда иккинчиси 5 ("яёв кезганда" ва "бор эди менда") бўғинли бўлақларга ажратилган. Бу вазний бўлақлар т у р о қ дейилади. Ҳар қандай туроқ бирор сўзни бошланиши билан бошланиб, бирор сўзнинг тугаши билан тугаши шарт.

Арузда ҳам мисраълар шунга ўхшаш ички бўлинишга эга. Бундай арузий ва вазний бўлақлар р у к н дейилади. Рукннинг туроқдан икки ўта муҳим фарқи бор.

Биринчиси - рухн бошланиши учун сўз бошланиши ва тугаши учун сўз тугаши шарт эмас: у, худди туроқ каби, сўз бошида бошланиб, сўз охирида тугайвериши ҳам, шунингдек, туроққа сира ҳам ўхшамаган ҳолда бўлиши - сўз ўртасида бошланиб, сўз ўртасида тугайвериши ҳам мумкин.

Иккинчиси, бир мисраъдаги рухн, туроқдаги каби, иккинчи мисраънинг айнан ўша ерида ҳам шунга вазнан тенг тарзда келиши шарт бўлса-да, ўзаро тенглик бу ерда бўғинлар микдорига қараб белгиланмайди.

Аруздаги энг кичик ўлчов бирлиги - ҳ и ж о дейилади.

Ҳижо билан бўғинни ўта нозик ажратиб олмасак, арузни мутлақо тушунолмаймиз.

Бўғин бармоқда аксаран худди тилшуносликдаги каби тушунилади ва шу асосда ҳисобга олиб борилади. Фақат айрим ҳолатлардагина шоирларимиз "сабр", "васл", "аср" ва шу каби сўзларни "са+б(и)р", "ва+с(и)л", "а+с(и)р" тарзида икки бўғинга ажратиб шеърга соладилар. Бу қанчалар тўғри-нотўғрилигини, келинг, яхшиси, бармоқ шеърый тизими мутахассислари айтсинлар.

Аруздаги ҳижо ҳам бўғинга ўхшайди. Лекин бўғин бўлиши учун унли бўлиши шарт бўлса, ҳижо бўлиши учун албатта унли иштироқ этиши шарт эмас. Демак, шу нуктанинг ўзидаёқ ҳижонинг бўғиндан асосий фарқи ойдинлашгандек бўлди. Шоирларимизда бир нарса кўп адаштиради: айрим ҳолатларда бўғинлар арузда ҳам ҳижо бўлиб келади. Бунга Навоийнинг мана шу байти ёрқин мисол бўла олади:

*Ту+луъ эт+ми /чу ул рах+шан/да хур+шид*

*А+дам шо+ми+га /бўл+ди шамъ/и жо+вид.*

Иккинчи бир ҳолатда ҳам бўғинлар, демакки, унлилар сони билан ҳижолар сони теппа-тенг келади. Лекин энди бунда ҳар бир ҳижо бўғиндан иборат бўлмайди. Аниқроғи, ҳижо пайдо қилиш учун баъзан бир бўғиннинг қайсидир товуши вази талаби асосида иккинчи бўғинга ўтказилади. Бунинг қандай ҳосил бўлишини мана бу мисолда кўриш мумкин:

*Бу дур+лар+ким /кў+зум+ни ан/ди+ноч+тинг,  
Ме+ни+нгил+гим/би+ла о+лам/га соч+тинг.*

"Фарҳоду Ширин" ёзилган:

Мафойилун мафойилун мафойил

тактиъли ҳажажи мусаддаси мақсур (маҳфуз) вазни "андин" сўзидаги "н"ни олиб, "очтинг" сўзининг биринчи бўғинига, "менинг" сўзидаги "нг" товушини эса "илгим"даги "ил"-га қўшиб ўқишни тақозо этади. Шу мисолдан ҳам кўриниб турибдики, бўғин билан ҳижо бир нарса эмас. Агар бу байт худди бармоқдагидек оҳанг билан, яъни ҳар бир сўз аҳангиде бир лаҳза дам билан ("андин очтинг" ва "менинг илигим" тарзида) ўқилса, вази батамом бузилади, куй йўқолади, арузнинг арузлигидан ҳам асар ҳам қолмайди.

Учинчи бир вазиятда, ҳатто, мисрадаги бўғинлар яъники, унлилар сони билан ҳижолар микдори мутлақо тенг келмайди. Чунки ҳижо бўлиши учун бўғин бўлиши, боринки, унли бўлиши ҳам шарт эмас.

Бу икки асосда юз беради.

Биринчиси шуки, агар бир бўғиндан икки ундош ёнма-ён - бақамти келса, бу бўғин арузий ўлчовда бир ҳижога сира сифмайди. Бундай бўғинлар арузда уч хил ҳисобда юради. Дастлабкиси - ёнма-ён келган икки ундошдан бири унли билан бошланадиган бошқа бўғинга ўтказилади.

Иккинчиси - бу бўғин мисранинг ўртасидаги ҳижоларга тўғри келса ва қўш ундошлардан кейинги сўз унли билан бошланмаса, икки ҳижо ҳисобланади. Бобурнинг мана бу байтидаги биринчи мисрада 12, иккинчи сатрида 13 бўғин, яъни шунчадан унли бор. Бироқ шеър 15 хижоли вазнда битилган. Хўш, қандай қилиб биринчи мисрада 3, иккинчисиде 2 ҳижо пайдо қилинди, дерсиз? Бу куйидагича юз беради:

*Ё+з фас+ли, /ё+р вас+ли, /дўс+т+лар+нинг /  
сух+ба+ми,*

*Шеър бах+си, /иш+қ дар+ди, /бо+да+нинг  
кай/фи+я+ми.*

Шу тарзда матлаб:

Фоилотун /фоилотун /фоилотун /фоилун,

Фоилотун /фоилотун /фоилотун /фоилун

тактиъсига тушади.

Бу мисолда яна икки масалага аниқлик киритиб ўтса бўлади. Аввали шуки, "дўстларнинг" сўзи биринчи бўғиндаги икки ёндош ундошдан кейингиси бир ҳижо бўлиб келганидан ташқари, "ёз" ва "ёр" сўзлари нега икки ҳижо бўлиб кетган? Бунга сабаб - "ё"даги "о"нинг чўзиқ унли бўлгани ва ундан кейинги ундошдан сўнг унли билан бошланадиган сўз бўлмагани. Бундай бўғинлар арузда икки ҳижо ҳисобида юради. Иккинчи муҳим нуқта - унлидан кейин айриш белгиси ("ъ") билан тугаган бўғинлар масаласи. Агар, мисолимиздаги каби, айриш белгисидан кейин ундош келса ва унинг унлига улаш имконияти бўлмаса, бундай бир бўғин ҳам иккига ажралади.

Бармоқчиларга сингишмайдиган томони шундаки, кўриниб турганидек, арузда биргина ундошнинг ўзи ҳам ҳеч қандай унлисиз бир ҳижо бўлиб келаверади. Галаффузда бун тўғри чиқариш учун ўша алоҳида ўзи бир хил ҳижо бўлиб келган ундошдан олдинги ҳижонинг унлиси одатдагидан кўра чўзиброқ айтилади. Шунда қулукка худди шу ёлғиз ўзи алоҳида ҳижо бўлиб келадиган ундошдан кейин эшитилар-эшитилмас "и" товуши бордек чалинади. Масалан, "дўс+т(и)+лар+нинг", "ё+з(и)", ё+р(и)", "шеър(и)" каби. Лекин зинҳор-базинҳор, бу ерда "и" бор экан деб ўйламаслик керак.

Э.О.: Ана шундай ўта чўзиқ бўғинларни арузга солишда шоирларимиз кўп чалқашяптилар. Ё сатр ичида икки ҳижо бўлиб келиши керак бўғин мажбуран бир ҳижога солинади, ё аруз мезонига кўра эмас, умуман, унга



зид тарзда икки ҳижога ажратилади:

*Агар ёринг - хусн شوхи ўтар бўлса шаҳарлардан,  
У бир ганждир, унинг ҳадди адолардан аён бўлғай.*  
(А.Орипов шеърдан - таҳр.)

Бу шеър:

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
Тактилий ҳажажи мусаммани солим вазнида битилган: Шунда "хусн" сўзи қоидага зид равишда "ху+с(и)н" тарзида икки ҳижога ажратилган. "Ганждир" сўзидаги биринчи бўғин арузий сатр ичида ҳеч ҳам бир ҳижо бўлиб келиши мумкин эмас: "ж" - ортиқча.

**С.О.:** Аруз - мусика. Шеърнинг мусикаси. Бу образли ифода эмас. Айнан шундай. Арузий асарлар ўқилмаган - қуйланган. Хўш, энди куйи норасо сатрларни куйлаб кўринг-чи! Сакталиқ мавжуд сатрни ҳофиз ҳам куйга соломлай қўйналади. У бечора нима қилсин: оҳанг-мусика мезони ё "гандир" деб, ё бўлмаса "гаждир" деб айтишга мажбур қилади.

**Э.О.:** Демак аруздаги норасоликлар кўшиқчилигимиздаги норасоликларга ҳам сабаб бўлапти экан-да?

**С.О.:** Албатта. Аруз умум миллий маданиятимиз даражасини билдириб турадиган бир мезон.

**Э.О.:** Яна шу ўта узун бўғин билан боғлиқ бир масала бор. Бу бир сўзнинг охириги товушини кейинги сўзнинг биринчи товушига улаб ўқишни ҳам қила олмаслик. Бунга қандай қарайсиз?

**С.О.:** Шу ҳам кўп сакталиқларга сабаб бўлапти. Шоирлару шеърхонларни қўйинг, ҳатто, айрим ҳофизларини ҳам мусика - оҳанг, масалан, "зулм айлаб" сўзларини "зул+май+лаб" тарзида айтиш кераклигини билдириб турса ҳам, "зу+л(и)м ай+лаб" тарзида тўрт ҳижо қилиб айтишга майл кўрсатаверадилар. Бундан келиб чиқадикки, аруз саводхонлиги кўшиқчию бастакорларимиз учун ҳам суву ҳаводек керак.

Шу ўринда уч йил бурун чоп этилган бир мақоламиздаги ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати" 1992 йил 14 август) - бир фикрни такрор айтиш ортиқчалик қилмас. Қайси усулда, қандай овоз ва, ҳатто, қанақа ижровий ўзига хослик билан ўқилмасин ёхуд қуйланмасин, ғазал шоир танлаган вазнга солиниши шарт. Вазн танланганига қадар шоирнинг ихтиёри ўзида. Бироқ муайян вазн маъқул кўриллиши, энди у ана шу ўлчов қоидаларига сўзсинз-шубҳасиз бўйсунушга мажбур. Вазн бамисли тарозининг тоши эканми, бас, унга ҳеч кимнинг даҳл қилишга ҳаққи йўқ. Ҳеч кимга тошни заррача бўлсин ўзгартириш - оғирлигини камайтириш-қўпайтириш ҳуқуқи ҳам берилмаган. Марҳамат, тарозининг иккинчи палласига нима (арабийми, форсийми, туркийми тилдаги фикр) қўйсангиз - қўяверинг. Фақат юкингиз ўша тошга вазнан мос келса бўлди! Кам ҳам келмасин, ошиб ҳам кетмасин!

Ҳамма гап шундаки, туркий тилда "тўрт", "мўрт" деганга ўхшаган беш-олти сўздан бошқа ҳеч қачон икки бўғинда икки ундош бақамти келмайди. Бир бўғинда икки ундош бақамти келса, билинги, у аслан туркий сўз эмас: ё арабий, ё форсий ва ё бошқа ҳорижий тилдан кириб келган. Шунинг учун "стол"ни "устал", "банк"ни "бонка", "стакан"ни "истакон" деймиз. Бир бўғинни икки бўғинга айлантдириб оламиз. "Васл", "сабр", "жабр" ва шу каби арабча сўзларнинг ўзбекча халқона талаффузида ҳам тилимизнинг бу хусусияти ўзини кўрсатади: "ва+с(ил)", са+б(и)р", "жа+б(и)р" деймиз. Лекин бу дегани ўзбеклар оғзаки нутқида барча икки ундош ёндош келадиган бўғинларда унли қўшиб юборилаверади, дегани эмас. Масалан, "айб"ни "айб" деймиз, "ғайб"ни - "ғайб", "бахт"ни-"бахт", "тахт"ни-"тахт". Афсуски, арузга солганда ана шу бит-бинойи айтиб юрганнимиз сўзларни ҳам бузиб, шўрлик шеърхонни "айб" ўрнига "а+й(и)б" дейишга мажбур қиламиз:

*Менинг кўфрим айбларга дилмдан ўзга султон йўқ  
(Ибн Сино рубойиси таржимасидан. - таҳр.)*

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
Аруз - арабий вазн. Араб тилидаги матнни эса таж-

видсиз ўқиш мумкин эмас. Вазн - араб тили учун нутқнинг ўлчови. Оддий насрий матн, муайян сўзлар ҳам вазнга солиб ўрганилади ва ўргатилади. "Қуръон"и қаримда ҳам вазн бор. Арабчада ҳам сўз-сўз. Улар алоҳида маъно ташийдилар. Лекин ўқишда сўзлар сўзларга, демакки, бир калима охиридаги товушлар иккинчи калима бошидаги товушларга улаб ўқилади. Ҳатто, ана ўша кейинги сўз бошидаги ҳарфнинг қандай (камарийми ё шамсийми) эканлига қараб қараткични билдирувчи "ал"нинг талаффузи ҳам ўзгариб кетверади. Ҳарф камарий бўлса, "ал"даги "л" ўзгармайди: "Ал-Беруний", "Ал-Фаробий", "Ҳайрат ул-Аб-рор", "Мезон ул-авзон", "малик ул-калом" каби. Ҳарф шамсий бўлса, ўша ҳарф "ал"даги "л"ни ўзига ўхшатиб олади: "Аз-Замахшарий", "Ат-Термизий", "Лисон ул-тайр", "ас-салому алайкум" га ўхшаш. Худди шу улаб ўқиш қоида си мавжудлиги учун ҳам арабчада матннинг муайян бўлаклари, масалан, "Қуръон"и қаримнинг оятлари бир на-фасда ўқилиши шарт. Арузнинг бир мисраъси ҳам бир на-фасда ўқилиши керак. Ўта узун бўғинли сатр ичида албатта икки ҳижо бўлиб келиши ҳам шундан.

Буни билиб олиш учун илм керак. Шоирга ҳам, шеърхонга ҳам.

Аруз илимини мукаммал эгалламай туриб, бу вазнда шеър битиш учун қўлга қалам тутиш худди тажвидни - тўғри талаффуз билан ўқиш қоидаларини ўрганмай туриб, "Қуръон" мутолаасига киришишдек ёхуд посангиси мосланмаган торозида нарсга ўлчашдай гап.

Ҳозир, шукрлар бўлсинки, халқимизнинг ёшу қари талай вакиллари ислом таълимотини ўрганишга киришдилар. Икки ўрта - махсус ва бир олий мадраса ишлаб турибди.

Ислом таълими тажрибасида ота-боболаримиздан мерос тарзида кўп ажиб анъаналар сақланиб қолган. Улардан бири шуки, шогирд тажвидни ўзлаштирмасидан лугатга, лугатни эгалламасидан наҳфга, наҳвни билмай туриб сарфга ўтказилмайди. Очиғини айтаверайлик, бизда филологик йўналишдаги факультетлар талабалари ўзбек тили фонетикасини яхши ўрганмай лексикологияга, лексикологиянинг моҳиятига етиб-етмай морфология, морфологияни пухта эгалламай, синтаксисга ўтиб кетаверадилар.

Бу шунинг учун айтиляптики, минг йиллик ўзбек адабиёти тарихи мажбурий дARS сифатида ўқитилган факультетларни битирган мутахассисларнинг арузни билмай диллом олиб кетишлари сира ҳам бугунги кун талабига жавоб бермайди. Совет даврида, ярим яширин тарзда бўлса ҳам, сиёсат ёшларнинг ўтмишдан имкон қадар ўзқолашиларидан манфаатдор эди. Энди эса замон ўзгарди. Минг йиллик тарихга эга адабиётимиз муомтоз намуналарини, лоақал, оҳангини келтириб ўқий олмаган муаллим қандай қилиб мактабда адабиётдан дарс берапти?!

**Э.О.:** Арузни араб илмига тобеъ қилиб қўймаёпми-зми? Баъзилар: "Арабча қоидаларни тикштириб нима қиласиз, бизга ўзбекча аруз керак", - деса-чи?

**С.О.:** Арузнинг руҳини билмаган одамгина шундай фикрлаши мумкин. Аруз - тарозининг тоши бўладиган бўлса, қайси тилда эканлигидан қатъий назар, шу тош билан ўлчаш ният қилиндини, тарозининг иккинчи палласига ўшанга мос юк қўйилиши шарт. Шундагина тарозининг посангиси тўғри келади.

**Э.О.:** "Туркий аруз" деган тушунча қаерда қолди унда?

**С.О.:** Аруз - арабий, дедик. Лекин форсий аруз, туркий аруз тушунчалари бор. Булар арузни форсийга ёки туркийга мослаштиришни эмас, аксинча, форсийни ва туркийни арузга мослаштиришга айтади.

Аруз - бамисоли гава. Тил эса кийим. Кийимга қараб гавада ясалмайдими, билакс, гавадага қараб кийим бичилади.

Баъзи олимлар арузий меросимизнинг сакталиқларга бой дастлабки даврлари-ХI-ХIV асрлардаги кўринишларини "туркий аруз" ўзига хосликлари тарзида қонунийлаштирмакчи бўладилар. Бу - мутлақо ноиллий қараш.

Бир нарсга диққат қилайлик. Нега айнан Навоий ва айнан Бобур аруз ҳақида махсус рисола ёзди? Гап шун-



даки, бу икки буюк сўз санъаткори вазн ҳақидаги шундай улкан илми рисола ёзиш учун эмас, шеър ёзиш учун ўрганган эди.

Арузда бир ҳижода ҳеч қачон икки ундош ёнма-ён келиши мумкин эмас, дедик. Энди бир нарсани ҳисобга олайлик: гап товуш ҳақида кетяптими ё ҳарф хусусидами? Албатта, аксар ҳарфлар муайян бир товушни ифодалаб келади. Бироқ араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувида ҳам, ҳозирги алифбомизда ҳам биргина ўзбекча товуш ифодаси учун икки ундош ёзиш қондаси қабул қилинган. Буни кўпчилик билмайди, тушунмайди учун у гўё икки ундош товуш каби қабул қилинади, минг афсуски, миллитимизнинг жуда кўпчилик вакиллари уни ана шундай тилимиз табиатига эид равншда икки ундош тарзида талаффуз ҳам қиялтилар.

Э.О.: “Нг” товушини кўзда тутиясиз-да.

С.О.: Албатта. Гарчи “н” ва “г” деган икки ҳарф билан ёзилсада, бу ўзимизнинг туғди-битти - туркона-ўзбекона “нг” товуши. Навоийлар, ундан олдинги давр шоиру олимлари бунинг бир товуш эканлигини жуда-жуда яхши билганлар.

Туркий арузнинг форсий аруздан фарқ қиладиган нозик жиҳатларидан бири ҳам худди ана шу - гарчи икки ҳарф билан битилса ҳам, “нг”ни бир ундош каби ҳисоблаш қондасининг мавжудлиги эди.

Навоий тақтигда соқит қилинадиган нуқталарни боён қила борар экан, ана шу “нг”даги “н”ни гўё йўқдек ҳисоблашни уқтиради.

“Яна ортуқси (!) “нун”ларким, сўз эртиботи учун замойирда “-нинг” лафсида битилур, мисли “онинг” ва “менинг” ва “сенинг” лафсида андоқким, байт:

*Эй кўнгул, билгилки, бу жон не сенингдур, не менинг,  
Балки онингдур десанг, кимнинг дейинким - ёрининг”*

(153-бет)

Хўш, “нг”дан “н”ни олиб ташласак, талаффузда у “г” тарзда айтиладими?

Навоий буни ҳам эсдан чиқармаган ва “нинг”даги “н” - “н” эмас ва “г” - “г” эмаслигини уқтирган:

“Ва яна “нун”била “коф”лардурким, “онинг” ва “менинг” ва “тонг” ва “ўнг” ва “сўнг” ва “нанг” ва “танг” лафсида воқеъдурким, барчаси тақтигда соқит бўлур” (Уша бет).

Бу ерда бугун аниқлик киритиш зарур бўлган яна бир нозик нуқта бор. Гарчи Навоий туркий “нг” товуши ҳақида фикр юритсада, келтирган мисоллари сирасига “нанг” ва “танг” деган аслан форсий сўзларини ҳам қўшади. Гап шундаки, форсийда ҳам айнан “н” ва “г” ёндош келадиган талай сўзлар бор. Бироқ арузда бу икки ундошнинг бир товуш каби ҳисобланиши фақат туркий аруз қондасида бор. Форсий аруз ҳеч вақт “нанг” ва “танг”даги “нг” бир ҳижода бир келмайди. Навоий айтгандек: “нун” тақтигда соқит қилинмайди”. Чунки форсийда “н” ва “г” айнан “н” ва “г” тарзда талаффуз қилинади. Туркийдагидек “нг” деган бир товуш тарзида эмас.

Шунинг учун туркий арузда бу каби форсий сўзлар туркий аруз қондасига кўра ҳам, форсий аруз қондасига кўра ҳам тақтиё қилиниши мумкин. Демак, бунинг учун шоир ўзи қўллаётган сўзнинг келиб чиқиши жиҳатидан айнан қайси тилга - форсийгами ё туркийгами дахлдор эканини ҳам билиши керак.

Э.О.: Демак, арузда шеър ёзиш учун кенг филологик илм керак экан-да?

С.О.: Бўлмаса-чи! Мавриди келгани учун яна бир нарсани айтиб ўтайлик. Филологик йўналишда олиё маълумот эгаси бўлган ҳар қандай мутахассис она тилимизда қўлланиётган сўзларнинг аслан қайси тилга тегишли эканини аниқ ажрата олиш шарт. Ҳатто, тилимизни ўрганган ҳорижлик мутахассисларнинг ҳам кўпи бунинг бип-бинойи билади. Ўзимизнинг тилимизни замон талаблари даражасида ўрганишга интилишимиз сустроқ.

Шу нуқтада ҳам Навоий “Мезон ул-авзон”ни ёзиб, халқ учун, адабиётимиз учун нақадар зарур бир вазифани удалаганини ҳис қилиш мумкин. Чунки у билар эдики,

аруз ҳақида дастурий таянчга эга бўлмай туриб, беайб шеър ёзиш жуда-жуда машаққат. Чунки: “... араб фусаҳоси ва Ажам булагову шуароси ул илмда (яъни арузда) китоблар тасниф қилибдурларки, онгсиз бу фанга вукуфе ва шу-уре бўла олмас...” (182-бет).

Навоий аруз ҳақида китобларсиз бу фандан воқиф бўлишнинг ҳам, шуур топишнинг ҳам ҳеч иложи йўқлигини таъкидлаётти.

Келинг ўша “н” ва “г” бақамти келадиган сўзларни олайлик. Агар у форсий сўзда бўлса, ё туркийдаги каби “нг” тарзида талаффуз қилинади ва бир ундош ўрнига ўтказилади, ё форсийдигек алоҳида-алоҳида талаффуз қилиниб, икки ундош ҳисобига юритилади. Мана, Навоийнинг ўзидан мисол:

*Хадангиз захми ичингдин балоларни юган ёшим,*

*Эрур тифлеки, олғай қуш болосин ошён кўрғач.*

“Хаданг” сўзи форсий бўлгани учун у “ха+да+нгин-г” деб, яъни икки қисқа ва бир узун ҳижо тарзида эмас, “ха+дан+гинг” деб, яъни бир қисқа, икки узун ҳижо тарзида ваъний бўлақларга ажратилган. Ўзбекча эғалик қўшимчаси-“инг”да келган “нг” эса туркона бир ундош ҳисобланган бир сўзнинг ўзидаги икки “нг” икки хил қондага биноан вазнга солинган.

Э.О.: Аруз “менга” ёки “манга”, “сенга” ёки “санга” ва шу каби сўзларни гоҳ “ме+нга”, гоҳ “мен+га” тарзида ўқишни такозо этади. Шеърни тўғри ёзиш туғул, лоақал, тўғри ўқиш учун ҳам бунинг қондасидан бохабар бўлиш керак.

Нега бу туркий сўзларни ёнма-ён келган “н” ва “г” ни ҳамма вақт ҳам бир товуш сифатида ҳисоблаш ақидасига қатъий амал қилинмаслигини изохлаб берсангиз?

С.О.: Арузни пухта билиш учун яхшигина тилшунос бўлиш ҳам талаб қилинади. Мисол келтирганингиз ҳодисаларнинг моҳиятига етиш учун тилшунослик ёрдамга келади. Биламизки, бу сўзлардаги “-га” - жўналиш келишигининг қўшимчаси. Бу қўшимча охири “н” товуши билан тугайдиган сўзларга қўшилиши натижасидагина “н” ва “г” бақамти келиб қолган. Ёки тилимизда у олмошга жўналиш келишиги қўшимчаси қўшилганда ўртада бир “н” орттирилиб, “унга” дейилади. “Унга” ёки “анга” ҳам худди “менга” каби вазнга солинади. Шунинг учун энди бу сўзларни “мен+га” тарзида қўшимчани алоҳида ажратиб талаффуз қилиш ҳам, “ме+нга” тарзида “н” ва “г”ни “нг” товушига айлантириб олиб айтиш ҳам мумкин. Ҳозирги ўзбек тилининг айрим шеваларида чиндан ҳам “мен+га” ва баъзиларида “ме+нга” ёки “ма+нга” деб талаффуз қилинади. Шунинг учун ҳам ўзбек арузида шундай сўзларни у тарзда ҳам, бу тарзда ҳам вазнга солиш мумкин. “Ме+нга” билан “мен+га” вазнан бошқа-бошқа тақтигда тушади. “Ме+нга” да биринчи ҳижо қисқа, иккинчиси эса, байтдаги ўрнига қараб, қисқа ҳижо ҳам, узун ҳижо ҳам ҳисобланиши мумкин. “Мен+га”да эса, аксинча, биринчи ҳижо - узун, иккинчиси, байтдаги ўрнига кўра, қисқа ҳижо бўлиб ҳам, узун ҳижо бўлиб ҳам келаверади. Лекин “нг” сўзнинг туб қисмида - ўзак ё негизда бўлса, ҳеч вақт икки ундошга ажратилмайди. Ҳатто “десангиз” сўзини “де+сан+гиз” тарзида бўгин кўчириш ҳам, шу таҳлилда талаффуз қилиш ҳам, демакки, шундай бўлиниш билан арузга солиш ҳам сира мумкин эмас.

Ота-боболаримизнинг шеър қонунари, жумладан, арузни қўллашда ҳам халқ тилининг туб хусусиятларини пухта билиб иш кўрганликларига қойил қолмай илож йўқ.

Э.О.: Сўзларнинг форсий, арабийми ёхуд туркийми эканини аниқ билиш чўзиқ унлили бўғинларни ҳижога тушириш масаласида ҳам жуда асқотади. Масалан, “о”, “у” ва “и” товушлари форсий сўзларда ҳаминша чўзиқ унли ҳисобланади, лекин агар ўша сўз туркий бўлса, гоҳ чўзиқ, гоҳ қисқа ҳижо ўрнида келади.

С.О.: Шоирларимиз ана шу масалада ҳам кўп адашдилар. Ҳатто, баъзан бир форсий сўз билан бир туркий сўз айнан мос келиб қолади. Лекин бу кўпинча ёзувдагина шундай бўлади. Масалан, форсий “соғар” сўзи билан ўзбекча “соғар”нинг талаффузи бир-биридан кескин фарқ қилади. “Қадах” маъносидagi форсий “соғар”да ургу би-



ринчи бўгинга, "соғадн" маъносидаги ўзбекча "соғар"да урғу иккинчи бўгинга тушади. Шунинг учун агар шу форсий "соғар" сўзи арузга солинадиган бўлса, албатта икки узун ҳижо бўлиб келади ва ўзбекча "соғар" сўзи эса бир қисқа ва бир узун ҳижо бўлиб ҳам, икки узун ҳижо бўлиб ҳам келиши мумкин.

Шу сўзларнинг "асл ватани"дан боғлиқ нозик масалаларни билмасак, сакталикларга барҳам бериш қийин. Масалан:

*Ногаҳоний саҳни богдан ҳайқириб чиқди ҳофиз, -*

деган мисраъдаги (А.Орипов сатри) "Ҳофиз" калимаси "Ҳафиз" дейилсагина вазиға тушади. Лекин машҳур шоир - "Ҳофиз"ни "Ҳафиз" дейолмаймиз-да. Ҳамма гап - "Ҳофиз" калимаси туркийми ё йўқми эканлигини аниқ билишда. Агар "о" унлиси туркий сўзларда келган бўлса эди, уни қисқа ҳижо ҳисобида қўллаш имкони бўлар эди.

Э.О.: Аруз билан боғлиқ фақат мезоний масалаларнинг ўзида шунча муаммо бор экан, биз суҳбатимиз бошида мумтоз шоирларимиз ғазалларига замонавий арузнависларимиз боғлаётган муҳаммаслар, улардаги икки шоир қаламининг услабан ва мантиқан вобасталиги хусусида, ҳозирги газалиётимизнинг образлар дунёси борасида, арузий сатрларда тиниш белгилари қўллашнинг ўзига ҳосликлари ҳақида гаплашишни ҳам маслаҳат қилган эдик. Айтдан, бу масалалар бошқа бир суҳбатга мавзў бўлиб қолади.

С.О.: Рост. Биз ҳозир асосан, арузни вази сифатида қандай бўлиши кераклиги ҳақидагина сўзлаша олдик, ҳолос.

Э.О.: Аруз ҳақида Навоий ва Бобурнинг рисоалари бор, А.Рустамов, А. Ҳожиҳамедов, У.Тўйчиев домларнинг китоблари чиққан. Дарсликлар, луғатлар, қўлланмаларда, илмий-тадқиқий асарларда ҳам бу вази хусусида маълумотлар топса бўлади. Шунга қарамай, кўпчилик илми-адаб аҳли: "Арузни қандай ўргансак бўлади?" деб сўраб юради. Бунга нима дейсиз?

С.О.: Кўпчилик шундай деяётган бўлса, бу гапда жон бор: демак, ҳозир тилга олганингиз китоблар бу кишилар учун мураккаблик қилади! Хулоса шуки, энди биз арузни соддалаштириб, шарҳлаб, тушунтириб, ўқувчиға етказиб ўргатадиган илмий-оммабоп асарлар керак.

Э.О.: Хўп, шундай асарлар ҳам ёзилар. Лекин ана шу суҳбатимизда арузнинг у ё бу нозик жиҳатлари ҳақида маълумот берган бўлдик. Шу журналхонларимизга тушунарли бўлади, деб ўйлайсизми ёхуд бу ҳам уларга оғирлик қилади?

С.О. Мен-ку, оғирлик қилмас, деб ўйлайман, лекин, мабодо, шоиру шеърхонларга шу гапларимизни тушунтириш ҳам мураккаб туюлса, демак, илм аруз ҳақида бундан ҳам соддароқ қилиб гапиришга мажбур.

Э.О.: Бир нарсани унутмайлик. Ўтмишда адабиёт учун комил инсон ғояси - бош масала бўлган. Комилик тушунчасига кўп нарса киради. Аввало, инсоннинг ўзи комил бўлиши керак, кейин - ҳар бир яратган нарсаси ҳам. Шеър эса инсон яратмишларининг энг илоҳийларидан саналади. Демак, шеър ҳам, шеърнинг мазмуниё вази ҳам комил бўлиши лозим.

Энг муҳими, бунга эришса бўлади.

Ота-боболаримиз асрлар мобайнида арузга ана шундай нуқтаи назардан туриб муносабатда бўлганлар. Шундай комиликка биз ҳам интилишимиз шарт.



### СИНФОДОШИМГА

Болалик йилларимга ҳавас билан боқаман,  
Ҳавас мени етаклар, орзулар маконига.  
Ҳаёл дарёси узун, мен гарқ бўлиб оқаман,  
Баъзан шеърлар битаман, синфдошим номига.

Мана баҳор энтикиб деразамдан мўралар,  
Очилмоқда Жизмоним қирларида чечаклар.  
Йиллар ўчиб борадир сочга ҳам оқ оралар.  
Синфдошим севгиси айтилмаган эртақлар.

Эрта тонгдан шошилиб, мактабга чопар эдим,  
Қадамларим тезларди мурғаккина Муҳаббат.  
Гул кизлар орасидан ахтариб топар эдим,  
Секингина тугардим, ҳаё тўла ишқий хат.

Оқ варақнинг юзига шеърлар ҳам битар эдим,  
Неча тунлар уйқусиз ҳаяжонли ўтарди.  
Баъзида бир кўриш-чун соатлар кутар эдим.  
Жилмайиб келиб менга қўлларини тугарди.

Мана йиллар бераҳм, олиб кетди узоққа,  
Энди ҳаёл дарёси сизибгина оқади.  
Баъзан соғинч қайтарар, мени она қишлоққа  
Таниш девор ортидан бир хуркак кўз боқади.

### АЙРИЛДИМ

Сен кетган йўлларда қотди ниғоҳим,  
Ҳамон изларингда изиллар оҳим,  
Кўзингдаги ёшлар менинг гуноҳим,  
Айрилдим, айрилдим, сендан айрилдим.

Энди сенга томон элтар гирот йўк,  
Аччиқ аламлар кўп, ширин ҳаёт йўк,  
Йўллар адоғида эзгу мурод йўк,  
Айрилдим, айрилдим, сендан айрилдим.

Биз юрган йўлларни кўмди ҳазонлар,  
Оғир ҳаёлларга чўмди ҳазонлар,  
Охир жудоликка кўнди ҳазонлар -  
Айрилдим, айрилдим, сендан айрилдим.

\*\*\*

Баъзан ҳаёл оғушида,  
Ўйга толиб қоламан,  
Бу дунёнинг ташвишидан  
Гоҳо нолиб оламан.

Вужудимни туман босиб,  
Музлаб қолар юрагим,  
Шу маҳалда сени қумсаб,  
Излаб қолар юрагим.

Соғинчлардан муҳаббатим  
Кўзларимни ёшлайди,  
Сенинг совуқ юрагингда  
Баҳорларим қишлайди.

Ич-ичимдан қўшиқ бўлиб,  
Армонларим отилар  
Садокатнинг сабри тўлиб,  
Аламларга сотилар.

Муҳаббатим қайтарилмас  
Севгим қайтмас биламан,  
Эҳ ҳаёллар оғушида  
Ўйга толиб қоламан.



Каттақўрғон





Шукур  
ХОЛМИРЗА

## ДИНОЗАВР

## Роман\*

Маҳкам олди: унинг салмоғидан соф жун матоҳ эканини ҳам англади.

- Кийинг, дада. Жуда юпунсиз-де, - деди Собит ҳам.

- Раҳмат, раҳмат, - деб пичирлади Маҳкам. - Лекин бу қимматбаҳо мол-ку?

- Қимматбаҳо бўлса, нима бўпти.

- Йўқ, буни... ман совқотганим йўқ. Кўникиб қолдим совуққа.

- Кийсангиз-чи, олифтачилик қилмай,- деди Шахло. - Ўзи дилдираб турибди-ю.

Маҳкам туйқусдан ғор “эшиги”га қаради. Жемперни отиб юбормоқчи эканини фаҳмлаб, бу ишнинг оқибатини ҳам дарров тасаввур этди: жанжал.

У хўрсиниб, кийимни катлади, қўйгани жой излар экан, Собит:

- Дада? - деди.

- Кейин.

Ўғил онага қаради, она яна шифтга бокди-да:

- Сиз аллақачон бизга бегона бўлиб қолгансиз, - деди. - Бўйнингизга олинг. - Маҳкам талай вақтлардан бери хотини билан бирга ётмас эди. - Шу энди, уялганингиздан биз билан яшаб юрибсиз-де. Тан олинг.

- Хим, биласизми, Шахло, - деди Маҳкам жиддий тортиб. - Гапингизни таҳрир қилиб айтсам, мундоқ бўлади: умуман, ҳаётдан, сизлардан, қолаверса, Аллоҳ берган-умр деган неъмат оёқости бўлмаслик учун, азбаройи ўзимдан уялишим учун ҳам яшаб юрибман... Тамом. - У бирдан энгашиб, кабобни ағдариб қўйди. Кейин қайнаган зира шишиб, оғзини қоплаб олган қумғонни олди-да, ўрисларнинг “матрёнаси”га ўхшаган идишдан тўртта идишча чикарди. Уларни бирин-кетин чайиб, сарғиш зирачойдан қўйди. - Шахло, ичинг. Бунинг нафи кўп. Олинг. Жирканманг, бактерияси бўлса, ўлиб бўлди.

Кўзлари алланечук кизариб, жahlми-аламми бўғиб турган Шахло стаканини олди-ю, дарҳол ерга қўйди. Маҳкам ўғлигаям чой узатди.

14

Кабоб еб бўлинди. Чой ичилди. Совук, чарчок ва асаб ўз кучини йўқотди: яъни, илиққина гўша, тўйимли хў-

\* Давоми. Боши ўтган сонда.

рак, қайноқ чой ва юмшоқ тўшак таъсирида вужудларини “ташлаб” чиқа бошлади-ю, толғин аъзолар бўшашиб, кўзларни уйқу тортди.

Олдин Шахлонинг кўзи юмилди: кулча юзида ҳорғин бир изтироб ифодаси қотганча текис нафас ола бошлади. Собит ҳам ўзининг “шезлон”ида ғужанак бўлиб уйқуга кетди: унинг чехрасида билинар-билинемас ғашлик бор, афтидан, туш кўрар эди.

Маҳкам искирт чопонни тағин елкасига ташлаб, арча шохини кифт ёстикдек қилиб қўйиб, қўлларию юзи, кўксини бозиллаган чўққа тутиб, сигарет чекиб ўтирибди: у жуда хушёр. Ташқарида арчалардан қор тўкиладими, кишининг-совуқнинг саслари - қирсиллаган - чирсиллаган товушлар эшитилиб қоладими, дарров бурилиб қарайди, шу оннинг ўзида қўли милтиққа боради. Бирок, тез-тез йўтал қистаб келмоқдаки, энгашиб ёнига қайрилиб, енгига-ҳовучига йўталади ва қумғондаги сўнгги томчиларни сипқоради-да, булоққа бориб, яна сув олиб келишни ўйлайди.

У миясида ўқтин-ўқтин жўшиб, вужудига човут солишга ҳозирланган армон, адоғи қоронғи хаёллар-мулоҳазаларни ўзига яқинлатмаслик учун шу тобда, шундай сокинлик ҳукм сурган ибтидоий масканда хушқайфият берадиган, балки бўтқа ўйларини тиниқтириб, дафъатан қаршисида бир ёрқин йўл очадиган сўфиёна кашфиётними истаб орзулаб, беозор бола хаёлларга толгиси келади: ахир, яқин-яқингача кечган ҳаёти - болалик орзуларининг рўёби эди.

Ҳа-ҳа, нимани орзу қилган бўлса, шунга эришган, қандай яшашни хушлаган бўлса - ўшандоқ яшаб ва ижод қилиб келган эди; табиий, Шўро идиологияси, мавжуд сиёсий талабларга чап беришни ҳам ўрганган, боғлаб чап берганида, ғоят хурсанд ҳам бўларди, балки ана шу чап беришлар уни янгидан-янги мавзуларга, муаммоларга қўл уришга чоғлар эди.

О, унинг дўстлари - маслакдошлари кимлар эмас эди? Ўрис ёзувчилари, таржимони, сценаристлар ҳам бор, армани, молдаван-татару бошқирт...

Тўғри, озорлар, ҳа - хусусан ўшалару Қрим - татар адиблари билан бўлган мулоқатлар - туркий халқлар тақдирига, уларнинг мустабид тузумида - мустамаला ҳолида яшаётганлари, “Туркия, турк” сўзларини айтиш ёзилмаган қонун асосида ман этилгани, пираварди, она тилларининг бузилиб, миллий маданият “Совет маданияти” номли - аслида рус маданиятининг бир шахлига айланиб кетаётгани



ҳақидаги кўнглини дафъатан вайрон этиб - фарёд чиқарадиган энг нозик, энг махфий мавзуа уланиб, унинг ичига шўнғиб кетиш билан якунлар эди.

Аммо қачон Озод бўлинади? Қачон мустақил бўлинади? Бунга ҳеч бирининг ақли етмас, ақли етганлари шу эдики, миллатнинг гурурини тиклаш-ошириш, бунинг учун кўпроқ ўтмишга ҳам мурожаат этиб, улуг боболар сиймосини яратиш керак, деган фикр бўларди; илло йигирманчи-ўттинчи йилларда қириб юборилган жадидлар-миллат-севарлар ҳам айни шу тариха йўл тутганларини яхши билишар эди.

Ажабо, ўша замонларда тирикчилик йўриқлари ва ўзларининг иқтисодий аҳволи гўёки мавзу бўлишига арзимас, шунчаки: "Россия бизни талаёпти, пахтамиз, олгинимиз Москвага оқиб кетяпти..." каби-оддийгина ҳақиқатни қайт этиш ила қаноатланишар, дарҳақиқат бу исбот талаб этмайдиган ҳақиқат эди.

Зеро, бу ҳақиқатни уларгина эмас, олдий колхозчи, деҳқон ҳам билардики, шу сабаб...

Маҳкамнинг ўзи ҳам ўзини "халки билан ҳамфикр" сезар ва бунга инона эди.

О, Болгиқбўйи жумҳуриятлари: "СССР дан ажралиб чиқамиз!" деб жар солаётганда, Тошкент кўчаларини тўлдириб, "Ўзбек халқи, бошингни кўтар!" каби шиорлар остида жилаётган халқи ортидан эргашган, боши ҳам эса-да, руҳи парвозда, қалбида кўпираётган қувончдан кўзларига ёш инган...

15

Маҳкам баданига совуқ ўтиб кетганини сезиб, ўтни янгилаш ҳаракатига тушаркан, юз бор ҳаёлидан ўтказган ўйларини тағин ўтказаетганини фаҳмлаб қолиб:

- Нима фойдаси бор? - деди ўзидан гашланиб. - Бўладиган ишни қилиш керак. У иш - буларни совуққа қотирмаслик.

Бир маҳал ўгли бир-икки инқиллади-да, илкис туриб ўтирди.

- Дада, биз қаттамиз?  
- Кўриб турибсан-ку, - деди Маҳкам.  
- Уф... Бир алоқ-чалок тушлар кўрдим. Индейслармие юришишти атрофимизда...  
- Туш шунақа бўлади.

Ўғил отасига энсаси қотиб қаради.  
- Жа, споконий одамсиз-а?

Бу сифат Маҳкамга ёқди. Аммо хотиржамлик билан елқасини қисиб кўйди. Сўнг бу етарли бўлмади. Чунки у ҳечам хотиржам эмас эди.

- Кечирасан, нимани кўзда тутиб "споконийсиз" дединг? - деб сўради, гарчи унинг жавобини ўзича тусмолласа ҳам: ушбу адашув, қолаверса, ўзидаги иқтисодий қийинчиликлар. Уни ўнглаб олишга ўқуви келмаётгани...

Энг муҳими - ҳаётга ишончи қолмагани...

Буларнинг ҳаммасини ўғли билади.  
- Да, так, - деб қўя қолди Собит.

Маҳкам яна сигарет тутатмоқчи бўларкан, Собит унга ёниб турган чалани узатди. Маҳкам бош иргаш-ла миннатдорчилик билдириб, сигаретни бир-икки сўргач, деди:

- Собит, ўзингта сезилмаяптими анча асабий бўлиб кетяпсан?

- А-а, - кўзларини катта очиб жилмайди ўғил. - Ўғлингиз сиздай ҳам споконий бўлиши керак-да? Шундайми? Албатта! Чунки сизнинг ўғлингизман...

- Собит.

- Ахир, қанақа қилиб хотиржам юришим мумкин? - боланинг кўзлари жижжа ёшга тўлди. - Опам билан битта гапларинг ҳам қовушмийди... Сиз ҳақиқатдан ҳам бизга бегона бўлиб қолгансиз. Фақат ўз ўйларингиз билан юрасиз.

- Бу ўйларнинг, - сукут сақлаб давом этди Маҳкам, - бир тўхтамага боришига кўп вақт қолмади.

- Бу гапни боя опамгаям этувдингиз, шекилли?

Маҳкам бироздан кейин эслади. Аммо ҳозир у бу гапни бошқа - ижобий маънода айтган эди: ахир, қачондир бир тўхтамага келиши керак-ку?

- Хим, рост, айтиб қўйибманнакан, - деди Маҳкам. - Лекин... У овози титраб кетганини пайқаб қолиб, атай йўталганди, анчагача ўзини тўхтатолмади. Ниҳоят, алангаси

пасайган ўт устидан хотинига қараб олиб, кафтлари ила оғзини ёпти.

Бироқ унинг ҳолати фарзандидан пинҳон қолмаган экан. У кўзларига тутун киргандек муштли билан ишқаб қолди. Кейин гўнаҳак бўлиб ёнбошлаб ётди-да, сал ўтмай бошини ади кўтарди.

- Дада, бир гапни сўрасам майлими?  
- Бемалол.

- Опамми яхши кўрасизми? Биламан, бошида севишиб уй қургансизлар. Ҳозир...

Маҳкам томоғига суяк тикилгандек оғир ютиниб, бош ирғади. Бу ҳам етмаганини, ўгли қизишиб кетишини ҳис қилиб, дадил, ҳатто ўқтам бир овоз билан:

- Ҳа, - деди. - Севмасам, яшармидим, ўғлим? - Яна овози титраб, ўзини баттар ёмон кўриб кетди. - Айб манда бўлса керак, - дея, кейин мавзудан ажралиб давом этди: - ман мослашолмаяпман бу ҳаётга. Фожеамни шунда кўряпман. Балки бу фожеаям эмасдир, вақтинчалик...

Маҳкам ўғлининг баҳарҳол тинчиб, кўзлари самимият билан бокиб турганини кўрди-да, аста энгашиб, пешонасидан ўпди. Кейин илтмос қилди:

- Ухла.

16

Собит итоаткорлик билан кўзини юмди-да, яна бирдан бошини кўтариб, тошда ётган жемперни кўрсатди.

- Уни кийиб олинг.  
- Хўп.

Собит "хе, сиз-а!" деган маънода истеҳзоли илжайди ва бошини парёстиғи бордек, бўжага таппа ташлаб, тағин кўзларини юмди.

Ниҳоят, Маҳкам ҳам ёстиғига суянди, кўлларини кўксига чалиштирганча, бошини бутокқа тираб ўрнашган бўлди.

Бир неча дақиқадан кейин бу ибтидоий, тилсиз горда қоронғулик ҳукмрон бўлиб олди. Гулҳан ўрнида милт-милт этиб турган аланга гариб шамчирокқа ўхшаб қолди.

Қиш кечаси яримдан оғани учун шундай бир майин сокинлик ёйилдики, баайни тун ҳам ҳордиқ олмакка бошлаган эди.

Шахло бир-икки марта кўзини очиб, атрофга аланглади. Икки марта соатини милт-милт ёнаётган ўтга тугтиб қаради. Ниҳоят, кўзини юмиб, ўйланиб ётди: сумкадаги молни қанақа қилиб сотса экан? Эрининг укаси Адҳамга айтса, сотиб берармикан?.. У шўх-шайтон йигит.

Олдин у ердаги нарх-навои суриштириб билади... кейин молни битта дугонаси бериб юборган қилиб айтади: шунда омонатта ҳиёнат қилмаслик керак, деган гап чиқади; бу ўз навбатида нархни пасайтирмасликка олиб келади.

Ҳа, бу моллар - "ўзиники эмас"... Ёки ўзининг хорижга чиқиб келишини Адҳам эшитганмикан?

Эри бир йилдан буён юртига боргани йўқ: ўзи билан ўзи овора эди...

Шахло яна кўзини очди-ю, йўқ, кўзи очилиб кетди-ю, эрининг энгашиб ўтирганини кўрди.

- Ҳой, - деди.  
Эри мик этмади.

Шахло ҳам туриб ўтирди-да, ўтга сурилиб, яна соати-га қаради. Тугаб-қизариб турган чала шуъласида яна вақтни билолмади. Сўнг қидириниб қараб, милтиқ кўндоғи ёнида фонарни кўрди. Узалиб олиб, ёқди.

- Тўрт ярим? Нечача тонг отаркан? - ўзича шивирлади у.

Сўнг, эрини уйғотса, ўғлиям уйғонишини тусмоллаб жойига сурилди-ю, бикинига арча шохи шундай қадалдики, интраб юборди. Шунда Маҳкамнинг ҳовлиққан овози эшитилди:

- Нима, нима бўлди?  
- Гўр бўлди, - деди Шахло, - уйғондингизми? Мункиб ўтирибсиз...

- Кечирасиз. Э, ўт ўчиб қопти-ку?  
- Аллақачон ўчган эди.

- Сиз қачон уйғондингиз?  
- Билмайман.

- Ҳозир...



Шу пайт мошинанинг “бип”лаган товуши эшитилиб қолди. Маҳкамнинг ёдига “Волга”сининг қаровсиз ётгани тушиши баробарида милтиққа қаради. Унда битта ўқ қолганини эслаши ҳамон товуш яна такрорланди-ю, у - “Жи-гули”нинг сигнали эканини англади; шу билан бирга мошинада ўтирганлар - қароқчи ёки йўлгўсар эмаслиги, илло шундай бўлса-да, сас чиқармай “Волга”ни яланғочлаб кетишлари тайин эканига ҳам фаҳми етиб:

- Булар ҳам адашган кўринади, - деди.

Ўтирган жойида кўзлари чақчайиб қолган Шаҳло:

- Уф-ф, - деди-да, кўксига туфлаб кўйган бўлди. Сўнг бирдан чирсиллаб кетди: - Ким бўлиши мумкин улар? Балки атай сигнал чалишадигандир?

- Билолмадим. - Маҳкам шундай деб, шох-шабадан кўрга босди-да, тагига пуфлай-пуфлай ёндиргач, инқиллаб гашланиб уйғонган ўғлига: - Сан ўтга қара, - дея фонарни олиб, камардан чиқди.

Ялаган сўқмоқда тоя-тоя қуйиға эниб кетди. Совуқ тоза заптига олган: чарсиллайди. Фонар нурида қор доналари ялтироқ муз ушоқлари бўлиб кўринади. Осмон кенгайиб кетган! Юлдузлар ҳам ўзларининг совуқ нурлари ила бу ернинг аёзига ҳисса қўшаётгандай.

Маҳкам таниш қояга ўтириб сирпаниб тушаркан, пастликда мошина чирогини кўрди. Ҳар эҳтимолга милтиқни олиб олмаганига ачинди. Бироқ тубандагиларни - ГАИ ходимлари бўлиши мумкинлигини-да тусмоллади-ю, қуролсиз-несиз улар қошига тушиб бораётгани ўзига ёқди.

Маҳкам, ниҳоят тошлоқ арнага тушганида, оппоқ сурп ёпилгандек мошинаси ёнида икки кишини кўрди ва бирининг шўхчан-ширакайф овозини эшитди:

- Маҳкам аха?

Овоз таниш туюлиб, Маҳкамнинг юраги гурсиллаб ура кетди. Иттифоқо шундай шод бўлдики, туша солиб, у кимсани бағрига босадигандек ҳолга тушди.

- Ман, ман! - деб юборди.

-Ана, айтмадимми,-деди товуш эгаси шеригига. Сўнг Маҳкамга пешвоз чиқиб, даблуростдан кучогини очди.

Маҳкам таниди: Жамол Жамилевич деган коммерсант йигит эди бу. Бир замонлар шеър ҳам ёзган, ҳатто кичкина бир тўплам ҳам чиқарган, кейин қандайдир журнал очмоқчиём бўлган; яқин бир-икки йилдан буён тижорат-бизнес билан шуғулланиб, анчагина бадавлат бўлиб қолган эди.

Ўзи сабаби тирикчилик учун ҳафтада бир марта бориб, ул-бул мақолаларини таҳрир қиладигани ҳафталик газета редакциясида Жамол билан уч-тўрт марта учрашган, шу асно унинг кўли очиклигигаю гувоҳ бўлган эди.

-Жамолиддин?

-Ўзи-да, ояхон.- У иссиқ чаккаларини Маҳкамнинг совуқ бетларига тегизиб-тегизиб олди.- Бормисиз? Бўтларда нима қилиб юрибсиз?

Маҳкам ҳам беихтиёр Тошкент талаффузида:

-Қишлоққа бортовувдик. Шўтга етганда, мошина тутун қайтариб қолди, - деди.- Лекин тепада йўл йўқ. Сел олиб кетипти. Жарлик.

-Я ж сказал тебе, Чан? - деди Жамолиддин.- Битта мошина юк опкелиши керак эди, ока.

-Котта мошинами?- баттар ҳаяжон ва ғайритабиий қувониб сўради Маҳкам.

-Энди, биз кутадиган мошиналар котта бўлади-де,- деб қулди Жамол.- Кўрдийизми?

-Қайтиб кетди. Менимча, эски йўлдан айланиб ўтади, агар ўша йўлга тушган бўлса.

-Хим, ничево. Уч-тўрт соққага тушибмиз, холос... Хўш, нима бўлди мошинайизга? Ўзингиз бу ёқдан тушиб кевоссиз?- У қикиллаб-силкиниб қулди. - Бекитқча хатангиз борми?

Маҳкам ҳам ҳиринглаган бўлди.

-Шу, бир бошпана топдик. Кеннойингиз ҳам ўша ерда. Ўғлим ҳам. Мошинанинг... - У шоша-пиша чўнтагидан калитни олиб, эшик қулфига солди. Буралмагач, тагин тешикка пуфлашига тўғри келди. Ниҳоят, капотни очиб, радиатордан моторга уланган резина ичак ўрнини фонар билан ёритди. - Мана... Вот эта штучка... - Бирдан уялиб шошилиб, қарейс йигитга кўл узатди. - Извините пожалуйста. Я не своём уме.

- Неч-чево, нич-чиво. А, что тут?.. А-а. Понятна. По-

стараемся найти эту штучку.

- Шунақа қил, Чан. Окамиз қийналиб қоптилар... Оббо Маҳкам ока-ей. Учрашган жойимизни қаранг... Ароқ бор, элликта отволасизми?

Маҳкам ҳатто кўрқиб кетгандек кўлини кўксига кўйди.

- Йўқ-йўқ. Рулдаман.

- Бир оғиз сўзийиз. Лекин ман оламан. Учрашганимиз учун... Вей, Маҳкам ока-ей... Биз сиззи жуда яхши кўра-миз. Ўзийиз билмайсиз-де... - У йўл четида чироклари ёниқ ҳолда турган “Жигули”га қараб кетди. - Номериздан танидим... Ўтиб кетишимизга сал қолувди. Қарасам - “Волга”, кетини ўгириб турипди. “Шошма, бўтда нима сир боракан?” деб тўхтаб қарасак ўзларининг мошиналари. Кейин сигнал бериб...

Маҳкам мошинасига йўналган Чаннинг ҳам орқасидан қараб ва Жамолиддиннинг сўзларини эшитганча: “Ғалати, - деб кўнглидан ўтказди. - Туңда шунақа учрашулар ҳам бўлади-я? Ўша мошинани кўрганимни қара-ю, уни кутволгани чиккан буларни қара... Қизик. Бир сюжетнинг нималаридир бор..

Аммо бунинг йўлиққани юз фойиз омад... Ҳа, бу учрашув яхши бўлди. Шаҳлоям, ўғлим ҳам ҳозир бир аҳволда ўтиришган бўлса, мошинанинг тузалганини кўриб...”

- Шеф, немагу найти. Эта не подходит, - деди Чан ва Маҳкам эшитиб, донг қотди.

- Найди, - деди салафан халтани кабинадан сугуриб олган Жамолиддин. - Надо найти. Эта - большой человек. Мой брат... Может спуститься вниз?

- Как скажители?

- Давай.

Бир неча дақиқадан кейин икковлон тепада ўрлаб боришар, Жамолиддин ҳар уч-тўрт қадамда тойиб кетиб - ўтириб қолар, қулар ва бари бир кўлидаги ҳалтани Маҳкамга бермас, Маҳкам ўз уйига меҳмон бошлаб бораётгандек ҳолатда, Шаҳлонинг инжиқлик қилмаслигини Аллоҳдан тилар ва хотини сал сабр қилса - бизнесмен билан танишганидан албатта мамнун бўлишига инонар, шу билан бирга фор камарнинг йўқсилнинг уйдик бир бошпана экани, қорақўл ёқали қимматбаҳо пальтою кундуз телпак кийиб олган бойвачча йигитнинг ҳийла машаққат билан боришига арзимаслигини андиша қилар ва дарҳол форнинг тансиқлиги - ноёблиги ҳақида “лексия ўқиш”ни дилига тукканча унга кўшилиб қулар, кўлини узатар, ора-чира: “Манга беринг”, деб ҳам кўярди.

- Ояхон, тонг отводими дейман?

Маҳкам фонарни билагига тутиб қаради.

- Олти... Олти бўпқопти! Ҳа, тонг отводти... Ана, бошпанамиз, тутун чиквотти.

- О, класс! - деди Жамолиддин. - Яхши-да, ояхон!

Шунақанг пайтда бир хижинада ўтирсанг. Гулхан ёқиб... Мана бу олипта кийимларни отвориб, оддийгина ўзбек чопини кийиб, чордона қуриб... Вой-вуй, бунинг савобига ким етсин... Шундай қиловуз. Шундай кунлар келади. Манинг уч-тўртта операциям бор. Иш-да. Кейин, келишиб, битта зўр иш қиламиз... Миллатимиз учун. Биз ҳазилакам халқ эмас-миз... Бизнинг буюк боболаримиз, сиздек ижодкор оқаларимиз бор! Миллий бизнесменлар етишвотти. Ўзбекистон тўрт-беш йилда кўрасиз, Ўрта Шарқда машғал бўлиб кетади. О, биздаги бойлик, халқимизнинг меҳнатқашлиги...

У гурс этиб юзи билан тушди. Хайрият, қор юмшоқ... Маҳкамнинг кўлидан ушлаб туриб олди.

- Биласизми, бизнес шундоқ эканки, пулинг кўпайгани сари сани кўролмайдиганлар ҳам кўпаяр экан. Демокчииманки, мана шундоқ йиқилиб тушсам борми, кўлини узатадиган одам... - У бирдан қулиб юборди. - Шеър бўлиши мумкин-а?

- Яхши ўхшатиш қилдингиз.

- Ана!

- Ассалом алайкум!

Буларнинг гангир- гунгир гапини эшитиб, фор оғзига келишган она-бола беихтиёр тисланиб кетишди. Шаҳлонинг кўзи чарсиллаб ёнаётган ўт ёруғида Жамолиддиннинг энгига тушиб, фавқулодда бир самимият билан:

- Салом. Келинлар, келинлар, - деди яна-да тисла-



ниб. Ва гулхани кўрсатди. - Марҳамат... Кошонамизга. Маҳкам акангизнинг қошоналари.

Жамолдин яйраб кулиб:

- Зўр, яхши!.. Яхшимсиз кенной? - деди. - Кечирасиз энди мошинанглари ишкали чиқиб қопти экан. Сан яхшимсан укам? - Жамол Собитга қўл узатди. Собит камтарлик ва шикасталик билан жилмайиб, меҳмонга қўл берди. - Яшасинлар... Ойнинг билан ўтирибсан? Додангни кутиб. Маладес... Аммо доданг - буюк одам! - Қўлидаги халтани узатди. - Шуни анутга қўй. Оч... Кенной марҳамат.

- Бу киши - Жамолдин, - деди Маҳкам хотинига. - Дўстимиз. Бизнесмен.

Жамолдин яна кулди.

- Шунақа бўл қолган.

- Яхши-да, - деди Маҳкам. - Жамолдин, ўтиринг...

Шаҳло, жойингизга ўтинг. Мошинани тузатишади... Жамолдиннинг шопири пастга кетди.

- Чан топиб келади ўша нарсани, - дея кўрсатилган курсига йўнади Жамол. - Жуда чакқон йигит. Ҳам шопири, ҳам телехранителми.

Онасига "ўтин" ишорасини қилаётган Собит кўзлари каттариб кетиб меҳмонга тикилди.

Шаҳлоям шундай ҳолатга тушди албатта. Аммо, кўпни кўрган, бир аёлнинг майин жилмайиши ила жойига ўтаркан:

- Сиз нега қараб турибсиз? - деди эрига. - Меҳмон бошлаб келган киши... паҳход қилмайдими?

Жамолдин тагин кулиб юборди.

- Вой, кенной! Ажойиб гап бўлди... Аммо паҳход қилиш - биздан!

Собит салафан халтадагини чиқариб қўя бошлади: тўрт энлик камайган "Распутин" ароғи, "Напалеон" коньяги. Дудланган икки қарич қолбоса. Нонни олганидан кейин халтани ётқизиб, устига қолбосини ҳам қўйди. Кейин қипқизил, йирик помидор, пўсти арчилган саримсоқ ва пахтагулли кичкина пиёлани чиқараркан, бола пақир ўзича завқланиб бошини сарак-сарак қилар эди.

- О, бутун бошли зиёфатнинг дастурхонини қилиб чиққан экансиз-ку, Жамолжон? - деди Шаҳло. - Ё бизнинг адашиб, бу ерда хор бўлиб ўтиришимизни билармидингиз?

- Насиба! Кеннойжон, насибаларинг қўшилган экан... Окамиз улуг одам-де. Қани, - Жамолдин Маҳкамга курсисини кўрсатиб ўзи тош ўриндикка ўтирди. Маҳкам ҳам ўтни кўзгаб, чалаларни суриб қўйгач, жойига чўкди. Шаҳло эса арча-ўтшага кийшайиб ўтиргандан кейин меҳмон қўлини фотиҳага очди. - Ҳамма вақт ризкимиз бутун бўлсин. Энг қутилмаган жойларда ҳам дийдор кўришиб турайлик!

- Омин. Раҳмат, - деб қўйди Шаҳло. - Сизни етказганига шукур. Бўлмасам мошинани тузатолмай, ким билади дейсиз, бу акангизнинг феълени...

- Шунақа, - деди Маҳкам ва қумғонга қўл чўзди. - Чой ичамизми?

- Ёмон бўлмасди, - деди Шаҳло.

- Лекин манавилар ҳам чойни ўрнини... - Жамолнинг гапи оғзида қолди. Маҳкам фонарниям олиб:

- Один момент, - дея гурчиллаб чиқиб кетди.

- Кенной, таомга марҳамат. Кечирасизлар, бундай учрашувни билганимда...

- Вой-вой, қўйсангиз-чи, ука... Биз сиздан миннатдоримиз. Лекин ман сизни кимнингдир тўйида кўрганман.

- Манам, - деб жилмайди Собит. - Бир почка пулни сочгансиз ўйинчига.

Жамолдин чайқалиб яна куларкан, Шаҳло:

- Да-да, - деди. - Абзал ака деган шоирнинг ўғил тўйида кўрган эканмиз. Абзал ака -хўжайинга ҳамюрт бўладилар. Шунга бизниям оборишган эди.

Жамолдин бирдан жиддий тортиди.

- Бечора камбағал одам у. Кенной, бизлар қўллама-сак, ёрдам бермасак, хурсанд қилмасак, ким қиларди? Замонни кўриб турибсиз ўзийиз...

- Ҳа, раҳмат ука.

- Қани йигит бизга шерик бўласизми?.. Айтмоқчи, кенной, совуқда коньяк яхши кетади... Иситади. Зиёни йўқ. Эллик грамм олсангиз сиз ҳам...

- Ҳим, окангиз келсинларчи.

- Ҳўп бўлади. - Жамолдин кўмирдек қора жуп пальтоси киссасидан "Малборо" қутисини чиқариб, битта

сигаретни лабига қистирди-да, қутини оёқлари остига ташлаб, чакмоқда тутатди. Кейин чакмоқниям пачка устига қўйди. - Нечанчи синфда ўқийсан, йигит?

- Саккизда, - деди Собит.

- Тижоратчи бўлмоқчи, - кулимсиради Шаҳло. - Бу замонда шу касб маъқул.

- Ҳм, гапийида жон бор, - деб хўрсинди Жамол. - Лекин Ўзбекистон иқтисодий томондан ўзини тиклаб олсин, кенной, ажойиб замон келади. Барча ҳунарлар, касблар баб-баравар ўсади... Ижод аҳли ўз мавқени эгаллайди...

- Илоий айтганингиз келсин, - деди Шаҳло мунгли бир тарзда. Кейин дилдорлик ила кулди. - Лекин сал чўзилиб кетмаптимиз дейман?

- Йўқ! - деди Жамол қатъий. - Биз бу ҳаётга тайёр эмасдик, опа. - Кейин ўтга тикилганча жимиб қолди. Афтидан, Шаҳлонинг нимадир дейишини кутди. У ҳам бош ирраганча сукутга толгач, Жамол гапи қаноатланарли бўлганига инондими, бошини озод кўтариб, шифту теварак-атрофларга қарай бошлади. - Бу ростакмига гор-ку, а?.. Бу қозонми?

Собит тилга кириб, бу қадим горда ҳукм сурган эски, аммо яхши одатлар ҳақида шоша-пиша гапира кетди. Жамол уни диққат билан тинглар экан, оқибат:

- Ана ўшалар- ҳақиқий инсонлар, - деди. - Кенной, ажойиб ўтмишимиз бор-а?

- Албатта, - деди Шаҳло ҳозиржавоблик билан. - Айниқса, ўрта асрларда...

- Худди шундай. - Жамол бирдан кўзгалиб, яна тепага, ён деворларга боқди. Сўнг эшик оғзига бориб, ташқарига қаради. Ва изига бурилиб, сўради: - Манмича, бу ер тоғнинг чўккиси бўлса керак?

- Ҳа, энг чўккиси, - деб жавоб берди Собит. Яхшимиз шу горни анави йўлни ясаганлар кўришмаяпти, Жамол ака. Ана, ёнийида тоқлар бор-ку, ўшалар яширганде?

- Балки... Лекин йўлга яқин ҳам экан. Биз кўпи билан ўн минут юрдик.

- Яқи-ин.

- Қалламга бир идея келди. Аданг келсинлар, муҳокама қиловуз.

19

Шаҳло гарчи ўртаҳол оилада, яъни, райсобесда раис муовини бўлиб ишлайдиган онасининг паноҳида эсини таниган бўлса-да, ёлғиз қизлиги учун эрка ўсган, бунинг устига - ўрис хотини билан турғувчи отасининг маслаҳати билан ўрисча мактабда таълим олган - таълим олгандаям ўинчини олтин медал билан битирган, ўз-ўзидан маълумки, оилада аёл кишининг эр зотига муомаласини кўрмаган қиз бу борада рус ва фарб адабиётидан сабоқ олган, демак, унинг эркак ҳақидаги мезони ўша адабиётларда қуйланган чўрткесар авантюристлар, тугмаси олтиндан бўлғувчи шаҳзодаю графлар, халқ озодлиги учун жонини фидо қилишга тайёр Овод-Артурлару зулмга қарши исён кўтариб, хочга тортилган Спартакларнинг қоришмасидан иборат мавҳум бир зот бўлган эди.

Атрофини ўраган муҳит -маҳалла уни ўз измида тутиб турса-да, у кўп вақтларини тотли - романтик хаёллар оғушида ўтказар, ўзини қандайдир юксак бир бахтга муносиб, деб ҳисоблаган ва бунга табиий асосниям кўрган: у чиройли қиз эди... Ҳамон унинг ўша чиройи эгасини тарк этган эмас...

Унинг она авлодида хоразмийларнинг қони борлиги бунга келганда бўртиброқ намоён бўлганим - бир қаричлигидан рақсга яхши тушадиган қиз ўқувчилик чоғидаёқ пионерлар саройига, яъни, ҳаваскорлар тўғарагага қатнар, бир неча спектаклларда рол ўйнаб, саҳнада тураркан, пастда чалинган чапақлардан руҳи юксалиб, бамисли қандайдир азиз орзуларига етишаётгандек шодликдан кўзларига ёш келган онлари исзис кетмаган...

... Театр ва рассомчилик институтининг актёрлик факультетига аъло баҳо билан кирган эди.

Иккинчи курсдалик чоғидаёқ бешинчи курс толиби Маҳкамнинг диплом иши - "Танг дарёсининг қизи" спектаклида гариб, аммо қалби покиза Камола рўлини ўхшатиб ўйнаш жараёнида файласуф, беҳад олижаноб ва мард Ноли-накха Чаттапатхяни, яъни, ўша рўлда чиққан спектакл муаллифи - Маҳкамга қўнғил қўйган...

... Маҳкамнинг ҳам бу зехли, талантли, романтик хаёлларга ошно ҳолда яшайдиган қизга меҳри тушгану



диплом ишени ёқлаган куни Комсомол боғига - сайрга таклиф этиб, қайиқда кўлнинг ўртасига борганда, эшакни ташлавориб, унинг кўлларидан каттиқ қисиб ушлаганча:

- Манга тега қолинг, Шахло... Манимча, биз бир-биримизга муносибимиз, - деган. Қиз қалтираб, бошини эгиб, аммо кўлларини тортмасдан тураркан, Маҳкам сезиларли алам ва ҳаяжон билан четга қараб давом этган: - Ёлғиз онам билан битта укам бор, холос. Дадамиз Сталин ўлишидан сал олдин камокда ўзини осиб қўйган. У киши зиёли одам бўлган... Ман барибир Тошкентда қоламан. Юртимда, яъни, қишлоғимда манга иш йўқ. Режиссёрликни эплолмай қолсам, ёзувчилик қиламан, машқларим бор... Умуман, бор гап шундан иборат!

Қиз миқ этмаган-ку, негадир кўзига ёш олган. Маҳкам уни овутиб, елкасидан кучган.

Тамом.

Кейинги учрашувларда қиз ўзи ҳақида гапириб берган. Ва Маҳкам уни кучлироқ севиб қолган.

Шундай қилиб, Шаҳлоларнинг ҳовлисида кичкина тўйчуқ ўтган. Базмда таникли санъаткорлар, ўқитувчилар, Маҳкамнинг дўстларию шол рўмол ёпиниб олган онаси иштирок этган. Шахло тарафдан эса, талай нотаниш кишилар бор эдики, улар турли миллат вакиллари эди.

Олти ойдан кейин Маҳкам илк фильми ҳақида "Москвич" машина харид қилди.

Кейин, фильмга мусиқа ёзган бастакор қазоси олдиан Маҳкамга ўзининг уч хонали шинам, кенг квартирасини васият этдики, орадан сал вақт ўтгач, Маҳкам хотинининг "камгарин" сепини бир юкмошинасига жойлаб, ўзи "Москвич"и билан олдинга тушиб, марҳумнинг (у киши мусиқа ишқиди айланмаган) васиятига биноан ўз номига хатлаштирилган уйга бошлаб боради...

Улар ўн йиллар мобайнида инок бўлиб, ривоятларда айтилиш тўтиқушлардек яшадилар: фикрлари, дунёга қарашлари ҳам бир-бириникидан фарқ қилмас эди.

Мустақиллик даври бошланди-ю, дунёқараш ҳам, фикрлар ҳам ўзгарди...

Маҳкам бу ҳаёт тарзига мослаша олмас ва бунинг туб сабабларига ақли етмай изтироб чекарди.

Шу боис ўзини "кучсиз одамлар" тоифасига-да қўшар, бу ҳол унга тасалли ҳам беради: "Ҳа, Чарльз Дарвин кучлилар янги шароитта мослашади!" деган.

Шахло эса ўтган уч йил мобайнида шундай ўзгариб, "шароитта шундай мослашди"ки, ўша тарздан туриб эрига муомала қиладиган бўлди.

Маҳкам хотинидаги бу "ўзгариш"нинг илк "мева"ларини татиганида, манглайи тиришиб, ўзини кўйишга жой тополмай юрган бўлса, кейинчалик хотини "қандайдир ҳақ" эканини тан олиш, ўзининг унга тобора "қарам" бўлиб бораётганига иқдор бўлиш шу даражага етказдики, у камгап, ҳаёлчан бўлиб қолди...

Тўғри, у "шароитнинг ичида - шароит" яратиш учун ҳаракат қиляпти.

Бироқ мавжуд ҳаёт тарзи ундан устун келяптики, у елка қиснишга мажбур.

Шу боис бир ёқларга бош олиб кетишни-да истаб қолади...

20

Маҳкам дейдираб горга кириши ҳамон Жамолиддин турасолиб, пальтониси ечди. Акасининг эғнига ёпаркан, Маҳкам қисинар, ўнта интилар эди. Ниҳоят, у қумғонни ўтга қўйиб хўрсинди-да, аста тошқурсига чўқди.

- Вой, оқажоним-е, - деди Жамол кастюм остидан кийган оқ тивит қўйлақларининг этакларини тортиб қўйиб. - Биттамас, ўнта пальто сиззи бир минут совқотишингизга арзимийди... Ест қиламиз! Қани, мана шу "Распутин"дан элликта отворинг.

- Мумкин эмас.

- Ҳа, Жамолжон, бу киши рулда, - деди Шахло ва вазиятта бир баҳа шўҳчанлик опқириш ниятида қулди. - Соғлиқларида адашиб юрамиз-ку, ичганларидан кейин, а, Собит?

Собит бирдан қовоғини уйиб:

- Адашган битта бизамас, - деди.

Жамол унга зимдан қараб қўйиб, гапини фикран маъқуллади: "Ҳа, мустақил бўвотди бу бола", дея Шахлога

муружаат қилди:

- Ундоқ бўлса, кеннойжон сиз рулдамассиз-ку? Иккинчидан, сиз ҳам совқотансиз...

- Қоньякдан қуймоқчимисиз? Майли, йигирма грамм, - деди Шахло. - Хўжайиннинг шамоллаб қолмасликлари, қишлоқларига эсон-омон этиб олишимиз учун...

- О, раҳмат. Насиб бўлса, қишлоқдан қайтишлар, уйимга таклиф этаман. Келинийиз сиз билан танишганига жуда хурсанд бўлади. Уям ўқиган, - қулиб давом этди. - Педагог... Қани, олинг, кеннойжон. Собит, сан...

- Йўқ-йўқ, - деди Шахло ва тайёр гапларидан бири чиқиб кетди оғзидан: - Битта оилада битта ичувчи етади... - Сўнг эрини ранжитаётганини тахминлаб, қулгига бурди. - Мана, иккинчи ичувчиам пайдо бўлди.

- Олинг, Шахло, - деди Маҳкам ҳам: бу йўриғда унда "эскича муносабат, яъни, "предрассудка" йўқ эди. Ило у шу руҳда тарбия топган эдики, бу борада ҳали сўзланади...

Шахло пиёгани лабига юборди-ю, бир қултум ютиб, меҳмонга қайтарди. - Бўлади. Раҳмат.

- Хў-ўп. - Жамолиддин қолган ичимликни селпиб ташламоқчи бўлди-ю, кеннойиси кўнглига олади, деб ўйладими - пиёлага ароқдан қуйди. - Биз омухта қилиб оламиз... Хўп, Маҳкам оқа, кеннойим айтганларидай қишлоққа эсон-омон этиб олинглар. Хў-ўп, ижодингиз... ижодингизга омад тилайман, оқажон! Шуниси муҳим! Бизга шу керак!

Шунда Собит иккиланиб-ийманиб, гап қўшди:

- Ҳали "битта идея туғилди" девдийиз...

- Ҳа. Эслатганинг учун раҳмат. Ҳозир. - У пиёгани бўшатди-да, нонни ушата кетди. - Вей, ҳечқурмас мана булардан олийлар. Кеннойи, Маҳкам оқа?

Маҳкам бош ирғаганча қолбасадан синдириб, жимжилоғида пўстини арчиб ташлади. Шахло эса қидириб пичокни топди-да, қолбасани паррак-паррак қилиб кеса бошлади.

- Бу идея шундан иборатки, Маҳкам оқа... Йўқ, олдин сиззи ўзийизга аталган идеямми этсам... Мана, бува-миз Амир Темурри ҳайкаллари скверда турипти. Маркснинг ўрнида. Ҳа-ҳа-ҳа... Шунақа бир олижаноб, мағрур. Тулпориям кўкка сапчийди... Манга дастлаб сал эриш туюлганди, оқа. Темур бува-миз, ҳарҳолда, жаҳонгир бўлганлар: бу - факт. Долларимиздан эшитганим бор, Темур бува: "Аллоҳ ягона, ҳукморин ҳам ягона бўлмоғи керак!" деб ҳисоблар эканлар. Дунёнинг ярмини босиб олишларида асосан шу шиор - байроқ бўлган экан... Ҳозир биз бу шиорни эслома-воммиз... Ва, манимча, тўғри кивоммиз: ахир, французлар Напалеонини кўкка кўтаришса, ўрислар Иван Грознийсини, греклар Македонскийини... Нага энди биз улуг бобомиззи кўтармасаканмиз?

- Жуда тўғри айтасиз, Жамолжон, - деди Шахло ўйга чўмиб ўтирган эрига кўз ташлаб олиб. - Биз ҳам кўтаришимиз керак Амир Темурни.

- Раҳмат, кеннойи.

Маҳкамнинг мияси дарҳол ишлаб кетиб, Жамолиддин бу борада бирон фильм яратишни, ўзининг унга ҳомий-спонсор бўлиш нияти борлигини тахминлади.

Жамолиддин қизишиб-жўшиб, дарҳақиқат:

- Битта фильм яратмайсизми, оқа? - деди қандайдир илтимосомуз. - Майли, икки серия, майли - уч серия бўлсин... - Шахлонинг жонланиб-нурланиб кетган нигоҳини ҳис этароқ Собитнинг-да отасига: "Қилинг, рози бўлинг!" маъносидаги боқишини кўриб, баттар илҳомланиб кетди: - Кейин уни телевизорга мослаштириш ҳам мумкин бўлар, қирқ-қирқ беш минутлик қилиб... Сценарийни ўзийиз ёзасиз. Майли, ёнингизда биронта соавторри қўшишийиз ҳам мумкин.

- Тагин кансултант керак бўлади, - деб илова қилди Шахло ва ўртага тушиб турган вазмин ҳолатни кўтариш мақсадида, яна қўшимча қилди: - Бизниям актриса номимиз бор, театрни ташлаб кетган бўлсак ҳам. Би-ир ўйнаб қолар-мидик...

- Ана, опамлар рози, - деди Жамолиддин. - Собитжон ҳам рози, шундоғми?

- Яхши-яхши, - деб қўйди Маҳкам.

- Ман бу ишни ҳозироқ бошланг, демоқчимасман. Биламан, бунинг учун кўп ўқишга, манбаларни кўришга тўғри келади. Архив материаллари...

- Да-да.



- А, яшаворинг! Кейин сценарийи ёзиш учун ҳам бироз вақт кетади.

- Шундай.

- Ман бу орада сизга маош тўлиб тураман. Айтганингизча... Ҳм, сценарий ҳисобидан аванс беришим ҳам мумкин.

- Раҳмат.

- Биламан, бундоқ фильмга котта пул сарф бўлади: кийим-кечак, от-улов... Кеннойи, тушунасиз-ку? Босмачилар ҳақида олган битта фильмлари учун извошши Масковдан келтирган эканлар. Тўғрими?

- Тўғри.

- Бу томонлари маълум... Энди, кеннойижон, шундай бувамиз ҳақидаги фильмнинг спонсори - Жамолиддин Жамилов, дейилса, бизга бас-де.

- Раҳмат, Жамолиддин, - деди Маҳкам. - Ҳалиги япон перепаратидан борми? Ҳидни ўлдирадиган мошдек-мошдек оппоқ нарса бўлади-ку?

- Э, нима девоссиз! Бор-де! - гоятда мамнун бўлиб кетди ёш бизнесмен. - Ҳозир ест қиламиз... - Фор оғзига қараб, тек қолди. - Чан олиб келади. Тонг ҳам отводди... Ўзим қуяман. Олинг, ока... Кеннойижон, қовоқ солиш ҳисобмас. Биз Маҳкам окамизнинг кучларини биламиз. Синаб ҳам кўрганмиз... Коловурса, рангларига бир боқинг, ҳалиям совуқнинг таъсири...

- Майли-майли. Бу киши ўрганган, - деди Шахло қандайдир нописандлик билан.

- Тўғри айтасиз, - деб қўйди Маҳкам. Ва Жамолиддин узатган пиёлани олиб, паққос бўшатди. Газак қилмай, кафти билан лабларини артиб, бир муддат ўтга тикилиб қолди. Сўнгра сигарет олиб, Жамолиддин чакиб тутган чакмоқ оловида тутатди. Сигаретни сўриб-сўриб, пағапаға тутун пуфлади-да, оёқларини бирдан чалиштириб ўтириб олди.

- Ҳўш, сиз шартларингизни айтинг, - деди Жамол. - Ман ўзимга битта шерик ҳам олишим мумкин.

- Ҳа, битта ўзингизга оғир тушар, - деди Шахло.

- Ҳўп. - Маҳкам дам хотинига, дам Жамолиддинга қаради; унинг бу одатини, яъни, жиддийроқ тост айтишдан ҳам олдин кўрдошларига: "Ҳўп" деб қўйиш одатини Шахлоям, Жамол ҳам яхши билишардики, ҳар иккови ҳам табассум билан бош ирғашди. Маҳкам ҳам майин жилмайиб: - Раҳма-ат, - деди.

21

Шубҳасиз "Распутин"нинг таъсири ёйилган, бу ҳол Маҳкамнинг анча жонланиб қолганидан ҳам кўринар эди.

У томоқ кириб бошлади:

- Жамолжон, аввало шу нарсани таъкидлашим лозимки, буюк бобомиз Амир Темур ҳақида шундай бир олижаноб фикрга келганингиз учун сизга фақат раҳмат айтаман.

- Қуллук, ока.

- Иккинчидан, бу сингари мураккаб ишга бўладиган сарф-ҳаражати ҳам бир мунча тасаввур этганингиз манга ёқди. Тажрибадан билиб кевопманки, одатда спонсорлар арзон фильмларни закас қилишади.

- Шундай. Аммо ман ҳеч нарсани аямийман, ока... Кечирасиз, ман бу масалада илгарироқ сиз билан гаплашмоқчийдим. Ҳагто редактор ўртоғизга айтувдим. Бироқ уч-тўртта муҳим операциялар чиқиб қолди...

- Тушундим, - деди Маҳкам "ҳўп" деган тасдиғи оҳангида. - Ҳўш, ман сизга бу масалада юз фоиз инонаман, ука. Раҳмат.

Шахлонинг тоқати тоқ бўлди: илло, у эрининг кесиб гапириши, агар бирон нарсани маъқул кўрмаса, ҳозиргидек беозор бир тарзда шарҳ ва ҳамдларни кўпайтирворишини ҳам яхши биларди; шу боис кўнглига ўт тушиб:

- Нима демоқчисиз ўзи? Бўладиган гапни айтинг, - деди.

- Ҳозир, хоним... Гап шундаки Жамолжон, Амир Темур ҳақидаги кўп серияли фильмнинг сценарийси тайёр. Талантли бир режиссёр малакали авторлар билан ҳамкорликда ёзган.

- Ҳим, қаттадир маниям қулоғимга чалингандай бўлувди, - деди Жамолиддин. - Аммо у иш тўхтаб қолган.

- Тўхтагани рост. Аммо сценарийнинг ёзилгани ҳам факт.

- Ҳўш, бошқа ёзиш мумкинамасми?

- Нега мумкин бўлмасин? - деди Шахло. - Сизларнинг фильм ихчам бўлади. Имкониятларинг доирасида бўлади... Маниям қулоғимга чалинган шу гап. Ўртоқ режиссёр, Амир Темур ролига инглиз актёрини таклиф этишганиям ростми? Маҳкам кескин бош ирғади.

- Ҳа. У актёр катта пул сўраган. - Кейин гапнинг жилмайди.

- Ве, шунақа оғзи каттами уларнинг? - Шахло шу саволни ўртага ташлади-ю, тутақиб кетди: - Ҳой, нимага қандайдир инглизни таклиф этишади...

- Шошманг-шошманг, хоним, - деди Маҳкам кафтини унга кўрсатиб. - Бу ерда каммерсия талаби бор... Чет элларда, Оврупа, хусусан Америкада фильмга тушадиган томошабин аввало актёрларга қизиқади. Битта актёр бутун бошли бир фильмнинг муваффақиятини таъминлаши мумкин.

- Вей, ўлиб кетсин.

- Лекин, масалан, ман ҳам Темур бобомиз рўлини қандайдир чет эллик артист ўйнашига мулақо рози бўлмас эдим!

- Анали бошқа гап: Ўртоқ режиссёр, сиз ўзбек артистни ўйнатасиз, - деди Шахло.

Маҳкам ҳўрсинди: шак-шубҳасиз унга бу таклиф маъқул тушган, "маош тўлаб тураман" деганиям айна муддао эди. Илло, унинг изоҳларини эшитгач, Жамолиддиннинг қарори қатъий, режали, жуда унақа - эҳтирос маҳсули эмаслигини ҳам англаб етган эди.

Аммо...

Маҳкам қўлларини ёзиб, кафтларини кўрсатди.

- Нима қилганингиз бу? - деди ундан кўз узмай турган Шахло. - Канкрет гапиринг!

- Сиз савр қилинг... Жамолжон, ман сизга ўз миннатдорчилигимни билдирдим, - дея яна вазмин сўз бошлаган эди, ўгли шарт кесди:

- Билдирдийиз.

- Ҳим, раҳмат... Хуллас, гап шундан иборатки, Жамолиддин, ман ўша йигитларнинг юзига оёқ қўя олмайман.

- Қанақа йигитларнинг?

- Ўша режиссёр билан группанинг. Ҳаммаси менга таниш. Бу тўғрида кўп гаплашганмиз. Энди, ман... йўк, виждоним йўл қўймайди, ука.

- Хе, виждонингиздан... - деб юборди Шахло. - Қанақанги одамсиз-а? Собит, далангни кўрвоссанми? Чўнтагида бир мири йўк-ку, виждондан гапирди. Виждон бу кишини тўйдирди... Виждон бу кишини жаннатга олиб қиради... Тагин ўзлари: "ман жаннатни орзу қилмайман" дейдилар ҳам. Жамолжон, шунақа. Бу киши сўфиёна гаплар қилишга усталар.

- Ҳозир, кеннойижон. - Жамолиддин ундан рухсат олгандек бўлиб, Маҳкамга мурожаат этди: - Окажон. Битта мавзуда ўнлаб бадий асарлар яратилиши мумкин-ку?

- Албатта.

- А, нага кино...

- Кино ҳам яратилади, - тасдиқланади Маҳкам. - Масалан, Толстойнинг "Анна Каренина"си Америкадаям фильм қилинган. Русияда бир неча марта...

- Мумкин экан-ку! - деб юборди Шахло. - Йўк, бу кишининг ўзи истамапти... Истаса, биласизми Жамолжон бу одам сўёмка плошадкасида ёвуз бир махлуққа айланиб кетади. Одоб, андиша-бир пул! У - дўстими, хотиними - ҳайдаворади... агар кўнглидагидек чиқаришолмаса.

- Бу масалада сиз ҳақсиз, - деди Маҳкам. - Аммо биз муҳокама қилаётган масала - бошқа.

- Виждон масаласи, - истехзо ила қулди Шахло. - Маънавий масала... Моддий масала - сиз учун йўк! Чунки, чунки, - у бирдан йиғламсиради, - манга ўхшаган эш-шак хотинингиз бор. Ҳам алақандай бахтиқаро фондга қатнайди, алақайси ташкилотларга бориб, хайрия сўрайди.

- Кеннойижон, кеннойи, - ялиниб қолди Жамол. - Қизишмайлуқ. Ман тушунвоман окамнинг гапларини... Окам - ўзларича ҳақ! Бунда гап йўк... Аммо ўша режиссёрларнинг иши, манимча, буткул ётиб қолди. У бўлмийдиган ишакан.

- Ҳали бир нарса дейиш қийин, - деб илова қилди Маҳкам. - Чингизхон ҳақидаги фильм ҳам тўхтаб турипти. Ҳолбуки минглаб ўтовлар тикилган...

- Ўлиб кетмайдими! - деди Шахло. - Ана қаранг, Чин-



гизхондек қонхўр ҳақидаям фильм яратилаётган экан... Темур! Марказлашган давлат яратди, қурди!

- Маҳкам оқа, - яна унга мурожаат қилди Жамолдин. - Майли, бу мавзуну қўя турайлук. Мен розиман. Хўш, ўзийизда бошқа бир идея борми?

- Идея?

- Ахир, сиз ижодкорсиз. Ўйлаб, кўнглингизга туғиб, ҳалигидай тўлғок бўлиб юрган мавзу, сюжет деганивуздай... ҳим, борми?

22

- Жамолжон, манда тайёр мавзу йўқ, - деди Маҳкам бирдан хўмрайиб. - Тўғрироғи, ҳам бор, ҳам йўқ. Борлиги шундаки, ман бугунги ҳаёт ҳақида... Ўзимнинг, ўз қалбимнинг овозига қулоқ солиб, қандайдир муҳим бир асар қилгим бор. Бунга материал сероб... Аммо канцовка йўқ. Якун йўқ, - дея ҳамсуҳбатига боқди; нигоҳида: "Сизларда борми?" деган илтижо мавжуд эди. - Чунки ҳаётнинг ўзида ўша канцовкани кўрмайман.

- Шошманг-шошманг, - деб қолди туйқусдан жиддий тортган Шахло. - Канцовка дейсиз... Ахир, манимча, Чеховнинг биронта асарларидаям канцовка йўқ. Агар хато қилмасам, у: "Ёзувчининг вазифаси масалани ечишда эмас, масалани кўйишда", деган... Жамолжон, биз театральний институтда ўқиб юрганда, домларимиз бу гапни тез-тез такрорлашар эди... Тўғри бизнинг кечаги Совет давримизда талаб шу эди: асарнинг охири яхшилик билан тугаши талаб қилинарди. Бу - жўнгина талаб эди, ҳолос.

Жамолдин яйраб қулди.

- Америка вестерларини эсга туширдингиз, кеннойи. Йигирмалаб шунақа фильмларни кўрдим... Қани, бу мақталган Американинг киноси қанақа бўларакан, деб. Социалистик реализм биздаямас, уларда амалда экан.

Маҳкам ҳам қулди.

- Шу гапни бошқалардан ҳам эшитдим.

- Хўп, жуда яхши, - дея яна шиддат билан бошлади Шахло. - Сиз ўртоқ режиссёр, ўртоқ ёзувчи, Чехов йўлида... йўлини ёқтирмайсизми? - Кейин гижиниб кетди. - А, да, канцовка талаб қиялмасиз-а? - Сўнг эрига панжара ортидаги лўкмага тикилган мушукдай тикилди. - Демак, сизгаям сопреализм керак экан. Сиз кечаги одамсиз... Баъзан бир оёғим у ёқда қолди, дейсиз. Иккинчи оёғингиз ҳам ўша ёқда, бу ерда фақат...

- Кеннойижон.

- Вей, кўрмайсизми бу кишини. Тайинли гапи йўқ... Канцовка эмиш! - Кейин бирдан чехраси ёришиб, янгитдан хужумга ўтди: - У сўрасангиз, Чеховнинг ўзидаям канцовкали асарлар бор... Дядя Ваняни эсланг. Жамолжон, эслаб кўринг... Ҳамма орзулари барбод бўлади. Ўлиши қолади, ҳолос. Шунда Ольга нима дейди. "Йиғлама, Ваня тоға. Яхши кунлар келади! Ишон!" дейди... Қанақа яхши кунлар келади денг? Ёлғон гап бу. Аммо Ольга шундай дейди. Ваня тоғаниям ишонишга ундайди. Ҳолбуки, бу орзу - гирт ёлғон эканини иккисиям сезиб туришди.

- О, зўракан! Ман эътибор қилмаганаканман, - деди Жамолдин қандайдир мутаасир бўлиб.

- Ман ҳам "канцовка" деганда, тахминан мана шунақа орзуни кўзда тутяпман, - деди Маҳкам синик жилмайиб. Сўнг арокдан жиндек қуйиб, яна отиб олди. Аёлининг туйқус гиншиб юборганига парво қилмай давом этди: - Ман ҳам камида ўша Ольгадек ишонишни истайман, мусулмонлар!

- Ишонинг. Ким сизга халакит берапти?

- Шахло, мани биласиз-ку?

- Билмайман.

- Хўп. Хўп, қаёққа борвоммиз?

- Ну-у, - деб қулимсиради Жамол. - Бу энди, энди... суҳбатни қайтадан бошлашга тўғри келади. - У ҳам арокдан ярим пиёла қуйиб, ичди-да, "Мальборо"дан тутатди. - Кеннойи, мана соат ҳам... о, еттидан ошипти!

- Ҳа, кетамиз! - деди Шахло. - Ҳой, сиз ичманг. Ҳали канча йўл босамиз!

- Хўп. Жамолжон, ҳалиги япон...

- Гап йўқ.

Маҳкам қўлини фотиҳага очди.

- Шу ердан ўтканларнинг охирини обод қилган бўлсин... Биз эсон-омон юртга етиб борайлик. Жамолдиннинг

омадини берсин. Меҳр-оқибат дефицит бўлиб қолган бу замонда меҳр-оқибатимиз орамиздан кўтарилмасин.

- Одамларга инсоф берсин, - дея қўшимча қилди Шахло. - Эгаист бўлишмасин. Оиласини ҳам ўйлаб... Да, ну! Бу одамга гап таъсир қилмайди. - Кейин бирдан Жамолдинга боқди. - Укажон, бу кишининг кейинги гапларини бир ўйлаб кўринг: асосан бугунги кун ҳақида бўлди... Бу одам мана шу касалга йўлиққан: "Тушунмайман. Тушунмайман". Аммо ўзлари тушунишни истамайдилар...

- Кеннойи.

Маҳкам туйқус аёлига термулиб қолди: унинг нигоҳи ғоят самимий меҳрга тўлиқ эди.

- Сиз ҳақсиз, Шахло, - деди ҳорғин бир товушда. -

Сиз ақли аёлсиз. - Кейин беихтиёр Жамолнинг тиззасига қўлини қўйди-ю, дарҳол энгидан пальтони ола бошлади. - Жамолдин, сизни қайта кашф этдим. Туғишгандек укамсиз. Яширмайман... Эҳ, кечирасизлар. - Ўтира солиб, қўлини тагин фотиҳага очди. - Омин!

Шахло ҳам юзига фотиҳа тортди-да, бурилиб, сумкасини очди. Собитга ишора қилиб, жун жемперни олдириди, уни сумкага тикди, занжирини суқиб қўйди ва қулганча қаддини кўтариб, Жамолга:

- Ана шунақа, - деди.

Маҳкам тўшак ўрнига ишлатилган арча шохларини бурчак-бурчакка судраб бориб қўяркан, қовоғи солиқ Собит қозон тепасида турганча тошларга тикилар, албатта у қозонни тўнкариб, устига тош қалаб қўйиш лозимлигини билар, аммо атай эгилмас эди.

Пальтони кийиб, тутмаларини ўтказиб олган Жамолдин сигаретга энгашиди-ю:

- Собит, буларни йиғиштириб ол, - деди. - Ҳали анча йўл босасизлар.

- Йў, раҳмат, Жамолжон, - деди Шахло. - Ўзингизга керак бўлади. Акангизнинг оғзига тегса тагин оловурадилар... Бу ёқдаям йўлларда кафелар учар, а?

- Албатта! Тоғ пастидаги кафениям ўша томонга кўчиришипти, деб эшитгүвдим. Йўл ўзгаргани учун экан... - Кейин бирдан тек қолди-да, шўхчан овозда: - Маҳкам оқа, нима қивоссиз? - деди. - Ўтни ўчирувув, шохлар тураверса ҳам бўлади-ку?

- Э, бу киши бировларнинг ғамини емоқдалар, - деди Шахло. - Бизга ўхшаб адашиб келиб қоладиганлар бор, дейдилар. Ле-экин, кўрмадик, изиям йўқ: бу ерга ўн йиллардан буён одам зоти кирмаган экан.

- Шундай, - дея энди палахса тошларни нари-бери сура бошлади Маҳкам. Аммо... бу гўшага ўзларидан бошқа кишининг келиши ғумон эканига, келса ҳам - бу шох-шаббани ёқиб, горни булғаб кетишига ишонарди; майли-да: ўзи - ўша одамларнинг сўнгитиси бўлиб қолсин.

Шисалару емакларни салафан халтага жойлаган Собит уни Жамолдинга узатганди, ёш бизнесмен қовоғини шундай уйдик, ўғлон бўшашиб-илжайиб қолди. Сўнгра Жамолдин сигаретдан тутатиб:

- Кеннойи, Маҳкам оқа, Собит, сан ҳам қулоқ сол, - деди. - Боя этувдим-ку, битта идея туғилди деб? Ана ўшани ҳозир реализация қилишни келишволаск.

- Ҳа, шунақа девдингиз, - деди Собит.

- Дарвоқе, - деди Шахло ҳам. - Аммо лекин оқангизга тегишли бўлса, у киши барибир йўққа чиқаради.

- Барибир айтаман, - деди Жамолдин ишонч билан. Маҳкам қозонни ерга қоплаган қўйи қаддини тиклади. - Манга бу гор жуда ёқди, - деб давом этди бизнесмен. - Чўқки экан. Баҳаво жой. Атрофи арчазор... Йўлгаям яқин. Зинапоя ясаб-чиқиб келиш мумкин. Фақат мошиналарувиз қолган ерда битта кўрсаткич билан битта реклама ёзув бўлса, бас... - Ул учовлон ҳам ғоят қизқиш билан Жамолга тикилиб қолишди. Жамолдин бундан-да мамнун бўлиб ҳамда сирли қулимсираб, бир сония тин олди. - Номини, номини "Адашган" деб қўйиш мумкин.

- Ниманинг? - аста сўради Маҳкам ва "родопи" пачкасига бармоғини тикиб, сигарет тугаб бўлганини кўрди. Кутини бижимлаб чўгга ташламоқчи бўлди-ю, чўнтагига солди. Ва Жамолдин тезкорлик билан узатган "Мальборо"дан бирини олиб, меҳмон иккинчи қўлида чаққан чакмоқда тутатди.

- Ниманинг? - яна жилмайди йигит. - Кафенинг-да! Собит! Эшитвоссанми? Сан тенги йигитчалар хусусий кафе, ошхона очивотти, биласан?



Собит ноҳосдан ҳаяжонга тушиб:

- Ҳа, дукон очвотганларам бор, - деди.  
- Кўп. Энди, Маҳкамжон оқа, бизнинг идея шундан иборатки, мана шу ғорда бир кафе очсок. Кўз олдидизга келдими? Қаранг, қандоқ табиий маскан... Тўғри, ўт-бўтини таъмирлаш керак. Рельефга мослаб стол-стул, асбоб - ускуна келтирилади. Хўп, оркасидами, ёнидами... Юринглар, ташқарига чиқайлук.

Маҳкам ғамгин тортиб, қозонга қаради. Жамолдин дарҳол фикрига таҳрир киритди:

- Майли, кейин кўровуз... Кейин, битта офис, битта омбор бўлса бўлди.

- Жамолжон, бизнинг аҳволимизни биласиз, - деди Шахло. - Лекин бу - ростдан ҳам қизиқ идея

- Идеянинг муҳим жойи шундан иборатки, кеннойи, Собитжонга қуриб берсам шу кафену. Фирмам ҳисобидан... Бу ишни оформит қилиш - арзимаган иш.

- Вей, қанийди, - деб юборди Шахло. Сўнг жиддий тортиди. - Лекин бунинг ўқиши бор-ку?

- Ҳим, бу йўл ҳам тезда тузатилмайди. Иккинчидан буюм мактабни тутатади.

- Ҳим, шундай-шундай... Лекин институтга қараганда лицейлар тузук.

- Бундан ташқари, ҳарбийга олишлари бор.

- Ҳа, ҳарбийга олади, - деди Шахло. - Дадаси опқолмайди.

- Шу ёғи ишқалроқ экан-де... Хуллас, ўйлаб кўрингизлар, оқа. Ман тайёрман. Ўзимгаям ёкиб қолди-да бу ер... Эшитдингми, Собит? Бу томонидан хотиржам бўл... Аммо олғирлар кўпайган ҳозир.

- Ҳа, - деди Собит ачиниш билан. - Бўтти топиб олишади бари бир.

- Сиз нима дейсиз бу таклифга? - деб сўради Жамолдин Маҳкамдан.

Маҳкам кўзлари алланечук кичрайганча кул босаётган чўғларга тикилиб турарди.

- Яхши, - деди ниҳоят. - Ҳим, бунинг ўзиям тижоратга қизиқади. Бироқ, Жамолжон, анча проблемалар бор экан.

- Ҳа, ҳали ҳал қилиб бўлмайдган проблемалар, - деб кўйди Шахло. - Хўш, жиламизми?

- Ҳа. - Маҳкам қозоннинг устига талай тошларни қалагач, қумғондаги қайнашга етиб қолган сувни чўғнинг устига ағдарворган эди, пувиллаб кул-чанг ва сассик ис кўтарилди. - Э, кечирасизлар, - деб қолди у.

- Фаросатдан ҳам берган. - Шахло тўнғиллаб, пальтосининг ёқасию ён-верини қокди.

Жамолдин Маҳкамга тикилди: унинг шу тобдаги ҳижолатпаз аҳволигина эмас, қилаётган ажатовур ишиям унинг диққатини тортган эди.

23

Сумка билан салафан халтани кўтарган Собит елка қисиб, ёқасини кўтариб олгани учун телпаги кўринмай қолган Шахло ўғлининг тирсагидан олган - олдинда боришар...

... булар орқада: Жамолдин Маҳкамнинг билагидан тутган ҳолда бир-бир босаркан, унинг тўхтамоқчи экани шундоқ билиниб турарди.

Дарҳақиқат, бир арчанинг кунгай томонига ўтишгани замон Жамол Маҳкамни тортиб тўхтатди-да, кастюмининг кўкрак киссасидан бир даста эллик сўмлик чикарди ва Маҳкамнинг кўлига сунди.

- Вей-вей, нима қивоссиз, Жамолжон? - деди Маҳкам. - Мани ҳижолат қилманг, ука

- Маниям ҳижолат қилманг, - деди ёш бизнесмен ҳукм оҳангида. - Бу - от билан туя бўлмайди. Шунчаки корийизга ярийди. Солиб қўйинг... Манда бор, бор бўлгани учун бервомман. Йўқ бўлса, сиздан сўрар эдим.

- Ман буни қачон қайтараман-у... - мунгайиб пулга тикилди Маҳкам.

- Тагин битта шунақа гап қилсангиз, ҳаммасини ёқвораман. Манинг одатимни яхши биласиз, оқа... Бу - чин кўнгилдан. Окажон, - йигитнинг овози титраб кетди. - Ман сизни аҳволийизни тушунаман. Нима қилай? Қўлимдан кўп иш келмайди... Ёрдам сўраб борган ижодкорлардан жонимниям аямийман. Миннат бўлмасин, беривомман.

- Раҳмат, сизга. Қанийди бошқа бизнесменлар ҳам

сизга ўхшаса. Санъатсиз турмуш... - Маҳкамнинг-да товушида нола саслари намоён бўлди. - Бу кунлар ҳам ўтиб кетар, ахир... Ўзи шундоқ бўларкан, чамаси: салтанатлар, империялар йиқилганда, халқ асоратда қолади. Янгича ҳаётнинг изга тушиб кетиши эса қийин кечади...

- Ана, ўзийиз билар экансиз-ку, жон окам. Сира-сира руҳни туширманг.

- Тўғри-ю...

- Худди шундай! Кетдик. Чўнтакка солинг! Ана шундай... Ҳарқалай, кеннойининг олдида... Кечирасиз, опахон жа бошқача кийимда, чет элга бориб кевоттиларми?

- Ҳа, - деди Маҳкам жилиб. - Ман... уяламан, Жамол.

Баъзан эзилиб кетаман. Аммо тушунаман, ука: кўплар шу ишни қилишвотти.

- Парво қилманг, опахон келтирган нарсаларга эҳтиёж борми? Бор. Демак, кимларнингдир ҳолатиниям чиқарвоттилар... Лекин, оқа, - сўқмоққа тушганлариди Жамолдинни яна тўхтади, - агар хафа бўлмасангиз...

- Бемалол.

- Шу, кеннойининг сизга айтган айрим гаплари манинг уёқ-бу ёғимдан ўтиб кетди. Ўзимни зўрга тупдим... Ока, юзга этганинг заҳри йўқ, сўзийизни олдириб қўйибсиз хотинга. Мани кечирасиз.

Маҳкам пинак бузмасдан:

- Шунақа, - деди.

- Бунақада жа эворади... Бир ўйлаб кўришингиз керак. Ман сизга бироз маош тайинласамми?

- Нега?

- Реклама масалаларида...

- Ман қўлимдан келган ёрдамни деймизми, реклама устида ҳеч қурса маслаҳат беришим мумкин... - шундай деб, жилган жойида яна тўхтади Маҳкам. - Жамолжон, биласиз ўша газетадан манга уч-тўрт сўм беришади. Ўшани олгани борганимда, жуда уялиб кетаман. Ҳатто Ҳотам акадан ҳам уялиб тураман. Шунинг учун маошнинг бир қисмини редакцияда совуриб чиқаман...

- Ока, ман сизни тушунаман. Сиз отда юрганда бизлар эшакдаяммас эдик... Ничево! Ҳали ҳамма нарса яхши бўлиб кетади. Бошқача бўлишига ман ишонмайман! - Кейин қулимсираб кета бошлади. - Ҳали бизнесменларнинг ҳам кўзлари тўяди. Ҳа-ҳа, ҳозирча кўпининг кўзи оч... Ҳали тўяди, тўйинади улар... Кейин биласизми, - хаёлчан давом этди Жамол, - кейин китоб ўқишгаям, хўш, маънавиятга ҳам қизиқа бошлайдилар. Чунки, бизнесмен - маданиятли одам! Ахир, у жамиятнинг булбуллари, гуллари ҳисобланадиган ёзувчилар, шоирлар, бастакорлар билан алоқа қилмаса, бирга ўтириб турмаса... қанақасига маданиятли одам бўлади?

- Сиз чуқур гаплар этвоссиз.

- Бориям шу. Бу - факт, окахон. Ўзимизни Тошқанда қанақанги бойлар ўтмаган! Мактаблар очишган, ўзлари дарсликлар ёзишган. Масалан, Мунаввар Қори, Убайдулла хўжа... Э-ҳе! Бизнинг катта додаларимиз ўшалар билан ўфатчилик қилишган. Ман сизга ўзимизнинг оиламиз ҳақида бир қуни гапириб бераман.

- Раҳмат. Ман жон деб эшитаман. Лекин бир нарсга аминманки, сиз бошқача оиладан чиққансиз.

Жамол тотлигина кулиб қўйди.

- Ўзлариям чакана оиладан чиқмаганлар. Сизнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатийизда ҳаё, андиша, маданият... барқ уриб туради.

- Ҳе, энди...

Она-бола арна адоғидаги туятош қошида: Собит ундан сирғалиб тушган, пастда туриб онасига қўл узатар, она тушишдан кўрқар ва чўнкайиб ўтирар эди.

Маҳкам бирдан ҳаллослаб йўрта кетди. Жамол қулимсираб атрофдаги оппоқ-семиз қору кўзиқорин каби - телпаги оқ бўлгани ҳолда, бағри ям-яшил зумратдек арчаларни томоша қилиб энаркан, табини, пастдагиларни кўнглини овлайдиган бир қизикроқ гап топишни ҳам ўйлар эди. Шунда Чану мошиналар, уларга биробар Маҳкамнинг "Волга"си тузалганми-йўқми экани ёдига тушиб, у ҳам жадаллади.

Қояқош пастиди Маҳкам депсиниб турар, Шахло билан Собит қўл ушлашиб қўйига жилишар, Маҳкам хотинини кучиб тошдан туширгани маълум эди.

Жамол тошдан сирғалиб тушгач:

- Маҳкам оқа, кеча кечаси қошнояйиз атрофиди бўримиз-тулкими разведкага борганга ўхшийди, - деди.

- Тулки, - деди Маҳкам. - Жа қизикувчан бўлади.



Орқангиздан боравуради кузатиб, сиз билмайсиз... Эй, Жамолжон, тунлари биз билмайдиган кўп фожеалар юз беради бу ўрмонда. У - бошқа ҳаёт, - энди гўё ўзига-ўзи сўзлар эди, - энг ибтидоий қонунлар амалда бўлади... Да. Кучлилар голиб, кучсизлар мағлуб: бу - ҳайвонатнинг яшаш қонуни... - Наҳотки шу қонунни бус-бутун инсониятга тадбиқ этиб бўлса?

Жамол кулди.  
- Фирка идеологиясиам буни инкор этарди.  
- Манимча, "одам одамга - бўри" дейилган тезисни инкор этарди. Умуман, тўғри қараш бу.  
- Қайси?  
- Наҳотки биз бир-биримизга бўри бўлсак?  
- А-аа. - Жамолиддин энди қаҳқаҳа отди. - Биз инсонлармиз, окажон, - деди. - Инсон билан ҳайвоннинг фарқи бордир, ахир?

- Ха. Инсонга ақл бор.  
- Офарин! - Сўнг ўйлаиб қолди-да, сигарет тутатди. Ва пачкани Маҳкамга бериб, давом этди: - Аммо лекин ҳайвонлар ҳам, масалан, бўрилар ҳам ўз тўдасидаги шерикларига душманлик қилмас, а?

Маҳкам ҳушёр тортиб:  
- Қилмас, - деди.  
- Лекин инсонлар қиладилар.  
Энди Маҳкам кулиб юборди. Сўнг у ҳам сигарет тутатиб, кутини қайтаргани, Жамолиддин:  
- Мошинада бор, - деди.

Маҳкам пачкани киссасига солди.  
- Қачон Тошканга қайтасизлар?  
- Шу, кўпи билан икки кундан кейин.  
- Айтмоқчи, айтиб қўйинг кеннойимга... хим, хўрла-масинлар, жон ока. Вақтинча камхарж бўлиб қолганингизни юзингизга солаверса биз ўйлаб кўрувиз...

- Раҳмат. Манам ўйлавомман... Қандайдир йўл топилади. Ахир ҳозиргина айтдик: инсонда ақл бор. Ҳайвонларда кўникма, инстинкт, тагин аллама балолар бор.  
- Манинг таклифларим эсийиздан чиқмасин... Уялманг, ока. Ўзбекда яхши гап бор: бир қўй бир терининг ичида неча марта озиб, неча марта семиради...

Улар йўлга тушишди. Шаҳло билан Собит алақачон "Волга"га кириб ўтириб олган, "Волга" эса ўрнидан жилиб, келган тамонига қараб турар, "Жигули" орқада, айикнинг пўстинига ўхшаш сунъий жун пальто кийиб олган барваста Чан мошина бикинига суяниб сигарет чекар, оғзидан чиққан тутун ҳовур билан, бамисли девнинг оғзидан буркираётганга ўхшар эди.

- Ну как наши дела - Жамолиддин айтиб келаётган гапини чала қолдириб ундан сўради  
- Нармальни. - деди у. - Только вас ждут они.  
- Наши?  
- И наши, и гаишники.

- Ху, оингни... Айтмадимми, Маҳкам ока, гаишниклар тутишибди юкимизни. Бизда ҳамма иш законий бўлади. Хужжатлашган бўлади. Барибир ГАИ да тўхтатишади мошинани... "Бер" дейди. Нимага? Беришинг керак. Тўғри, баъзилар очик айтишади: "Бизниям бола-чақа бор" дейишади. Майли...

Маҳкам мошинасига у ёқ-бу ёғидан қараб, томидаги қори ҳам супуриб ташланганини кўрди ва илжайганча Чанга пешвоз борди. Қўлини олиб:

- Большое спасибо. Извините, вчера даже не паздаровил, - деди.  
- Да, ну, не за што... Вы пили?  
- Да, кстати...  
- Сейчас.

Чан "Жигули"нинг эшигини очиб бошини сукди-да, бардачокдан япалоқ пачка олди. Ундан йилтирок, мовий тусли, сочмаўк донасидек учта соққани Маҳкамга берди.

- Когда надо употреблять, знаете?  
- Да.  
Жамолиддин "Волга"нинг олд эшигини очиб, ичкарига тумшугини сукқанча шўхчан гаплар қилар ва кулар эди; нариги эшикни очган Маҳкамга:

- Мархабо, - деб жойини кўрсатди. - Эй, йўк, хайрлашайлих, ока! - Илдамлаб у ёққа ўтди, Маҳкамни тагин кучиб, тагин музқотган зуйдан ўпди. Кейин ўзини орқага тортиб, иккала қўлини ҳам теппага кўтарди. - Оқ йўл! - Сўнгра ичкарига энгашиб қараб, қўлларини кўксига босди

ва қоматини кўтариб, бир қўлини худди ГАИ инспекторининг таёғига ўхшатиб ёнига узатди. - Зелёный свет!

Маҳкам кулфда турган қалитни бураши замон мотор гувуллаш кетди. Кабина ичининг илиқлигидан ҳам маълум эдики, Чан мошинани қиздириб, печкасини ёкиб ҳам қўйган экан. Маҳкам дераза ойнасини туширар экан, Жамолиддин бирдан қўлини тушириб ва алақандай паришонҳол бўлиб:

- Кечирасиз. Кеннойи, сиз ҳам кечирасиз, - деди. - Битта гап ёдимдан кўтарилибди.

- Айтинг, Жамолжон.  
- Хим, ман тери сотиб оламан, - деди. - Қанча бўлсаям. Қаро молли терисими, қўй-эчкининг терисими - фарқи йўк. Сизларда қушхоналар бор...

- Бор-бор, - деди Маҳкам. - Ман суриштираман... Шаҳло сизияни ёдингиздан чиқмасин.

- Чикмайди, - деди Шаҳло. Унинг рангига қон кира бошлаган, бироқ шунча азоб-уққубат эсидан чиқмаган, қайтаган аламини энди оладиганга ўхшар, айни чоғда бу ёш валламант бизнесчи билан самимий хўшлашишни бурчи деб билардики, унинг бутун ҳолатини Жамолиддин беҳато уқди.

- Раҳмат, кеннойи. Бор гапим шу эди... Да, тери топилса, ўзувиз опкеловуз.  
- Хўп.  
- Хўш, мабодо тивит бўлсаям олавуз.  
- Яхши.

- Бор гапимиз шу эди... Оқ йўл! - яна қўлларини кўтарди Жамол.

Маҳкам мошинани жилдирди-ю, дарҳол тезликни ошириб, эндира кетди. Бирпасда таниш бурилишлар-қайрилишлардан ўтиб, тубанга тушди. Сўнг мошинани четга олиб, бояги соққадан бирини тилнинг тагига ташлади-да, ҳорғин хўрсиниб, шима бошлади. Ҳадемай тоғни айланиб ўтадиган янги йўлга тушдилар.

Шу пайт орқадан етиб келган "Об" мошина варангла-тиб сигнал берганча қиланик қорни тўзитиб ўтиб кетди.

- Тезроқ юртингизга етайлик, кейин сизга айтадиган бир-икки оғиз гапим бор... Айтмоқчи, чопонингиз қани?  
- Оббо, қопти... А, милтиқ?  
- Сумқада.

- Раҳмат.  
- Собит, сан дамингни ол... Ухла! Кечаги уйку - уйку бўлдимми? Хой, секинроқ ҳайданг. Бизларга жон керак.  
- Мангаям керак.

24

Маҳкам мошинани ўртача тезликда ҳайдаб бораркан, баъзан ошириб юборар, илло хотинининг "юртта боргач" айтажак гаплари юрагига оғрик бериб маддалар, шундай туюлардики, шу кетишда улкан бир қояга бориб урилади-ю, ҳамма нарсага барҳам берадигандек, кейин кўрқиб кетиб, бу совуқ хаёлни бошидан қувар, одатдагича, ёқимлироқ ўйлар суриш умидида ёшлик хотираларини эслашга бошлар экан...

... кишлоғи, яъни собик беклик маркази ҳисобланмиш шаҳриро, ўзига таниш одамлар, хушманзара жойлару шимолдаги (энди ўнг қўлда қолаётган тизмага тугаш) тоғлар, пироварди, уйлари, онаси, укаси бирин-кетин хаёлидан аниқ-аниқ ўта бошлади. Работ (Маҳкам туғилган кентнинг номи) - қадимги маскан бўлиб, "Бобурнома"да ҳам тилга олинган: "Эли турк ва сорт қавмиандур, лутфи гўзал, назмга ишқи баланд, узум ва пахта битадур ва эки тарафиндаги тоғларда фаланг, бўзқурт ва какликлар бисёр, шу боис бу кентда ёйандоз мерганлар кўпдур ва биз алардан бир дастасин олиб, лашкарга кўштук..." деб изоҳ берилганки, бу таърифда жилла нуқсон йўк.

Маҳкамнинг ўз юрти ҳақида билганларидан айримлари тагин булар: беклик кўрғонидан нақшинкор бир минора-ю қийишқ бир қатор девор қолган, холос. Кейинги йилларда буларнинг атрофида истироҳат боғи пайдо бўлди; мажнун-тоғлар кўп. Чойхоналар сероб. Таъмирланган эски мадраса ҳовлисида ҳам бир чойхона ва ошхона бор.

Халқининг қиёфаси ҳар хил бўлгани каби лаҳжада ҳам фарқ қилади; тубжой киши ҳамсуҳбатининг биринчи гапиданоқ қайси қасаба ё гузардан эканини дарҳол англайди; умуман, адабий тилга яқин бир лафзда сўзлашадилар. Маҳкам ёшлигидан бу тафовутга қизиқиб, Жамолиддин билан Тошкент лаҳчасида сўзлашгани каби ҳамшаҳарлари



билан ҳар қайсисининг ўз шеvasида ҳамсуҳбат бўлишдан завқ олар эди. Зеро, унинг даласи - маорифчи Маҳмуд ака арабзабонидаям тили югурик бир зиёли эдики, форсий ғазаллари-да лаззатланиб айтар ва дарҳол ўзбекчага ағдарар эди.

Маҳкам эс-эс билади: бир замонлар Туркияда ўқиб келган ва эллигинчи йилларда ҳам "жаҳид" лақабида юрадиган тоғаси фақат оврупоча кийинар, кўйлагининг оппоқ энги кастюми энгидан чиқиброқ турар, санчки ва пичоқ ёрдамида овқатланар, тилида туркий иборалар кўп бўларди.

Жаҳид тоға Маҳмуд ака билан бирга ҳибсага олинган ("Ғарбнинг шипиён, Советга қарши пропаганда юргизган" деб айб қўйишган), Маҳкам отасининг қисматини биледи-ю, тоғасининг шу кетишида нима бўлганини билмас эди.

Маҳкамларнинг тўққина оиласи фақирлашиб, ўзларининг эса талай йил бадном бўлишганлари, аммо кўнгил сўрагувчи кишиларнинг уйларига хуфий келиб кетишлари ҳам йигитнинг ёдидан чиқмайди: ўқиб эслайди...

Адолатга ташналик, ростўйликка табиий эҳтиёж, ҳаётий муаммоларнинг илдиизига етиш ҳаракати қолаверса, бир зиёлига хос одоб-хулқ - Маҳкамнинг ирсиятида борми, кейинги тарбия жараёнида пайдо бўлганми, шундайлиги унинг борлиғидир.

Бироқ ўзга таниш зиёлиларнинг фарзандларидан фарқли ўлароқ Маҳкам шаҳарни ихоталаб турадиган арчали тоғларга не бир чакноқ, хуморли кўз билан боқар... Ёлғиз ўзи бўлсин ё юпун етимлар (оталари урушдан қайтмаган) билан тоғларга чиқиш, арчазорларда тўйиб-тўйиб нафас олиш, бир узоқ замонларда "босмачилар" мақон тутган, гилза-патронлар ҳам топилиб қоладиган горлар-камарларда тунаб қолишдан олам-олам завқ олар, айна чокда Аллоҳ берган бир неъмат - кузатувчанлик уни тарқ этмас эди.

Унинг табиат оғушида, бегубор инсоний муносабатга қурилган илк ҳикояси саккзинчи синфда ўқиётган чоғида шаҳар газетасида чиққан, кейин мактабдаги фототўғарагига қатнаб, бадиий ҳаваскорларнинг суратларини олиш асноси ўша тўғарақнинг ҳам содик бир аъзосига айланган, оқибат...  
... Тошкентга - театр ва рассомчилик институтига йўл олган эди.

Маҳкам кино режиссёрлик касбини Москвага бормаи, яъни ВКЖда ўқимасдан, ўзимизнинг ўзбек киностудиясига таклиф этган фидоий санъаткорлардан ўрганган, кейинчалик ўша Олийгоҳни битказиб келганлардан сира-сира кам эмаслигига амин бўлган эди; сўнроқ ўзининг замонавий мавзуда яратган қисқа-қисқа фильмларини ўша пойтахтга олиб борганида (Москва тасдиқламаган фильм экранга чиқмас эди), яхши баҳолар олиб, талай танишлар-дўстлар ортириб қайта бошлагач, "курсни битириш" истаги ўз-ўзидан сўниб кетган эди.

25

-Ҳой-ҳой, каёқка?

Шаҳлонинг гапидан сергак тортиб кетган Маҳкам йўлнинг ўртасига тушиб, бизондек "КРАЗ"га қарши бораётганини кўрди ва рулни кескин буриб, мошинани четга олди. Бизон жаҳл билан бўкиргандек товуш чиқариб ўтиб кетди. Маҳкамни совуқ тер босган эди. "Волга"ни секинлатиб ҳайдаркан, "демак, кўзи кетиб қолгани, кечаги мизгишлар муътадил уйқунинг ўрнини босолмаслигини мулоҳаза қилар ва дамо-дам: "Худо бир саклади. Шаҳлонинг бориға шукур", деди.

- Тавба, тавба, - дер эди Шаҳлоям, - Худо бир асради... Ҳой, шопир жаноблари, балки бироз тўхтаб, ухлаб оларсиз? Ёш эмассиз, кучингизга ишонманг.

- Ҳа, рост-рост, - деди Маҳкам.

- Кўнглим сезиб келаётгудия-я... Собит, дадангни нима қилганини биласанми?

- Нима-нима? - деб сўради уйғониб кетган ўғил. Кейин: - Кўйинг, халал берманг, - деди. - Жиндек ухлай... Гапировуради, гапировуради бу хотин.

- Ман санга - онаман, ярамас! - деди човуллаб Шаҳло. - Мунинг гапини қаранг. Отангга кетаяпсан... У кишиям баъзан: "Хотин, хоним" деб қоладилар.

"Барибир ухлатмайди, - деб кўнгида кечирди Маҳкам. - Кетаверганим маъқул". - У йўлни чамалаб, тагин юз километрлар босиши лозимлигини, қисқаси, шимолга қўзилиб кетган шу тизмани батамом айланиб ўтиши керак-

лигини ўйлади ва ҳаво очилиб, қуёш чиқиб кетгани учун бирон кўкаламзор ё дарахтзорга етганда эҳтимол маошинадан чиқиб ва ерга қўзилиб, бирон соат мизгиб олишни ҳам дилига тутди. Кейин, мошинани яна тезлаб кетаркан, тагин аёлининг нолиши эшитила бошлади-ю, юраги шундай сиқилиб кетдики, шартта тўхтаб, уни мошинидан тушириб юборгудек бўлди. Бироқ уни тушириш - қичишиб-маддалаб турган жароҳатнинг кўзини очиб юбориш ва қутилимаган даҳшатли оғриқларни сотиб олиш билан тенг эканини мулоҳаза қилади: - "Оғир бўл, Маҳкам, - деди ичида. - Қисматинг шу экан. Чидашга мажбурсан... - Сўнгра бу хил "чидаш"нинг охири мавҳум фалокату талофотларга тўла - кечаги тундек қоронғилик эканига инониб: - Э, воҳ, деди. - У қандай финал бўлади? Наҳотки, ўша финалгача бўлган ҳар бир дақиқа шу кўйда кечса? Масалан, Жамолга ўхшаган йигит бўлса... Астафурролло, ҳалол хотинимни кимларга раво кўриб, нималар деяпман? Бунақа эмасди-ку бу илгари? Биламан-ку! Йўқчил-ик бузи..."

26

Йўлнинг ўнг томонида ҳам, сўл томонида ҳам арча ва дўлана ўсган тоғоти адирлар узала тушиб ётарди. Кетаяпсан, кетаяпсан, манзара ўзгармайди. Фақат орқандан қувиб ўтгану олдиндан келаётган турфа мошиналар янгилик бўлиб туюлади, кейин эса, бунгаям эътибор қилмай қўясан ва қай бир чўзиқ куйни хиргойи қилгинг келади; шунда мошинангнинг радиоси ишламаслигини билсанг-да, не бир илинж билан муруватни бураб кўрасан.

Ҳе-е, бу йўллардан кўп қатнади Маҳкам. Ҳар бурилиш, ҳар ўру нишоб унга ёд бўлиб кетганки, оёғи ҳам буни "биладиган"дек тормозу тезликни босишга тайёр.

"Яна қанча вақт қатнар эканман? - дафъатан шу ўй келди йигитнинг кўнглига. - Қим биледи, фалокат оёқ остида... Аммо яна йигирма йиллар яшасам... У-ў, унгача онам... Собит эса авжи йигит бўлади".

Шаҳлоям, Собит ҳам уйғонди. Маҳкам олдойнага қаровди, Собитнинг Жамол қолдирган салафан халтадан қолбаса билан нонни чиқараётганини кўрди-ю, ҳадемай чой ичкилари келиши учун тезликни оширди.

Йўлнинг остидан ўтган йўғон қувурларга туташ окма сойларда лахтак-лахтак қор ётибди, уларнинг тагидан лойқа сув сиза бошлаган, айрим баҳайбат арчаларнинг соя томонларида ҳам қор қуртиклари кўринадилар-ўшалар таъсиридами, очиқ ойнадан салқин шабада изгиб киради-да, саддан кейин илиб, йўқ бўлади.

... Кўёш кўтарилиб қолди: унинг нурлари ҳам ювиниб, тоза бўлиб олгандай нигоҳга аччиқ санчилади ва унга қарагудек бўлсанг, дарҳол кўзингни олади-ю, қаршингни қоронғулатиб қўяди. Буни беихтиёр сезганинг учун унга қарамасликка ҳаракат қиласан. Аммо бутун вужудинг билан унинг оқлиги, ўткирлиги, илиқлигини ҳис қиласан.

Кейин унинг тезроқ талага кўтарилишини истайсан ва... иттифоқо табиатнинг кечаги ўйини ёдингга тушиб ҳамда уни бутунги манзарага қиёслаб, мийигида жилмаяпсан. Кейин эса беихтиёр мулоҳаза юритиб, бу ўйиннинг сабабини оча бошлайсан: ҳа, фасллар алмашаётганда, табиатда ғалат бекарорлик вужудга келади. Дейлик, куз арафасида ҳаво дам совуқ, дам исиб кетади, ҳатто тунлари ёмғир вужудга, дарахтлар шудрингдан ҳўл бўлиб чиқади: гўёки, куз келаётганидан сени оғоҳ қилади бу товланишлар... Кейин ҳаво бир маромга тушади. Ва, ва...

... киш арафасидаям шунга ўхшаш ҳол содир бўла бошлайди: ҳозир - айна ўша палла!

"Шундай бўлар экан-да, - деб ҳорғин ўйлади Маҳкам. - Қиш ҳам ўтади. Кейин - баҳор..."

Мен яна қатнарман бу йўлдан: яқинларим билан дийдор кўришиш учун...

Ҳў, ҳаёт - кўришувлар ва ҳўшлашувлардан иборат эмасми? Йўқ, бу - ҳаётнинг бир улушидир..."

- Дала, Жамол ака йўлда кафе бор, девдилар. Ўтиб кетдикми-ё?

- Манинг кўзим тушмади, - деди Маҳкам.

- Ўзлари уйқусираб боряптилар-у, - деди Шаҳло. - Яхшиям боя...

- Хоним, сизга раҳмат айтдим, - деди Маҳкам. - Тинч-



роқ кетайлик, илтимос. - Кейин бирдан кўнгли бузилиб кетди. - Сиз ҳам бир одамга ўхшаб, манинг хотиним, Собитнинг онаси бўлиб, бизга Жилла меҳр билан... - у бирдан чамбаракка муштлади. - Фойдаси йўқ.

- Тўғри айтасиз, - деди Шахло ва яна тўнгилаб қолди: - Фойдани биладиган одам гапиряпти... - Шунда билагига Собит каттик туртди-ю, аёл сал ҳушёрланиб, қўшимча қилди: - Сизниям қорнингиз очгандир? Собит, узат қолбасадан, нондан... Яхшиям Жамолнинг учрагани.

- Дада, мана!

- Раҳмат, ўғлим. - Маҳкам нонни олиб тишлади. Қолганини ёнига қўйиб, қолбасани еди. - Э, ана йўлнинг ёқасида... Чойи борга ўхшайди!

- Лимонад бўлсаям олиёлук.

- Оламит, - деди Маҳкам ва Жамол берган пул эсига тушиб кетди-ю: "Қандай қилиб чиқараман? - деб ўйлади бирдан дилтанг бўлиб. Шахло нима дейди? Биздан яширган экансиз-да... Албатта... Жамол берганини айтсам, "Сўраб олган..." дейиши турган гап. Кўрсатмайман..."

Аттанг, ўша ерда, мошинани жиждирмасдан олдинок Шахлога берсам бўларкан.

Жамолнинг олдидида...

Йўқ, у яшириб берди-ку..."

Маҳкам мошинани тўхтатиши ҳамон Собит қўлида пул билан кабинадан чиқди.

- Хув, у ерда ГАИ пости кўриняпти. Дорингиздан ютволмайсизми?

- Ҳа-я.

- Сигаретингиз борми? Мунақа сигарет чакмасдингиз-ку?.. А-а, Жамол берди.

- Ўрганмаган эканман, ўтмаяпти, - деди Маҳкам атайин. Ва хотинини сал кўтариб қўйиш учун илова қилди: - Айтинг Собитга, "родопи" бўлса, опкелсин.

Шахло ойнани тушуриб, бақирди:

- Собит! Сигарет.

- "Прима" бўлсаям бўлади, - деди Маҳкам ўзини яна пастга олиб.

- Олавер, ол бир-икки почка... - Шахло овозида мағрур бир қаноат, ўзининг қандайдир устунлигини кўрсатувчи бир ҳомийлик сезилардики...

...Маҳкамга шу керак эди. Илло шундан кейин хотини анча юмшаб, вазмин тортиб қолишини биларди: зеро бу йўсин муносабат ила ўзининг унга "қарам" эканини бўйнига олган бўлардики, бу ҳол Шахлога шубҳасиз ёқар эди.

27

Ниҳоят, Маҳкам ғарбий тоғ поёнидаги паст-баланд тепалар орасидан - илон изи йўлдан эна бошлади-ю, тўзғиб кетган сочларини ихтиёрсиз бир ҳаракат-ла текислаб, касюми ёқаларини тортиб кўяркан, шу ҳаракат таъсиридами Шахло:

- Ман бу пальто билан қанақа қилиб одамларга рўпара бўламан? Эшитвоссимиз, ҳей кавалер? - деди.

- А, уними? - Шу сўз тилидан чиқиши ҳамон оназоори киш маҳалларида гиламу бароқларни патли-жузли томони билан қорға ётқизиб, устига савағич ила гуп-гуп уриши, сўнгра тўшанчиларни кўтарганда, оппоқ қорнинг қирланиб қолган бўлиши кўз олдига келди: - Ҳозир, йўлини қиламит, - дея пасткам ерларга кўз тикканча мошина тезлигини пазайтирди. - Ана! Хув у ерда бор экан.

- Нима?

- Ҳозир биласиз. - Маҳкам "Волга"ни йўлдан чиқарди. Чўп бўлиб қолган янтоғу шувоқлар устидан юргизиб, тепалиқдан анча эндирди-да, тумшугини йўлга қаратиб тўхтатди. - Пальтони ечинг. Ечинг.

- Нима қиласиз?

Маҳкам мошинадан чиқди. Кун илик, ҳатто баданни қиздирар даражада, бироқ совуқнинг захри бор эди. "Эшакни ўлдирадиган офтоб", деб ўйлади у.

Шунда Собит онасининг пальтосини олиб келиб, отасига узатганча сўради:

- Нима қиласиз?

- Юр.

Маҳкам пальтони билагига ташлаб, ён бағирдан нишаблай кетди. Собит ҳам кўзларини қисинқираб отага эргашиб туша бошлади.

Кун тегмайдиган қат тагида ётган қор бошига етиш-

лари билан Маҳкам пальтонинг елкаларидан тутиб бир-икки силжитди-да, қорға тап-тап ётқазиб ура бошлади. Қор юзи хиёл қирланди. Табиий, бу қор юмшоқ эмас, музлаб қолган, бироқ ҳарорат таъсиридан нами чиқиб, тагидан сув сиза бошлаган эди: агар момикдай бўлганида, кийимдаги губорни шундоқ шимиб оларди. Маҳкам ўйланиб қолди ва ҳамон кўқариб турган ажриққа пальтони астари билан тўшаб, лахтақ қорнинг четидан ҳовучлаб олди. Ва тим қора, жун аврани ишқаб арта кетди: матоҳнинг ранги очила бошлади.

Буни кўрган Собит ҳам кўртқасини ечиб, қор ила ишқалашга-артишга тушди.

Маҳкам иш билан машғул экан, кўнгли тубида бир шодликни сезди: "Бола тақлид қилади-я? Шунақа бўлиб-бўлиб ўрганеди-да... яшашни, яшаб кетишини ҳам. - Унинг ёнига қайвону паррандаларнинг ўз болалари, жўжаларини илк қадамдан хавф-хатарга тўла ҳаётда яшай билишга ўрганишлари тушиб, завқи баттар ошди. - Одамзот ҳам шу... Ўрганеди. Ургатмасаям - боласи ўрганеди, тақлид қилиб... Ақли бор. Ҳа, одамзотда ақл бор".

Сўнгра Собитнинг барибир онасига (қайсар, ношуд отасига эмас) тақлид қилиб кетиши, бу ҳол ҳозирдаёқ уч бераётганини ўйлаб, болага қандайдир сабоқ бергиси келди. - Дада, бу қорри қаранг, - кафтида қорайиб, суви чак-чак томаётган думалоқни кўрсатди Собит. - Тоза қивво-ти... Опамми пальтосиям тоза бўп қолди... Дада, шунини ўша ёқда қилсангиз бўларкан-де. Инжиқлик қилмасдилар. Тўғри-де, бу қиммат туради. Уйда иккилиниб кийувдилар.

- Бўпти. Кетдик, ўғлим - деди Маҳкам.

- Аммо лекин, дада, - деди Собит, - гор манга жуда ёқиб қолди-де. Жамол аха кафе ҳақида гапирдилар... Тўғри айтасиз, кафе қурилса, оёқости бўлади...

- Мен бу гапни очик айтмовдим-у?

- Айтувдингиз... Айтмасангиз ҳам бу кўриниб турувди.

- Раҳмат.

... Мошина йўлга чиққан, учовлоннинг ҳам кайфияти хийла кўтарилган эди.

Ниҳоят, ана...

...Этақда ястаниб ётган юрт - Маҳкамнинг кўз очган макони: шифрлиқ шифрсыз томлар, қора дарахтлар - толлар, узун кетган қатор тераклар, йилт-йилт этиб қуёшда акланаётган минора, яна кўп нарсалар яхлит омухта ҳолда кўриниши замон йигитнинг юраги ҳапқариб кетиб, кўзларига ёш ингудек бўлди: "Вей, шу-я менинг ровотим... Шунини ташлаб кетиб, Тошкентларда юрибман. Нега бундай? Қайси шоир айтган эди? "Мен нону насиба деб йироқларда юрардим..." Йўқ, фақат нон-насиба деб юрганим йўқ Тошкентда... Ўша шеърнинг давоми яхшийдил: "Шеър излабиди, ишқилиб, ... туроқларда юрардим", дейди. Бу гап - рост. Шеър излаб, қофия излаб.

Лекин бу макон - менинг кўнгли тўқим, суянчим экан... Ўзим сезмай юраман.

Ҳа. Ватан - тугилган ерингдан бошланади, деганлари рост".

Шу мулоҳазадан кейин Маҳкамнинг хаёли сочилиб кетди-ю, бу хаёлдек бепоён Ватаннинг пастликда жойлашган бир кичик гўшасида ивирсибми, тўшақда ётганча, деразага кўз тикиб, балки ҳовуз бўйидаги шийпонда ғарибгина бўлиб ўтирганча дарвозага тикилган волидаси кўз ўнгида намоен бўлди-ю, хаёлида суратланиб қолди: ҳа, уни кўриш учун бораёпти.

Бошқа ҳамма нарса - жисмлар, кўчалар, таниш ва нотаниш одамлар мошинанинг ён-верида қолиб кетади: у шитоб билан дарвозаларга етади...

Унинг қўли рулни бошқариб, кўз йўли танлаб, чорраҳа ўртасида бир қўлида пахтаси очилган гўза, бошқа қўлида сархил мевали барқаш кўтарган дўхдон қизининг тўрт газли ҳайқалини ўнг томондан айланиб ўтиб, тўғрига йўналгач:

- Ана, ниҳоят, - деди. - Собит толиқдинлар-а? Шунақа бўп қолди-да, ўғлим... Шахло, чиройингизни очиб ўтиринг. Дам олсангиз, ўзингизга кеволасиз.

- Ярим соатга қолмасдан пиёниста ўртоларингиз ҳам етиб боришар?

- Балки.

- Шу-да. Биз болахомага чиқамиз-у, ётамит... Афтибапарам ҳам бир бало бўлиб кетгандир.

Маҳкам олдкўзгуга қаради. Шахлонинг сур телпаги



пешонасидан пастлаб қошига тушган, кўзлари чўкиб, ала-нечук қаримсиқ бўлиб қолган эди.

- Хар вақтдагидек гўзалсиз, - деди Маҳкам.

- Гапирманг! - сумкасидан олган кўзгучани кўтарди. - Шу билан соламан бошингизга.

- Нима бўларди, ёриларди... Ўзингизга ташвиш ортирар эдингиз!

- Бу одамнинг ҳазиллариям бир совиғ-е... Ёшлигида тили шунақам ширин, момиласи бир бошқа эди... Қарияп-сиз, ўртоқ Маҳмудов! Сочига қара, дадангни!

- Мен ҳам бўясаммикан?

Шаҳло эрининг кафтига муштлади. Кейин:

- Парикмахергаям боролмадим, - деб хўрсинди. -

Ҳой, онангизга нима совға қилсамакан?

28

Марказий кўчага тушишлари билан не бир шошқилиқда таниш-азиз йўлнинг у ён-бу ёнидан ўтиб-қайтаётган одамларга қарар, қандайки таниш учрамасин у билан дарҳол кўришишни ўйлар, илло кейинчалик "Қарамасдан ўтиб кетдилар" сингари ўпка-гина қилишларига ҳам тоби йўқ, шунинг учун шаҳардаги казо-казолар олдида тўхтамасаям, таниш шофёр кўринадими, бир пайтлар мошинасининг аккумулятори ўтириб қолганда ортидан итаришиб юборган фаррошга кўзи тушадими, ё биронта - отасини билгуччи қарияни кўриб қоладими, дарров мошинадан тушиб, сўрашиш - унга одат бўлиб қолган эди.

Шаҳло хиёбонлар ортидаги ойнабанд дўконларга чи-мирилиб тикилар, Собит эса қандайдир қалбаки гурур билан ўзи тенги ёшларнинг кийим-бошига зеҳн солиб бораркан, йўлни кесиб ўтаман деганда - кўрқиб тусланган оппоқ узун кўйлак ва лозимли, дўпписиям оқ чолни кўриб:

- Вей, бўттаям арабча кийинганлар бор экан-де, - деди.

Қарияга завқ-ла тикилиб, мошинани секинлатиб бо-раётган Маҳкам унга етган чоғ тормоз берганини билмай қолди.

- Шаҳло, танидийизми? - дея эшикни шартта очиб чиқди. Шу заҳотиёқ яқин бир жойдан - баланддан таралаётган сўзлар қулоғига чалинди: "Пайгамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳивассалам марҳамат қилдиларки..."

Маҳкам Тошкентнинг марказида бундай радио кар-найидан таралувчи амри маърифни эшитмагани учун: "Бу ер - исломий шаҳарга айланибди", дея кўнглидан ўтказгани ҳолда йўл четида илжа бошлаган кимсага интилиб борди.

- Салом алайкум, Абзал ака.

Воалайкум ассалом, - дея қироат билан бошини эгиб, Маҳкамнинг кўлини олди у. - Хуш кўрдик. Тугилган маконингизга хуш келибсиз... Э, Шаҳлохон ҳам шу ерда эканлар-ку? - Абзал ака турган ерида ҳар иккала кўлини кўксига босиб, "чиқардик-у, чиқишнинг иложи йўқ" дегандай қисналиб жилмайиб турган Шаҳлога эгилди. - Ассалом алайкум.

- Ойнани тушир, - зарда қилди Шаҳло ва ноилож эшикни очиб чиққан ўғлининг изидан сурилди. - Салом, Абзал ака... Яхшимисиз?

- Худога минг қатла шуқур, - жавоб қилди қария тагин таъзим бажо келтириб. - Ўзларингдан сўрасак? Қийналмасдан етиб келдиларингми? Тошкент жойидами?... Э, бу ўғлон ўглингизми дейман, Маҳкамжон.

Шу-шу, - деди Маҳкам ва яна танишлар кўриниб келиб қолишини энди истамай "Мальборо"дан тутатди: уш-ланиб қолса, кейин хотинидан гап эшитиши аниқ.

- Туйда кўрганмида, мундоқкина эди. Йил ўтган сай-ин ёшлар ўсаверар экан-да?

- Ҳайронман, - деди Маҳкам ва ...

...дўстона қулишди.

- Ёшлар яна ўссинлар илоҳим, - деди Абзал ака. - Лекин бизлар ўсмасак ҳам умр ўтапти.

Маҳкам яна қулиб:

- Бироқ сизда ўзгаруш бор, - деди. - Сал қолди тани-май ўтиб кетишимга... Бу ридоми? Жа ярашипти. Соқол ҳам. Оппоқ, нуроний. - Бу тотли сўзлар тилидан чиқаркан, ҳаётнинг жуда тез ўзгараётгани, боз - қарнайдан таралаётган ваъзни эшитаётганини кўнглида тошқин бир ҳаяжон ила қайт эгиб, фақат ўзининггина...

... ҳаётга мослашолмай - ўзгарувсиз қолаётганини

яна тан олди-ю, шу оннинг ўзида: "Буни акс эттирса ёмон бўлмасди, - деди беихтиёр. - Аммо хулосаси қандай бўлади? Ҳамма нарса муваққатлек-а?"

Алқисса, ушбу сафар саргузаштлари тизимига бу уч-рашув ҳам бир маржон каби қўшилганини ҳис этароқ Абзал ақанинг саволига жавоб берди.

- Бир-икки кун бўламиз.

- Ундай бўлса, мен бирон соатдан кейин суҳбатингиз-ни олишга борсам майлими?

Маҳкам сал ҳайрон бўлди-ю:

- Бемалол, - деди.

- Бугун окшомги автовузда ўғлимни кўргани Тош-кентга бормоқчиман.

- А-а, ўглингиз...

- Сал бетоб бўлиб қолувди. Ўзимизнинг Диний Наза-рия Қозисига қарашли шифохонага ётқизувдим. Бир йўла қизимизни кўриб келаман. Хўп. Шаҳлохон, маъзур тутгай-сиз. Йўлдан қолдирдим... Набирам, кир ўтириб ол. Раҳмат. Маҳкамбек, агар ҳалал берадиган бўлсам...

- Ҳалал бермайсиз, - деди Маҳкам кесиб. - Ман кута-ман!

Шу тоб Маҳкам - кесиб сўзлагувчи, дангал бир зотта, аниқроғи, бундан тўрт-беш йил бурунги Маҳкамга айланган эдики, унинг ўша пайтдаги муомала тарзига ўрганиб қолган Абзал ака сомелик билан бош эгиб:

- Қуллук, - деди.

Маҳкам ўша ҳолатда жойига кириб ўтирди ва моши-нани тез ҳайдаб кетди.

Маҳкам шошилар, унинг хаёлини тагин онаси билан дийдор кўришиш манзараси эгаллаган, марказий кўчага кир-ган пайт ҳолатига, яъни, барча таниш-билишлар ила кўри-шиб ўтишдек эски одатига зид ўлароқ маъзур дамда энг қалин дўсти йўл ёқасида қўл кўтарсам тўхтамайдиган ҳолда эди.

"Кўштоғ" ресторани олдида бир тўп йигитларга кўзи тушди. Улар орасида бир кўлини белига, иккинчисини чи-норнинг танасига тираб турган синфдош дўсти - орик, новча, сўконғич ва танги Қуюнни таниди. Ва...

...Мошинани йўлнинг ўртасига олди-ю, шартта қайи-риб, чап қўлдаги тор кўчага кирди. Шу ондаёқ мошина гил-дираклари остидан қўлмак сувлари сачраб, чағир тошлар отила бошлади. \

29

- Қизик, Абзал ака шунақа руҳоний бўп қолганлар-ми? - сўради Шаҳло.

- Йлгариям тақводор эди. Айнақса, ичган пайтларида мозорларда ухлаб қолганини эшитганман. - Сўнг болалар учун болалар ҳақида ажойиб шеърлар битган, Республикада анчагина таниқли бўлган шоирнинг "бу томонга" ўтиб кетга-нига ачинди Маҳкам.

Ачинди-ю, эслади: Ёзувчилар уюшмасига кириб қолганида ҳам соқол қўйган бир-иккита шоирнинг шерикла-рига ҳадислардан ваъз айтаётганини эшитган эди.

"Э, дарвоқе, "Ислом нури" газетасидам бир-иккита носирлар ишлайди-ку... - Сўнгра айрим носирларнинг оддий ҳикояни ҳам "Бисмиллоҳир роҳмани раҳийм", деб бошла-ганлари, тилда ҳам арабий-форсий сўзларнинг ҳаддан ошиқ ишлатилаётганлари-да хотирига келиб, ўша дамларда қандай гижинган бўлса, ҳозир ҳам шундай тиришиб кетди. - Бечора Абдулла Қодирий! Ундай комил мусулмон топилмас... Уям "Ўтган қулар"ни "бисмилло" деб бошласа бўларди-ю, лекин соф исломий руҳда ёзилгани шундоқ кўриниб турибди. "Шом азони айтилаётир..." Шундай бошланади, шекилли... Ана вақтнинг исломий номи. Йилнинг ҳам ҳижрийда ёзади... Ҳа-а, кўрмаганнинг кўргани курсин: булар ҳали - ҳаваскор мусулмонлар, холос..."

Балки Абзал ака ҳам..."

- Ойингиз! - деб юборди Шаҳло. Маҳкам унинг овозида чин ҳаяжону ҳурматни туйиши баробарида халтақў-ча оғзида, янги тушган икки қаватли уйнинг мармар пойде-ворига суяниб ўтирган, эски банорас чопонли аёлни кўрди-ю, борлиғи остин-устун бўлиб кетди.

"Менинг онам, ёлғизгина онам, - деб пичирлади ва шундай бир изтироб вужудини қамрадики, ундан шу маъно-ларни чиқариш мумкин эди: "Мендек режиссёрнинг, ёзувчи-нинг онаси шундай исқирт чопонда бир бойнинг девор таги-



да ўтирса! Бу қандай кўргулик?" - Онажон, омадсиз ўглингизни авф эт... Санга қарашга кўрбим етмай қолди. На чора?.. Лекин сан барибир мани яхши кўрасан. Мана, мани кутиб ўтирибсан, биламан... Телефон қилган захотим ўрнингдан тургансан.

Эй, худо, мен ҳам, бир замонлар келиб, шундай аҳволга тушарманман?

Йўк, мен бу ҳолатга тушмасам керак: йўлим бошқа..." - деди-да, онасига ачиниб кетди: аммо бу ачинишнинг юқоридаги кечинмалар билан алоқаси кам эди.

Маҳкам мошинани тўхтатибоқ чикди. Лойга тойиб, интиди. Она ўрндан турди.

- Вой, болам, Маҳкамжон... Овора қилдим-а, сани... - дея икки қадам босмасидан фарзанд унга етди ва эгилиб-елкасини тутиб, кучди.

- Бардамсиз, онажон? Холингиздан хабар ололмадим... Ишлар кўпайиб қолди.

- Ман ҳамма вақт сизларни безовта қиламан. Кейин ўзим пушаймон еб ўтираман, йиғлаб... Эҳ, келинимиям оп-келибсан-ку, болам? Вой, Собитжон, отиндан айланай... Худди ўзинг-а, Маҳкам? Ўшлигингда санам шундоқ оппоқ эдинг... - она беихтиёр ўглини қувонтириб уларга интиди. Шаҳлонинг чаккаларидан ўпди. Собитнинг сочларини ҳидларкан, йиғлаворди.

Ажаб, Шаҳло эрига нисбатан қанчалар талабчан бўлмасин, мол-пул тилдан тушмай қолган бозорчи хотинларга ўхшамасин, баъзан анчайин бир ҳолат - сўзлар унга чунонам таъсир этардики, кўзларидан милтир-милтир ёш оқар, лаблари эса жилмайиб турарди, ана шунда...

... Маҳкам хотинининг сиймосида асл Шаҳлони кўриб-севиб хузур қилар эди.

Аммо, бундай тансиқ ҳоллар - хонимнинг ойлаб, ойларлаб берган азоблари эвазига этган ҳаляси бўларди.

- Яхшимисиз, ойижон? - Шаҳло юқори лабини қимтиб, кўрсаткич ва ўрта бармоғи билан кўз жиякларини артли. - Мундай... чикиб ўтирибсиз совуқда?

- Вой келинжон совуқ таъсир этар эканми, ўғлим билан келиним, бу ёқда неварам келаётган бўлса... Анавининг овозини эшитдим-у, ўрнимдан туриб кетганимни билмай қолдим... Инонинг-инонманг, дардим ғойиб бўлди-қолди... Адҳам кўймайди денг, чикқани...

- Ўзи уйдами? - сўради Маҳкам ва Жамолиддин берган пулни шундайлигича онасига атади. Сўнг шу қарор таъсирида овози ҳам бир ишонч касб этиб: - Собит, бор, дарвозани оч, - деб буюрди-да, кабинага бемалол кириб, моторни юргизди. "Волга"дек машина кирганда рўпарадан келаётган киши дарвозага қапишишга мажбур бўладиган кўчага ҳайдади уловни ва оҳиста бориб дарвозадан киритди-да, чап кўлдаги - пичан-ғарамига тақаб, моторни ўчирди. Ташқарига чиқиб, ҳовли-боғни шошилмай кўздан кечириш учун сегарет тутатаркан, Собитнинг негадир илжайиб келаётганига кизиқиб, йўлкага ўтди.

Ховуз билан пешайвонли уй орасида укаси Адҳам келмоқда эди. Эгнида янги жинси шим-кўйлак, кўлида "Беломор", кўзи Собит оша-дарвозага яқин қолган онаси билан кеннойсида эди; бирдан Маҳкамни кўриб:

- О, привет тошканлик! - деди.

30

Ака-ука кучоқлашиб кўришдилар. Маҳкам унинг чаккасидан ўпганда, димоғига чучмал ҳид урилди.

- Ҳалиям чекасанми?

- Ну, брат, извени, - деди ука қадоқ босган кифтини очганга кўлини кўксига кўйиб. Кейин бошини эғди. - Битта уринг, ҳисоб тенг бўлади... Уринг-да энди! Кўнглингиз бўшашиб қопти, қариясиз... - Кейин Собитни бағрига босиб, пешонасидан ўпти. - Қалайсан, жиян? Сени-ку охири раббатта опкелиб оламан! Асал аричи бўласан... Бемалол яшайсан. Ўзинга ўзинг хўжайин. Ариларинг у дунёдан ҳам сени ризкингни топиб келилади... - Кейин бирдан хотинларга пешвоз чикди. - Ассалому алайкум, янга мулло!

- Яхшимисиз, Адҳамжон? - деди Шаҳло жилмайиб; у аллануечек босилиб, жайдари тортиб қолган, қарашлари ва юришида шу эрнинг эгаларига хос бир нималар бор эди.

Адҳам унга қўл учини бериб кўришиди-да, юзига фотиҳа тортиб кўйди.

- Хуш кўрдик.

Она Адҳамга ишора қилди.

- Бор, келинга айт, пастки уйга жой қилсин.

- Жой тайёр... Янгажон, кийналмай келдингизми? Бу одам сафарга чиқса, чэпэ бўлсин, деб юради.

- О, бу галгиси шунақа бўлдики, - деди Шаҳло жуда яйраб кетиб. - Нақ кино дейсиз... Мана, жиянингиздан сўранг... Собит бор, сумкани ол.

- Мен ўзим оламан! - Адҳам дарҳол изига қайрилди. - Ҳой, товариш режиссёр, сиз айланнинг боғни. Кўринг биз эккан даракларни. Анави ердаги катакда бир жуфт бўриям бор...

- Бўри? - деди Маҳкам дафъатан ҳайрон бўлиб. Кейин ўзини босди. - Боласими?

- Боласи. Лекин ҳозир кўйворсам, роботни террор қилади. - Адҳам мошинадан сумка билан салафан халтани чиқараркан, бақувват тишларини кўрсатиб иршайди. - У - дикий звер! Билдингизми?

- Кўрайлуқ, - деди Собит дам дадасига, дам амакисига қараб. Кейин ҳушёр тортиб кетган онасига боқди. - Кўрқманг... Адҳам ака, сумкада милтигимиз ҳам бор.

- Э, эшон берган кўшоғизми? - деди Адҳам акасига. - Ман уни йўқотворгансиз, деб юрардим... Яхши. Мана, онажонимиз ҳам: "милтиқ - эр йигитнинг ҳамроҳи", дейдилар... Хе, онагинам-е, бизни ғалати тарбия қилдингиз-да... Хўп, кетдик. Мошингага тент ёпиб кўяман. Шопирлик давримдан қолган биттаси бор. Мошина олсам, ёпаман, деб орзу қилар эдим, мошинаям осмонга чиқиб кетди. Ака, "Волга"нгиз тихирлик қилмаяптими?

- Ў-хў, - деди Шаҳло. - Шу-у-да чэпэларнинг бош сабабчиси. Буни алмаштиришга акангизнинг кучи етмаса... Ойижон, мошинаям қимматлаб кетди.

- Ҳа, ҳамма нарса қиммат, келинжон. Ишқилиб, бошларинг омон бўлсин. Мол топилади... Сабр туби - олтин, дер экан машоийхлар. Худога шукур, юртимиз тинч. Президентнинг умрини узун қилсин...

- Президентнинг битта дуоғўйи бўлса, шуям - онам, - деб жилди Адҳам. - Номоздам алқайдилар... "Эй, охирини кўрайлик. Қачон бу ҳаёт ўнглаиб кетади. Шундан кейин катталарга баҳо берилади", дейман. Йўк.

- Президент тинчликни сақлаб турибди, шуниси муҳим, - деб гапга аралашди Шаҳло. - Одамларимиз бемалол чет элга чиқиб келишяпти. Виза олиш - проблемамас... Қолбуки, кўп республикаларда одамлар кўчада юришдан кўркишали.

- Бу гапингиз тўғри, - деб кўйди Адҳам ва олдинга боқиб, бақириб юборди: - Хў, жамалак! Бу яққа чиқсанг-чи, янгам келдилар! Юки бор бечоранинг. - Кейин қаҳ-қаҳ отиб кулди. - Мана шундай қилиб, яшаб юрибмиз-да, акамулло! Кадрни кўпайтирамиз, арини кўпайтирамиз...

- Адҳам ака, бўри катта ётибди? - дея унга етишиб олди Собит. - Кўрайлуқ.

- Кўравуз, кўравуз, жиян. Хў ўтда ётибди, - деди Адҳам Собитнинг мақомида.

Ниҳоят, айвонда ранги ўнгиброқ кетган қора духоба нимчаси нимпальто каби қаппайиб турган келин кўринди.

Шаҳло олдинроқ зинадан чиқиб, уни катта овсиннинг ҳомийлиги барқ уриб турган бир ҳаракат билан эгнига қоқиб кўришиди ва чаккаларидан ўпган бўлди.

- Тузукмисиз, келин? - деб сўрашди Маҳкам унга деярли қарамай. - Лекин сизларга катта раҳмат.

- Нимага, нимага? - деб дўқ қилди сумкани ерга кўйиб, эшикни очаётган Адҳам.

- Энди, онамга... ман, Шаҳлохон қарай олмасак. Меҳмондай келиб кетамиз.

- Фақат тез-тез келиб турсаларинг, бас! - деди Адҳам яна тишини кўрсатиб. - Раҳмат эмиш... Ҳей, режис-сор... Мана, бола туғиш қанақа бўлишини энди билаяпмиз.

- Бўлди, кўп алжманг, - деди келин. - Тортинг уйга. Опажон, киринг... Ҳозир печкага кўмир соламан, уй исиб қолади. Биз кеча кутувдик.

- Кеча... - Шаҳло ўзича, аммо барчага сезиларли қилиб, пиқиллаб кулди.

31

Маҳкам остона ҳатлаб меҳмонхонага кирган чоғида паршонҳол эди, боиси: кўз очгани маконга қадам босиши ҳамон ихтиёрсиз бир тарзда кўзи тушган нарса борки -



кўнглида қайт этиш билан бирга ундаги анчагина ўзгаришни ҳам қайт этарди.

Меҳмонхонага киргач, боягина бу ердан чиққан эди-ю, қайтиб киргандек бир ҳолга тушиб, ёлғиз дераза қошидаги юмшоқ креслога чўкди. Ва бошқаларнинг ҳам - бири дивандан, бошқаси кўшни креслодан, яна бириси стол қошидаги стулдан жой олишини кутаркан, жиҳозларга эътибор қилди: сервант пайдо бўпти (тўрдаги деворни энлаб турибди). Ичида ўша гиж-гиж пиёла-чойнак. Болалигидан унга таниш - таги билан ўтказиб қўйиладиган сазан балику чавақларнинг чинни ҳайқалчалари бу идишлар орасига тушибди - билинмай кетибди. Икки четида тешик қулоғи бор лаган, тоқчанинг тўрида: деворга илиб қўйишсаям бўларди. Дивану креслоларга сирилган яшил мовит "қир бўлмасин", деган маънони англашиб турибди.

Диван олдига қўйилган узун столда ҳар нав ширинликлар. Аммо, кичик-кичик тақсимчаларда.

- Омин, - деб қўлини фотиҳага очди она. - Кексаларга имон бер, ёшларга умр, инсофингни дариг тутма. Мусофир юртларда юрган Маҳкамжоним, Шахло келиним, Собит неварамни ўз паноҳингда асра, худойим.

- Оллоху акбар!.. Жамалак, чой! Шошма... Ёки дастўни опкелсинми, янга? - деди Адҳам.

Шахло жилмайди.

- Ташқарида умивальник бордир?

- Албатта!

- Бўлмаса, Собит, - эриниям қўшиб мурожаат қилди

Шахло. - Сизлар ташқарига чиқиб бироз айланиб келинлар. Унгача биз... Ман уст-бошимни алмаштириб олай...

Маҳкам дик этиб ўрнидан турди. Собит ҳам унга эргашиб чиқаркан:

- Дала, бўрини кўрилу-ук, - деди.

- Кўрамиз. - Маҳкам ўзининг ҳам ювиниб (кийиниб эмас, бошқа энгили йўк) олишини дилига тутиб, айвонга чиқди. Ва шипининг пастлигиданми, ўзини йирик сезиб, томлар-дарахтлар оша, дарахтлар учларига қарадию, паст тушгач, кўнгли суст кета бошлади: ана ҳовуз, қари толнинг ёлғиз шохи қолибди, қайрағоч буталари кўпайибди: булар жуда секин ўсади, вояга етгунича ким бору ким йўк...

Ҳовузнинг у ёғидаги шоҳсупага кўзи тушиб, бирдан жилди. Орқадан келган Адҳам:

- Ака, ҳаво яхши! - деди. - Шу сарҳовузга жой қилайми? Чопонгинани ёпини-иб...

- Қил.

- Жиян, назад!

- Айтмоқчи, бўринг қаерда? - сўради Маҳкам.

- Дада, бирга кўровуз, - деди Собит.

- Хўп.

Аммо тирик бўри билан юзма-юз келиш унинг қалбида...

... бир босиқ ғулу кўзгай бошлади. Шоҳсупадаги тўрт тарафи очиқ шийпонга чиққанида эса, хаёли шимолдаги тоғларга оғиб, кўнглига чўкиб қолган аламли бир хотира ёдига тушиб кетди. Кунтегмас деган камар усти-шўр булок бошида дўсти Қуюн ва Камрон билан "Газик" мошинанинг шамолпана томондан солинган тўшақда ширин уйқуда ётишганда, мунгли бир фарёддан уйғониб кетишган эди.

Қуюн унинг - бўри экнини айтди-да, милтиқни оласолиб, ўрнидан турди.

Шунда ҳақиқатдан ҳам бўрининг увлаши эшитилди.

Кеч куз эди. Йирткичларнинг қорни тўк, бўрининг увлашига эҳтиёж йўк эди: бу йирткич кишининг қирчиллама кунларида улаганида ҳам ё шеригини истаётган бўлади ёки бошига бир фалокат тушганидан фарёд чекаётган бўлади. Тўғри, бу ҳайвон баъзан зерикиб ҳам увлайди, ҳатто қорни тўк, қайфи чоғ онларда, хусусан, қорли, ойли тунларда роҳат-фароғатдан ҳам увлаб юборади.

Бирок, милтиқли-мошинали (демак, темирли) "маҳлук"лар яқинда туриб увлаши...

Шу пайт камар тубанидаги ён-бағирдан шалдур-шулдур товушлар ҳам эшитила бошлади-ю, кейин бир инграш, сўнгра итга ўхшаб ғапшинишу темирнинг, ҳа, темирнинг тошга урилган саси келиб, дўстлар англашди: қопқонга тушган бўри у! Балки қопқонни судраб кетаётгипти.

Маҳкам ҳам милтигини олиб, жарлик лабига борди. Қуйига қарашди.

Ва тонг бўзарганда бўрини отиб олишди-ю, Маҳкам унга...

... қарамади: номардлик бўлди, қонга беланган, озод бўлганида бир ҳамлада бу учовлонни ҳам тилка-пора қилишга қодир баҳайбат йирткич ночорликда тикилиб тураркан, пешонасидан отишди.

Умуман, бу иш тўғри бўлган эди, илло уни ортиқча азобдан қутқаришган эди.

Бирок занжирбанд паҳлавонни, унинг шу аҳволдан фойдаланиб, шундоқ ёнига бориб отиш...

Маҳкам ўша манзарани қачон эсламасин, ўзини номард-нокаслик қилган бир кимсадек туяр, хижолатдан эзилар эди.

У шийпон панжарасига ўтирди ва юрагини тўлдирган изтиробни тезроқ чиқариб юбормоқчи каби сигаретни тез-тез тортиб, пуфлай бошлади. Ва иттифоқо ўзини ҳам ўша ночор йирткичга ўхшатди-ю, нимаси ўхшашлигини билиб олиш учун ўйлай бошлади: "Унинг бир оёғи қопқонда эди... Менинг ҳам оёғим..."

Ҳа, ҳарқалай, ўтмишда қолди: ахир, ўтмишим - ўша пионерлик, комсомоллик йилларим (жаннатга кирамиз деган каби) "коммунизм қурамиз!" шиори остида ўтди ва қолиб кетди... Ман уни қандай унутай, йўк, қандай ўчириб ташлайин ҳаётимдан?

Эндиги ҳаёт, йўк - эртанги ҳаёт - "коммунизм" эмас, табиий, "жаннат" ҳам эмас.

Нима у?

Дарвоқе, чин суфийларнинг жаннатни орзу қилишмагани факт-ку! Ва дўзахдан ҳам кўрқинмаган.

Ҳа-ҳа, улар Ҳақиқатга, Ҳаққа етишга интилишган, холос. У ёғи Аллоҳга ҳавола...

Бу қандай мезон?

Камолот чўккиси.

Тўғри, улар бундай бўлиши учун ҳаракат қилишган... Бирок табиатларида ҳам шунга эҳтиёж бўлган-да?

Нималар деяпман?

Қаёққа улоқиб кетдим?

Демак, шундай улоқишга...

... Манда ҳам эҳтиёж бор. Бор! Акс ҳолда суфизмга қизиқишни менга ким қўйибди?"

32

Йўғон симтўр орқасида, уч томони тахта билан тўсилган катакда, алҳол қафасда ўртгача итдек келадиган, орик, эпчил, кулранг икки бўри бир сония ҳам тинмас (ўзларини томоша қилаётган икки оёқли маҳлукларга парвоям қилишмасди), нима учундир нари-берига тез-тез бориб-келар ва чамаси, чиқиб кетолмасликларини билганлари учун бирон жойни тирнаш ёки тушмуқ суқши ҳаёлларига келмас, шу зайл - мугассил юришдан бир нарса топширадигандек эдиларки, бу ҳайратомуз ҳол киши кўнглига кўрқув солар, ҳайратдан бакрайтириб қўяр эди.

Қўлларини тиззаларига тираб-энкайиб томоша қилаётган Маҳкам:

- Неча ойлик бўлди? - деди.

- Олти ойлик! - аёлларнинг ёнида "Беломор" тутатиб турган Адҳам жавоб берди. - Опкелганимда, кўзи энди очилган эди... Уясини кавлаб олганим йўк! Асалга алмашдим... Битта искирт овчи бор. Тоғда, телпагига бутуқ қадаб, индейсларга ўхшаб юради. Ўша топган экан уясини... Тўрт метр чуқурликда экан. Уйига опкелганидан кейин отаси билан онаси ҳидини олганми, кишлоқни террор қила бошлади. Бузоқларниям гажиб кетибди. Шунинг дарагини эшитгандим, қутиларимни қўяётсам, овчининг ўзи келиб қолди. "Асалчи бобо, салом", деб...

- Қолгани қани?

- Сотдим. Тўжкизта эди, биттаси ўлди. Кейин туғилгани ўлади: нимжон бўлади. Акалари билан опалари овқат едирмайди. Ваҳший-да, кеннойи, ваҳший! - Адҳам сал олдинга ўтиб, дарчанинги илгагига қўлини юборди. - Очайми!

- Вой-вой! Утинг бу ёққа! - ҳокимона, яъни Адҳамга буйруқ беришга ҳадди бор янганнинг овозида деди Шахло. Кейин синиқ кулди. - Тинч урайлик... Ўзи, кеча қобонларнинг ичидаям бўлдиқ ҳисоб. Бу жонимиз фойдага қолган.

- Ўзи, ҳийла чепалар бўпти, - деб қўйди Адҳам. - Всё. Томоша тугади. - Хотинига уй томонни кўрсатиб кўзини қисди. - Энди, боғни томоша қилиб, шийпонга ўтасизлар... Маҳкам ака, ёнғоқни кўринг, кўпайтирдим ғалвирақдан.

- Ҳа, - деб қаддини кўтарди Маҳкам. - Буларинг кўп



овқат эса керак?

- Ҳар куни азонда жиянингиз қушхонага бориб, икки челақ ичак-чавоқ опкелади... Ҳе овқатланаётганда ваҳший бўлиб кетишади, ака? Бир-бири билан талашиб ҳам қолади.

- Йирткич-да... Лекин ҳар қандай ёввойи ҳайвонниям қафасда асраш - безнравителлик. Ман шу, шунақа манзарани кўрсан, тоғдаги бир воқеа ёдимга тушади.

- Копқонга тушган бўрими?

- Айтган эканман-да.

- Бизгаям юз марта айтгансиз, - деди Шахло ва келиннинг билагидан ушлади. - Жилдикми?

- Ҳа.

- Жамалак, олдин қовурдоқ! - деди Адҳам ва юмшаб, қўшимча қилди: - Ҳомилали аёллар қанча кўп ҳаракат қилса, шунча яхши бўлармиш.

- Ҳе, тажриба ўтказганга ўхшаб гапирасиз-а, - деб кулди келин.

Ҳатто Собит ҳам тескари қараб кулди. Маҳкам эса, гоят завқланиб кетди: "Қандай самимий ҳазил... Адҳамнинг кўполигим ўзига ярашади.

Ҳе, шунинг бориға шуқр. Онам бечорага қарайди. Ётиш-туриши бор...

Айтмоқчи, нега унақа туш кўрдим экан? Таъбири бари-бир яхши эмас... Балки чалқанча ётиб қолганимда кўргандирман?"

Шунда Шахло кулгидан тўхтаб жамоадан сўради:

- Бунинг терисини жуда мақташади. Итнинг терисидан фарқи йўқ-ку?

- Ҳозир терининг сифати паст, - тушунтира кетди Адҳам. - Бирон икки ойдан кейин оп-поқ, пух-лий бўлади... Шароитта мослашади-да, кеннойижон! Қорға мослашади. Мослашмаса, ўлади, овчиларнинг кўзига ташланади. Умуман, барча ҳайвонлар шундай...

- Ҳим, ҳайвонлар дуруст экан, - деди Шахло. - мослашмаса...

- Тўғри айтасиз, - деди Маҳкам. - Чунки уларда табиий инстинкт шуни талаб этади.

- Воҳ, онгли бўлиб, мослашолмаётган одамларга нима дейсиз?

- Манимча, онгли бўлганлари учун мослашолмаяпти, - жавоб берди Маҳкам.

Бу икковлоннинг гапи Собитдан бўлак - анавилар учун мулақ тушуниқсиз эди.

- Бўпти. Кетийлук, - деди Собит шошилиб. - Адҳам ака, буларнинг териси шу ҳолдаям қиммат-а?

- Қанешни! - деди Адҳам уларга йўл бериб. - Пўстининг бўлмаса, бўри пўстинлига яқин юр, дейдилар. Бунинг маъноси шулки, жиян, бўрининг жуни туянинг жуниданам иссиқ бўлади... Понятно?

Шунда Маҳкамни бирданига йўтал тугиб қолди. Бу гал унинг ўзи ҳам хйрон бўлди: зеро ичида - ўнг тарафи оғриб кетган эди.

"Тавба, шамоллаганга ўхшамийман, - дея бурнини тортиб кўрди, - Нормальный..."

33

Маҳкамнинг йўтали, айниқса, Шахлони ҳушёр тортирган эдики, кейин у Адҳамни имлаб ҳовуз томонга жилди. Ва Собит ҳам дадасига қараб олиб, улар кетидан кетди. Маҳкам, табиий, улар бари ўзининг ғамини емоқ пайида эканларини сезиб мамнун бўлдида (ҳарқалай, хотини уни ўйлайди), беихтиёр бедапоя пуштасидан юриб, қурий бошлаган қари ёнғоқ остига борди. Борди-ю, шу дарахт қулларига яраган вақтлар эсига тушиб кетди: отаси камоқда экан...

...у кишининг бир-икки маорифчи дўстлари пасткам кўчалардан ўғриориш қилиб келиб ташлаб кетгани тугунчадаги суви қочган обинону пряникка қўшимча озук бўларди шу ёнғоқнинг қора-жигаранг мағизлари...

У шундай ўйлар оғушида эса-да, қандайдир пинҳона ҳис билан атрофни ҳам кўриб, нималарнидир-да дилида қайд этиб тураркан, ҳовузнинг у томонида пайдо бўлган арвоҳдек кимсананг:

- Мулло Адҳам! - деган чақирғи оғзидан чиқар-чиқмас, уни таниди.

- Э, Абзал ака! Келин! - деб сарҳовузга йўналди. Ҳовуздан сув оқиб чиқадиган жойга етганда, Абзал ака

билан юзлашди ва кўлидан тортиб, ариқдан ўтказди.

Бу орада:

- Ҳожи бобоман демайсизми-е! - дея меҳмонхонадан чиққан Адҳам ҳам бу ёққа йўналди. - Шийпонга тортишлар!

- Ассалом алайкум, мулло Адҳам. - Абзал ака унга қўлларини чалиштириб қўйиб, таъзим қилди. Кўришгач, хўп сўрашди: Акангиз келиб, хурсанд бўлиб қолдингизми? Биз ҳам хурсанд бўлиб денг, ис олиб келдик...

- Рост билан ҳожимисиз? - сўради Маҳкам ярим жилдий, ярим шўхчанлик билан.

- Алҳамдурилоҳ... - Абзал ака ёқасини чимдиб ушлаб, бахтиёрлигини яширадиган бир табассум ила бошини эгди. - Шундоқ, Маҳкамжон... - Шу пайт кафтида ниманидир қисиб Шахло келиб қолди-ю, Абзал ака тиловат оҳангига унга гапира кетди: - Шахлохон, ўзбекка кўлнинг учини берсанг, тубини ушлайди, деган гап бор. Ўша ўзбек - мен бўлман. Яъники, зиёратчиларга келдим.

- Вой, жуда яхши кипсиз-да келиб! - артистона жилмайиб деди Шахло.

- На чора? - Абзал ака шундай мўлтираб қарадики, йиғлаворишига оз қолди. - Бу ерда ҳамфикрлар йўқ ҳисоб... Тўғри, туғилган юртимиз шу, Навоий ҳазратлари айтганларидай - "Ҳири, яъни, Ҳирот беҳиштдан яхши" деганларидай Работ бизга онадек азиз-у, маслакдош бўлмаса, қийин экан.

- Ҳа, энди Тошкент - бошқа, - деб чайналди Шахло. - Қани, марҳамат... Ҳов, жаноб мезбон, дастурхонга таклиф этмайсизми меҳмонни?

- Юринг, Абзал ака.

- Мана буни ютинг.

- Нима бу?

- Ичинг. Йўталвотти-ю, нима бу дейди яна! Ўпқангиз шамоллаганга ўхшайди.

- Раҳмат.

Шунда Собит чой олиб келди. Шахло ҳам меҳмонхонадан чиқариб қўйилган стол ёнидан жой олди. Абзал ака имомлигига фотиҳа ўқилди.

Кейин Маҳкам чойни шопирар экан:

- Шахло, Абзал акам ҳажга бориб кептилар, - деди. - Алламаяписизми, Абзал ака?

Меҳмон қийналиб илжайди.

- Шахлохон, эрингиз ҳамма вақт бўлари гапни айтадилар, - деди. - Шунинг учун яхши кўраман... Ҳолбуки, айрим одамлар бу кишини тушунмайди...

- Ман ҳам ўшалар жумласига кирсам керак, - деди Шахло ва Абзал ака мазза қилиб кулди. Кейин фавқулодда шундай жилдий тортиб сўз бошладик, биров жилла шубҳа билдирса, додлаворадиганга ўхшар эди.

- Аллоҳга минг-минг ҳамлар бўлсинки, пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васалламнинг қабри муборакларини зиёрат қилиш каминага насиб этди. Катба-туллони кўрдим. Йиқилиб, йиғлаб, барча гуноҳларим учун тавба қилдим... - Дарҳақиқат овозида йиғи саси эшитилди.

Ва, чамаси, ўзи ҳам бу ҳолдан мутаассир бўлиб, давом этди: - Биз - ўттиз бир нафар мусулмон эдик. Тошкандан тўғри Саудияга учдик...

Маҳкам у кишига чой узатди. Ҳожи пиёлани столга қўйиб, Жилдадан сўнг қаёқларга боришгани, у ернинг об-ҳавоси, фавворалари, Арофат тоғига сафар ва ундан қайтишда шаҳид бўлган бир шерикларига "етганда", Маҳкам толиқди: илло ҳажга бориб келган кишилар билан учрашгани борки, улардан шу тафсилотларни эшитар эди.

- Кечирасиз, гуноҳлардан фориғ бўлиб кетдим, деб ўйлайсизми? - сўради Маҳкам мумкин қадар у кишининг ҳамиятига теғмайдиغان қилиб.

- Ҳа, шундан гапиринг, - деб қўшди Адҳам ҳам жилдий тортиб.

- Энди, мулло Адҳам, у ёғи ўзига ҳавола, - деб мунғайди Абзал ака ва қониқарли жавоб берганидан қаноат топиб, кулимсиради. - Сен ҳам бир бориб келсанг бўларди... Ҳарқалай, ўзингга тўқсан, пулинг бор.

- Э, гап пулдами, - беписандлик билан деди Адҳам. - Ахир, гуноҳларимиз жуда кўп-да, ҳожибобо! Мана шу, айниқса... - Бармоқлари орасидаги папирос қолдигини чертиб юборди. Кейин бирдан қўлини катак томонга чўзди. - Анави ҳайвонни тутқинликда сақлаш ҳам гуноҳ... Нима дедингиз, таксир?



Тақсир илҳомланиб кетди.

- Нажмиддин Куброми ё Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратларимикан бир боббондан олма ҳарид қилиб уйга келсалар, бир олманнинг бандида бир чумоли ўрмалаб юрганмиш. Ҳазрат унга бағоят ачинибдилар-да: "Сенинг ҳам бола-чаканг, ризк-рўзинг бор. Аллоҳ берган умрга завол бўлмайин", деб чумолини кафтларига қўйиб ўша бобгоннинг уйига йўл олибдилар...

Собит анқайиб турар, Адҳам ҳамон жиддий эшитмоқда, Шахло сезиларли бетоқатлик билан чақилган ёнғоқ қобиғидан мағзини ажратар, Маҳкам...

...уларнинг-да ҳолатини англаб-кузатиб ўтираркан: - Буни эшитганмиз, - деди бирданига. Ва кечирим сўрамай давом этди. - Бу, маблаг масаласи қандай бўлди? Ё текинга оборишдими сизни?

- Ҳа, шу ёғидан гапиринг, - деб эрини қўллади Шахло иттифоқо сергақлиб.

- Текинга, - пинак бузмай деди ҳожи. Кейин ҳам овози ўзгармай изоҳ бера бошлади: - Мен "Исломи" газетасининг шахримиз бўйича махсус муҳбири ҳисобланаман. Мақолаларим чиқиб туради. Шеръ ёзишни ташлаганман...

- Нима?!

- Шеръ ёзишни ташлаптилар! - тушунтирган бўлди Шахло ва илова қилди: - Шеръдан топиладиган чой-чака, билмадим, аптовуз билетига етармикан.

- Гап унда эмас, келин, - эътироз билдирди ҳожи. - Гап шундаки, мен кў-ўп беаъни шерълар битганман: пионерлар ҳақида, камсамоллар ҳақида.

- Хўш? - деди Маҳкам хўмрайиб. - Нимаси ёмон экан ўша шеръларнинг?

- Мен ўзим билмаганим ҳолда мустабид тузумнинг сиёсатини оқлаган-ёқлаган эканман.

- Қизиқ! - деди Маҳкам оёқларини чалиштириб олиб. Ва Адҳамга маъноли тикилиб қўйди. Адҳам тез фаҳмлилик қилиб англадики, ақаси даврани қизитадиган нарсани сўрапти. Бош иргаб, "Бир минут" маъносида бармоғини кўрсатди. - Абзал ака ман битта нарсани тушунмайман! - тутоқа бошлади Маҳкам. - Йўлда тупрокқа беланиб ётган бир ҳовуч пахтани симёғочдаги яшикка солиб қўйган пионерни мақтаган бўлсангиз, яхши-ку бу?.. Сизнинг шундай шеръингиз ҳам бор.

- Бундай шеръларни ҳам кўп ёзганмиз.

- Ҳафа қилмасам, болаларга ёзган дярли барча асарларингиз шунақа фойдали мавзуларда эди... Нега энди улардан воз кечасиз?

- Шундоқ бўлди, - деб мунгли бош иргади Абзал ака. - Бунинг асосий сабабига келсак, Маҳкамжон, - гапига ишониларини жуда тилагани учун "Маҳкамжон" дегани ҳаммага етди, - оламда энг олий мақом китоб ҳам, дарслик ҳам қўлланма-насихатнома ҳам, Аллоҳ шохид, Қуръони карим эканига ақлим етди. - У киши иттифоқо кизариб-бўғилиб кўзларини жовдиратди. - Қуръони карим, - деб тақрорлади яна.

- Ҳим, бу яхши. Қуръон - китобларни китоби, Аллоҳнинг сўзи, - тасдиқлади Маҳкам. - Лекин Қуръон ҳам, Худоям шеръ ёзишни ман этмайди-ку? Кечирасиз, Қуръоннинг ўзиям шеръий йўлда-ку!

Адҳам бу гапни илк бор эшитгандек ва бу гапда бекиёс чуқур ҳақиқат ётгандек кўзларини олайтирди. Собит ҳам мунгайиб-чўкиб тикилди даласига.

- Да, кстати, - деб қўйди Шахлоям эрини ифтихор қилганини яширолмай.

- Бу - бошқа масала, - чекинмади ҳожи. - Гап шундаки, мен қолган умримни товба-тазарру билан ўтказишга аҳд қилдим мулло Маҳкам. Бу деганим, кечаги яшаш тарзимдан буткул воз кечдим, шариаат қоидалари бўйича умргузаронлик қиламан, ўқийдиган ёлғиз китобим - Қуръони карим бўлади, - деганимдир... Кейин бирдан дадилланиб, давом этди: - Дарвоқе, мактаб очдим болаларга. Ҳа, етмиш яшар чоллар ҳам қатнаётир, етти яшар чўжуқлар ҳам бор. - Ниҳоят, асл табиатига хос китмирона жилмайди. - Так што, ёшларни тарбия этишдан қолганимиз йўқ.

Маҳкам жилмайди ҳам.

- Балки шеръ китобларни ўқиманглар, фақат Аллоҳнинг сўзини ўқинглар, деб таълим бераётгандирсиз? - Сўнг ўзини тутолмай қолди. - Эй, Абзал ака, мундоқ одамга ўхшаб гаплашайлик! Хўпми?

- Ҳозир ўхшамаямпизми?

- Билмадим... Ман сизни таний олмай қоляпман... Ахир, мана бу қаллани, унинг мағзини - ақлини нима учун берди Аллоҳ тасоло? Нима учун?

- Ҳай-хай.

- Нима, "Ҳай-хай?" Сизнинг фикрингизни давом эттирсак, умуман, шеръиятни инкор қилиш керак!

- Йўғ-е, мен фақат ўзим ҳақимда қайғуряпман-ку, Маҳкамжон. - Кейин қутилмаганда кўзига ёш олди. - Кечаги пианиста эди акангиз, эсингиздами? Биласиз, мазорларда ҳам ётиб юрардим... Хайрият, ўша кезлардаям ўзимдан уялар эканман. - Сўнг яна пикиллай бошлади. - Хотинимдан ажралдим. Ўзига минг қатла шукурки, фарзандларим қобил чиқди. Онасига қараяпти. Ўзим ҳам ўқтин-ўқтин Тошканга бориб келаман. Аммо эгажга кўтарилмайман... Мен гуноҳга ботган бандаман. Мана, бўғзимгача ботганман...

- Бўпти, тушунарли, - деди Маҳкам. - Чойни ичинг... Мундай десангиз, бошқа гап.

Абзал ака энди қартанинг бошқа томонини қўйди: қадим шеръиятимизни бемалол улуғлай кетди ва...

...ўтган сўфийларнинг ҳам аксари шоир бўлганлар, ўз тарихатларини шеръда баён этганлари, пироварди, бу ҳол Юнонистон шоирлари-ю олимларига ҳам хос экани ҳақида гапирар экан, бошқаларда қизиқиш сўнгмагани ҳолда МАҲКАМ зерикди. Айни чоғда суҳбатни тагин бир босқич баландга кўтариш фикри туғилди-да, шахд билан ҳожининг сўзини бўлди:

- Ҳали Навоий бобонинг бир сатрини айтдингиз. "Жаннатдан Ҳирот афзал" дейилганми?

- Ҳа, - деди-ю, бошини эгиб қолди ҳожи. Сўнг хўрсинди ҳожи. - Мен шунчаки...

34

Шунда Адҳамнинг хотини чинни лаганда ҳовури чиқиб турган қовурдоқ кўтариб келди. Адҳамдан олдин Шахло ўрнидан турди.

- Вой, Ойгулжон-е, овора қилиб қўйдик-де... Тошкентга бориб, ўзим хизматингизни қиламан.

- Отажон, шундай деманг... Ҳой, ҳадеб ўтираверасизми? Ҳеч бўлмаса, гуручини солинг.

- О, зирваги тайёрами? - деб қулди Маҳкам.

- Кеча савзи-пиёзини қилиб қўйганмиз, - деди Адҳам. Сўнг: - Ҳой, ака! - деб бирдан наъра тортиди. - Сиз бизга... кеннойим, Собитжон, ҳатто, мана, бивший пиён ҳожи домляам азизсизлар! Саволлар йўқми? Э, кечирасизлар...

У ўрнидан туриб, хотинини қўлтиклаб кетди. Ва мезбонлик Шахлога теккандек:

- Олинглар, олинг Абзал ака, - деди ўзи бошлаб бериб. Кейин лўқмаси томоғидан ўтмаёқ сўради: - Кечирасиз, қанақасига текин пўтёвка беришди?

Абзал ака енгил тортиб кетиб:

- "Пўтёвка" сўзи ғалати эшитилар экан, - деди. Кейин тиловатта ҳозирлангандек томоқ кириб: - Меҳнат ҳақимга, - дея ўз қадрини топган кишидек сукут қилди-да, давом этди: - Маҳкамжон, "Ислому нури" газетаси анчайин информациям учун ҳам икки пенсиям микдориди ҳақ тўлаяпти.

- Пенсиянгиз қанча?

- Етти юз атрофида.

Шахло кўзларини катта очиб қулди.

- Ман экансиз-ку, Абзал ака? - деди. - Масалан, манинг маошим...

- Тасаввур эгаман, - деб унинг гапини бўлди Абзал Ҳожи. - Гап шундаки, келинжон, бизнинг газетамизга кўп сахий, ҳотамтой бизнесчилардан ҳайриялар тушиб туради. Ана ўшалар ҳисобига қалам ҳақи ҳам баланд. - Шунда бирдан сарғиш тишларини кўрсатиб шўхгина илжайди. - Маҳкамжон бир замонлар сиз бизни қўллар эдингиз... Ҳа, Шахлохон, менга кўп ёрдамлар теккан. Пул берганлар...

Шахло эрига ялт этиб қаради. Эри:

- Қўйсангиз-чи, арзимаган чақалар эди, - деди.

Кейин изоҳлашга мажбурият сезди: - Сигарет пули, вино пули берган бўлсам бергандирман... Бунгаям минг йил бўлиб кетди. - Сўнгра бирдан бўшашиб-чўкиб қолди. Ўзининг ҳозирги аҳволи ҳақида сўзламоқчи эканини фаҳмлаб, дарҳол тилини тийди. Шунга баробар...



...Жамолидиннинг берган пули ёдига тушиб, энди у хотинига ялт этиб қаради: наздида, уни алдагандек, яъни, ўша пулни ўзига сарф қилиб юборгандек туюлди.

Афсус, ўша ерда уни Шахлога... Йўқ, беролмас эди.

Дарвоқе онасига беради.

Маҳкамнинг ўйлиниб қолгани маъносини бехато ("аҳволи эсига тушди" деб) тушунган Шахло ички бир қаноат билан:

- Тушунарли, - дея ёрқин илжайди. - Топганингиз ош бўлсин, Абзал ака. Вақтида қийналиб юрганларингизни ҳақи бу. Бироқ тўйингиз...

- Э, тўйни Жамолидин кўтарган эди! - деб хитоб қилди Абзал ака.

- Жамолидин? - Шахло саволни у кишига бериб, жавобни эридан сўрагандек унга бокди.

- Ҳа, ўша, - таъкидлади чол. - Нима, бирон гап борми, Маҳкамжон?

- Йўқ, йўлда Жамолидинни кўрувдик, - деди Маҳкам хотинига қарамай.

- О-оо, кўп сахий йигит-да, - бол шимгандек деди ҳожи. - Эшитишимга қараганда, у йигитнинг аюлдорлариям кўп бир камбағалпарвар, зиёли одамлар ўтишган экан. Аллоҳ уни ярлақасин. Шейрлари ҳам бир ажиб эди, - деди-да, Маҳкамга бақрайиб қолди. - Айтмоқчи, - деди кейин, - мухбирликдан бўшамоқчиман ука. Бир маслаҳат бермайсизми?

- Нега энди бўшашингиз керак? - Маҳкам ҳам енгил тортиб сўради.

- Мактаб очдим дедим-ку.

- Хўш?

- Оғирлик қилапти, Маҳкамжон. Гарчи ўн беш кунда битта мақола ёзишим керак бўлсам... - У мошгуруч қошларини чимириб, турди-да, мезмонга мўлтираб бокди. - Фаҳимча, сиз шариатдан ҳам, тариқатдан ҳам хабардор-сиз деб ўйлайман...

- Уйламангиз ҳам, шундай, - деди Маҳкам яна аслига қайтиб. Ва устихонни тахсимчага ташлаб, қўлини сочқа артди ва...

...Адҳам олиб келаятган "Распутин" билан "Напалеон"ни кўриб сумрайиб қолди.

- Мен энди турсам... - деди Абзал ҳожи.

- Нимага? - Маҳкам алаңлаб қараб воқеани билди. Хийл хаёллиниб қолди-да: - Да, тушунарли, - деди. Кейин бирдан Абзал акага хужум қилди: - Сизга бир саволим бор. Навоий бобонинг "Жаннат санга бўлсин, Манга майхона керак", деган сатрларини қандай шарҳлаб берасиз?

- Хм, - дея каловланиб қолди чол. - Бу сатрлар, жумладан, ҳали айтганимиз "Хирининг жаннати ризвондан яхшилиги" ҳақиндаги байтлари ҳам мозий маънога эга, деб ўйлайман. Акс ҳолда "Қаъбага ўт қўйсанг ҳам, мўрчани оғритмагил", - деб ёзмас эдилар... - деди-да, бўғилиб кетиб, яна қўшимча қилди: - Колаверса, Маҳкамжон, Навоий бобомиз шоир бўлганлар, холос.

- У киши тасаввуф шоир бўлганлар, - деди Маҳкам. - Яъни сўфий бўлмасалар ҳам, сўфийларга гоят яқин бўлганлар.

Шахло бетоқатланиб:

- Кечирасизлар, - дея ўрнидан кўзгалмоқчи бўлди-ю, айтилаётган гаплардан ҳам муҳимроқ бир "нарс" яна ўтиришга мажбур этди. Ва "кечирасиз"ни оклаш учун кулди. - Жуда мураккаб бўп кетди гапларинг...

- Дарвоқе, ҳа, - деб юборди Абзал ака.

- Начора, - рози бўлди Маҳкам. Ва Адҳамга зарда қилди: - Опкелганингни столга қўйсанг - қўй, қўймасанг...

- Э, Маҳкамжон, - дея яна таралдуланиб қолди Абзал ака. - Биз энди...

- Ну даёте... - хўрсинди Маҳкам ва Абзал аканинг кўзғалишига рухсат берилди.

- Мен кетмасам бўлмайди, - деди тироқ бир товушда: у Маҳкамнинг нафсини кийиб турганидан ҳам хижолатда эди албатта. - Пешинни ўқишим керак. Шоғирдларим билан... - Кейин ўзининг аразлагандек таассурот қолдирмаслиги учун бояғи-жайдари мавзудаги гапини давом эттирди: - Дарвоқе, Маҳкамжон, "Ислому" мухбирлигини кимга берсам экан?

- Сиз ола қолинг, - деб юборди Шахло эрига. - Ўша ҳафталик газетадан қанча оласиз?

Маҳкам бирдан тек қолди эмас, қотди: унинг учун илгари ҳам, айниқса, кейинги пайтда ҳам пул мавзудаги гаплар "аллергия" кўзгар, гап очилиши замон қандайдир "ўтириб" қолар, миясида минг бор хаёл айланар, тўзир ва шу гап бўлаётган даврдан дарҳол йироқлашиш пайига тушарди.

Тўғри, хотинининг бу борадаги гапларига кўниккан ва азбаройи унинг кўнгли учун ўзи ҳам шу мавзуда сўз очиб, Шахлони кўтариброк қўярди баъзан.

Аммо жамоат орасида... Э, воҳ! Аёл зотини шундоқ яратганмисан ё биргина шуни?

Айтиш лозимки...

...оғзидан чиқиб кетган гап қулоғига етмасдан бурун унинг таъсирини эрининг тек қолганида эмас, Абзал аканинг сергак тортгани, Адҳамнинг хўмрайгани, Собитнинг ҳовузга қараб тўнғиллаганидан ҳам англади. Энди бу вазиятдан чиқиши лозим эди, онлар ўтган сайин тилига жўяли бир гап келмаётганидан портлаш даражасига етди.

Шунда яна Маҳкамнинг ўзи жонига ора кирди:

- Анча кам, анча... - Кейин не бир шиддат ила Абзал акага бокди. - Маоши қанча дедингиз?

- Бир ярим минг атрофида... Қалам ҳақи бунга қўшилмайди, Маҳкамжон. - Мавзу изга тушганидан эркин нафас олди чол. - У алоҳида...

Шахлоям йўлга тушди.

- Кечирасиз, путевкани олишга бунақа маошдан... Ахир, икки минг сўм пул ҳам - ҳозир пул эмас. Тўғри, - синиккина жилмайиб қўйди. - Манинг маошим саккиз юз сўм...

- Путевкани менга текин беришди, дедим-ку, - так-рорлади Абзал ака. - Дин, шариат бобидаги мақолаларим маъқул топилгани учун туҳфа қилишди. Йўғасам, - у кишиям шикаста табассум қилди, - бориб келишининг ўзига... яъни учқичнинг паттаси ўзи бир йиллик маошдан баланд экан.

- Гап буёқда денг, - деди Шахло. Сўнг хаёлчан қўшиб қўйди: - Битта ўртоғим Сирияга бориб келувди...

Абзал ака "Сириянинг гапимизга нима даҳли бор экан?" маъносига Шахлога сўмрайиб тикилди-да:

- Маҳкамжон, газетага қизикқанга ўхшаб кетдингиз? - деди.

- Ҳа, - тасдиқлади Маҳкам совуқ бир оҳангда. - Гап шундаки, ман... ижодий ишларим юришиб кетгунга қадар бирон хизматга илбини турмоқчийдим. Шу боис битта ҳафталик газетага қатнашардим. Эшитдинглар, маоши арзимайди. Сизнинг тахлифингиз манга шунинг учун ҳам маъқул келаяптики, махсус мухбир ҳадеб редакцияга қатнайвермас керак?

- Албатта. Ўн беш кунда бир борсангиз, кифоя. Тўғри, материал билан...

- Яхши... А, балки бунинг учун Диний Назария Бошқармасига боришим лозимдир? У ҳолда, мен... қийналиб-роқ қоламан, Абзал ака. Номоз ўқимасам.

- Бу ёғидан хотиржам бўлинг, - деди Абзал ака. - Мухбир этиб тайинланганимда, мен ҳам номоз ўқимас эдим. Бу иш Тошқанда бўлувди... Иккинчидан, Бошқармага боришингиз ҳам шарт эмас. Чунки улар менга ишонадилар. Фақат қарорингиз қатъий бўлса...

- Қатъий деб бўлмас-у...

- О, очик айтувдим... У ерда жуда доно мударрис бор, Шахлохон. Бир неча тилни биладиган, Қоҳира дорил-фунунларини битказиб келган, имони бутун, жуда-аа саводли домлалар бор. Айниқса, битта ёши...

- Кечирасиз, қискароқ қилишнинг иложи борми? - деди Маҳкам ва Абзал ака ўтирганларнинг кутганига зид ўлароқ қулиб юборди.

- Иложи бор.

- Хўш, битта сизнинг тавсиянгиз кифоя қиладимиз?

- Ҳа-а. - Абзал ака олтин тўла хўм топгандек хурсанд бўлиб жилмайди: - Маҳкамжон, у ерда ижодкорларни яхши билишди. Жумладан, сизни ҳам. Тўғри, сиз алоҳида суҳбатга мавзу бўлганингиз йўқ. Аммо кимсан кинорежиссёр ва ёзувчи Маҳкам Маҳмудов мухбир бўлман, деб келанти дейилса, барчанинг мамнун бўлишига имоним комил.

- Кечирасиз, нега энди айна менга маслаҳат солдингиз бу хусусда?

- А-а, ким бор бошқа? Бир ҳисобда Аллоҳ рўбару



қилди бизни...

- Раҳмат... Хўш, энди айтинг-чи, махсус мухбирга уларнинг кўядиган талаблари нималардан иборат?

- Жуда ўринли савол, - соқолини силаб қўйди Абзал ака. - Лекин, Маҳкамжон, сизга кўядиган талаблари, менимча, бошқачароқ бўлади.

- Сизга нима талаб қўйишган эди?

- Ҳим, дини исломни тарғиб этиш, вилоятда бу борада амалга ошириладиган ишлар, масалан, масжидлар қурилиши, диний мактаблардаги аҳвол-руҳия, мақбаралар таъмири... Лекин мен аслан ижодкор эмасмидим, кўпроқ ҳадисларни шарҳлаб мақолалар ёзардим.

- Жуда яхши! - деди Маҳкам чин дилдан. Кейин сигаретдан дуд эмас, ақл олгандай бўлиб давом этди: - Ҳадисларни шарҳлаш яхши... Гарчи ҳадисларнинг ўзи - Қуръоннинг шарҳига ўтса-да.

- Айни ҳақиқат! - хитоб қилди Абзал ака. - Лекин сизни кўпроқ сўфийлик сулуқлари қизиқтиради, дейман? - Шундай.

35

- Хўш-хўш? - деди Абзал ҳожи ҳар қандай мушкул саволга ҳам жавоб беришга шайлик билан (ҳақиқатан ҳам Шахло каби бир аёлнинг дин бобидаги ҳар қандай сўроғига қаноатли жавоб қайтаришга қодир эди у).

- Шу "сўпи" дегани мачитда азон айтадиган кишини? гапларингдан сезиб турибман, унинг бошқа маъносиям борга ўхшайди, - деб сўради Шахло.

Адхам ҳам салмоқ билан бош ирғади.

- Жуда зўр савол... Мен ҳам унча тушунмайман, Маҳкам ака. Гапнинг рости-да.

Маҳкам Абзал акага қаради. У кишининг кўзи Адхам яшириб турган шишаларга яна тушиб, хўрсинди-да: - "Сўпи" - кўп маъноли атамадур, - деди. - Бирламчи, "сўпи" сўзи - суфдан, арабчасига жундан олинган бўлиб, дарвешларнинг туя жунидан тўкитиб-кийиб юрадиган чакмонларига ишоралар.

- Абзал ака.

- Тушундим, - Маҳкамнинг луқмаси билан гапни қисқартира бошлади: - "Сўпи" - "сўфи"нинг бузилган шакли бўлиб, аслида "сўфи" - дунёнинг тагига етган комил инсондур!

- Тўғри, - деди Маҳкам. - Унинг сифатларидан ҳам гапирарсиз.

- Сифатлари - буюк, инсоний ва руҳоний сифатлардурки, уларга эришгандан кейин Ҳаққа етган ҳисобланади. Яъни, Ҳақиқатга қовушадиларким, Бу Ҳаққа етишни аңлатади.

- О, мураккаб шахс экан, - деди Шахло ва "таом совуяпти", дейишига сал қолди. - Хўш, у кишининг қиладиган ишлари нима бўлади?

- Яхшилик, эзгулик, - кўзлари сумрайиб деди Абзал ака (шунақа жўн саволлар одамни гангитади). - Қолаверса, улар ўзларини чексиз машаққатлар ила тарбия қиладилар, не-не устозлардан сабоқ олган бўладиларким, охири бу йўл-йўриқларни ўз шоғирларига берадилар. Шу билан сўфийлик силсиласи давом этади. Афсуски, кейинги асрда.

- Сўфи чикмади, - деди Маҳкам. - Бундан олдинги асрларда-ям минг дарвешдан бир сўфи чикқан, холос.

- Баҳарҳол ҳақ гап! - хитоб қилди Ҳожи. - Тарикат йўли - мушкул йўл!

- Бу йўлда ҳалок бўлиб кетиш ҳам ҳеч гапмас, - илова қилди Маҳкам.

- Как это так? - астойдил ҳайрон бўлди Шахло. - Ким ҳалок қилади?

- Ўзларини ўзлари ҳалок қиладилар, - деди Абзал ака ва Маҳкамга қарамай этдан олди.

- Узр-узр, Абзал ака, - деди Маҳкам жаҳли чиқиб кетмасин учун ўзини босиб. - Ҳеч бир инсон кўра била туриб, ўзини-ўзи ҳалок қилмайди. Онгсиз, яъниким, бирон соатдан кейин нима бўлишига ақли етмайдиган маҳлуқларгина бемалол ўлим сари боришлари мумкин...

Шунда у толиққанини сезди ва суҳбат тезроқ адо бўлишини истаб қолди: жиндек отиб олиб, бу одам ҳақида ўйлагиси келарди...

...бу одамдаги ўзгаришлар: уст-бошию ҳажга бориб келганидан ташқари шарият йўлига тушиб, шериатни ин-

кор қилаётгани, унинг мазкур ҳаётга ўзига хос тарзда "мослашиш" экани унинг ҳаёлидан ўрин ола бошлаган эди. - Кечирасиз, Абзал ака, давом этинг, - деди.

Абзал ака мўлтирабгина:

- Балки ўзингиз давом эттирарсиз? - деди. Аммо Маҳкамда ўзгариш сезмай, илова қилди: - гапнинг қисқаси, айрим сўфийлар шарият чегара чизикларидан ўтиб кетдиларки, Шахлохон, бу хавфли ҳисобланади...

- Яъни, ўлдирилади, - деди Маҳкам.

Ҳожи бошини эгиб қолди.

- Шундоқ. Яъни, бўлиб ўтган ўтмишда. Ҳозир...

- О боже мой! - деди Шахлохон чин ҳайрат билан.

- Сўпини - "комил инсон" девоссизлар-у?

- Ҳа.

- "Комил"ларни ўлдирсалар...

- Шунақа, - тасдиқлади Маҳкам. - Шарият фатво берса, тамом.

- Овқатдан олинглар-е.

36

- Мухбирликка ўтасизми-йўқми? - сўради Шахло эридан.

- Ҳа, шуни айта қолинг, - деди Собит ҳам.

- Лекин ўтсангиз яхши бўларди, - деди Адхам. - Эскичадан хабардор экансиз, мен билмас эдим. - Кейин қилди. - Саудияга бориб келишингиз ҳам...

- Қўлинг толиб кетди-ку, - зарда қилди Маҳкам. - Столга қўй! - Кейин соатига қараётган Абзал акага қараб кулимсради. - Бутун гуноҳи манинг бўйнимда!

- Уф, намоз қазо бўлди.

- Бунинг гуноҳи ҳам манинг бўйнимда.

- Кўя қолинг, Адхамжон! - деб заҳар сочди Шахло. - Акангизнинг ичини еб кетвотти. Ўрганган-де! Лекин ман ҳозир туриб кетаман. Кейин бўкиб ичаверинг...

Маҳкамнинг нафси оғриб: "Қачон ман бўкиб ичган эканман? Нега бу нуқул шундай деди? - деб ўзига савол берди-ю, жавоб йироқлардан қайтди: хотини билан ўзининг ўртасида...

...чамаси, икки йилдан буён самимий суҳбат бўлгани йўқ, фақат озми-кўпми кайф билан келганида, Шахлога уни-буни айтар, шундаям мужмал қилиб айтар, Шахло деярли ҳеч нарсани тушунмай қолар ва кўргани - эрининг ичиб келгани бўларди, холос. - Да, ундан ўпқалаш қийин..."

Адхам "Распутин" билан "Напалеон"ни стол четига қўйди.

Абзал ака бир фурсат ўзича пичирлаб олди-да, илиққина илжайиб:

- Хўш? - деди Маҳкамга. - Режа... Олдин сиз Шахлохоннинг саволига жавоб беринг.

- Ман жавобга ҳозирлик кўряпман? - деди Маҳкам.

- Лекин гапни кўп айлантиряпсиз-де! - деди Шахло.

- Керак. Акс ҳолда редакция овора бўлиб борганим қолади.

- Хўш-хўш? - деди Абзал ака.

- Гап шундаки, шахд билан энгашиб, тиззалари устига оғирлигини ташлаб олди Маҳкам. - Фалон кишлоқда мачит очилди, пистон шарият қонуни бузилди ва ҳоқазолар ҳақида ёзмайман... Буни мана ўғлим ҳам ёзвориши мумкин.

- Ҳа, энди...

- Албатта.

- Ахир, шунчаки маош учун... - Шахлонинг гапи оғзида қолди. Маҳкам дона-дона қилиб гапира бошлади:

- Мен фақат маош учун ишлайдиган... яшайдиган бўлсам, ундай хизматни топардим, Шахло! Табассум қилмасдан эшитинг... Ман мана бу ерим, кўкракми-юракми, мана шу жойим ором топишини ҳам истайман.

Шахло чийишлаб юборди.

- Ундан пастроғини-қорниниям ўйлайсизми?

Адхам гангиб қолиб, қизариб кетган Абзал акага қаради. Собит эса:

- Опа, нага қизишвоссиз? Дадам оч қолдиларми? Редакцияда ишлаваттилар. Ҳафтада бир борсалар ҳам, - деди.

Давоми келгуси сонда





Ислом ҲАМРО

## Мен сенга тасалли бермасман...



\*\*\*

Олис кишлоқ,  
Подақайтарда.  
Йўл бошига чиқади бир қиз.  
Ҳамма қайтар, у кутгани йўқ,  
Подақайдар...  
Яна тикар кўз.

Ярим тунда кўча томондан,  
Бехос ўтиб қолар бўлса ким.  
Шивирлайди ёстикни кучиб,  
“Келди” дейди  
“Келди” севгимим.

Кутгани қайси гўзалнинг  
Тўшагида тош қотиб уқлар.  
“Ишонмагин,  
Унга ишонма!..”  
Телба севги ёлвориб йиғлар.

Қиз севгимас унга ишонар.  
Кутаверар муштоқ, интизор  
“Келади у,  
Келади дейди”,  
Теграсида маъюс ПАХТАЗОР.

\*\*\*

Кумуш - бу туш.  
Отабек - ўтрик.  
Марғилонда ўтмаган улар.  
Қодирий йўқ. Дўслари тирик,  
Ўз халқини сотмаган улар.  
Улар яқин, улар халққа дўст,  
Тош турмада ётмаган улар.  
Ўтмиш - бу тун.  
Отгач янги кун.  
Йиғлар дўстни сотмаган улар...  
Бир сир аён -  
Меҳробдан чаён.  
Чиқиб чақди элнинг юрагин.  
Бирда марддан, бирда номарддан  
Қодирийнинг руҳин сўрадим...  
Тарих - ёлгон.  
Тарих - рижор.  
Раъно - бу туш.  
Анвар бўлмаган.  
Бўлса қани?  
Тарих - жим, сақов.  
Чаёнлари ҳали ўлмаган...

\*\*\*

Юрак бир увишди, бу кеча.  
Тун узоғи оғриди сим-сим.

Бешигинг қушига бошимни қўйиб -  
Ўйладим: “Изимни босарми ўғлим?”

“Бобонг жангари феъл чавандоз эди...”  
Момом бундай эртақ айтган қанчалар.  
Мен оддан қўрқаман.  
Жангарилик йўқ.  
Ўғлим, юрагимда недир санчилар.



Отамнинг оёғи синган еттибор,  
Кўпқари бобомнинг қонидан ўтган,  
Юрагимни бир бор силаб қўй ўғлим,  
Дард нелигин билар, жонидан ўтган.

Тик сўзлик отамга панд берган кўпбор,  
Тергадилар уни, қамадилар ҳам,  
“Сен отанга лойиқ фарзанд бўлдингми?”  
Ўзимдан-ўзим кўп сўрадим болам.

Менинг изим қани?  
Юрагим қақшар...  
Ё изим, ё кўзим йўқ ахир мени.  
На ортда бир из бор, на оллда манзил,  
Ўғлим энди қайга етаклай сени?

Юрак бир гингшиниб қўйди бу кезде,  
Танга оғрик югурди сим-сим.  
Майли мени қўйгин, оёққа қалқсанг,  
Бобомни, бобонгни изин топ ўғлим.

\*\*\*

Мен сенга тасалли бермасман,  
Кўзимда ёш оқмас куйдим деб.  
Узун тун эзилиб қарғайман.  
Юрагим, сен нега суйдинг деб.



Айблаб ҳам билмасман ман сени,  
Муҳаббат...  
Ёлгончи...  
Ёлгончи...  
Узун тун қўйнингга ўзга ёр,  
Мен кучиб ётаман армонни.



Ислом ҲАМРО 1966 йилда Навоий вилоятининг  
Ҳатирчи туманида таваллуд топган. Тошкент Давлат  
Дорилфунунининг журналистика куллитини тугатган.  
Шеърлари жумҳурият матбуотида тез-тез чиқиб  
туради. “Шарқ” нашриёт-матбаа концернида “Тазарру”  
ва “Наврўз” нашриётида “Юрагидан енгилган одам”  
шеърини тўпламлари нашр этилиши арафасида. Айни кунда  
“Туркистон” газетасида бўлим мудири бўлиб ишлайди.





Моҳизул ЎКТАМ қизи

## БЕЖ УША ТУНОЖИМ...

Тунги таваллолар кўрмади амал.  
Бахтнинг илтижоси кечикди, нечун?  
Пушаймон юракни айлайди қамал,  
Сўнгги илинжимга асраб-ла кучин.  
Билмадим нимани кутгандик ўзи,  
Қисматнинг бу янглиғ ўйинларидан.  
Умиднинг кўйлаги яна қирмизи,  
Ҳилпирар Алданмоқ қуюнларида.  
Биз энди барибир кечикдик ахир,  
Бахтнинг чехрасига бир боқмоқ мушкул.  
Кўзларнинг тутгани бунчалар тахир,  
Нечун етганимиз, фақат, сахро-чўл.  
Ғамгиндир оқшомлар, тонглар-да маънос,  
Энди ишонмаймиз Бахт ташрифта.  
Кутиш йўлларида чил-чил синар кўз,  
Чидолмай Айрилиқ бу таърифига.  
Нафратта йўйилар жамики туйғу,  
Дунё тўлиб кетар таъналаримга.  
Чекимга тушади туганмас қайғу,  
Кўникмоқ босилар яраларимга...

\*\*\*

Мен ёлвориб бош уриб келдим,  
Ишқнинг кўзсиз булоқларига.  
Юрагимни майдалаб илдим,  
Ғийбатларнинг илмоқларига.  
Ботдим ғамнинг боткоқларига,  
Бўшатмайин алам тизгинин.  
Номни бердим сотмоқларига,  
Таъналарга қолганда куним.  
Гуноҳим не, билолмай лолман,  
Соддалигим наҳотки айбим?  
Бўёғига энди беҳолман,  
Барчасидан воз кечиб қайтдим.  
Алдовларни кўзёш йиғлоқлар,  
Хотирюртдан амаллаб қувди.  
Кўзларимдан тошган булоқлар,  
Юракдаги номингни юлдим.  
Билмам, номинг қайга йўқолди,  
Ғамлар мени ўғрилаган кун.  
Бор-йўғимни шу бир йил олди,  
Эрта-ю, кеч ичирганча хун.

\*\*\*

Сен ўша гуноҳим, меники ёлғиз...  
Тушим-у, ўнгимда солган қийноққа.  
Юракни кокурса шубҳа - ялмоғиз,  
Бош олиб кетайин, хув олис ёққа.  
Мен Сен деб, о, қанча гуноҳлар қилдим,  
Кечиргин эй дунё, кечир худойим.  
Барг каби саргайиб охир тўқидим,  
Кўзларингда қотгач... Қиёмат - койим.  
Биламан, топганим бўлади дўзах,  
Бир куни барибир сен деб ўламан.  
Сен ҳамон қуласан, о, вужуди ях,  
Шунда сенга боқиб гуноҳ қиламан.  
Кошқийди бир менинг гуноҳим бўлсанг,  
Майлига дўзахий олов меники.  
Розийдим минг бора баргдай тўқилсам,  
Кейин бўлсам эди фақат сеники...



Ғисдувон

Гулчеҳра ШАҲОБИДДИН қизи

## УМИДИМ БОР

Рухиятим, ўтган кунга бермас совиш,  
Чўғлан қалбим, хотирамни этмай гафтиш.  
Ёлғон дунё ўтиб кетар кўргандай туш,  
Отилмаган оқ тонгларда бўлмас ташвиш.

Ёришмаган тонгларимдан умидим бор,  
Кўжаргувчи куртакларда жоним нисор.  
Айтилмаган эртақлар-ла ғамлар бекор,  
Ҳали оппоқ хаёлимда бахтлар бисёр.

Ёришмаган тонгларимдан умидим бор.

\*\*\*

Ёлғон куйни чалавериб куйдимку-ей,  
Умид номли кўшиққа ўт куйдимку-ей,  
Юрагимга сиғолмайин оқиб бориб -  
Бардошларнинг қоқ бағрини ўйдимку-ей.  
Бу дунёда фақат сени суйдим жоним.

Сен тутказган ишқ рубоби синдимикан?  
Боғда сенсиз наволар ҳам тиндимикан?  
Жудоликдан айро қолган бўш тахтинга  
Қаро тунда алвастилар миндимикан?  
Аламлирга дош беролмай куйди жоним.

Гул бағрига қайтиб келгил, келгил баҳор,  
Дайди шамол гул-гунчасин этмасин хор.  
Ўзинг билган илонларнинг қуршовида  
Номумидлик тулпорига миндим-ку, ёр.  
Вафо номлиғ кўшигингни айтгил жоним.

Садоқатинг этагида кўри баланд  
Ўша иблис алвастилар қул бўлсин-ей.  
Бу ҳақсизлик Гулчеҳранга беролмас панд  
Ҳазон бўлган умрларга гул тўлсин-ей.  
Ўзинг билган остонанга қайтгил жоним?!

## ЮР, КЕТАЙЛИК...

Не учундир танҳоликни тусар кўнгил,  
Кўргонига сиғолмайин зорланар ул.  
Юр, кетайлик узоқларга тулпор миниб  
Қайтажакмиз бир кун сувлар окса тиниб.

Оқ тулпорга мингим келди, юр кетайлик,  
Хў, олдинда чўққиларга тез етайлик.  
Қайга боқсам қора рангли шарпалар кўп  
Биз чўққига, окликлардан қуй элтайлик.

О, Юрагим, ярадор қуш, эссиз кўнгил  
Ёсуманлар чангалида сўлиган гул.  
Юр кетайлик мағрур рудинг кўкка олиб  
Қайтмас бўлиб кетайлик юр, бундан буткул.

Неча йил-ки, бағри пора бўлган элим  
Ҳатто унут бунда ўзбек - она тилим.  
Аччиқ ёшдан қуйган қаро кўзим лим-лим  
Окликларнинг сарбони бўл кетдик, дилим.

Жиззах





## Эзгуликнинг ойдin йўллари

(ТАСВИРИЙ САНЪАТДА МОДЕРНИЗМ ВА  
УНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ)

Халқимиз эришган мустақиллик ва ҳозирги замон талаби ёшларни ҳар жиҳатдан тарбиялашда, жумладан, бадиий таълимда янгича ёндошишлар талаб қилмоқда. Айниқса, бу вазифаларни юксак тараққиётга эришган жаҳон халқлари тажрибаларига мослаштириш давр тақозасига айланиб қолди.

Кейинги 130 йилдан ортиқроқ давр мобайнида тасвирий санъат тараққиётида ўта ранг-баранг ютуқларга эришилди, бир қарашда тушуниш қийин бўлган кўплаб рассомларнинг ижод намуналари юзага келди. Имперсионизм оқими жаҳон тасвирий санъатига ана шундай янгича қарашлар олиб кирган дастлабки йўналишлардан ҳисобланади.

1870 йилларнинг бошида франциялик рассомларнинг расмий ҳайъати томонидан асарлари рад этилган ижодкорлар ўз кўргазмаларини Париждаги қаҳвахоналардан бирида ташкил этишди. Бу санъаткорлар ижодида ҳаёт, атроф-муҳит, айниқса, табиатдаги ўзгарувчан ҳолатлар турфа бўёқларда ўз аксини топган эди. Оддий қилиб айтганда, бу рассомлар табиатдаги тез ўзгарувчи кўринишлардан, ҳолатлардан таъсирланганликларини ифодалаганлар. “Имперсионизм” сўзининг маъноси ҳам “таассурот”ни билдиради. Табиатдаги тез ўзгарувчан дақиқалар - қуёш чиқиш пайти, ёмғирдан сўнг, пешин ёки қуёш ботиш чоғи каби турли ҳолат, манзараларни кайфиятдан келиб чиқиб акс эттириш имперсионист рассомларга хос бўлган. Албатта, уларнинг янгича изланишларида ўзига хос мураккабликлар ҳам юзага келган.

Маълумки, анъанавий тасвирий санъат услубларида образ ва буюмларни анатомик аниқликда кўрсатиш талаб қилинади. Имперсионистлар ижодида бундай ҳолатлар бир мунча ортиқроқ туюлса-да, улар тезкорлик билан ишлаш натижасида буни аниқ ифодалаш мумкинлигини исботлайдилар. Очiq ҳавода табиий натуранинг ўзидан сурат чизиш бу рассомларнинг ижодий услубига хосдир. Шу боисдан ҳам бўёқларни ўта ранг-баранг ишлатиш услуби ўз давригача бўлган рассомларга нисбатан уларда ниҳоят даражада кенг қўлланилган. Имперсионизм оқимининг илгор вакиллари Клод Моне, Камил Писсарро, Алфред Сислеи, Огюст Ренуар ва бошқалар ижодида бу йўналиш шаклланиб, йирик бадиий оқим сифатида камол топди. “Фовизм” оқими асосан имперсионизм ва натуралистик санъатга зид бўлган изланиш самарасидир. Албатта, бу рассомларнинг ҳам ўз олдидарига қўйган аниқ мақсадлари бор эди. Унинг илгор вакили ва асосчиси Анри Матис шарқнинг мумтоз мусаввири Камолиддин Бехзод ижодига ҳамда унинг асарларидаги ўта нафислик, бўёқлар тиниклигидан таъсирлангани маълум. Шунинг учун бўлса керак, Матиснинг айтган шундай гапи ҳам бор: “Фовизмнинг асосий йўли, бу - тасвирлашнинг соф, тоза турга чинакамига қайтишидир”. Ҳақиқатда ҳам фовизм оқимига мансуб рассомлар ўз давригача бўлган илгор ижодкорларнинг янгича изланишларига муайян даражада фалсафий ёндошиб, уларни мантикий бир тугаллик билан ниҳоясига етказдилар. Умуман, фовизм оқими рангларнинг таъсирчанлиги ва ижодий эркинлик натижасида юзага келган. Фовизм билан бир вақтда Куббизм оқими ҳам юзага келди.

Жаҳон халқлари санъатида кенг тарқалган замонавий оқим ва йўналишлар бугунги Ўзбекистон тасвирий санъатида қай даражада акс этаётгани ҳақида фикр юритиш санъатшуносликнинг энг долзарб масалаларидан биридир. Ўзбекистон рассомлари ғарб санъатининг улкан тажрибаларини ҳар жиҳатдан эгаллашган. Жаҳон тасвирий

санъат юлдузларига хос анъана, серкирра ва ранг-баранг услублар аллақачон рассомларимиз томонидан таҳлил қилиниб, улар ижодида талқинини ҳам топган. Улар жаҳон санъатидаги ютуқларни ўзлаштирибгина қолмасдан, миллий характер ва услублар билан бойитиб келишмоқда. Бугунги кунда республикамизда халқимиз руҳиятига мос ўзбекона тасвирий санъат мактаби мавжудлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Халқимизнинг тасвирий санъат тарихини ва бугунги эришаётган ютуқларни қайси мезон билан ўлчамайлик, бу соҳада чексиз муваффақият, бебаҳо намуналарга эга эканимиз шах-шабҳасиздир. Бу ўринда буюк мусаввир Камолиддин Бехзод ижодининг таъсир кучи XX асрда Европадаги янги оқимларнинг шаклланишида катта аҳамият касб этганини таъкидлаш ўринли.

Ўз вақтида замонавий реализмда Ўрол Тансиқбоев юксак чўккига, буюк ижодий парвозларга эришган бўлса, Фарғонада туғилиб ўсган Александр Николаевич Волков собик совет даврининг дастлабки йилларидаёқ жаҳон санъатининг илгор анъаналарига хос ҳақиқий санъат дурдоналарини яратди. Н. Волков асарларида чинакам ижодий изланиш, юксак маҳорат, давр руҳи ўзбек халқи турмуши ва табиатига хос хусусиятларда гавдаланади. Бугунги навжирон, пешқадам санъаткорлардан Дамир Рўзиев, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жаолов, Алишер Мирзаев, Акмал Икромжонов ва бошқа рассомлар янгича қарашлар ҳамда изланишлар билан республикамиздагина эмас, аллақачон хорижлик ихлосмандлар эътиборини ҳам қозонишган.

Н.Волковдан таълим олган Дамир Рўзиев ҳайкалтарошликка рангасвир ва графика санъатини уйғунлаштириб ўзига хос муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Унинг ижоди шакл ва микёсларнинг бошқалар ижодидагидан фарқ қилиши, чуқур фалсафий фикрларга бойлиги билан ажралиб туради. Ҳайкалтарош Д. Рўзиев асарларини кузатар эканмиз, у ижод сеҳрини мусиқанинг жозибали оҳанглар олами ичидан топаётганлигини гувоҳи бўлаемиз. Рўзиев жаҳон санъати тажрибаларидан илҳомлана туриб, уларга хос хусусиятларни ҳайкалларда ифодалаш билан бирга ўз дунёси, ўз овозини ҳам намоиш эта олади. Шу зайл у санъат усталари қиёфаларини ҳайкалларга муҳрлайди. Уларнинг маънавий ютуқларини рангасвир орқали полотноларда жонлантиради. Ҳайкалтарош айна пайтда санъатнинг уч турида уйғун ижод қилаётганини таъкидлаш ўринлидир. Дамир Рўзиев машҳур мусиқа усталарининг қиёфаларини ҳайкаллар орқали ўзига хос талқин қилиш билан бирга мусиқа санъати усталарининг ижодига ҳар томонлама теран назар ташлашга эришаётир. У қўшиқ санъати вакиллариининг қиёфасини тасвирлар экан, портрет-ҳайкалларида ўзига хос оҳангдорлик, уйғунлики кўрсатади. Рўзиев улуғ санъаткорлар ижодини ўрганиб, таҳлил қилар экан, мусиқа санъати билан тасвирий санъатнинг уйғунлигини, ҳамкорлигини ифодалашга интилади. Қизиқарли томони шундаки, у мусиқадаги еттита товуш рангасвирдаги камалакнинг етти ранги, шунингдек, ҳайкал яратилишдаги еттита шакл бош мезон эканлигини исботлашга интилади. Дарҳақиқат, ҳайкалтарош топиб ифодалаётган гўзалликнинг бу рамзий белгилари, санъаткорнинг янгича бир оламни астойдил кашф этишга киришганидан далолат беради. Ҳайкалтарош асарларини кузатар эканмиз, инсонга хос олижаноблик, ижодий парвозлар санъатининг қайси бир вакили



бўлмасин, бу вақил дунёнинг қайси қиёсасида яшамасин, у яратётган санъат асарларининг илғор намуналари инсонийликнинг олий мақомларини ўзида мужассам эътиборлиги гувоҳ бўламиз.

Рассом Жавлон Умарбековнинг мазмунан кенг қамровли, композиция жиҳатидан мураккаб асарлари санъат ихлосмандларини ўзига ром этиб келмоқда. Буни боиси шундаки, у санъатни қиёмга етказиш, профессионал тугалик билан чегараланмайди, балки, фалсафий теран изланиш, давр руҳиятига мос мантқиқий етукликни намойиш этишга интилади. Айниқса, кейинги йиллардаги асарларида Жавлон Умарбеков миллий меросимизга, жумладан, амалий безак санъатидаги анъаналарга эътиборини кучайтирганлигини таъкидлаш жоиздир. Санъаткор халқ амалий санъатидаги рамзий белгилар қалитини топиш ва уларнинг сиру асрорларини жонлантириш борасида изланмоқда. Рангтасвир санъатида ўзининг шакл ва рангларини ишлатиш услуби билан бошқалардан кескин фарқланадиган Алишер Мирзаевнинг ижодидан замонавийликка, бошқаларни такрорламасликка чинакам интилиш яққол кўриниб туради. У Европа ва россиялик рассомларга хос анъаналарни яхши билган ҳолда ўзбекона бир характерда ранглар ва шакллар уйғунлиги билан сермазмун композициялар яратади. Алишер Мирзаев асарларида чизиклар ва бўёқларнинг узвий боғлиқлиги, уйғунлигини таъминлаб, халқимиз ҳаёти мазмунини равшан очиб бермоқда. Ўзбек халқининг маънавий қиёфасини, ички оламни яхлит тасвирлар туркумида ифодалашга эришаётир.

Акмал Икромжонов эса авангардчиларга хос анъанани давом эттириб, ўз ишланишлари билан бу йўналишни бойитишга ҳаракат қилади. Бу ўринда унинг “Нигоҳ” номли полотниси диққатга сазовордир. Унда рассом сюрреализм оқимининг буюк вакили Салвадор Далига бўлган жуда катта ҳурматини акс эттира олган. Асарда Салвадор Дали кузатаётган образлардан бири тасвирланган. Ана шу тасвирланган манзарадаги алоҳида инсон образининг юз-қиёфаси мутлақо кўринмайди. У қорамтир рангда, кўллари эса пул санаётгани сезилиб турибди... Бундай ачинарли аҳвол турмушда учраб туриши сир эмас.

Дарҳақиқат, модернизм санъатига доир намуналар XX аср рассомлари табиийлик ва реалликни бошқаларга ўхшатмаган ҳолда талқин қилишга, янгича йўللар излашга, ўзгача мазмун топишга эришганликларини далиллайди. Масалан, бир рассом жазава билан, бошқаси ғайри табиий, рамзий белгилар билан, яна бири шакллар ва ранглар ўйини билан қалб кўри ҳароратини матоларга муҳрлайдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, оқимларнинг ранг-баранглиги қайсидир қарашларни ўрганмасликни эмас, аксинча, реалистик анъаналар билан бирга янгича шаклланган ва шаклланаётган барча йўналишларга илмий, фалсафий чуқур ёндошишни талаб қилади. Кези келганда яна шунини ҳам таъкидлаш жоизки, бошқа соҳалардаги каби тасвирий санъатдаги реализм ифодалари ва ўтмиш анъаналари билан бойиб келаётган етук санъат намуналари таълим-тарбияда четда қолиши мумкин эмас. Аксинча, анъанавий санъат асарларида халққа маънавий озуқа бериш борасида ҳеч қачон ўз қимматини йўқотмайди.

Масалан, Ўрол Тансиқбоев “Менинг кўшигим” асариде табиат кўринишини тасвирлаб, шундай бир муқаммал композиция яратганки, бу асардаги гўзаллик рассомнинг маънавий камолоти, реалистик тасвир орқали юксак ижодий чўққини забт этганидан далолат беради. Анъанавий реалистик изланиш орқали такрорланмас намуналар яратиб келаётган Тансиқбоев каби рассомларимиз йўқ эмас. Албатта, бу борада ижодкордан профессионал етуклик, доимий изланиш талаб қилинади. Умуман, имперсионизмдан тортиб, бугунги авангардчи рассомларимизгача ҳамма-ҳаммасида ўз танлаган йўналишининг сир-ассорларини пухта эгаллаганликларидан ташқари, ижодий изланишларда ўзгаларни ҳам такрорламаётганлиги кизиқарлидир. Санъатдаги бундай изланишлар, ижодий янгиликлар санъатшунослик ва шу соҳа педагогикаси фанларнинг олдига ўта маъсулиятли вазифаларни юклайди. Эстетик таълим-тарбияни олиб бориш қалбаки ва ҳақиқий санъат асарларини ажрата билиш ва бу борада ёшларга илмий асосда билим беришдир. Бугунги кунда бўлажак санъатшунослар тасвирий санъат борасида амалий фаолият юрита оладиган даражага эришмоқлари лозим, улар рангтасвир, қаламтасвир борасида ижод қилиш йўл-йўриklarини билишлари керак. Акс ҳолда санъатшунослар бугунги рассомларимиз асарлари атрофида фикр юритишга етарли билимга эга эмасликларини фош этиб қўядилар. Яна бир муҳим масала шуки, санъатшуносларнинг фаолиятлари рассомлар устахонаси билан боғлиқ бўлиқ уларнинг тўғри, адолатли илмий хулосалар чиқаришига ёрдам беради.

Санъатга бўлган иштиёқни ёшлиқдан тарбиялаш орқалигина бўлажак рассомларни шакллантириш мумкин. Бу борада болалар ва ёшларга тасвирий санъат сирларини улашаётган педагог ўқитувчиларни тайёрлаш борасида ҳам жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигини қайд қилиш жоиздир. Айни пайтда педагогика институтларининг бадиий графика факултетларида мутахассислар тайёрлашда бироз чекланганлик мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан, “Чизмаччилик, тасвирий санъат ва шарқ хунармандчилиги” номи остида битта ихтисослик берилиши таажжублидир. Берилаётган ихтисосликда бири-биридан йироқ ва мураккаб соҳаларнинг кўшилиб кетиши ажабланарли ҳол. Бу ҳолат ҳамон давом этиб келмоқда.

Бугунги кунда ёшларимиз кўп нарсасга чанқоқ, муҳтож, улар гўзал ва мазмунли яшашни орзу қиладилар. Ана шу эзгуликка, кенг фикрликка етаклашнинг бош мезони санъат эканлиги сир эмас. Болаларнинг ижодий имкониятлари очилиши уларни тўлқинлантиради ва санъат ёшларни ўз сеҳрига тартади. Шунинг натижасида ёшлар инсонийликнинг олий даражаларидан бўлмиш эзгуликка интилади. Ҳар бир ёш ўзида ижобий қобилият мавжудлигини сезар экан, куч, вақт, меҳнат сарф қилишдан қайтмайди. Бу ҳаракатлар эса нафис ва гўзал санъат асарларини юзага келтиради. Ёшларимизнинг саъй-ҳаракатларини гўзалликка жалб эта олсак, олам қанчалар маъно ва мазмун билан бойишини сўз билан таърифлаб бўлмасди. Санъат сеҳри билан машғул инсонда ҳеч қачон ёмон ният туғилмаслигининг ўзи бебаҳо бойлик, чинакам бахтдир.



Норсаид ОЙДИНОВ,  
доцент





Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, қай бир масъул лавозимда ишламасин, ҳар доим меҳнаткаш халқ манфаати йўлида адолатпарвар, халқпарвар сиймо сифатида намоён бўлаверадилар. Довруғи етти икклимга кетган икки ярим минг йиллик тарих эгаси бўлган Бухорои шариф худудидан не-не улуг зотлар ўтмаган дейсиз. XIX ва XX асрда Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Абдулвоҳид Мунзим каби илм-маърифатнинг ёруғ юлдузлари яшаб ижод этганлар.

Бухорои шарифнинг осмонўпар миноралари устидан порлаб турган ана шу беш ёруғ юлдузлардан бири устоз Айний, Фитрат, Файзулла Хўжаевларга замондош бўлган улкан маърифатпарвар сиймо, Бухоро амирининг Қозикалони Мавлоно Шарифжон Маҳдум (адабий тахаллуси Садр Зий) эди.

Бухоролик Қози Садр Зий энг аввало ўз даврининг йирик илм-маърифатли зиёлиси, зулм, истибод душмани, эрк, озодлик ва истиклол курашчиларидан эди. Бухоролик маърифатпарвар зиёли оиласида таваллуд топган Шарифжон Маҳдум (1868-1933) Бухоро мангит амирларининг сўнгги ҳукмдорлари амир Абдулаҳад ва амир Сайид Олимхонлар ҳукмдорлиги даврида яшаб ижод этди.

Хўш, бухоролик Қози калон Шарифжон Маҳдум (ёзувчи С. Айний “Эсдалиқлар”нинг III ва IV қисмларида негадир Латифжон Маҳдум деб юритган)нинг ўзи ким?

Шарифжон Маҳдум бухоролик домла Абдушукр қози калоннинг иккинчи ўғли бўлиб, унинг отаси ва ака-укаларининг касби оҳақчилик бўлган. Устоз С. Айний “Эсдалиқлар”нинг

учинчи қисмида (Т. 1965 9-10 б) қози Шариф Маҳдум ҳақида шуларни ёзди: “Шарифжон Маҳдум узун бўйли, оқ юзли, кўк кўз, кўнғир соқолли бўлиб, мен унинг хизматида кирган вақтда (1891-1892 й.й.) йигирма етти ёшда эдим.

Шарифжон

Маҳдум ҳушхатлилик, саводлилик, шеършунослилик, маърифатпарварликда Бухоро муллазодалари орасида деярли тенгсиз эди. Одатда Бухоро катта муллоларининг фарзандлари оталарининг давлат ва шуҳратига мағрур бўлиб, ёшлиқда тарбиясиз қолар ёки ёмон тарбия олиб, ёшлари улғайганда ҳам ҳар хил аҳмоқона ва беадаб ишлардан ўзларини тия олмаслар. Шунга қарамасдан, оталарининг соясида катта мансабларга эришиб, кўпинча ўз мансабларини суистеъмол қилардилар. Шу сабабдан Бухоро халқи маҳдумлар ҳақидаги галати латифалар тўжиб, кизик шеърлар айтганлар. Бухородаги катта Маҳдумлар орасида энг донишманди Шарифжон Маҳдум эди. Ёшлигидан илм-маърифатга, энг аввало тарих ва адабиётга ҳаваси баланд бўлган Шарифжон Маҳдум эски мактаб, мадрасаларда таҳсил кўриб, форс-тожик, араб ва ўзбек классик шоирлари меросини ўқиб ўрганди. У тарих, ҳуқуқшунослик, адабиёт, санъат илми билан бирга, диний билимларни ҳам чуқур ўрганди. Ўзидан олдин яшаб ижод этган Туркистонлик шоирлар, тарихчилар, ҳаттотлар, китоб кўчирувчилар, маърифат сиймолари асарларини йиғиб тазкира ҳам тузди. Илм-маърифат шайдоси, китобсевар, шарқшунос олим сифатида Бухорода танилган Садр Зийнинг шахсий

кутубхонасида араб, форс, туркий тилларда ёзилган юз-юзлаб кўлжама китоблар, ноёб баёзлар, тажриралар борлиги ҳақида қозининг шоғирди, замондоши, ёзувчи ва олим С. Айний (1878-1954) яхшигина маълумот бериб кетган.

Дарвоқе, Шарифжон Маҳдум XIX асрнинг охирида майдонга чиққан маърифатпарвар жадидчилик ҳаракатига зимдан (амирдан яшириб) қўшилган ва илм-маърифат йўлида саъйи ҳаракат қилаётган жадидларга, кейинчалик Файзулла Хўжаев бошлик ёш бухороликларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиб турган. Улар курашига ҳайрихоҳ бўлган даврнинг машҳур маърифатпарвар қозиси сифатида у амирлик тузумини ислохот қилиш нияти билан майдонга чиққан жадидларга ва маърифатпарвар зиёлиларга ҳар томонлама ёрдам бериб турган. Бухороининг машҳур адиблари Абдурауф Фитрат, С. Айний, Файзулла Хўжаев, Абдулвоҳид (Мунзим) Бурхонов каби сиймоларнинг илмий ва маърифий камол топишида қози Шарифжон Маҳдумнинг роли бекиёс бўлди. Айниқса унинг С. Айний, А. Фитрат, Мунзимларга кўрсатган моддий ва маънавий ёрдамлари беназир бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Зулмасонайн адиб С. Айний ўзининг “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” (1921) “Қисқача таржимаи ҳолим” (1940), “Эсдалиқлар” (1948-1954) ва бошқа китобларида ўз замондоши, биринчи устози, мураббийси Шарифжон Маҳдумнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида бош маълумот беради. Адиб “Эсдалиқлар”да ёзишча, унинг илм-маърифат ва адабиётга бўлган ҳавасини илк бор Садр Зий пайкаган ва бўлажак ёзувчининг Бухоро мадрасаларида

ўқишига маслаҳат берган. Бухородаги Мирараб, Ҳожи Зоҳид, Олимжон мадрасаларида таҳсил йилида моддий томондан қийналиб қолган С. Айний ва унинг мадрасадор дўсти Абдувоҳид (1877-1933) Бурхоновлар маълум вақт қозининг хизматкори бўлганлар, унинг уйда қозидан ҳаёт

Маҷид ҲАСАНИЙ

# ҚОЗИ КАЛОН КИМ ЭДИ?

ва маърифат таълимини олганлар.

Улар қозининг ҳаётдаги ва ижоддаги таълимга тасаннолар айтганлар. Ёзувчи С. Айний “Эсдалиқлари”да ёзишча, таҳсил даврида терлама касали билан оғриб, ўлим тўшагида ётиб қолганида ёш Садрдинга яна қози ёрдам қўлини чўзган, ўз одамийлигини амалда кўрсатган. Очлик, яланғочликдан мадордан кетган ёш толиби илм - Айний қози Шарифжон Маҳдум уйда даволаниб оёққа туради ва соғайиб яна ўқишларини давом эттиради. Бундай ибратомуз мисолларни устоз С. Айний ва Абдурауф Фитрат (1885-1940) асаридан қўлаб келтиришимиз мумкин. Лекин келтирилган мисолларимиздан ҳам кўриниб турибдики, қози чинакам яхши инсон бўлган, йўқсиларга оталик қилган, меҳнаткаш халққа ғамхўрлик қилган бухоролик қозикалон Шарифжон Маҳдум чин маънодаги юрт фарзанди, эрк, озодлик, истиклол курашчиси эди. Унинг ақл-заковатига Бухороининг амири, уламолари ҳам тан берган эдилар. Бироқ Октябрь инқилоби тўнтарилишидан кейин майдонга келган тоталитар тузум ўтмишдаги подшоҳлар, амир, хонлар, қозилар, уламолар, азизу авлиёлари ва бошқа катта-кичик амалдорларни, қонхўр, зolim ёмон одамлар деб таълим бериб келдилар. КПСС



бошлик қизил империянинг ёлгон таргиботчиларига ишониб Муҳаммад Пайгамбаримиздан тортиб, то Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, Шохруҳ Мирзо, Ҳусайн Бойқаро, Муҳаммад Солиҳ, Саййид Олимхонгача бўлган тарихий шахслар, улуг сиймоларни биз қоралаб келдик.

Маълумки, 20-30 йилларда мафкура майдонида ўтмиш меросга муносабат масаласи кескинлашган эди. Октябрь инқилоби тўнтарилишидан кейин Пролеткульт (пролетар маданияти) ташкилоти “бизнинг янги давр курдик, ўтмишдан қолган ҳамма нарсаларни йўқотишимиз, янги пролетар маданияти адабиётини яратишимиз керак” деган шиор билан майдонга чиқдилар. В.И.Ленин бошлик болшевиклар халқ - афкор омма кўз ўнгига бизнинг ўтмишдан қолган осори-атиқалар, бой тарих ва миллий маданиятимиз, дину имонимизни ер билан яксон қилди. Мерос, миллий маънавият, миллий мафкура учун кураш кетаётган бир пайтда тарих, илм-маърифатимиз ва маданиятимизнинг жонкуяр фидойилари Абдурауф Фитрат, С. Айний каби юрт фарзандлари ўтмиш меросни тиклашга бел боғладилар. С. Айний 20-йилларда ўзининг машҳур “намунаи адабиёти тожик” (“Тожик адабиётидан намуна” Москва. 1926) анталогиясини, Абдурауф Фитрат эса 1928 йилда “Турк адабиётидан намуналар” номли дарслик китобини нашр эттиришга муваффақ бўлдилар. Бу икки адибнинг икки тарихий асарини майдонга келишида ҳам ўша қози калом аллома сиймо Шарифжон Маҳдумнинг ҳиссаси катта бўлди. С.Айний, А.Фитратларнинг беназир жонкуяр устозининг фойдали маслаҳатлари яқиндан кўрсатган (классикларнинг даврлаштириш, қўлёзма китоблардан фойдаланиш, шоирлар ҳаёти ва ижодини танқидий фаолиятларини ўрганиш уларнинг адабий тахаллусларини аниқлаш ва бошқа масалаларни ёритади) бегараз ёрдами бештумор бўлганди. С.Айний ўз антологиясида устози Садр Зиёни меҳр-муҳаббат билан тилга олиши ҳам бежиз эмас, албатта. Зотан “Намунаи адабиёти тожик” китобининг дунёга келишида ёзувчи С.Айнийга энг яқин кўмақдош, маслаҳатдош бўлган. Улкан давлат ва жамоат арбоби Файзулла Ҳўжаевнинг 1926 йилда ёзган “Бухоро инқилоби тарихига доир” китоби ва Бухоро жадидчилигига доир рисоласи ва бошқа тарихий асарларининг яратилишида ҳам илм-маърифат ва миллий истиқлол курашчиси Садр Зиёнинг кўмаги катта бўлди. Зотан Совет тузumi даврида бухоролик Қози калон Шарифжон Маҳмуд бошига ёғилиши мумкин бўлган бало-қазолардан олиб қолган давлат арбоби Файзулла Ҳўжаев бўлди. Фақат устози Садр Зиёнигина эмас, балки улкан сўз санъаткорлари: А. Қодирий, А. Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Боту, Элбек каби сиймоларнинг бошида чарҳ айланган қора қузғунларни қувганлар ҳам Ф.Ҳўжаев билан А. Икромов каби юрт фарзандлари бўлдилар. Ўзбекистон Республикаси Халқ Комиссарлари Советининг раиси (1925-1938) Ф. Ҳўжаевнинг маслаҳати билан Чўлпон, Фитратлар маълум вақт Москвада яшаб, ижод қилганлар. Ўзбекистон ҳукумати марказда яшовчи барча ижодкорларга моддий ва маънавий ёрдамларини дариг тутмаганлар. С.Айний “Эсдаликлар” китобида Латифжон Маҳмуд деб юритилган Садр Зиё ҳаёти ва ижодий фаолиятига алоҳида меҳр-муҳаббат-ла боблар ажратган. Адибнинг ёзишича, ўтган асрнинг 80-90-йилларида илм-маърифат ҳомийси Шарифжон Маҳдумнинг уйда ҳафтасига икки-уч мартаба адабий кечалар бўлиб турган. Бу ўзига хос адабий тўғарақ қатнашчилари даврининг энг машҳур сиймолари: Аҳмад Дониш, Шохин, Мирзо-Азим, Сомий Гулҳаний, Сиддикхўжа, Сабҳо кабилар бўлган. Маърифатпарвар адиб Аҳмад Дониш замондошлари шоирлар, олим, маърифатпарварлари бўлган. Қози уйда хизматкор бўлиб юрган ёш Адбулвоҳид (Мунзим) Бурхонов, С.Айнийлар ҳам устоз салафлар адабий кеча гурунгларида баҳраманд бўлганлар. Садр Зиё ўзи ёзган “Тезкор-ул-ашъор” (1906) номли асарида даврининг истеъдодли шоирлари асарларидан

намуналар беради. Абадиёт майдонига кириб келган, шеър, газаллар машқ этаётган Айний, Фитрат, Мунзим каби ёш ижодкорлар асарларидан намуналар беради ва улар ҳақида ўзининг қалб сўзларини баён этади.

Бухоролик Қози калон Шарифжон Маҳдум инқилоб тўнтарилишидан кейин Бухоро Халқ Шўролар Республикаси ва Ўзбекистон ва Тожикистон миллий республикалари миллий маданияти, адабиёти ҳамда таълими соҳасида ҳалоқ хизмат қилди. У улкан давлат ва жамоат арбоби Файзулла Ҳўжаев ташаббуси билан Бухоро Республикасида ташкил топган илмий жамият ташкилоти (1921-1923) ишида фаоллик кўрсатди. Ўтмишдан қолган осори-атиқалар, қадимги қўлёзма китобларни йнгиб, давлат музейлари, кутубхоналарига топшириш ниятида фаолият кўрсатган илмий жамият, ташкилот аъзолари Фитрат, Бойбулот Солиев, Мусо Саиджоновлар қатори қози Шарифжон Маҳмуд ҳам халқ хизматига бўлди. Қозининг маслаҳатлари асосда фойдали иш юритган Бухоро илмий жамияти ташкилоти Бухоро шахри, воҳа меҳнаткашлари қўлида, уларнинг шахсий уй кутубхоналарида сақланиб келаётган қўлёзма китоблар, тижорат, хўжаликка доир воқсиллар, тарихий ҳужжатларни йнгиб, давлат музейлари, кутубхоналари ихтиёрига топширдилар. Бу ўринда Бухоро шахрида мавжуд бўлган учта бой кутубхонадаги бой қўлёзма ва нодир босма китоблар ва тарихий буюмларни қўлга киритганлиги муҳимдир. Биринчи кутубхона Бухоро манғит амирларининг қўлёзмаларга бой кутубхонаси. Иккинчиси, Бухоро амирлиги тахтига даъвогар бўлмиш амир Абдулаҳаднинг Хошмат тахаллуси билан танилган тазкиранавис, китобсевар ва меҳнатсевар шахс Сиддикхон эди. Учинчиси эса бой шахсий кутубхона ҳисобланмиш Бухоро амира Саййид Олимхоннинг сўнгги қозиларидан бўлмиш қози калон Шарифжон Маҳдум - Садр Зиёники эди.

Илм-фан, маърифат ҳомийси инсонпарвар ва ватанпарвар сиймо Қози Садр Зиё ўз ихтиёри билан биринчилардан бўлиб, шахсий кутубхонасидаги қимматбаҳо 300 жылдан ортиқ ноёб қўлёзма, китобларни ва фикҳа (хуқуқшунослик) илмига доир ҳужжатларни илмий жамият аъзолари ихтиёрига топширади. Араб, форс-тожик, ўзбек ва туркий тилларда ёзилган турли соҳа қўлёзма китоблар ҳозир Беруний номидаги Ўзбекистон Фанлар Академияси шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда, Бухоро илмий жамиятининг аъзолари Фитрат, Б. Солиев, М. Саиджонов ва бошқа китобсеварларнинг саъи ҳаракатлари билан қўлга киритилган қўлёзмаларнинг бир қисми Тожикистон Республикаси қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Бу ўринда шунини алоҳида таъкидлаш жонзки, ўтмишда 15 та империянинг босиб ўтган (туркий халқларнинг сўнгги сулоласи - империяси Усмонли турк хоқонлиги бўлган) туркий халқлар илм-фан, маданият, маърифатни юксак қадрлаб келганлар. Акс ҳолда Ўрта Осиё Туркистондан - Турон заминидан Ал Беруний, Ибн Сино, Ал Фарғоний, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Ал Бухорий, Ат Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк зотлар дунёга келмаган бўларди. Жаҳон улар билан фахрланади. Бироқ 150 йиллик (1840-1991) колониал тузум даврида ва айниқса, тоталитар Совет тузumi замонасида ўтмиш меросимиз, миллий кадриятларимиз илдизига болта урдик. Биз Шарқнинг буюк алломалари, давлат арбобларини босқинчи, ваҳший, шаҳар, қишлоқларни вайрон қилган, китобларни гулҳанда ёққан босқинчилар сифатида талқин этдик. Ҳақиқатдан йироқ бу хатолар янгиликларни биз диёримиз мустақил, келажаги буюк мамлакат бўлаётган бир даврда англадик, энди ўзинимизни танимоқдамиз. Энди орқага чекиниш йўқ. Қафасдан озод бўлган қуш яна қафасга тушишни сира-сира истамайди...





## ДАҚОЙИҚ УЛ-АХБОР

## ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

ҚИЁМАТ КУНИ МАҲАММАД МУСТАФО  
САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ  
ВАСАЛЛАМИНИНГ ҚАБРИЛАРИДИН ТИРИЛИБ  
ТУРМОҚЛАРИНИНГ БАЁНИ

Хабарда келибдурки, агар Худойи таоло махлуқларни яна иккинчи тирилтирмоқни хоҳласа, аввал Жаброил, Микоил, Исрофил ва Азроил алайҳимуссаломларни тирилтирур. Бас, аввал тириладурғонлари Исрофил алайҳиссаломдурки, тирилиб аршнинг устидан сурларини олиб, оғзиларига тутуб турурлар. Андин сўнгра Худойи таоло Жаброил, Микоил ва Азроил алайҳимуссаломни тирилтирур, Исрофил алайҳиссалом бирла ҳаммаларини жаннатга юборур. Бас, келиб жаннатдаги хур ва ризвонларга айтарлар: “Эй хур ва ризвонлар, жаннатга зийнат ва оро берингларки, Муҳаммад алайҳиссалом ва умматлари келурлар”. Худойи таоло айтур: “Эй ризвонлар, Буроқни зийнат бирла эгарлаб берингларки, булар Муҳаммад алайҳиссаломга олиб борурлар”. Бас, хурлар Буроқга қизил ёқутдин эгар ва кўк забаржаддин йуганд уруб берурлар. Чорполардин аввал тирилиб ер юзига келадурғони бирокдур.

Андин сўнгра жаннатдин Буроқни, Ливои ҳамдни ва икки адад жаннат либосидин олиб Мадинаи мунавварага келурларки, пайгамбар алайҳиссаломнинг қабри шарифлари бузилиб, равзаи муборақ бир текис майдон бўлуб қолғондур. Бас, булар пайгамбар алайҳиссаломнинг шарифлари қайси жойдалигини билмаслар. Андин сўнгра пайгамбар алайҳиссаломнинг қабрларидин нур зоҳир бўлуб, мисоли бир сутундек осмонга чиқиб кетар! Андин сўнгра Жаброил алайҳиссалом айтурлар: “Эй Исрофил, пайгамбар алайҳиссаломнинг қабрлари ўшал нур чиқиб турган жойдур. Эмди сиз нидо қилиб бедор қилинг, чунки, Худойи таоло халқни тиргузмоқнинг ҳукмини сизга бергандур. Исрофил алайҳиссалом айтурлар: “Эй Жаброил, менинг нидо қилмоғим беодоблик бўлур, сиз нидо қилиб бедор қилинг, чунки, сиз дунёда бу кишига дўст эрдингиз ва хизматларига қўб келур эрдингиз. Жаброил алайҳиссалом айтурлар: “Ман эмди нидо қилмоқга ҳаё қилурман. Сиз нидо қилингки, халойиқни тиргузмоқга мутасаддиурсиз”, Исрофил алайҳиссалом Микоил алайҳиссаломга қараб айтурлар: “Эй Микоил, сиз нидо қилинг”. Бас, Микоил алайҳиссалом қабри шарифга қараб айтурлар: “Ассалому алайкум ё Муҳаммад”. Саволларига ҳеч жавоб бўлмас. Шунда Микоил алайҳиссалом Азроил алайҳиссаломга қараб айтурлар: “Эй Азроил, сиз нидо қилинг”. Бас, бул киши қабри шарифга қараб айтурларки: “Эй руҳи пок, жасадингизга кириг”. Бул кишига ҳам жавоб бўлмас. Андин сўнгра Исрофил алайҳиссалом айтурларки: “Эй руҳи пок, умматларни ҳисобдин ва азобдин халос қилмоқ учун ва умматлар тарафидин Худойи таолога арз қилмоқ учун туринг!” Бас, андин сўнгра қабр ёрилурур ва булар кўрарларки, пайгамбар алайҳиссалом “Во умматим!” деб бошларига ва соқолларига туфроғ сочиб қабрнинг ичиди йиглаб ўлтурубдурлар. Бас, Жаброил алайҳиссалом жаннатдин олиб келган икки адад либос бирла Буроқни элтиб берурлар. Пайгамбар алайҳиссалом айтурлар: “Эй Жаброил, бу кун қандоғ кундур?!” Жаброил алайҳиссалом айтурлар: “Бу кун ҳасрат ва надомат кунидур ва сизнинг Буроқ миниб Маҳшарга борадурғон кунингиздир. Мўмин бандалар бирла мулоқот қиладурғон кундур”.

Бас, пайгамбар алайҳиссалом айтурлар: “Эй Жаброил, манго

янги ҳодисалардин хабар беринг”. Жаброил алайҳиссалом айтурлар: “Эй Муҳаммад, янги хабар шулки, ман сизга Буроқ, Ливои ҳамд ва жаннатдин икки либос ва бошингизга тож олиб келдим”. Пайгамбар алайҳиссалом айтурлар: “Эй Жаброил, мун сўрамасман”. Жаброил алайҳиссалом айтурлар: “Эй Муҳаммад, жаннатларнинг ҳамма эшиклари очилгондир, неча хил зийнатлар бирла оро берилгондир, сизнинг ташрифи қудумингиз учун поёндозлар солингондур. Ҳамма ризвонлар жанобингизга мунтазирдирлар”. Дўзахнинг ҳамма эшиклари беркилгондур”. Бас, Пайгамбар алайҳиссалом айтурлар: “Эй Жаброил, ман мун ҳам сўрамасман, балки осий умматларимдин савол қилурманки, мабодо аларнинг Пулсиротдин жаҳаннамга ташлаган бўлманглар”.

Андин сўнгра Исрофил алайҳиссалом айтурлар: “Эй Муҳаммад, Худойи таолонинг иззатига қасамёд қилурманки, ҳануз сурга дам урган эмасман, ҳеч банда гўрдин турган эмас”. Пайгамбар алайҳиссалом хурсанд бўлиб айтурларки: “Алҳамдулиллаҳки, эмди хотирим жамъ бўлди ва кўзим энди нур топди” - деб тожини бошларига, либосни баданларига кийиб, Буроқга минурлар. Валлоҳу аламу бис-саваб.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ  
БУРОҚНИНГ СУРАТИ БАЁНИ

Ривоят қилибдурларки, Буроқнинг икки қаноти бордур. Анинг воситасида осмон бирла ернинг орасида учар, анинг юзи одамнинг юзига ўхшашдур, араб тилида сўзлар. Пешонаси васиъдур. Шохи йўғон ва икки қулоғи нозикдур ва кўк рангли забаржаддиндур. Икки кўзи қародур. Баъзиларнинг наздида кўзи юлдуздек шуъла бериб турар, пешонаси қизил ёқутдиндур. Думи ҳўқузнинг думига ўхшашдурки, ҳаммаси қизил тилло бирла муламмаъдур. Бадани ҳам ҳўқузнинг баданига ўхшашдур.

Баъзи ривоятда товуснинг баданига ўхшашдур. Қадди эшақдин баландроқ ва тевадин пастроғдур. Буроқнинг маъниси чакмоқнинг учмоғидур. Барқ деб чакмоқни айтарлар ва Буроқ ҳам ниҳоятда тез юрган сабабидин Буроқ деб от қўйулди. Бас, вақтики, Муҳаммад Алайҳиссалом Буроқни минмоқни ирода қилуб, ани йўқласалар Буроқ бул кишини тонимасдин саркашлик қилиб айтурки: “Эй банда, манго минмоқни ҳавас қилмағинки, менинг устимга пайгамбар Ҳошимий, қурайший, арабий, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ минарлар. Худонинг азаматлигига қасамёд қилурманки, ул кишидин ўзга ҳеч банда манго минолмас”. Бас, пайгамбар алайҳиссалом айтурлар: “Ушал Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Қурайший Ҳошимий мандурман”. Андин сўнгра Буроқ узр айтиб тавозий бирла келиб олдиларида турар. Пайгамбар алайҳиссалом анинг устига миниб, аршга бориб, худойи таолога йиглаб сажда қилурлар. Худойи таолодин нидо келурки: “Ё Муҳаммад, бошингни кўтарғилки, бутун сажда кунни эмас, балки, ҳисоб ва азоб кунидур. Туриб умматларингни шафоат қилгил. Ҳар мақсудинг бўлса сўрағилки, санго ато қилурман. Муҳаммад алайҳиссалом айтурлар: “Худоё, сандин умматимни сўрарман”. Бас, Худойи таоло айтур: “Эй Муҳаммад, санинг ризолигинг учун умматларингни санго бердим, шафоат қилиб олғил”. Қавли Аллоҳ таолоки, ВА ЛАСАВФА ЙУЪТИЙКА РОББУКА ФАТАРЗО44 ушбу мазмунга нозил бўлибдур. Андин сўнгра Худойи таоло осмонга “Ёмғир ёғдиргил!” - деб амр қилур. Осмон қирқ кеча-кундузгача чунон ёмғир ёғдурарки, тамом ер юзи сувнинг остида қолиб, кўздин гойиб бўлурлар. Ул ёмғирнинг ранги эркак кишининг оби манийси рангида бўлур.



Анинг таъсирини жамият мурдалар гийҳ кўкаргандек кўкариб, дунёдаги суратлардек суратда камолага етарлар. Андин сўнгра Худойи таоло осмонни ва ерни гўёки қоғозни ўрагандек ўраб олиб оламини вайрон қилур. Андин сўнгра уч маротаба айтурки, "ЛИМАНИ-Л-МУЛКУЛ-ЙАВМА45 яъни, бу кун бул мулкларим кимниқидур?! " Бас, ҳеч жавоб берадурдур киши бўлмагандин сўнгра яна Худойи таолонинг ўзи айтур: "ЛИЛЛАХИЛ-ВОҲИДИЛ-ҚАҲҲОР 46 яъни, бул мулклар эмди бир Худойи ғолиб ва Қаҳҳор махсусдурки, аввалги жабр қилгучилар қайда кеттилар, аларнинг фарзандлари қайда кеттилар. Аввалги мулк эгалари, подшоҳлар, аларнинг фарзандлари қайда кеттилар. Манинг ризқимни еб мандин ўзгага ибодат қилгонлар қайда кеттилар."

Андин сўнгра тоғлар гўё савалгон пахтадек юмшоқ бўлурлар ва ҳар жойики, анда гуноҳ қилинган бўлса, ул ерни Худойи таоло ўтга айлантирур ва анинг устига дўзахни барпо қилур. Ҳар жойики, анда савоб иш қилинган бўлса, ул ерни Худойи таоло кумушга айлантирур ва анинг устига жаннатни барпо қилур.

Ҳазрат Оиша розийоллоху таоло анҳумодин ривоят қилубдирларки, жаноб ҳазрат бу сўзни айтган вақтларида ул киши ҳозир эрдилар, сўрадиларки: "Ё расулulloх, Худойи таоло ерни ўтга ва ё кумушга айлантирса, ул ернинг ичиде ёткон мурдалар ул вақтда қайда бўлурлар?" Бас, пайғамбар алайҳиссалом айдилар: "Ё Оиша, ажаб бир катта сўзни сўрадингки, сандин ўзга ҳеч кишининг фаҳмига бу сўз келган эмас эрди. Билгилки, ул вақтда ҳамма мардумлар Пулсиротнинг устиде турарлар". Валлоху аъламу бис-савоб.

### ЙИГИРМА ТҮРТУНЧИ БОБ

#### МУРДАЛАРНИ ТИРГУЗМОҚ УЧУН СУРГА ДАМ УРМОҚНИНГ БАЪНИ

Ривоят қилубдурларки, Худойи таоло мурдаларни тиргузмокни хоҳласа, Исрофил алайҳиссаломга айтурки: "Ё Исрофил, халқни тиргузмок учун сурга яна бир мартаба дам ургил!" Бас, Исрофил алайҳиссалом сурга дам уруб айтурларки: "Эй жасадин чиккон жонлар, вой чуруган устухоналар, вой тўқулган жасадалар, вой узулган томурлар, вой жудо бўлган терилар, Худойи таолонинг амри билра турингларики, бу кун хисоб кунидур. Худойи таолонинг сизлар ҳақларингизда ҳукм қилодургон кунидур. Бас, ҳамма маҳлуклар тирилиб, гўрларидан чиқарлар. Кўрарларки, батаҳқиқ осмон вайрон бўлгондур, ерларнинг баъзиси ўтга, баъзиси кумушга айлантирулгондур, тоғлар жойларидан равон бўлгондур. Хайвонатлар жамъ қилинган, дарёларнинг ҳаммасини бир дарёга жамъ қилиниб, ўзгаларининг суви қуриб қолган. Ҳамма жонлар жасадиға кирган, дўзахнинг забониялари ҳозир бўлгон. Офтоблар ўралгон, юлдузлар тўқулгон ва тарозулар қўйулгондур. Бас, ул вақтда ҳар кимнинг аввал умридин то охир умригача қилгон аъмоли ошкор бўлур. Чунончи, қавли Аллоҳ таолоки, ИЗАС-САМАУН-ФАТОРОТ ВА ИЗАЛ-КАВАКИБУ-Н-ТАСОРОТ ВА ИЗАЛ БИҲАРУ ФУЖЖИРОТ ВА ИЗАЛ-ҚУБУРУ БУЪСИРОТ АЛИМАТ НАФСУН МА ҚОДДАМАТ ВА АХХАРОТ47 нинг таъсири ҳам мазмунга далолат қилур. Ул вақтда гунаҳдор бандалар бу ҳадисларни кўруб, ЙАВАЙЛАНА МАН БАЪАСАНА МИН МАРҚОДИНА48 яъни: "ВОЙ бизларнинг ҳолимизгаки, бизларни ким тиргузди ва бизлар қандоқ қулфатлик кунга қолдик",- деб надомат қилурлар. Бас, аларга мўмин бандалар ҲАЗА МА ВАЪАДАР-РОҲМАНУ ВА СОДАҚОЛ-МУРСАЛУМ49-деб жавоб берурлар. Яъни,бу кун шундоғ кундурки, бизларга кўрсатмокни Худойи таоло ваъда қилиб эрди ва бул ваъдасини пайғамбарлар ростлик билра бизларга еткуруб эрдилар деб жавоб берурлар. Бас,ҳамма мардум гўрларидин бараҳна бўлиб турурлар.

Ривоятда келубдурки, бир кун пайғамбар алайҳиссалом саҳобалар билран ўлтуруб эрдилар. Алардин бирлари сўрадиларки: "Ё расулulloх, қавли Аллоҳ таолоки, ЙАВМА ЙУНФАҲУ ФИС-СУРИ ФАТАЪТУНА АФВАЖАН50 нинг маънисини нимадур?" Бас, пайғамбар алайҳиссалом бу сўзни эшитиб чунон йиғладиларки, икки кўзларидан окгон ёшларидин тамом либослари ҳўл бўлди. Айдин сўнгра айдилар:

"Эй биродар, мандин кўп мушкул сўзни сўрадингиз, бул оятнинг мазмуни шулки, қиёмат куни Исрофил алайҳиссалом иккинчи мартаба сурга дам урганларида ҳамма мурдалар тирилиб, гўрларидин чиқиб, маҳшарға келиб жамъ бўлурлар. Ул вақтда манинг умматларим гўрларидан ўн икки хил суратда бўлуб, турарлар. Биринчи хиллари маймун суратида бўлиб турарларки, алар дунёда икки кишининг миёнасиға фитна солиб юрганлардур. Фитна солмокнинг гуноҳи кўб ёмондур. Чунончи, қавли Аллоҳ таолоки, ВАЛ-ФИТНАТУ АШАДДУ МИНА-КОТЛИ51 ҳам фитнанинг гуноҳи кўб ёмонлиғиға далилдур. Иккинчи хил гўрдин тўнғиз суратида турарларки, алар дунёда етимларнинг молини еганлар ва ҳаромдин касб қилиб еганлардур. Қавли Аллоҳ таолоки, ЛА ТАЪКУЛУ АМВАЛАХУМ ИЛА АМВАЛИКУМ52 ҳам бу мазмунга далолат қилур. Учунчи хилларининг кўзлари кўр бўлуб турурлар ва Маҳшурға борурда одамларнинг катфиға осилиб борурларки, алар шариятнинг ҳукмини ростлик ва одиллик билра қилмаганлардур. Қавли Аллоҳ таолоки, ВА ИЗА ҲАКАМТУМ БАЙНАН-НАСИ АН ТАХКУМУ БИЛ-АДЛИ ИННАЛОҲА НИЪИММА ЙАЪЗУКУМ БИҲИ ИННАЛОҲА КАНА САМИЪАН БАСИРО53 ўшал сабабдин нозил бўлди. Тўртунчи хилларининг қулоқлари қар, тиллари гунг бўлуб турарларки, алар дунёдаги қилгон амаллариға уجب қилиб, ўзларига фаҳр қиладургонлардур. Чунончи, қавли Аллоҳ таолоки ИННАЛЛОҲА ЛА ЙУҲИБУ МАН КАНА МУХТАН ЛА ФАХУРО54 ушбу мазмунга нозил бўлди. Бешинчи хиллари гўрларидин турар вақтларида оғзиларидин зардоб ва йиринг оқиб, тилларини тишлаб турарлар. Алар илмлариға амал қилмагон ва сўзлари қилгон амалариға мувофиқ келмагон олимлардур. Қавли Аллоҳ таолоки, АТАЪМУРУНАН-НАСА БИЛ-БИРРИ ВА ТРАНСАВНА АНФУСАКУМ ВА АНТУМ ТАТЛУНАЛ-КИТАБА АФАЛА ТАҚИЛУН55 шундоғ уламоларнинг шаъниға нозил бўлди. Олтинчи хиллари гўрларидин турар вақтда дўзахнинг асаридин баданлари қуйуб, ҳамма аъзолари жароҳат бўлуб турарларки, алар ўзари билмаган ишларға ёлгондур, гуноҳлик берганлардур. Қавли Аллоҳ таолоки, ИЗ ТАЛАҚҚОВНАХУ БИАЛСИНАТИКУМ ВА ТАҚУЛУНА БИАФВАХИКУМ МА ЛАЙСА ЛАКУМ БИҲИ ИЛМУН ВА ТАҲСАБУНАХУ ҲАЙЙИНАН ВА ҲУВА ИНДАЛЛОҲИ АЗИМ ВА ЛАВЛАА ИЗ САМИЪАМУХУ ҚУЛУТМ МА ЙАКУНУ ЛАНА АН НАТАКАЛЛАМА БИҲАЗА СУБҲАНАКА ҲАЗА БУҲТАНУН АЗИМ56 шундоғ кишиларнинг шаъниға нозил бўлди. Еттинчи хилларининг оёқлари пешоналариға тортилиб, боғланган суратда гўрларидин турарлар. Баданлари чунон бадбўй бўлурки, офтобда ёткон эски ўлукдин бадбўйроқ бўлурлар. Алар нафс йўлиға юрган ва гуноҳни лаззати учун нафслариға пайравлик қилгонлардур. Қавли Аллоҳ таолоки, УЛАЙКАЛЛАЗИНА-ШТАРОВУЛ-ҲАЙАТАД-ДУНЙА БИЛ-АХИОТИ ФАЛА ЙУХАФФАФУ АНҲУМУЛ-АЗАБУ ВА ЛА ХУМ ЙУНСОРУН57 шундоғ кишиларнинг шаъниға нозил бўлди. Саккизинчи хиллари гўрларидин турар вақтларида маст кишидек гоҳ ўнг тарафлариға, гоҳ чап тарафлариға йиқилиб, гоҳ ўлтуруб қолиб йўллариға юролмастарки, алар Худойи таолонинг ҳаққини бермаганлардур. Яъни, Худойи таоло учун молларидин закот ва садақа бермай, Худойи таолонинг амрини қабул қилмаганлардур. Амри Аллоҳ таолоки, ЙА АЙЙУХАЛЛАЗИНА АМАНУ АНФИКУ МИН ТОЙЙИБАТИ МА КАСАБТУМ ВА МИММА АХРОЖНА ЛАКУМ МИНАЛ-АР358 андоғ кишиларнинг шаъниға нозил бўлуб эрди. Тўккузунчи хиллари гўрларидин турарда кафанлари чунон бадбўй бўлурки, ҳамма ҳалойиқ анинг бадбўйлигининг бетоқат бўлурлар. Бас алар андоғ кишилардурки, ҳар кимнинг орқасидин ғийбат ва шикоят қилиб юрганлардур. Қавли Аллоҳ таолоки, ВА ЛА ТАЖАССАСУ ВА ЛА ЙИҒТАБ-БАЪЗУКУМ БАЪЗОН АЙУХИБУ АҲАДУКУМ АН ЙАЪКУЛА ЛАХМА АХИЙҲИ МАЙТАН ФАКАРИХТУМУХУ59 шундоғ кишиларнинг шаъниға нозил бўлур. Унунчи хиллари гўрларидин турарларки, тиллари оғзиларидин чиқиб сийналариға тушур. Алар суҳанчинлик қилиб, бир одамнинг сўзини бир бошқа одамға еткуруб фитна солганлардур. Ун биринчи хиллари гўрдин маст ва беҳуш бўлиб турарларки, алар масжидда ўлтуруб дунёнинг ишидин сўзлашганлардур. Қавли Аллоҳ таолоки, ВА АННАЛ-МАСАЖИДА ЛИЛЛАҲИ



ФАЛА ТАДЪУ МАЪБА АЛЛОҲУ АҲАДАН60 шундог кишиларнинг шанига нозил бўлди. Ун иккинчи хиллари гўрларидин тўнгуз суратида бўлиб турарларки, алар судхўрлар, яъни ижорахўрлардур. Кавли Аллоҳ таолоки, ЛА ТАЪКУЛПУР-РИБАА АЗЪАФАН МУЗААФАТАН61 аларнинг шаънига нозил бўлгандур.

## ҚУРОН ОЯТЛАРИНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

44. *Эй Муҳаммад, Парвардигорингиз (яқинда сизга) шундай неъматлар ато этурки, сиз (у илоҳий марҳаматлардан) рози бўлурсиз. (93-5).*

45. *Бу кунда подшоҳлик кимникидур? (40-16).*

46. *Яккаю ягона голиб зот Оллоҳникидур! (40-16).*

47. *Осмон ёрилганида, юлдузлар (ҳар томонга) сочилганида, дарё-денгизлар (ўртасидаги тўсиқ-тўғонлар) очилганида, қабрлар тўнкариб қўйилганида (яъни, уларнинг ичидаги инсонларга жон ато этилиб ер юзига чиқарилганларида), (Ана ўша кунда ҳар бир) жон ўзи (ҳаёти дунёдалик чоғида) қилиб ўтган ва (ўзидан кейин) қолдирган (барча) нарсаларни (яъни, яхши-ёмон амалларини) билур! (82-1,2,3,4,5).*

48. *“Эй бизларга ўлжм бўлсун! Ким бизларни ётган жойимиздан (қабрларимиздан) тургазди” (36-52).*

49. *Мана шу Раҳмон ваъда қилган ва пайгамбарлар рост сўзлаган нарса - қиёматдир. (36-52).*

50. *У Кунда сур чалинур, бас, сизлар тўп-тўп бўлуб (маъшиаргоҳга) келурсизлар. (78-18).*

51. *(Одамларни) алдаб, фитнага солиши ўлдиришдан ёмонроқдир. (2-191).*

52. *Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ-ҳаром йўллар билан емангиз! Яъни, бир-бирларингизнинг ҳаққингизни еманг. (2-188).*

53. *Албатта, Оллоҳ сизларни омонатларини ўз эгаларига топширишга ва одамлар орасида ҳукми қилганингизда адолат билан ҳукми қилишга буюради. Албатта, Оллоҳ сизларга энг яхши панд-насихатлар қилур. Албатта, Оллоҳ эшитувчи бўлган зотдир. (4-58).*

54. *Албатта, Оллоҳ мутакаббир ва мақпанчоқ бўлган кимсаларни севмайди. (4-36).*

55. *Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларингизни унутасизларми? Ҳолбуки, ўзларингиз китоб (Таврот) тиловат қиласизлар. Ақлингизни юргизмайсизларми? (2-44).*

56. *Ўшанда сизлар уни тилга олиб, оғизларингиз билан ўзларингиз аниқ билмаган нарсани сўйлар ва буни енгил иш деб ўйлар эдингизлар. Ҳолбуки, у Оллоҳ наздида улуг (ғуноҳдир). Уни эшитган пайтингизда: “Бу (миш-мишини) сўзлаш биз учун жон эмасдир. Эй пок Парвардигор, бу улуг бўҳтон-ку?” - десангизлар бўлмасмиди?! (24-15).*

57. *Ана ўшалар охират ўрнига дунё ҳаётини сотиб олган кимсалардир. Бас, азоблари енгиллатилмайди ва уларга ёрдам берилмайди. (2-86).*

58. *Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан инфоқ-эхсон қилингиз! (2-267).*

59. *Ўзгаларнинг айби ортидан) жосуслик қилиб юрманлар ва айримларингиз айримларни гийбат қилмасин! Сизлардан бирор киши ўзининг ўлган биродарининг гўштигини ейишини яхши кўрурми? Ана ёмон кўрдингизми?! (Бас, ғуноҳи бундан-да ортиқ бўлган гийбатни ҳам ёмон кўрингиз!) (49-12).*

60. *Албатта (барча) масжидлар Оллоҳникидур. Бас, (масжидларда) Оллоҳ билан бирга яна бирон кимсага дуо-илтижо қилманглар! (72-18).*

61. *Судхўрлик қилмангиз! Оллоҳдан қўрқингиз! (3-130).*

(Давоми келгуси сонда)



## Олбар Шерошевач - Алп Эр Тўнгаевич...

Қадимги рус оғзаки ижодида туркий халқларнинг урф-одатлари, ҳокон ва қаҳрамонларининг номлари билан боғлиқ кўплаб сўзлар учрайди. Шулардан бири *олбердир*. Чунончи, бу сўз рус адабиётининг бошланиши деб ҳисобланган “Игор жангномаси”да ҳам ишлатилган.

Жаҳон туркийшунослари бошқа туркий сўзлар каби *олбер*нинг ҳам маъносини изохлашга ҳаракат қилишган. Немис олими К.Г.Менгес 1159 йилдаги рус солномаларида “Олбир Шерошевич” номи учрашини қайд этади. Демак, *Олбер* ёзма тарихий манбаларда маълум бир шахснинг номи сифатида қўлланилган. Немис туркшуноси *Олбер* сўзини талқин қилар экан, Маҳмуд Кошғарий ҳамда рус олими В.В. Радловнинг фикрларига таяниб, *олб* - қадимги туркий тилда алп - баҳодир, қаҳрамон, *ер* - эр, ботир деган маънони беради, деган хулосага келади ва Алп Эрни Афросиёбнинг муқобил номи сифатида эътироф этади.

Туркийшунос Н.А.Баскаков тадқиқотларида ҳам Олбер Алп Эрнинг шакли сифатида асосланган. Унинг қайд этишича, дастлаб уруғ ва қабилалар, кейинчалик маълум халқнинг номи Алп Эрлар деб аталган.

Рус фолклоршуноси К.Данилов тўплаган қаҳрамонлик эпослари орасида “Алибер хонлиги” асари мавжуд. Эпос қаҳрамони Саул Леванидович бўлиб, унинг мамлакати Алибер - Алп Эр деб номланган. Масаланинг моҳиятини ойдинлаштириш учун бу ўринда Алп Эр шахсияти ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. К.Г.Менгес тўғри асослаганидек, *Олбер* - Алп Эр туркий халқларнинг Афросиёб номи билан машҳур бўлган ҳокони Алп Эр Тўнга шахсиятига боғланади. Бу ҳокон милюддан аввалги VII асрларда яшаган ва скиф-киммерлар номи билан шуҳрат қозонган улкан давлатга асос солган. Демак, унинг қавмлари руслар ўртасида Алп Эрлар деб аталган. Рус эпосларида Тўнга лақаби ҳам ўз шаклини сақлаган. Тўнга йўлбарс ва шерлар оиласига мансуб, кучлиликда филини йикитадиган ҳайвондир. Туркийлар Алп Эрни Тўнга деб аташларининг боиси унда арслон ва шерга ҳос шиддат ҳамда кучлиликни сезганлигидир. Бизнингча, “Шерошевич”, “Леванидович”да Тўнга номи сақланган. Олбир Шерошевич - Алп Эр Тўнгаевич бўлиб, Леванидовични Шерошевичнинг таржимаси деб қараш тўғридир.

Жанубий славянларнинг турклар билан урушлари тасвирланган ривоят ҳамда афсоналарда Арапин алоҳида образлар тизимини ташкил этади. Арапин славян халқларига зўравонлик қилган шох, қўшин бошлиғи, кучли паҳлавон сифатида тасвирланган. Арапин ҳам Ар (Эр), Апин (Алп) - баҳодир эр сўзининг жанубий славян халқлари оғзаки нутқида мослаштирилган шакли сифатида қаралиши керак.

Демак, қадимги рус эпосларида туркийларнинг машҳур ҳокони Алп Эр Тўнга бадияти билан боғланган ва ўрганилиши лозим бўлган бой тасвирлар мавжуд. Бу далиллар туркий ҳоконлар рус халқ оғзаки ижодининг қаҳрамонларига айланганлигини кўрсатибгина қолмай, айна пайтда қадимги туркий эпос сюжетлари бошқа халқларнинг адабиётига ҳам кўчганлигини исботлайди.

Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ,  
филология фанлари номзоди







## Наркобизнесчилар учун янги жазо куроли

Дунё миқёсида кулфату фожиалар тарқатувчи наркобизнес хўжаларининг танобини тортиб қўйиш мақсадида Колумбия ҳукумати антиқа кураш усулини эълон қилди. Бир қарашда бу оддий ўлим жазосига ўхшаб кўринади, лекин тасаввур қилинг: доира шаклида ишланган ўткир тишли арра электр ёрдамида маҳбуснинг устида гириллаб айланиб туради, ҳар дақиқада уч мм дан пастга туша бошлайди ва хуллас, одамнинг гавдаси қоқ ўртасидан қорамолнинг гўшти сингари бўлиб ташлангунга қадар бир неча соат ўтади.

Ҳукумат бугунга қадар 15 та худди шундай ўлим жазосини амалга оширди.

Иблисона бу савдо билан шуғулланувчиларнинг қиролларини давлат қонун йўли билан огоҳлантирди, махсус журналистларга мазкур жараёни хуфёна суратга олишга ҳам рухсат берди.

Сиз ушбу суратда ўтган йили Богота ўлкасидаги истироҳат боғида политсия билан олишиб бештасини қурбон қилган наркобизнес боссларидан бири, 38 ёшли таниқли Диего Кастиллонинг гавдасини кўриб турибсиз.

- Биз уларга қарши энди худди шундай шафқатсиз кураш олиб борамиз, - дея таъкидлади махфий политсия раҳбари Хорхе Бенито. Зеро наркотик моддалар билан бизнес қилувчиларга қарши бу махсус жазо усулининг муаллифи ҳам ўша жанобдир. - Бизнеснинг бу манфур тури билан шуғулланувчиларнинг асл хўжайинлари турмада ҳам, очикда ҳам шоҳ каби яшашади,

- дейди у. - Судьялар, политсиячилар ва қамоқхона бошлиқларининг чўнтақларини лик тўлдириб қўйишади-да, савдони давом эттирмақчи бўлишади. Менинг мамлакатим улар касридан бўғзига тўйиб бўлди.

Маълумки, АҚШ давлати ҳам улардан тўйди. АҚШ ҳукумати Колумбия давлат раҳбариятига баёнот йўлладики, мабодо шу даҳшатли кокаин саноатига, яъни миллиардлаб доллар пулларни шипириб кетаётган наркобизнесга чек қўйилмас экан, қўшма штатлар кейинги йилдан эътиборан Колумбияга иқтисодий ёрдам қўлини чўзишни мутлақо бас қилади. Бизнеснинг халқ ҳаддан зиёд қашшоқ яшайди, - деди Бенито, -

шунинг учун Американинг таҳдидини тўғри қабул қилмоқ керак,

Гарчанд политсиячи Колумбия ҳукумати ўтган йилнинг охиригача айнан қанча наркобизнес қироллари қўлга тушганлигини сир тутган эса-да, бошқа манбалардан аниқланишича 15 нафар наркотиқроллар арра тагига ётқизилди.


Ўша манбалардан аниқланишича, электр

арраси маҳкумнинг устидан 60 сантиметр тепада чириллаб айланиб туради, минутига 3 миллиметрдан пастлайверади. Шундоқ тезликда ҳаракатлана-ҳаракатлана жиноятчини қарийиб уч соат ичида қоқ иккига бўлиб ташлайди.

- Хабар беришларича, наркотиқроллар ўта даҳшатли азоб билан жон таслим қилишяпти, - дейди Бенито. - Шундоқ қилмаса бўлмайди ҳам.







**ЁШЛИК**